

# ЁШЛК

12/90



Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
уюшмасининг  
органи

108  
Декабрь

Ойлик адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:  
Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Владимир ЖОНИБЕКОВ,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Ҳамид ИСМОИЛОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ,  
(масъул котиб),  
Олим ОТАХОНОВ,  
Азим СУҲОН,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Нурали ҚОБУЛ,  
Абдурашид ҚОДИРОВ,  
Усмон ҚУЧҚОР,  
Ғаффор ҲОТАМОВ,  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти



## БЎШАЛСА ЎЗАДИ ЎЗБЕКНИНГ ОТИ

\* \* \*

Биласанми, бўрилар  
Қандай увлайди  
Ойга қараб ҳасратли, узун.

Биласанми, қўрқоқлар  
Қандай қувлайди  
Нажот майдонига чопган мард изин.

Биласанми, мен ҳам  
Қандай қақшадим,  
Сени излаб кимлар билан яшадим.

Кўргандай бўлдим дўст  
Сўзида сўзингни,  
Қиз-жувонлар сиймосида юзингни.

Биласанми ўзингни  
Қандоқ изладим,  
Бағримни ковладим, тузладим.

Қаҳратонда бошпанасиз  
Тойчоқларнинг  
Тўниб қолган додлари тунни қандай бузади.

Турналарни соғинган  
Бола каби  
Бўзладим.

Биласанми, қандоқ йиғлашар  
Сени севганлар  
Ичаётган болларини оғу дея ўйлашар.

Биласанми,  
Қандоқ йиғлашар  
Сени севганлар!

Ичаётган  
Оғуларин  
Бол деб ўйлашар!

Ҳаёт асал деб,  
Ҳаёт бахт деб,  
Дуч келганга сўйлашар.

Қандоқ тиз чўкишар кексалар  
Жойнамозга,  
Дуога-

Нажот сўраб  
Илтижолар қилар  
Худога.

Қандоқ ўксинади  
Кўз ёшисиз  
Хасталар.

Ўлган парвоналар...  
Садоқатли  
Қурбонлар

Қайта ўлмоқ учун  
Келар  
Дунёга!

Биласанми,  
Сени қандоқ  
Изладим узок.

Музлагани каби  
Қўзичоқнинг  
Оёқлари.

Бўзлагани каби  
Онасиз  
Қўзичоқ.

Мен сени қандоқ топдим,  
Қовурғамни қўйиб юборди  
Темир тоғли қўллари алпнинг.

Афсус, сен фақат  
Излаганимни эмас,  
Биласан топганимни...

### ИЛИҚ ТУНЛАРДА

Эшак ҳанграйверар.  
Итлар ҳуради.  
Қарвонмас.  
Зилзила эмас.  
Наҳотки...  
Бу элнинг зўрлари писиб юради,  
Бор йўғи ўтмоқда бир тўда боди.

Қишлоқ ухлаб ётар,  
(малолли аҳ-вол!) —  
Элсиз қолган улкан мамлакат мисол.  
Бу ернинг зўрлари қайда юради,  
Эшак ҳанграйверар!  
Итлар ҳуради!

### Йўлдош Эшбек



Қайга кетган ўзи  
Тўмарис,  
Широқ,  
Сафарда ўлганми  
Алломиш,  
Темур,  
Кўкка ким боғлади  
Улуғ  
Бекни  
оҳ!  
Шоҳ!  
Рух!  
Қайда?  
Қайтар  
Қобулдан Бобур?!  
Ҳайрон қолган  
шалпанг  
қулоқ  
кучукми,  
ўйга толган  
отми,  
хўр-озми?  
Кимдир?  
Саратон бўлса ҳам  
нима учундир  
муштипар ўриклар  
титрайди дир-дир!



## Ўзбекнинг оти

(Едгор Обидга)

Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти  
«Алпомиш»

Қил арқонлар ботар оёқларига,  
Катта кўзларида элнинг фарёди,  
Душманлар киради туёқларига,  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Замин тош қотгандир, осмон темирдан,  
Юлдузнинг ниқоби булутдан қаттиқ,  
Бир садо бўлмади бекдан, амирдан,  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Доғланди Кўнғирот — Чибор боласи,  
Соғланди, тирилди ғанимнинг ёди,  
Боғланди дўст бўлган душманнинг насли,  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Сирпанди оёқлар, кўкка чоғланди,  
Чирпанди Қоражон, зил тиглар ботди,  
Қирланди сўқмоқлар, йўллар тоғланди,  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Душман бўлиб турса жигарга жигар,  
Дигар тўп йўлласса ғазабдан қотиб,  
Эгадан бир садо келсаю, агар  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Булутлар ордидан «қурриё» келса,  
Оғриқлар пинжида хаёл қаноти,  
Ҳайта, деб, тўрамлаб шамоллар елса,  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Пўлатни ёрмасми отнинг ноласи,  
Белинга, қўлингда кимнинг пўлоти?!  
Бизлар — ўзбекларнинг Едгор боласи!  
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти!

Аста сурилади паришон туман,  
Катталашиб борар қор қалинлашиб,  
Кўзларинг қисилган...  
кимни кутарсан —  
тушар қор ипига гўё илашиб.  
Кимдир бу заминдан ўкраниб излар  
бир ҳамдард,  
бир ҳамдам  
топмасдан дилтанг,  
Товонингга уриб  
бошини  
бўзлар —  
излар чўкиб борар бош чайқаб — аттанг!  
Аста сурилади паришон туман,  
Гарчи ёришмоқда  
оқармоқда кўк,  
Йўллар кўмилмоқда  
қандоқ қайтурсан?  
Йиллар чўкиб борар...  
асрлар — қирғоқ!  
Ортда ярқираган

қотиб қолган хоб.  
Олда юмшоқ қоғоз: «Сен — Ғам» ёзилдинг.  
Кўзларинг қисилган;  
(ёришган атроф)  
тушармикин қор ипига осилиб!

Ерилиб кетгудай елини  
Адрлар ортида безовта қўйлар  
...Эрганак олдида эриниб  
Қўзичоқ осмонни елин деб ўйлар,  
Ўйлар-да юрару кўп эран-қаран,  
Туради паришон оқ ойга қараб.  
Бу мовий осмоннинг четида оқранг  
Булутлар кўпирар ярқираб.  
Турар-да тамшаниб юрар у яна —  
Ёйилган совлиқлар — йироқ адрлар,  
Қулоққа хуш ёқар, сиғмай осмонга  
Бир тизим товушлар: «қирриё-қир»лар.  
Умр ибтидоси — ҳайрат юртида  
Хўрликлар зўридан холи маҳали,  
Билмайди, қўйлармас тоғлар ортида  
«Дўстлашар халоскор» бўрилар ҳали.

## Қадим оҳанглар

Шоберди бахшига

Осмондаги ойлара,  
Синиб оқар сойлара,  
Учиб кетдинг, қушгинам,  
Қўлим етмас жойлара.

Билиб-билиб кетдингма,  
Кулиб-кулиб кетдингма,  
Кета туриб дилимни  
Бўлиб-бўлиб кетдингма.

Осмондаги дарахтлар,  
Олтин гули чарақлар,  
Юлиб отдинг, ўчдимми  
Бу лдамда чироқлар?!

Қисирлайди шамоллар,  
Зиллолар ичирмайди,  
Ойни дилга томизиб,  
Офтобни кечирмайди.

Қисирлаган дарахтлар,  
Вужудимда алаҳлар,  
Юрагимда томири,  
Қайдан бўлсин фараҳлар.

Очилиб сўзламайман,  
Ҳар нега бўзламайман,  
Қисматни бахтим дедим,  
Бошқа бахт кўзламайман.

Дарахт гуллар — оҳлари,  
Юракдай япроқлари,  
Қизил-қизил ёнади  
Офтобнинг пичоқлари!

Сояси тушиб турсин,  
Хаёлинг учиб турсин,

Ночор ўзин бахтига  
Оғулар ичиб турсин!

Дунё — мусибатхона!  
Қаҳ-қаҳ отган, девона  
Ҳаётга соҳиб бўлмиш,  
Бахт бермиш бу жаҳона!

Толми, терак, арчани  
Севган кўпдир, барчадир.  
Учиб кетдинг қайларга,  
Айланиб Ер чарчади.

## Соғинч

Менга қараб  
титрайсан, дарахт,  
изғирин ўрамиш  
сенинг баргингни.  
Менинг куртакларим  
ичимда ўртанар,  
кўксимда тўлғонар,  
тешиб юборгудай  
бағримни.

\* \* \*

Ақл ўсиб борар юракдан баланд,  
Хавотир кўпроқдир қувончдан кўра,  
Режалар пинжида қисқин ўйлар банд,  
Ўсар туйғуларни мўлжаллар ўраб.  
Қарайман бургутлар айланар озод,  
Булоқлар биллурдан кўра жарангдор,  
Кечаги эгизак эртақ бугун ёт,  
Шеър айтмоқ уятдир, ишқий гаплар ор.  
Қаён кетаяпман сендан айрилиб,  
Менинг эркинлигим, менинг ёшлигим,  
Босиқ йўлларимда энди айру гул,  
Кечган дарёларнинг туби тошли, гум.  
Бу вазмин боғларга эртами кирдим,  
Бу ўйчан гулларга мен вақтли ошно,  
Мен сендан йироқлаб қачон улгурдим,  
Хур шахрим, ёшлигим, покликка ташна!  
Ҳарир туманларим — кўкиш эртагим,  
Эй, зилол дарёлар канори юртим,  
Ҳалол ўйинларим, улуғ эрмагим,  
Сўзана шамолим, қачон юз бурдим?!  
Эй, ёшлик умримнинг рангин жаҳони,  
Утарман то абад сувратинг чизиб,  
Сўғишдан қаттикроқ юрт ғалаёни  
Гарчи кўнглимиздан тургандир сизиб...  
Гарчи жигарларда кескир бир оғрик,  
Тенгдошлар кўзида маъюс куларсан,  
Гарчи вужудимдан йўл ўтар оғир,  
Ҳорғин тушларимга майин кирарсан.

## Ойнинг кулгуси

Менинг кулгим келаётир жуда ҳам,  
Жуда ҳам яйрагим келмоқда, қаранг —  
Ғалаба олдидан полвонда мубҳам  
Ғайрат қайнагандай — турибман аранг.

Бу давра жуда ҳам жиддий ва сипо,  
Яхшиси жим чиқиб кетганим маъкул.  
...Тирбанд йўловчилар гурунги аро  
Ваҳший қаҳқаҳамни босаман нуқул.

...Энг ички, энг четки хонамни қулфлаб,  
Порлоқ деворларга тикилиб туриб,  
Омадсиз полвондай юбордим «уф»лаб.  
Ҳей, кулгу! Кела қол энди гупуриб!

Силкиниб кела қол, ҳей далли истак!  
Силкиниб-силқиниб келасанми ё?!  
Бу шифтлар пастакдир, бу осмон пастак,  
Баландлаб-баландлаб учар бўлсанг о!

Бу зотлар майдадир — сиполар майда,  
Сенсиз юраверса... — ҳурга ўхшайсан!  
Сен балки танбурда! Сен балки найга  
Айланмаган қамиш ичра яшайсан!?

Уларнинг ҳолига тушдимми?! Наҳот —  
Хабар бериб келмай қўйган меҳмондай  
Кутдирдинг, эй қисқа — эй узун ҳаёт!  
Эй, сафо ғалаён, эй вазмин ҳаё!

Сенинг лутфингга зор бўлмаган зот йўқ,  
Дарахт йўқ, замин йўқ, гул йўқ ҳеч қачон!  
Сенинг лутфинг билан мағлуб бўлар ўқ,  
Сенинг лутфинг билан тозадир осмон!

Чироқни ўчириб, кўзим юмаман,  
Манглайда сезаман меҳринг, қўлингни.  
— Хуш келдинг!  
Хонамни нурга кўмасан!  
Ҳеч ким тўсмадими йўлингни?!

Э, уйқу қаёқда!  
Нимага жимсан?  
Нечун сен сукунат шаклида, кулгу!  
Қани, бир ҳайқиргин!  
Шодликми, кимсан?  
Қани бир шарқира! Э, озод туйғу!

Сен билан ўйинга тушсин деворлар,  
Ташланиб-ташланиб майлига кулсин!  
Қўшнилари уйғонсин!  
Ҳур сайёралар  
Ешланиб кўзлари ёғдуга тўлсин!

Менинг кулгим келаётир жуда ҳам,  
Гарчи адо бўлганим йўқ ғамлардан.  
Олам сенинг зарбларингдан титрасин!  
Фориғ бўлсин сенга муҳтож дамлардан!



Гулнора Раҳмонова



Гулноранинг асли касби — расом.  
Айни пайтда шеърлар ҳам ёзади. Сув-  
ратларида шеъррий рух, шеърларида эса  
ранггин манзара устувор.  
Ҳозир у «Сихат-саломатлик» мажал-  
ласида ишлайди.

**Қишлоқни соғиниб**

Кўрмадим қишлоқнинг неча ёзини,  
Кўрмадим баҳорин, камалакларин.  
Соғиниб яшадим наврўзин узоқ,  
Момогул янгамнинг сумалакларин.

Менинг йўқлигимга кўникди қишлоқ,  
Менсиз тотди алам, ғамини.  
Кўнгил сўролмадим — қайтмади ҳарбдан  
Аскар ўғли Икром тоғамнинг.

Келолмадим ҳорманг дегали,  
Менсиз битган уйлар кечирсин.  
Тинглолмадим ўлан-қуйларни,  
Менсиз ўтган тўйлар кечирсин...

**Тушимдаги йигитга**

Тушларимга кириб қийнайсан мени,  
Кўнглингни оғритиб, кимларни кутдим?  
Йигит, кўзларингда дунёча дардинг,  
Сен кимсан? Мен сени қандай унутдим?

Мени кўриб оқ либосларда,  
Ениб қўшиқ айтган сенмасми?  
Ўз бағрингни ўзинг поралаб,  
Армонли олқишга ботган сенмасми?

Бўялдингми ранглар қонига, эсиз,  
Гоҳ сени сезмасдан ёнингдан ўтсам,  
Кўксингни чангаллаб чекдингми оҳлар  
Бегона кўлимдан етаклаб кетса?..

Соғинчингни тишингда тишлаб,  
Оловли осмонга учиб кетдингми?  
Тортиб ололмайин мени қисматдан,  
Орзу-умидлардан кечиб кетдингми?

Тушларимга кириб қийнайсан мени...

**Қиш. Айрилиқ**

Тикан сим ортида оч, мағрур асир  
Ор қилгандек тиламоқдан нон  
Мен ҳам меҳр кутмай собит тураман,  
Сен билан кетади бор илинж-имкон.

Оғриқларга дўниб боради соғинч,  
Бу алам зарбидан ирода карахт.  
Қорга бурканади изғиринли тун  
Муҳаббат — бемаҳал гуллаган дарахт...

• • •

Мен қаро кўзларингни  
Меҳр-ла ўхшатиб чизаман.  
Кўксимдан жўшган зўр ҳайратни  
Бўғзимда тўхтатиб, чизаман.

Гоҳ ишониб чизмишларимга,  
Гоҳида ўчириб, чизаман  
Сенинг кўркам бўйингни мангу  
Юракка кўчириб чизаман.

Сўз йўлини йиллар тўсади,  
Чизаман, чизгилар — сўзларим.  
Исо хочга михланган каби  
Расмингга михланар кўзларим...

**Йўқолган Ватан**

Қаршидаги қўшни эшикка  
Суянганча жажжи қаламқош,  
Пойида нам тортган этикча,  
Бўзлаб-бўзлаб тўкар эди ёш:

— Жон ойижон, эшикни очинг,  
Оёқларим совқотаётир.  
Қўрқиб кетаяпман, ойижон,  
Ташқарида кун ботаётир.

— Қора кўзим, йиғлама, гапир,  
Онанг бунда меҳмонми, дедим.  
— Йўқ, холажон, уйимиз ахир,  
Эшигимиз шунақа эди...

Бир хил симёғочлар, бир хил соялар,  
Бир хилдир эшиклар юзида чарм.  
Бунчалар ўхшаш-эй, пиллапоярлар,  
Уйинг, қандай топиб берай, жигарим?

Бир овозда сайрар кўнғироқ — қушлар,  
Эшиклар очилиб-ёпилади жим,  
Гоҳ ачиниб, гоҳо ҳайрон боқишар,  
Қизалоқни эса танимас ҳеч ким.

У ҳамон бағримда йиғлар энтикиб,  
Аралаш жаранглар ғаройиб куйлар.  
Минг битта кўзини баравар тикиб  
Бошимда айланар кўп қават уйлар...



# ЎШЛИК

## Драматик қисса

Ҳовли...

Беором қишлоқ. Гавжум кўча бўйи. Хонадон. Оппоқ пахтазорлар қишлоқни қуршаб олган. Қишлоқ айни кўпириб мавжланиб ётган уммон бағрида чўкиб бораётган оролни эслатади.

Қишлоқ маркази, сарбозор майдони.

Майдон теварагини турфа дўконлар эгаллаган: қишлоқ Шўросининг биноси, колхоз идораси, тагин баъзи маҳкамачалар ҳам шу ерда жойлашган.

Сарбозор майдонининг кунботар тарафи дарахтзор.

Дарахтзор қўйнида катта бир мактаб бор. Эрталабдан то шомга қадар мактабдан болаларнинг шодон шовқини, оқшом маҳаллалари эса дарахтзордан қушларнинг — чумчуқлар, майналар, қарғаларнинг сурони қишлоқ узра баралла эшитилиб туради.

Тунлари тракторлар, оч бўрилар галаси бетиним увлагани янглиғ, тинмай тариллайди: тонгга яқин тракторлар ўкириғи хўрозларнинг қичқиригию челақлар дараңлаши... каби асабий товушларга қўшилиб қоришиб кетади — туну кун, қишин-ёзин аҳвол шу.

...Ҳовли.

Чошгоҳдан кейинги пайт.


Ҳаво иссиқ.

Ҳовлида ҳеч ким йўқ.

Рўпарадаги уй томига ишком тортилган. Ғуж-ғуж узум шингилларини қорақуя босган. Улар нимаси биландир илвиллаган юракка менгзайди. Ишком остида хонтахта. Хонтахта устида ёпинчоқ кийгизилган хумчойнак, дастурхон, тўнтариглиқ пиёлалар ҳамда уч-тўртта олмаю икки-уч шингил узум солинган баркаш.

Ишком чеккасида, супа адоғида тепа шохлари қуриган бир туп кузаки олма. Ғарқ пишган. Уқтин-ўқтин олма тўпиллаб ерга тўкилади. Олма танасига с а к р а т м а и п илиб қўйилган. Тепароқдаги бир шохда чарм қ ў л қ о п, қум тўлдирилган чоғроқ х а л т а. Томига ишком тортилган уйнинг эшиги, деразалари гумгурс ёпиқ. Уй деворининг тепароғига осиглиқ эскигина радио, ҳализамон рўй берадиган даҳшатли бир портлашдан огоҳ қилаётгандек, аҳён-аҳёнда хириллаб-қиртиллаб кўяди.

## Нортўхта Қиличев



Ғирчиллаб дарвоза очилади.

Ногоҳ эгасининг ҳидини олгандек, уй ортидаги боғдан Зийрак шодон ҳуради.

У л м а с шипиллаб ҳовлига кираётиб, беихтиёр кафтига мушт урган кўйи, тўхтаб қолади. Эгнида калта энгли оппоқ кўйлак, қора шим. Сочи силлиқ таралган. Кийимлари озода. Унинг чақмоқдек жуссасидан шиддат ёғилиб тургандек туюлади. Негадир кўзлари безовта чақнаб, ён-верига алланечук хавотирли аланглайди...

Улмас бўйчан, соғлом, довурак ва тенгдошларига нисбатан хийла мулоҳазакор, лекин хиёл хаёлпараст ўспирин. Яқин-яқинларгача отасини фақат яхши кўришини биларди. Энди... энди эса бу ўтлуғ туйғуга ҳадикми, масъулиятгами хос бир ҳислар ҳам айқашиб кетган. Бунинг ҳаммасига бот-бот онасининг панду насиҳатлари, таъкиду таҳдидлари сабаблигини ўзи яхши билади. Онаси бир гал насиҳат қилаётиб, битта ривоят сўйлаб берган: эмишки, қирчиллама бир йигит ноҳос оёқдан, тилидан қолиб, қийнала-қийнала жон таслим қилибди. Ниҳоят, у кафанлаб бўлингач, маҳалла оқсоқоли онадан сўрабди:

— Марҳум ўғлингиздан ризомисиз?

— Йўқ, рози эмасман,— дебди она.— Уғлим бозордан харид қилиб келган нарсаларини яккаш хотинига кири-тиб берарди. Шунда менинг юрагим оғрирди. Мен онаман ахир!.. Мана, ўғлим феълига яраша ўлим топди. Энди у дунёда Худойимнинг ўзи жазосини берсин.

— Бўпти,— дебди оқсоқол.— Модомики сиз гуноҳидан

кечмас экансиз, у дунёда то қиёматга қадар ўғлингиз дўзах ўтида ёниб, дош қозонда қоврилиши керак. Яхши-си, ҳозир ўзимиз бу дўзахийни кўз олдингизда гулханда ёқиб, жазосини берамиз. Токи юрак оғригингиз барҳам топгай. Ахир, сиз — онасиз.

Ана шунда она дод солиб йиғлабди:

— Кечдим... ўғлимнинг гуноҳидан кечдим! Уғлимнинг жасади озор етказмай тупроққа топширинглар? Розиман... мен розиман.

...Улмасжон, шўхлигингни, ўйинқароқлигингни мен кўтараман, мен кечираман — онангман мен. Лекин отанг... Отангнинг феълү атворлари менга маълум: агар гуноҳ қилиб қўйсанг, кечирмайдилар... Дейдиларки, отанг уйда бўлса, томга чиқма — отанг бошида юрган-дек туюласан — отанинг кўнгли қаваради. Тушунаяпсанми, оғрийдигина эмас, отанинг кўнгли ҳатто қаварар экан! Уқдингми?... Сен ҳар жиҳатдан отанг ният қилганларидек бўлиб вояга етишинг керак, жоним болам!... Ота... Билади: кўпда болам-бўтамлаб бағрига босавермасам ҳамки, жуда яхши кўради отаси. Нимани сўрама-син, то топиб бермагунча тинчимайди. Бир куни, отасига: Тагорнинг «Ҳалокат»идан ҳам «Хонадон ва жаҳон»и зўр эмиш. Уқимоқчиман, лекин тополмаяпман, деди. Бирор ҳафталардан сўнг, ота Бухородаги катта йиғинга жўнаб кетдию, ўша ёқдан бир қоғоз халтани тўлдириб, Тагорнинг китобларини кўтариб қайтди. Кейин: тўғри қиласан, китоб ўқиш керак, ўқиганда ҳам роса мағзини чақиб ўқиш керак. Фақат шу... радио ишқивозлигингни йиғиштирсанг бас, ўғлим, деган эди.

Аммо, ота ният қилган фарзанддек бўлиб тезроқ вояга етиш кўп қийин шекилли. Дафъатан отасини кўрганда, шоҳида иллоти борнинг туёғи зирқирайди, деганларидек, пинҳона ҳайқиброқ туради. Нима қилсин, радио ишқивозлигидан ҳеч воз кечолмаяпти: дилу жони шу! Кейин, радио ишқивозлиқдан кўзлаган бошқа бир муҳим муддаоси ҳам бор.

Ҳа, онасини бениҳоя яхши кўради. Онасининг касаллигидан мудом ўртанади. Шу боисдирки, ҳамиша кимлардандир ўч олишни ўйлаб юради. ...Мана, айна шу кезде боплаб ўч олгани чоғланяпти.

Зийрак боғ тарафда ўйноқлаб хураверади.

Улмас эса тажангмамо чимирлиб, шитоб супа сари бораверади.

Анвар нечундир таҳликаланиб қақирганча, югуриб ҳовлига киради. Унинг ҳам эғнида оппоқ кўйлак, қорғим. Лекин... сал кийимлари кўримсизроқ. Почасига бандак қадалган.

У — Улмаснинг синфдош дўсти. Етимча.

Анвар у кезларда жуда ёш бўлган эса-да, ҳамон яхши эслайди: онаси қон қуса-қуса жон берган. Кўз ўнгида!.. Ушандан бери аламзада. Ушандан бери кўпларни ёмон кўради.

Аммо, отасига ачинади, раҳми келади. Отасининг юзлари ажин-бужин, қўллари ғадир-будир, кетмон эзворгани учунми, елкаси ҳўккайиб чиққан. Гоҳо отасининг бечоралигини ўйласа ёки худди куни кечагина қазо қилгандек онаси хаёлида гавдаланганда баттар алами кўзийди. Бироқ мулоҳазакорлигу мутелик хийла қўрқоқ қилиб қўйган.

На чора!..

...Таажжубки, аламлари хуморини хиёл ёзиш чораси топилганда, мана, тайсалламоқда.

АНВАР.— Кўзлари жавдираб, шикаста кулимсирайди.— Улмас?... Жўражон?!  
УЛМАС.— Шартта бармоғини лабига босади.— Жим!.. Нима дейсан?

АНВАР.— Шивирлаб сўрайди.— Ш у н д о қ

к у н д а ш а р т м и ш у ? Бир ўйлаб кўр, жўра?!  
УЛМАС.— Ёнверига олазарак кўз югуртиради.— Секинроқ! Онам уйда бўлишлари керак, эшитиб қолмасинлар... Х у д д и ш у б у г у н а м а л г а о ш и р и ш и м и з к е р а к б у и ш н и !  
Тушунсанг-чи?  
АНВАР. Кейин... отанг балога қолиб кетадилар-ку!  
Кўрқмайсанми?..  
УЛМАС.— Отам?... Отам мендан хафа бўлишлариям мумкин, агар мени тўғри тушунсалар, хурсанд бўлишлари керак. Лекин... отам балога қолиб кетмайдилар — ҳамма айбни ўз бўйнимизга оламиз... Келишандик-ку: б у и ш и м и з — б у г у н г и т а н т а н а г а с о в ғ а м и з б ў л а д и . Тўғрими?... Нега индамайсан!  
АНВАР. Тушуниб турибман. Ахир, бу фикр ўзимдан чиққан-ку! Лекин... Сенга нима десам экан?..  
УЛМАС. Нима, айнидингми?... Бормоқчи эмасмисан? Нега бунча чайналяпсан?!  
АНВАР. Отанг баджаҳл одам, жўра.— Янаям мутеёна кулимсираб, унинг кўнглига гулу солмоқчи бўлади.— Сен чеккада қолиб, мени савалашлариям мумкин-да!..  
УЛМАС.— Илқис уй томон безовта назар ташлайди.— Секинроқ-э! Бунча бақирасан!..  
АНВАР. Кўрқаверма, онанг, уйда йўқлар шекилли. Бўлганларида аллақачон чиқардилар.  
УЛМАС. Бўпти! Бормасанг — борма.— Тағин баланд супа томон жилади.— Б и т т а ў з и м х а м м а с и н и б и р ё ғ л и қ қ и л и б қ а й т а м а н . Кўрасан!  
АНВАР.— Ғингшиниб изидан эргашади.— Эй, менга қара, Улмас! Ахир, сен гапирчоқ тузатаяпсан-ку, жўра?  
УЛМАС. Тузатсам-чи?  
АНВАР. Ушани ишга соламиз-да!  
УЛМАС. Анвар, писмиқсан, жўра!...— Қўл силтаб, тагин нари юради. Тагин тўхтади.— У з и м и з . . . ў з қ ў л и м и з б и л а н к у н п а к у н қ и л и ш и м и з к е р а к ! Тушунаяпсанми?... Ҳайронман, нега бирдан айниб қолдинг. Угай онангдан кўрқаяпсан-а?  
Нохос дарвоза тарақлайди.  
Бейхтиёр ҳар иккаласи барабар яширинмоқчи бўлади. Лекин дабдурустдан панароқ жой тополмай, ҳар иккаласи ҳам саросималаниб қолади. Орадан ҳаял замон ўтмай, ҳовлига чопқиллаб Ш о д и ё р к и р а д и . Бошяланг, оёқяланг. Эғнида туси ўчиб кетган кўйлак, чийбахмал иштон. Аллақандай ўлимтик бир қушни икки қўллаб ушлаб олган. Шодийёр эсарироқ ўспирин. Унинг ёши нечадалигини дафъатан айтиш маҳол. Қишлоқдаги хоҳлаган хонадонига худди шу йўсин бемалол кириб келавериши мумкин. Ҳеч ким бунга ажабланмайди.  
ШОДИЁР.— Ҳовлида қуяндек елиб айланаркан, хушнуд қийиради.— Улмас!.. Ҳўхўй, тутиб олдим!.. Улмас!.. Қақира-ку!.. Бунга кўрдингми?... Кар-каррр! Ана, кўриб қўй!..  
УЛМАС. Шодивой, қанақа қуш у? Кўкқарғами?... Бу ёққа келсангчи-е!.. Шодивой... Шодийёр!  
ШОДИЁР.— Унинг рўпарасида тўхтаб, қўлидаги қушни кўз-кўзлайди.— Тутиб олдим. Олақарға!  
УЛМАС. Бекорларни айтибсан!..  
АНВАР.— Ҳаяжонланиб қўл чўзади.— Кўкқарға-ку! Вуй!.. Қаердан тутиб олдинг, Шодивой?  
ШОДИЁР.— Қушни бермай, ирғишлайди.— Ёвондан... Етти гектарликда... Пахта сосяда ётган экан. Қанотларини ёзиб!..— Ихтиёрсиз равишда қўлларини ёйиб юборади.— Мана бундай!..

Кўқарға тўп этиб ерга тушади. Жонсарак қуш базўр қанотларини қимирлатиб, оғир-оғир нафас олади.

УЛМАС.— Кафтига қушни қўяди. Қанотлари остига синчиклаб қарайди.— Яраланмаган. Шодивой, қушинг ўлапти-ку! Анвар, кўрпясанми?..

ШОДИЕР.— Кескин бош чайқаб, билагига бурнини артади.— Улмайди!.. Улмас, ўлмайди у.

АНВАР. Улади. Заҳарланган бўлса керак.

УЛМАС. Албатта-да!.. Биласан-ку, кўқарға биз томонларга келмай қўйган. Адашиб келиб қолган бу жоввор.

ШОДИЕР.— Улмаснинг қўлидан юлқиб кўқарғани олади.— Улмайди!.. Нон бераман. Сув бераман. Кейин учиб кетади.— Хафахол дарвоза томон юради.— Улмайди... Улмас, ўлмайди бу, ўлмайди!..

Ҳар иккаласи ҳам бир муддат унинг ортидан ўйчан қараб қолади.

УЛМАС. Биласан-ку, Шодивойнинг отаси дефолиация пайти байроқ кўтариб турадиган байроқчилардан. Анвар, кўрдингми?.. Энди тайсалланмассан ахир?!

АНВАР. Тайсаллаётганим йўқ, жўра... Отамдан ҳам, онамдан ҳам кўрқаётганим йўқ. Онам ўгай бўлсаям яхши... Мен... бирдан ҳаммаёққа шов-шув тарқалишдан, кейин ота-онамиз ҳам маломатга қолиб кетишдан хавотирдаман, жўра. Ҳазилакам ишми ахир?!

УЛМАС. Хотиржам бўлавер: биз учун ота-онамиз жавобгарликка тортилмайди — бугундан бошлаб ҳар бир қилмишимиз учун ўзимиз жавоб берамиз.

АНВАР. Буёғи тушунарли. Лекин... кейин бўладиган шов-шувлар-чи?!

УЛМАС. Шов-шув бўлиб кетса, янаям яхши-да! Пичоқ суякка бориб қадалган лигини юқоридагилар ҳам билдиб ўйишади. Тўғрими?

АНВАР.— Тагин зўраки кулимсираб, энса қашийди.— Жўра!..

УЛМАС.— Ҳафсаласиз қўл силтайди.— Қўй, Анвар!.. Лекин мендан ҳам кўра сен кўпроқ ўч олишинг керак, жўра. Каллангни ишлат!

АНВАР. Бўпти!.. Бирдан мотамсаро тумшайиб, дўстининг кифтига туртади.— Бор, тез бўл. Ҳали анави тантанага ҳам улгуришимиз керак.

УЛМАС. Гап бундоқ бўпти-да жўра!

Улмас шитоб билан супага кўтарилиб, уй биқинидаги тор йўлакдан боғ томон ўтиб кетади.

Тагин Зийрак шодон ўйноқлаб ҳуради.

Анвар жонсарак кўқарғага ачинибми ёки дўстининг: мендан ҳам кўра сен кўпроқ ўч олишинг керак, деган аччиқ гапи таъсиридами, янаям алами ўртаб, ёнверига хомуш кўз югуртиради. Тобора нохуш нималардир ёдига тушаётгандек қаҳрчан чимилиб, секин олма ёнига боради. Ерда сочилиб ётган олмалардан бирини олиб, кафтига артади, емоқчи бўлади, лекин қурт тушганини кўриб, дарахт тагидаги челақка ташлайди. Тўнғиллаб сўкинади. Сўнг, тўғри қилаяпмиз, деб ўйлайди: аллақачон шундай қилишимиз керак эди!..

Ногоҳ радио бир тўнғиллаб, хириллаб қўяди.

Анвар беихтиёр чўчиб, радиога қарайди. Кейин, олма шохига осиглиқ чарм халта томон яқинлашади. Боплаб зарб ургани чоғланиб, кескин қўл ниқтайди, аммо мушти нишонга тегмай, дабдираб кетади, пешонаси халтага урилади. Ва, аллатовур бош чайқаб, хижолатангиз кулимсираган қўйи, манглайини сийпалайди.

Шу пайтда боғ томондан Улмас велосипедини етаклаб

чиқади. Қўлида ихчамгина мисранг, болғача, омбур кўринади.

УЛМАС. Ма, буларни хуржунга сол. Имиллама; Кечикаяпмиз.

АНВАР.— Унинг қўлидан усқуналарни олади.— Хуржунда булардан зўроғи бор-ку!..

УЛМАС. Солиб қўявер. Керак бўлиб қолар.

АНВАР. Улмас, агар бир бидон керосин олвоганингда эди, янаям зўр бўларди, жўра.

УЛМАС. Керосинни нима қиласан?

АНВАР. Нима қилардим — биратўласи олов берворардик-да!

УЛМАС. Зўрсан-ку, писмиқ!— Негадир тўхтайтиди. Кейин тўхтайтиди. Кейин, ўйчан бош чайқайди.— Йўқ... Ҳозирча ўт қўймай тураммиз.

АНВАР.— Мазнодор оҳангда таъкидлайди.— Ҳозирча!..

УЛМАС. Яшавор-э, жўра!— Шартта қўл чўзади.— Таша!..

Шарақлатиб қўл ташлашгач, икки жўра шошилинич ҳовлидан чиқиб кетади.

АНВАР.— Таҳликали овози кўчадан эшитилади.— Ана, Улмас, онанг! Сарбозор томондан келаяптилар.

УЛМАС.— Беихтиёр хавотирли ҳуштак чалвориб, кескин буюради.— Бур орқага! Қўйи кўчадан ҳайда! Ҳайда!..

## II

Дилором, гарди рўмолга тугилган бир қучоқ пахтани кўтариб, ҳовлига киради...

Дилором касалманд. Аммо, қаққон хатти-ҳаракатини кўрган одам унинг касаллигига дафъатан ишоналмайди. Еши... Қирқларда, лекин кўринишидан аллақачон элликини оралаб қўйганга ўхшайди: ранги заҳилтоб, юзлари серажин, қўллари қоқшоқроқ, томирлари бўртиб-бўртиб чиққан, кўзлари... шапоқлаган чарос кўзларида туганмас бир ҳасрат беқўним изғийтгандек, бурнининг учи эса ҳаммиша қизариброқ туради: гоҳо эшитиларсиз ихраниб, ярадор кучук битмас жароҳатини устма-уст чингсиб ялагандек, негадир бағрини силаб-сийпайверади.

...Дилором хонтахтадан беригаги шолча устига пахтани қўяди. Энтикиб нафас олган кўйи, бағрини сийпалайди. Нимчасини ечиб, девордаги миҳга илади. Нимчаси чўнтагидан бир ҳовуч дори чиқариб, кўрпача остига тикади. Сўнг, алланимадан хавотирланаётгандек осмонга кўз югуртириб йўлакай битта дармондорини лабларида қимтиганча, хонтахтага яқинлашади. Чойнак ёпинчоғини олиб, пиёлага чой қуяди. Хўплайди. Тамшаниб, афтини бужмайтиради. Сўнг яна ёпинчоқ билан чойнакни бостириб қўйгач, пиёлани боягисидек тўнтариб, уйга кириб кетади. Ҳаял ўтмай, қўлида иккита савағич, елкасида кичикроқ бир гулдор сочиқ, қайтиб чиқади. Ҳаво иссиқ.

Кўрпачага чордана қуриб, қарғашойи рўмоли учларини елвағай ташлайди, энгларини шимаради, сочиқ билан елпинади, юзидаги терни артади, кўзларини сийиради. Жимжитлик. Ногоҳ жимжитлик аро элас-элас бир ингроқ товуш қулоққа чалина бошлайди. Дам сусайиб, дам зўраётган бу ингроқ товуш олис-олислардан таралаётган мунглиғ бир аллага ҳам чолим беради. Дилором ҳайронсираб, тек қотади: ёпирай, ким бўлди йканбу?.. Нима учун?! Ингроқ товуш эса қўшни ҳовли томонда гоҳ сусайиб, гоҳ зўраяверади. Кейин, ушбу сас тобора хаёлини банд эт-



ган кўйи, Дилором рўмолини ечиб, пахтани ёяди. Савағичларни олиб, нечундир дарғазаб кепатада пахта савай бошлайди: гуп-гуп! Гуп-гуп!..

Савағичларнинг гуп-гупию, дам сусайиб, дам зўрайиб таралаётган инғроқ товуш ушбу ажабтовур жимликни янаям асабий, янаям дилтанг туюлтираверади. Дилором беихтиёр уф тортиб, савағичларнинг гуп-гуп товушига мос ҳазин оҳангда секин куйлай бошлайди:

Савағичлар пешонамни ёрадир,  
Бечорага чорасизлик чорадир.  
Билмам нечун кўнглим бугун порадир,  
Дод дастингдан фалак,  
Бедод дастингдан фалак!..

Туйқус кўшни ҳовлидан — мулла Зайниддин хонадонидан аччиқ-тизиқ гаплар узук-юлуқ эшитилаверади. Дилором сергак тортиб, донг қотади. Савағичларни кўяди. Сўнг, аста бағрини сийпалаганча, ихтиёрсиз қулоқ солади.

ОВОЗ. Фотима кампирники. — ...йиғла! Ер уриб йиғла!... Бу ёруғ дунёсидан бетирноқ ўтиш пешонамга битилган бўлса, не қилай мен?! Ут тушсин депалассиясига! Узим аламзадаман-ку! Мен дарду додимни кимга айтмай!

Илкис қудуққа челақ туширилгандек гумбур этган бўғиқ бир товуш қулоққа урилади.

...Аслида Раҳмиддинбойим бадбахт экан. Ҳа, бадбахт экан. Бўлмаса шу жир битмасга кўшилармиди қисмати?! ОВОЗ. — Мулла Зайниддинники. — Бас қил-э, ноинсоф! Келин бечорада не айб? Депалассия ҳам кўпга келган тўй ахир! Эшитган биров нима дейди?

ОВОЗ. Деса ундан нари! Ким бугун мендан кулса, эрта ундан эл кулади. Депалассиядан ҳеч ким менинг лавашанг келинимга ўхшаб куйгани йўқ... То ҳануз орқам очилмасин, деб, этагимни торта-торта ёқавайрон бўлдим-ку! Етар!.. Раҳмиддинбойим тенгилар аллақачон кўша-кўша ўғил кўриб, ана, тўй устига тўй беришаяпти элга. Эрта бир кун тўй-ҳашамда бирорта писмиқ ошнасиди олдига муштдек суюқ кўйиб кетса, кейин ўғлингиз кўча-кўйда қандай бош кўтариб юради — буёғини ўйлайсизми сира?! Айтинг, берсин келиннинг жавобини!

ОВОЗ. Чакагингни ўчир-э, иймонсиз! Қизларингни ўйласанг-чи, ноинсоф, сен ҳам онасан-ку, ахир!

ОВОЗ. Қизларининг уч-тўрттадан боласи бор. Ўғлим бечора тирноққа зор. Ҳа, мен онаман — ўғлим учун ёнаман. Ҳа!..

ОВОЗ. Бас-э, тилинг танглайингда қотгур! Келин боёқиш ўзи бола ғамида қоврилиб ётсаю, сен мияси айниган кампир... Ҳе ўша!

Бирдан челақнинг даранглаб юмалаб кетгани эшитилди. Дилором чўчиб тушади. Шартта қўлига савағичларни олади. Аммо, бир фурсат хомуш қолади. Кейин, хафахол, хаёлчанлик билан ишга урнади.

Бир маҳал, секин ғичирлаб дарвоза очилади. Улмас, велосипедини кўтарган кўйи, оёқ учида юриб, ҳовлига киради.

Уч-тўрт одим отиб, таққа тўхтаб қолади. Ортига қайтмоқчи бўлади, лекин иккиланади: н и м а қ и л и ш к е р а қ ? . .

Алланимадан бениҳоя ҳаяжонда: кўзлари бежо чақнайди... Юзлари қизариб-бўғриқиб кетган. Қўлларию кийимларининг у ер-бу ерида лой ҳамда қорамой юқи қотиб қолган. Пешонасида, бурни учида тер резалари ялтиради. Кийимларига сувми, нимадир сачраган: ҳўл,

шимининг почаси, тиззалари эса шўрлагандек оқариб кўринади.

...Ниҳоят, бир қарорга келгандек, Улмас аста боғ томон жилади. Аммо, икки-уч қадам юрар-юрмас, тагин беихтиёр ҳайқалдек тек қотади.

ДИЛОРОМ. — Ихраниб қоматини тиклайдию, нигоҳи ўғлига тушиб, таажжубланади. — У л м а с ? ! . Сен... мактабда бўлишинг керак эди-ку, қаёқдан келаяпсан? Улмас велосипедини ерга қўяди. Хўрфинади. Қўлга тушгани нашъа қилаётгандек иштиёқсиз кулимсирайди. ...Тилингни ютвордингми, гапир!..

УЛМАС. Мактабда...

ДИЛОРОМ. Бугун мактабда катта йиғин бор, деган эдинг-ку? Е яна бирор шумликни бошладингми, а? — Даст ўрнидан туриб, ўғли томон яқинлашаверади. Унинг кийимлари кирланганлигини кўриб, аллатовур ваҳимага тушади. — Нима, болалар билан уришдингми-ё? Урди-ларми? Гапир ахир!

УЛМАС. Йўқ... Мактабга кетаман ҳозир. — Велосипедини етаклаб, илдам боғ томон юради. — Ҳали йиғинимиз бошлангани йўқ.

ДИЛОРОМ. Шошма... шошма, Улмас!.. — Йўлни тўсади. — Нима учун кийимларинг бунақа кир бўлиб кетган? Ахир, эрталаб топ-тоза кийиб кетувдинг-ку!.. Валасипеди орқасидаги анави темир ускуналар кимники? Қаёқдан олдинг уларни? А-а?!

УЛМАС. Узимизники... булар ўзимизники, она. Кийимларинг?... Гуноҳқорона кулимсираб, кифт учирадию, чаққон четланиб, боғ томон ўтаверади. — Она, сиз хавотирланманг!..

Дилором ҳовли ўртасида серрайиб қолади. Қўли билан эса бағрини сийпалайверади.

Боғ томонда Зийрак, Улмасни кўриб, одатдагидек ирғишлаб ҳура бошлайди.

Кўчқор баарайди. Хиёл фурсатдан сўнг, Улмас ҳовлига қайтиб киради.

ДИЛОРОМ. — Тагин ўғлининг йўлини тўсиб, — кўзларига қадалиб тикилади. — Ахир, бундай тушунтириброк гапирсанг-чи — қаерда эдинг, нима учун уст-бошинг бундай абгор?..

УЛМАС. Она, сиз буларга парво қилманг. — Эгнига ишора қилади. — Булар... бу... шўр сув... қўлоб сачради. Бугун пахтадан қайтганимдан кейин, кечқурун ювиб-тозалаб қўяман.

ДИЛОРОМ. Ахир, эрталаб мактабга пиёда кетувдинг-ку! Йиғинга бормай, қаёқларда изгиб юрдинг?

УЛМАС. Она, мен... мен... Онажон, биласиз-ку, ёлғон гапиргани кўрқаман. Узингиз мени шунга ўргатгансиз... Сиз ҳозир мени ёлғон гапиришга мажбурламанг. — Ёлворгандек қўл қовуштиради. Кейин, шартта бурилиб, ювғич томон юради. Онасининг койишини эшитмаётгандек, қум тўлдирилган чарм халтага икки-уч марта қойилмақом зарб уради. Бирдан бир неча олма тўпиллаб ерга тўкилади... Кўйлагини ечиб, олма шохига илади. Кейин, негадир кўксига, мушакларига, қорнига гурс-гурс мушт ургач, олқиндини олиб, шошқин ювина бошлайди. — Она, кейинроқ ҳаммасини ўзингизга айтиб бераман. Хўпми?

ДИЛОРОМ. Одамни ўртамай гапир — нимани кейин айтасан ахир?

УЛМАС. Қаёққа борганимни, нима иш қилиб қўйганлигимни — ҳаммасини! Кўраяписиз-ку, онажон, ҳозир шошиляпман. Йиғинга етиб боришим керак.

ДИЛОРОМ. Ҳой, бола!... — Баттар жаҳли кўзиб, кўрсаткич бармоғи билан ҳавони чопқилайди. — Биласан, ўзим зўрға юрибман лекин... Юрагимни ёрма менинг. То нима иш қилиб қўйганингни айтмаганингни, ҳовлидан чиқмайсан!

УЛМАС. Хўп, онажон, хўп.. — Ниҳоят, ювиниб бўлгач, сочиққа артинган кўйи, кўйлакни елкасига ташлаб, илдам уй томон юради. — Олдин сал одамга ўхшайин бундай. Майлими, она?

ДИЛОРОМ. Сен кўп қонимни қайнатма, бола! — Бесабр деразага яқинлашади. Деразани очади. — Улмасжон, юрагимни сиқма, ўғлим. Қаерга бориб келганини, нима иш қилиб қўйганини айт... айт менга, ўғлим?

УЛМАС. — Ўзи кўринмайди. Овози эшитилади. — Қирга бориб келаяпман. Бўлдимми?

ДИЛОРОМ. — Таажжуб аралаш қаҳр билан кафтини қоши устида соявон қилиб, бош чайқайди. — Қирга?! Шунча узоққа-я?! Дарс пайти Қирда номаъқулнинг ноини едингми, а?!

УЛМАС. — Ҳамон ўзи кўринмай, овози эшитилади. — Она, эсини еб қўйган болага ўхшайманми сира?

ДИЛОРОМ. — Сен бола... Эсингни еб қўймаган бўлсанг, дарсдан қочиб, шундан шу ёққа борармидинг. Айт менга, Қирда нима иш қилдинг?!

УЛМАС. — Калта энгли оппоқ кўйлак, қора шим кийиб, сочини тараганча, уйдан чиқади. — Агар бордию бугунми-эртами мени жиннига чиқариб қўйишса, асло ишонманг, онажон. Энди ёш бола эмасман. Нима иш қилаётганимни яхши биламан. — Онасининг юзидан чўлп этказиб ўпадию, дарвоза томон югураётиб, юпатгандек далда беради. — Кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, онажон, ҳаммаси!..

Улмас дарвоза сари елиб бораётган маҳалда кўчадан устма-уст хуштак товуши эшитилади. Дилором эса ҳай-ҳайлаганча, ўғли ортидан ботиний бир безовталиқ билан қараб қолади. Сўнг, изига қайтаётиб, деразани ёпиб қўяди. Тагин кўрпачага чўкиб, бирпас қўшини ҳовли тарафга қараб тургач, хаёлчан алфоз пахта савалайверади. Бир пайт, олисдан учиб келаётган «ниначи» самолёт тобора гуруллаб яқинлашаверади. Дабдурустдан Дилором туриб қочмоқчи бўлади, лекин қўл-оёғи мадорсизлангандек ўрнидан қимирлаёлмайди. Беҳол деворга суяниб, кўрпача остини тимирскилайверади. Боғ тарафдан хафагазак бир безовталиқ билан Рўзигул югуриб чиқади... Рўзигул ён қўшни; ёши элликни оралаган, лекин кўринишидан анча қартайиб қолганга ўхшайди: кўзлари киртайган, бедаво бир дардга чалинганлигини ёноқларида йилтираган қизғимтир томирчалар билдириб туради, эти устихонига ёпишган; сал хишиллаб нафас олади, шу боисми, овози хиёл манқироқ. Эғнида этаги, энглари ҳалвираган чит кўйлак, бошида арзон-баҳо шол рўмол. Турқи-тус аламзада. Мудом ёлғиз ўғлининг ётмеҳрлигию, эрининг баджаҳллигидан, серзардалигидан нолиб юради.

РўЗИГУЛ. — ...Гўё алланимадандир қочаётгандек илдам одимлаганча, кўзларини энги билан артади. Ҳарсиллайди. — Юрагим зардобга тўлиб кетди-ку, Дилором пошша, ўргилай сиздан! Утирибсизми? Янаям даҳшат солиб гуруллаганча, самолёт шитоб ҳовли сари яқинлашаверади.

ДИЛОРОМ. — Ҳамон безовталанган кўйи, ўрнидан туролмай, бетоқатлик билан хонтахта томон ишора қилади. — Чой... Чойнак!... Узатинг. Тезроқ!..

РўЗИГУЛ. — Ҳозир, Дилором пошша, ҳозир. Айни вақтида чиққан эканми-а!.. — Шартта хонтахта ёнига ўтиб, тўнтариглиқ пиёлалардан бирига чой қуйиб узатади. — Мана, ичинг, ўргилай. Нима, яна дардингиз кўзидимми?

ДИЛОРОМ. — Кўрпача остидан чиқаргани — икки-уч хил дорининг ҳаммасидан битта-битта олиб, шошилинч чой билан ичади. Сўнг, осмонга ишора қилади. — Биласиз-ку, ўт тушгур шу «ниначи» самолётнинг товушини эшитсам, ўзимни қаерга ураримни биллолмай қоламан.

Самолёт ҳовлини четлаб учиб ўтаверади.

Товуши эса, лаҳза сайин сусаяверади.

... Ана, бошланди: а-а-ап-шу! Апшу! — Социқни олиб, кўзларининг шапоғини сийирайди. Бурнини артади. Елпинади. — Энди то дорилар таъсирини ўтказмагунча аксиравераман... Апшу!.. Силламни қуритади сабил... Ҳа нима бўлди, опагон, кўзларингизда ёш тўкилай-тўкилай деб турибди-ку?

РўЗИГУЛ. Э, Дилором пошша, ўргилай сиздан, қачон менинг кўзларимдан зардоб қуйилмаган?! — Бирдан изиллаб йиғлаб юборди. — Еру кўкда бемакон, беҳашоват шўрпешонаман, ўргилай!

ДИЛОРОМ. Ҳа, опагон, ҳа, яна нима бўлди?! — Ирғиб ўрнидан туради. Пиёла ағдарилиб кетади. Чаққон бориб, унинг кифтига қоқади, елкасини силайди. — Тинчликми ўзи? Омонликми, опагон?.. Кўнгил сўраган кўйи, пиёлага чой қуйиб узатади. — Олинг, бир қултгина хўпланг.

РўЗИГУЛ. Бах... Бахт... — Ҳамон юрак-бағри эзилиб йиғлаганча, чойдан хўплайди. Ютоқади. — Бахтиёр... Бахтиёр бадбахтим тилгиром жўнатибди.

ДИЛОРОМ. Бахтиёр?.. Ўзи соғмикан ишқилиб?

РўЗИГУЛ. Билмадим... Биллолмадим, ўргилай! — Аламоқ бош чайқаб, энги билан кўзларини сийиради. — Эллик... эллик сўм пул сўрабди.

ДИЛОРОМ. Бо худо! Илоё бор бўлинг-э, опагон! — Иштиёрсиз бағрини ғижимлайди. Афти бужмайиб кетади. Бир муддат тек қотади. — Ўғлингиз соғдирки, пул сўраган-да! Пул топиладиган нарса-ку, опагон.

РўЗИГУЛ. Эй-й!.. — Дарду дунёси сўнгсиз бир ҳасратга эврилиб, ғамгин бош чайқайди. — Бола бўлмаса бир бало, бўлса яна юз бало экан, ўргилай! Йигирма кундан бери хат келгани йўқ эди ахир, Дилором пошша. Дардимни сизга айтаман-да, ўргилай. Эллик сўм деганингиз ҳам... Хўроздан каттароқ бир кўзичоқнинг пули. Лекин қани ўша! Тоғангизнинг ойлиги ҳемиригаям етмайди — колхозчининг кўрган куни қурсин! Султонравот билан Пермас кўмилгандан бери, хабарингиз бор, томорқаям сувга ёлчимай қуриб кетди. Нима қилай, кучим кўзимга етади-да, ўргилай!

ДИЛОРОМ. Кўйинг, йиғламанг, опагон. Юрагим сиқилиб ўтирибман ўзи... Бугун ўғлингиздан тилгиром келган бўлса, эрта-индин хати ҳам келиб қолар. Терим пайти... Биласиз, почтачиям кунузоғи пахта билан овера. Газетаниям уч-тўрт кунлигини бир қилиб олиб келади ноинсоф.

РўЗИГУЛ. Э-э, Дилором пошша, боя, болага пул жўнатганингиздан кейин, бир бидонча ёғ олиб қайтинг, девдим... тоғангиздан балога қолдим, ўргилай!

ДИЛОРОМ. — Ҳазин хўрсинади. Лабларини чўччайтиради. — Нима, бало яна урдиларми?.. Ҳайронман, хўжайинингиз, нима бало, қариганларида айниятларми!

РўЗИГУЛ. Э, ҳаммасига йўқчилик сабаб, ўргилай!.. Болага вақтида тарбия беролмадинг, койигани қўймадинг, етти боламдан менга етгани шу деб, эркалатвординг, мана, оқибати: ўқиш баҳона салкам бир ярим йилдан бери аллақайси гадойтопмас кўчаларда хору зор изғиб юрибди, топганим тугганимга етмайди, она-бола икковинг бор-будимни совуриб бўлдинг, деб... Вохвохе-эй-й!.. — Тагин ғамноқ нола чекиб, биқинию куймичини пайпаслайди. Зор қақшаб қарғанади. — Илоё кўлгиналари гўрларда чирисин-а!..

ДИЛОРОМ — Урнига ўтаётиб, тўнтарилган пиёлани тўғрилаб қўяди. Дориларнинг икки-уч хилидан олиб, унга узатади. — Манг, буларни ичинг, опагон. — Сўнг чой қуйиб бераркан, тагин лабларини чўччайтира-

ди. — Тавба, топганлари тутганларига етмаётган бўлса, айб сиздами. Бунча... Сиздек аёлни-я!..

РУЗИГУЛ. Ёлғиз болалик аёлниям, эркакиям кўрган кунни қурсин экан, Дилором пошша, ўргилай сиздан!.. — Дардчил бош чайқаб, оташин хўрсинади. — Не қилай: осмон — йироқ, ер — қаттиқ! — Кафтидаги дориларга тикилиб қарайди. — Уччаласиниям ичайми, Дилором пошша?

ДИЛОРОМ Ичинг... ичаверинг, опажон. Бири асабингизни юмшатади, биттаси нафасингизни равонлаштиради, анави тугмачадеккинаси бошоғриққа даво.

РУЗИГУЛ. — Ҳали замон дардларидан бутунлай ҳалос бўладигандек дориларни ихлос билан ичаётиб, армон билан, алам билан ҳасрат қилади. — Қўлгинаси сингур хўжайиним менга мана шунақа дорилардан келтириб берса бўлади-ку?! Йўқ, қаёқда!.. Ё тавбангдан-эй, пул десангиз — жони халқумига келади-я!

ДИЛОРОМ. Дорилар ҳам ҳамма нарса қатори қиммат-қирон бўлиб кетган-да, опажон!..

РУЗИГУЛ. Биламан... Лекин одамнинг жонидан азиз эмасдир ахир, Дилором пошша! Агар шу ёлғизгина Бахтиёрим бўлмаганда — агар бетирноқ бўлганимда, аллақачон бу дунёсига пуф дердим, кўзимни юмардим.

ДИЛОРОМ. Отмаган тонг, ботмаган кун йўқ, опажон, кўйинг... Бахтиёрингиз, ўқишга деб, Тошкентга жўнаб кетганидан бери бир мартаям қишлоққа келмади, а? Уқишга кирганими ўзи у?

РУЗИГУЛ. — Яна аламига чидаёлмай, кўзлари жиққа ёшга тўлиб, бош чайқайди. — Билмадим.. билмадим.. билмадим, ўргилай!

ДИЛОРОМ. Кўйинг, сиқилманг, опажон. Ёш-да, ҳали кўп қадрингизга етади.

РУЗИГУЛ. Қачон — ўлганимдами?

Бирдан пулемёт тариллагандек радио хириллайди. Иккалови ҳам баравар чўчиб, девор томон ўгирилади. Радиодан узук-юлуқ шовқин гоҳ тиниб, гоҳ зўрайиб эшитилаверади. Дилором ўрнидан турмоқчи бўлади, лекин эринади, турмайди. Нохуш ғудраниб кўяди. Ниҳоят, радио равон гапира бошлайди: республикамизнинг улкан пахта хирмониға яриммиллион тоннадан мўлроқ «оқ олтин» тўкишга бел боғлаган бухоролик заршунослар... Та-та-тар...р! Гум-гум-бр-...ррр!.. Илғор фан ва техника ютуқларига асосланиб, янгича усулларда ёвза баргини тез ва соз тўқдиришни ҳар қачонгидан ҳам авж олдирган ҳолда дефолиация мавсумини уюшқоқлик билан тугаллаган эдилар. Улар айрим далаларда дефолиацияни такроран бош... Та-та-таррр!.. Гум-бр-...ррр!.. Энди азамат бухоролик пахтакорларга атаб дилрабо куй ва қўшиқлар эшиттира...

Бирдан радио жимиб қолади. Ҳовлига бир зум сукунат чўқади.

ДИЛОРОМ. Уф-ф!.. — Беихтиёр икки чаккасини сиқиб, ғудраниб сўкинади. — Янгича усулинг билан қўш мозор бўл-эй!.. Ана, яна бошланди: ап-апшу-у!.. — Устама-уст чуқуриб, бурнини кафтига ишқайди. Кўзларини артади. — Тавба, уларнинг ўйлаб топган гапини қаранг, янгича усул эмиш... Апшу-у!..

РУЗИГУЛ. Э, бари бир гўрда — эскича усулиям, янгича усулиям молу жонга зиён-да! Ана, кўзу қошдек ён қўшнингиз мулла Зайниддин бобонинг келини боёқиш ўлолмай ётибди... Ҳайронман, зор қолгур шу пахтани депалассия қилмаса бўлмайдими?! Барибир колхозимизда биттаям терим машинаси ишлатилмайдими-ку! Юқоридагилар қаёққа қарашаркин-а?!

ДИЛОРОМ. Қаёққа бўларди — юқоридагилар ҳам ўзларидан юқорироқдагиларга қарашади-да!

Ногоҳ, тагин қўшни ҳовлида — мулла Зайниддин хонадонида эшик тарақлаб ёпилади.

Икки ҳамсуҳбат қўшни бир-бирига саволчан назар билан тикилиб қолади. Шу аснода яна дарғазаб Фотима кампирнинг таънаю дашноми аччиқ эшитила бошлайди.

ОВОЗ... чидаёлмайман. Йўқ, чидаёлмайман! Ман бу кўргуликка қандай чидаёин ахир?! Мотам тут... мотам! Туғилмай ўлиб кетган болангга... Пахтаси оқиб ётган далага кириб, пахта терганмишла. Эл қатори теравер.. Йўқ, чевар бўлиб, кўкракларига нишон тақмоқчи бўлганла.. Едириб тўйғазолмаган, кийдириб етказолмаган боланг қолувди-я!.. Ана, санга боплаб нишон тақидила — қорнингга чок тушди! Энди умрбўйи бағринг бешик кўрмай, баҳри дилинг мозористон бўлиб, бола тирноғига зор ўтасан... Кишт-э, ҳаром ўлгур!.. Товуқнинг қақоғлаб қочгани қулоқча чалинди. Кейин, салдан сўнг Фотима кампирнинг уни ўчади.

ДИЛОРОМ. Уртада тобут йўқ, жасад йўқ — бунча Фотима кампирнинг мотамзада жавраши нимаси, а, опа?

РУЗИГУЛ. Эй-вой-эй, Дилором пошша, айтманг, ўргилай сиздан, айтманг! Тавба денг! — Надоматли бош тебратиб, ёқа ушлайди. — Бечораларга жабр бўлди-ку!

ДИЛОРОМ. Э, ҳамма жабр келинчакка бўлди-ку, ахир! Беш йилдан бери бола кутаётувди боёқиш. Кўргилик-да: етдим деганда депалассия балосига йўлиқди — қорнини ёриб, ҳомиласини олиб ташлашди... Шунча азоб, шунча алам етмагандек, энди устига-устак бетовфиқ Фотима кампирнинг зуғум қилишини қаранг!.. Худо берса эрта-кечи йўқ, яна буйида бўлиб қолар ахир. Тўғрими?

РУЗИГУЛ. — Йўқ... йўқ, дегандек кескин бош чайқайди. — Ҳали сизнинг хабарингиз йўқми?.. Бадбахт келинчак туғуруқхонадан қочиб келипти-ку?!

ДИЛОРОМ. А-а?! Бечорагина-ей! Нега... нима учун қочиб келибмиш?!

РУЗИГУЛ. Бефаросат Тўйбоевнинг итоғизлигиданда!.. Ҳа, ўша... доя-дўхтир, бу апарсақадан кейин туғишингиздан кўра туғмаслигингиз аниқроқ, дебмиш. Ана кейин, туғуруқхонадан қочиб келиб, ноумид келинчак бу мадда-мараз гапни оқизмай-томизмай Фотима кампирга айтипти.

ДИЛОРОМ. Ҳа-а!... — Беихтиёр тил учини тишлаб, аттангамо бош чайқайди. — Гап бу ёқда де-энг! Орага қисқа фурсатли бир жимлик чўқади. Шу аснода бир олма тўп этиб ерга тушади, шарт танидан жудо қилинган калладек юмалаб кетади.

...Бадбахт келинчакнинг бундай ноумид қочиб келганлигини эшитмаган эканман.

РУЗИГУЛ. Ҳали бугун қочиб келганмиш ўзи...

ДИЛОРОМ. Чиндан ҳам бечораларга кўп жабр бўпти — ҳаммасига, айниқса к е л и н ч а к к а!.. — Ҳамон куйдиргучи ўйлар исқанжасидан қутулолмаган, лекин негадир туйқус юз-кўзларидан хаёлчан бир миннатдорлик ифодалари яққол жилоланади. — Ула-ўлгунимча сиздан қарздорман, опажон! Ушанда сизни етказган Худодан ўргилай, агар сиз бўлмаганингизда мен аллақачон ўлиб кетган бўлар эдим. Қанча бўлди ўшанга — ўн уч йилми, опа?

РУЗИГУЛ. Ҳа, ўн уч йил тўлиб, ўн тўртинчи йилга қаради. Ҳалигача ўзим ҳам ҳайронман: «ниначи» самолёт тутларга тегай-тегай деб учган бўлса ҳам, учувчи бизларни кўрмаган-а!.. Лекин ўшандан бери тирик бўлиб тўрда йўқмиш, ўлик бўлиб гўрда!.. Чакида халтадан зардоб томгандай кўзларимдан шўрвасирқийди, бурним булоқдай қайнагани қайнаган. — Тутақиб бурнини энгига

қоқади. Артади. Сўнг энтикиб-энтикиб нафас олган кўйи, янаям манқироқ овозда давом этади.— Ё тавбангдан-эй!.. Ҳаво етишмайди-я! Ҳаммасидан ҳам олти боллам туғилар-туғилмас хаптакка учраб кетгани мени адои тамом қилди-ку, Дилором пошша! Яна қайси дардимни айтай, ўргилай сиздан!

ДИЛОРОМ. Барибир шукр қилишимиз керак экан, опажон. Яримжон бўлсақ ҳам ўғил ўстираямиз, қиз дегандай... Ҳаво ўшандаям ҳозиргидай иссиқ эди, а, опа?

РУЗИГУЛ. Менда эс қолганмиди ўшанда, Дилором пошша!.. Ёдимда йўқ, ўргилай.

ДИЛОРОМ. Ҳаммаси менинг ёдимда, опажон. Бугунгидан кўра анча жазирамароқ эди. Агар ўшанда ёвондан мени опичлаб чиқмаганингизда, илоё умрини зиёда қилгур Улмасгинам, Барчинойим!... Кейин, мана бу ҳовли-ҳарам... Ахир, ўзингиз кўргансиз-ку, опажон, бу ҳовлининг лойини отаси билан бирга қорганмиз, отаси фиштини қуйганларида гуваласини ўзим юмалатиб бериб турганман... Увол-да рўшноликка етдим деганда ёғочотда оёқ узатиб кетиш. Тўғрими, опажон?.. Уйлаган сари, юрагим ҳаприқиб кетаяпти: Фотима кампирнинг жигонбиғон куйганича бор экан — шўрлик келинчак бу ёруғ дунёдан ёруғлик кўрмай ўтадиган бўпти. Аттанг... аттанг!

Ногоҳ мактаб томонда жаранглаб қўнғироқ чалингани эшитилади. Орадан ҳаял замон ўтмай, болаларнинг шодон шовқини гоҳ сусайиб, гоҳ зўрайиб қулоққа чалинаверади.

Хиёлдан сўнг, тагин бир хириллаб, радио гапира бошлайди: диққат! Диққат!.. Колхоз радиоузелининг микрофонлари мактаб радиоканрайига уланган. Ҳурматли колхозчи ота-оналар, тингланг!..

Сурнинг товуши оҳиста янграй бошлайди: т-ту!.. Та-та-та-та-ту-у!.. Сурнинг товуши сусаяр-сусаймас, ўктам бир овоз радио орқали қулоқларига тўлқинлиб уриллаверади:

Сен бу кун синфда шод юрак билан  
Синов навбатини кутиб турасан  
Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,  
Билиб қўйки, сени Ватан  
кутади...!

Яна бирдан радио товуши тинади.

РУЗИГУЛ. Ана, биринчи исмина тугади. Ҳадемай болаларингиз мактабдан қайтишади.— Урнидан кўзгалгани чоғланади.— Мен борай, Дилором пошша. Нонингиз бўлса, иккитагина қарз бериб туринг? Тоғангиз бугун ун келтирадилар, эртага нон ёпмоқчиман.

ДИЛОРОМ. Шошманг... Биринчи исмин тугаганда бошқа кунлар радиони бунақа улаб қўйиб, сур чалишмасди-ку. Улмасларнинг синфини бугун ярим кунга пахтадан қолдиришган. Қанақади йиғин бормиш.

РУЗИГУЛ. Ҳайрият, йиғин баҳона, Улмасгиналар сал дам оладиган бўпти-да... Сўрамадингизми, қанақа йиғин эмиш.

ДИЛОРОМ. Қизиққанам йўқ, опажон.

Туйқус аллақандай бир нохушлиқдан хабар бераётгандек, боғ тарафдан Зийракнинг безовта ҳуриётгани эшитилади. Илкис Дилором боғ томон ўгирилиб қарайди: ким бўлдийкин?

РУЗИГУЛ. Ана... Барчинойингиз боғ томондан йўлни ўрталаб келаяпти чоғимда.

ДИЛОРОМ. Йўқ... Улмасни ё Барчинойни кўрганда Зийрак бошқача ҳуради. Бирор мушук-пушукка кўзи тушди-ёв!..

Улар боғ сари беқарор тикилишаётган чоғда Мастура фолбин сассиз-садосиз юриб, ҳовлига кириб келади. Мастура фолбин элликлар чамасида, қораларанг, барваста аёл. Унинг бутун сеҳру жодуси сўзамоллигию, чақнаб турган бўта кўзларида. Бу хонадонда Мастура фолбин аввал ҳам бир неча марта бўлган. Бир гал Дилоромни ёмон чув тушириб кетган... Шу-шу, ундан Дилоромнинг ихлоси қайтган.

Аммо, кейинчалик сири фош бўлган эса-да, бундан Мастура фолбин заррача ҳам ҳижолат чекмаган: бинобарин, одатини қанда қилмай, ҳар йили кузак кунлари худди шу тахлит безрайиб кириб келаверади.

МАСТУРА. Ҳўй бой хотун, ўтирибсанми ғафлат босиб?!

ДИЛОРОМ.— Ялт ўгириларкан, қошлари чимирилиб кетади.— Ҳи, сенмидинг?.. Қош-қавоғим учиб туради-я!

МАСТУРА.— Ҳассасини дўқ-дўқ ерга уриб, супа сари яқинлашаверади.— Ман сездим... Гапимга қулоқ сол, бой хотун: кулбанга кулфат оралабди, дилиннга ғурбат!..

ДИЛОРОМ. Шақиллама-е, нафасингни ел егур! Шумният! Йўнилмаган толқошиққа ўхшамай ўл. Ким чақириб келди сени ўзи?! Жўна!

МАСТУРА. Ман санга рост сўйлаётиман охи, бой хотун! Сани ҳовлинига париларим етаклаб келаётими мани...

Бидиллаб гапирган кўйи, негадир ҳовлини кўздан кечиради, ҳавони ҳидлайди, ишқомдаги қоракуя босган шиғил-шиғил узумларга, ерда сочилиб ётган олмаларга бир қур нигоҳ ташлайди. Айни шу кезде бир нақш олма тўп этиб ерга тушади.

— Ана, айтмадимми, бой хотун?!— Шартта олмани олиб, мамнун жилмаяди.— Биласанми сан, донишманднинг қўлидаги олма — дунёга омонатлигиндан нишона, нодоннинг қўлида — хўрак, бўз йигитнинг қўлида — рамзи муҳаббат!.. Жодугарнинг қўлида-чи, бой хотун? ДИЛОРОМ. Заҳар.

МАСТУРА. Бекорларни айтибсан!— Ғарчиллатиб олмани тишлайди, қусурлатиб чайнаган кўйи, супага кўтарилади. Хонтахта томон яқинлашаётиб, Рўзигулнинг саломига жавобан беписанд тўнғиллайди. Кифтидан хуржунни олади, ҳассасини қўяди.— Ҳўй, бой хотун, кел бу ёққа. Майли, текинга бўлсаям, фолнингди бир очиб берай, иқболингдан сўйлаб берай.

ДИЛОРОМ. Боплаб фолимни очиб қўйгансан.— Қаҳрчан чимирилиб, қўл силтайди.— Қайтариб бер дурумни! Агар дурумни берсанг, майли, фол очтираман.

МАСТУРА. Ман билмайман, сан қайси дурни сўрайсан охи?!— Тўнтариглик пиёлалардан чиroyлироқ бирини танлаб олиб, чой қуяди. Дастурхонни очиб, бир бурда нон синдириб олади.— Ҳар келганимда дур... дур... дур... деб жаврайсан бунча!

ДИЛОРОМ. Ҳо-о, дарров ёдингдан ҳам чиқа қолдим?! Утган йили мени алдаб, сенга дуо ичириптилар, дуонгни олиб бераман, деб эсимдан оғдириб, бўйнимдан бир шода дурумни юлиб олиб кетгансан-ку! Қайтариб бер ўша дурумни?!

МАСТУРА. Сани эсинг йўқ экан-ку, бой хотун!— Яйраб кулади.— Ҳўй, манга қара, сан билан бачаларингди эринг боқаду — тўғрими? Ман бўлсам эрим билан бачаларимди ҳам ўзимди боқаман — тушундингми?...—

<sup>1</sup> Ғафур Фулом шеърдан.

Яна пихиллаб кулади.— Кетган нарса кетду — садқан азиз жонинг! Кел, фолингди очиб, кулбанга оралаган кулфатдан қочиш, дилингни ўртаётган ғами ғурбатдан қутилиш чораларини ўргатиб қўяй санга. Кулфату ғурбат — эгизак!..

ДИЛОРОМ. Бас қил-э, шумният! Овозинг ўчгур, бунча ҳаққадек шақилладинг!..

МАСУРА. Йўқ дема ақун, бой хотун, кейин пушаймон қиласан.

ДИЛОРОМ. Барака топгур, Худо хайрингни берсин, кўй... кўй, менга гапирма?! Агар жуда фол очгинг келётган бўлса, ана, опамланинг фолини оч.

РУЗИГУЛ. Э, Дилором пошша, қизиқ экансиз-ку! Керак эмас... Фолбинларга, эшону азаймхонларга ихлосим йўқ сираям. Ихлосим бўлса, аллақачон соғайиб кетмасмидим. Керак эмас!..

МАСУРА. Утир, манқи!.. Тайсаллама кўп. Ҳар хил азаймхонлару эчки соқол эшонларга ўхшатма мани. Уларингди бари — товламачи. Куф-суф қилиб, пулингди шиладу!.. Ман — Масура фолбинман. Фолингди бехато очаман, иқболингдан пойингга гуллар сочаман, шодлигингдан ўйинга тудмасанг, Масура отимди бошқа қўяман!.. — Тўтиқушдай сайраган кўйи, зумда хуржунидан дастали кўзгу, чоғроққина чилдирма ҳамда битта сопол пиёла чиқаради.— Яқинроқ ўтир!.. Сани исминг... исминг... исминг... Айтма... айтма, ўзим айтаман. Исминг... исминг — Кунтуғмиш! Топдимми... топдимми?!

ДИЛОРОМ. Ана, опажон, Рўзигул эдингиз, Кунтуғмиш бўлдингиз. Энди бундан кейин сизни Кунтуғмиш деб чақирамиз-да! — Кулади.— Кунтуғмиш. Чиройли исм экан.

РУЗИГУЛ.— Негадир дув қизариб безовталанади.— Кўлманг-э, Дилором пошша!..

МАСУРА. Сан мардларнинг ишига аралашма, номард бой хотун!.. Кунтуғмиш — кунларнинг гули, гулларнинг кунни, кунни туққан, дегани. Билдингми, бепаросат?! — Унга бир хўмрайиб, Рўзигулга яқинроқ сурилади.— Кафтингди бер, манқи!.. Энди кафтингди оч, кафтингди!... — Дам унинг кафтига, дам кўзгуга термилади. Сўнг шартта сопол косага жўлдиратиб чой қуяди, чигитдеккина пахта ташлайди. Ҳаял ўтмай, пахта ғириллаб айлана бошлайди.— Кўраяпсанми, манқи?!

РУЗИГУЛ.— Беадад бир ҳайрату ҳаяжондан энтикиб, ёқа ушлайди.— Е парвардигор-эй!.. Дилором пошша, қаранг, чой устида пахта ғириллаб айланапти. Бу ёққа қаранг, келинг, кўринг буни. Қаранг!..

ДИЛОРОМ. Жуда кўп кўрганман.— Ҳафсаласиз кўл силтайди.— Лўли опангиз алдаяпти сизни. Сезмаяпсизми, косага пуфляпти-ку?

МАСУРА. Санга айтдим-ку, номард бой хотун, маҳмаданалик қилма кўп!.. Ҳўй, манқи!

РУЗИГУЛ. Ҳадеб манқи дейверманг-э, лўли опажон?!  
МАСУРА. О ҳай сан унгамас, манга қараб ўти охи! — Секин чилдирма чалганча, илтижо оҳангда сўйлай бошлайди.— У, париларим, чилтонларим-ў! Масура дилбандингизга айтингиз, айтингиз? Ғойибдан неғабар айтингиз?! — Кейин майин оҳангда куйлай бошлайди:

Кел, зоргинам, зоринг айтай,  
Дилингдаги боринг айтай.  
Дардларингни олиб ўзим,  
Сирларингни жўшиб айтай.  
Очиб ташлар барча сиринг,  
Чилтонларим, париларим.  
Париларим-о, париларим!..

Ногоҳ шарп этказиб, унинг кафтига уради.— У, бадбахт манқи! Йироқларда улоққан бахтинг дейинми, бадбахтлинг дейинми?

РУЗИГУЛ. Бадбахтлинг деманг, лўли опажон, бахтинг денг, бахтинг?! — Беихтиёр кўзлари жиққа ёшга тўлиб, ёлворади.— Илоё барака топинг, лўли опажон, бахтинг деб айтинг?

МАСУРА. Кунботар томонларда, бешафқат маконларда бир ёлғизинг бесар кезиб юрибди, улуғ ишлар ишқида ёниб юрибди... Топдимми... топдимми... топдимми?!

РУЗИГУЛ. Рост, лўли опажон, гапларингиз рост! — Кўзларида ёш билан жилмаяди. Энтикади.— Тўғри топингиз, лўли опажон. Ёлғизим мусофир юртда... Узи соғмикан ишқилиб?

МАСУРА.— Тагин сопол косага, сўнг кўзгуга, яна бир унинг кафтига тикилгач, ўктам овозда сўрайди.— Уч қун дейинми, ўн уч қун дейинми?

РУЗИГУЛ. Уч кун... уч кун денг, лўли опажон?! — Бездиллаб ялинади.— Юрак-бағрим зардобга тўлиб кетди-ку! Уч кун деб айтинг, лўли опажон?!

МАСУРА. Ун сўм қўй!

РУЗИГУЛ. Нима?

МАСУРА. Кафтингга ўн сўм қўй. Битта қизил ўн сўмлик! Уч кундан кейин нима бўлишини айтаман санга.

РУЗИГУЛ. Оҳ сабил!... — Бармоқлари қалтираб, рўмоли учини ечади, бир неча танга ҳамда уч-тўртта бир сўмлик тушиб, сочилиб кетади. Териб олади.— Беш сўмгина пулим бор эди-я, лўли опажон, шуни бера қолай.

МАСУРА. Нима, ман санга бозорда савдолашиб ўтирайдигон савдогарми? Атторманми?! Чиқар! Уч кун!.. Уч кундан кейин, ман санга айтсам, тамом!

РУЗИГУЛ. Тамом? Нима тамом?

МАСУРА. Кейин биласан.

ДИЛОРОМ. Аввал айт, кейин олаверасан.

МАСУРА. Насия савдо бозорда бўлади. Билдингми?! — Сўнг яна Рўзигулга юзланиб, шарп этказиб тиззасига уради.— Бўл, нима учун бунча анграясан охи?!

ДИЛОРОМ. Ҳушёр бўлинг, опажон!..

РУЗИГУЛ. Э, Дилором пошша, аввал-бошда бу ўтга ўзингиз солдингиз мени. Майли, буям бир садақа... — Рўмоли учини қайта тугунлаётди эланади.— Ун сўм қарз бериб туринг энди?

ДИЛОРОМ. Айтиб қўяй: ўн сўм билан қутулолмайсиз лекин!..

МАСУРА. Ҳўй, хасислик қилма, бой хотун! Ҳали санга ҳам атаган куйдирги гапларим бор. Тур, дарров битта қизил ўн сўмлик олиб чиқ бу ёққа!

ДИЛОРОМ. Куйдирги гапларинг илоё бошингдан қолсин! — Ихраниб ўрнидан туради. Эшик томон юради.— Майли... Лекин менга қара, нима учун хўжайинлари бунча опамлани хафа қилади, шунинг сириниям айтсанг бўларди — биласанми?

РУЗИГУЛ.— Дилором кириб кетган эшик томон зимдан қараб қўяди. Сўнг шивирлаб сўрайди.— Рост, лўли опажон, фолингизда аён бўлса, секин ўзимга айтаверинг: қирилгур хўжайиним жуда инжиқ!

МАСУРА. Ҳўй, манқи, билиб қўй: Масура лўли билмайдиган сир синоат йўқ! Эшитганмисан, шундай бир мақол бор: кучи етмас эшакига, тортиб уродур тўқимига!.. Сан бамисоли эрингди тўқимисан — сани ургандан фойда йўқ. Эрингга зйт, эринг сан бегуноҳ муштипарди эмас, бригад билан раисни урсун, улардан каттароқларини урсун — ойликимди кўпайтур, шароитимди яхшила, деб! Тушундингми?... Агар хомқалла эрингга шуни тушунтиролсанг, минбаъд сани урмайду.

РУЗИГУЛ. Тушундим... Гапларингизда жон бор лекин,

лўли, опажон. Камбағаллик қурсин — очликдан хўрлик ёмон!.. Лўли опажон, уч кундан кейин нима бўлади, айтмадингиз-ку?

МАСТУРА. Ҳо-о! — Шартта икки бармоғи орасидан бош бармоғини чиқаради.— Мана!.. Кўрдингми буни?.. Сан мани ширхўр гўсола қилмоқчимсан?! Пулни чўз!

РЎЗИГУЛ. Э, қилингиз қурсин-э!.. Оласиз-да! Бунча...

ДИЛОРОМ.— Уйдан чиқиб, пулни Рўзигулга узатаркан, сўрайди.— Ун сўм бериб фол очтиргангингни биллиб қолсалар, тоғам уришмайдиларми, опажон?

РЎЗИГУЛ. Тоғангизга айтмай қўя қоламиз-да, Дилором пошша, ўргилай сиздан!

МАСТУРА. Энди сан бизага мушайт қилма. Бор, пахтаданги сава, бой хотун. Пахтадан топансан-ку! — Сопол косадаги чигитдек пахтаани янгилайди. Тағин пахта фириллаб айланаверади. Сўнг, саллона-саллона чилдирма чертиб, оҳиста куйлай бошлайди.—

Адоға, доға сизга,  
Париларим, чилтонларим,  
Жоним садоға сизга...

Айтингиз, Мастура дилбандингизга айтингиз?! Иби, ана!.. Оққина товуқ дейинми, кўкқина товуқ дейинми?.. — Шу аснода яна тарсиллатиб кафтига уради.— Париларим-ў, чилтонларим-ў!..

РЎЗИГУЛ. Ҳай, лўли опажон!..

МАСТУРА. Нима дейсан?

РЎЗИГУЛ. Кафтимдаги пул қани ахир?! Одамни бундай ахмоқ қилманг-э? Қизиқ экансиз-ку!..

МАСТУРА.— Пихиллаб кулади.— Учиб кетди. Билдингми — учиб кетди!

РЎЗИГУЛ. Ахир... уч кундан кейин нима бўлишини айтмадингиз-ку? Айтинг-да!

МАСТУРА. Париларим қаро хўрознинг тожисидан қон тилаяптила. Қаро хўрозинг борми, манқи хотун?!  
РЎЗИГУЛ. О-о, Худо! Қара хўрозсиз битмайдими шу сабил?.. Яна беш сўм бера қолай, лўли опажон?

МАСТУРА. Тошингни тер! Ман — фолбинман... Ман сани иқболингдан сўйлайман — қайғую ғамингдан, бахту давлатингдан бохабар қиламан. Билдингми?.. Бўл, қаро хўроз топ!

ДИЛОРОМ. Қизили-чи?.. Қизили тешиб чиқадими?!  
МАСТУРА. Тилимни қичитма, бой хотун! Кўзингни яхшилаб оч, кўрасан: кулбангга кулфат оралаган, дилингга ғурбат!..

ДИЛОРОМ. Дардимни ебсан! Кўрқитма мени. Жўна!.. — Асабий қўл силтаб, юзларини сийиради. Пешонасини артади. Ҳаво етишмаётгандек, бетоқат елпинади.— Опа... опажон, Худо хайрингизни берсин, кўзимдан йўқотинг бу шумниятни!

РЎЗИГУЛ.— Каловланиб ўрнидан туради.— Юринг, лўли опажон, менинг ҳовлимга ўтайлик.

МАСТУРА. Ҳозир, ман ҳозир!.. — Шартта кўзгую чилдирма ҳамда сопол косани хуржунга солади. Сўнг уларнинг кўзини шамғалат қилиб, боя ўзи чой ичган чиройли пиёлани чўнтагига уради. Хуржунини кифтига ташлаб, ҳассани дўқиллатади. ... — Кетдик!

РЎЗИГУЛ. Тавба... — Беҳуд ғудраниб, боғ томон жилади.— Бу дардисар дунёсининг ишлари ажаб томоша экан-да!

ДИЛОРОМ! Бу имонсизни боғ тарафдан эргаштириб ўтманг-э, опажон, Ана, дарвоза очик-ку!

РЎЗИГУЛ. Гангиб қолдим, ўргилай.— Изига қайтиб, дарвоза сари юради.— Нима қилай, фикру хаёлим Бах-

тиёримда... Нима учун бу ёққа чиққанминиям унутиб қўйдим.

ДИЛОРОМ. Вой, шошманг, иккитагина нон сўровдингиз, опа.

РЎЗИГУЛ. Майли, қўяверинг, кейинроқ чиқарман яна.. Қандай кунларга қолдим-а, ўлиб — ўлолмасам, кулиб-кулолмасам!..

МАСТУРА. Ун сўм чўз, бой хотун!

ДИЛОРОМ. Эҳ-а!.. Бебилиска пул томоғингга тиқилиб ўлиб қолмайсанми?

МАСТУРА. Мани ғамимни емай қўя қол. Бўл!..

ДИЛОРОМ. Нима учун сенга ўн сўм беришим керак экан?

МАСТУРА. Дилимда аён бўлган бир сирдан сани воқиф қилмоқчиман акун. Чиқар!

ДИЛОРОМ. Ун сўм учун хўжайиним икки кун тер тўкиб ишлайдилар. Бор, қорангни ўчир!

МАСТУРА. Ихтиёринг... Зорим бору, зўрим йўқ.— Дарвозага яқинлашаётиб тўхтади. Бир муддат беқарорланиб тек қотади. Сўнг хаёлчан кулимсирайди.— Ҳўй, бой хотун, биласан: сангинага меҳрим тушган!.. Айтиб қўяй: асло ғофил бўлма, вақти бемаҳал чирқилламай десанг, мудомо ўғил-қизингга кўз-қулоқ бўл!

Улар ортидан қараб қоларкан, Дилором маҳзун хаёлга толади. Ногаҳоний довул ёҳуд зилзила олдидан бўлаган эзгин жимжитлик каби оғир бир сукунат ёпирилади ҳовлига.

Диланг сукунат ичра беором-беҳаловат қолиб, Дилором нега ўғлининг дарс пайтида кирга бориб қайтганию, ҳовлидан шошилинч қиқиб кета туриб айтган жумбоқнамо гап-сўзларини ўйлайди: тинчликмикан-а?.. Шу баробарида эри кўз ўнгидан ўтади — болаларининг отаси далада гоҳ оч, баъзида юпун, лекин ҳамиша ҳузурсиз-ҳаловатсиз юрганлигини ўйлаб, баттар ўртанади. Кейин, хаёлпарিশон ўрнидан туриб, секин боғ томон ўтади.

### III

Жимжитлик.

Майин, маънос ингроқ бир товуш элас-элас эшитилиб-эшитилмай, жимжитликнинг ситамкорлигини янаям бўрттириб туради.

Кўчқоров қўли орқасида, бир-бир босиб, ҳовлига кириб келади. Соқоли ўскин. Эгнида тўрт киссали, оқимтир камзул, бошида ранги униққан дўппи, оёғида чанг босган латта этик. Этик қўнжича уч-тўртта газета тиқиб қўйилган.

Ҳовлида ҳукм сураётган ажабтовур жимликдан ҳайронсирайди.

Тўхтади.

Жуда ҳорғин, боз устига негадир хомуш.

Бир маҳал, турналар карвони пастлаб учиб ўта бошлади: қур-эй! Қур-эй! Қур-эй!..

Осмонга қарайди. Боши айланиб кетади...

Кейин, шу кўйи осмондан нигоҳини узолмай, азиз умрининг сувдек оқиб ўтаётганлигини, тезоб умридан ҳам, дунёнинг томошасифат ишларидан ҳам қониқмаётганлигини... қониқа олмаётганлигини; эришган-эришаётган омонат фароғатлари эса муттасил чекаётган жаҳаннамий риёзатларига урвоқ ҳам бўлолмаслигини; не аламки, хотини яримжон бўлиб қолганлигини; бутун орзую умидини тиккан ёлғизгина ўғли — Улмас эса гоҳида биллиб-билмай ўртаб қўяётганлигини,— шукр, қизи бинойи... кейин, қолаверса — ҳадемай бегона уй бекаси

у — ўйларкан, беихтиёр кўксидан оташин бир хўрсиник тошиб чиқади.

...Аллақачон турналар узоқлашиб кетган. Уларнинг бўғиқ алёри энди аранг қулоққа чалинади: қур-эй... қур-эй!..

Даҳлиздан чиқаётиб, Дилором нигоҳи эрига тушади. Ва, аллабир серғулу гаплар ноҳос қулоқлари остинда жанглангангадек туюлади. Шу аснода, илло эрининг бу пайтда уйга келмаслиги... келолмаслиги кўнглидан кечадю, муқаррар рўй беражак ноҳушлик сезим бераётгандек, кўксидан совуқ бир ваҳм ғимирлайди.

Айни шу лаҳзада тагин бирдан радио ўт оцаётган пулемётдай тариллаб қолади: та-та-тар... ррр!.. Беихтиёр Дилором чўчиб, қўлидан темир товоқчани тушириб юборади.

ҚУЧҚОРОВ. Ҳа, онаси? — Чаққон яқинлашади. — Бошинг айландини, кўзинг тиндимми — нима бўлди, онаси? ДИЛОРОМ. Ут тушгур радио-ку!.. — Товоқчани олаёттиб, шикаста жилмаяди. — Қўрқитворди.

ҚУЧҚОРОВ. Буям ўғлингнинг иши — бузиб қўйипти. — Энгаҳини қашийди. — Бирор яхшироғи йўлиқса опкеларман.

ДИЛОРОМ. Узи тузук, радиёузилида гап бор буни. — Хонтахта сари боради. Естиқларни уриб, хурпайтиради. — Тинчликми, отаси?.. Келинг, ёнбошланг.

ҚУЧҚОРОВ. Гўё шунчаки қизиқаётгандек ўғлини сўрайди. — Улмасинг кўринмайди! — Сўнг, ерда ётган тўрт-беш олмани олиб, челаққа ташлайди. — Эсиз олма-я!..

ДИЛОРОМ. Улмас?... — Гўё иккови ҳам алланимадан-дир хабардору, лекин ўша ниманидирни бир-биридан сир сақлаётгандек кулимсирайди. — Нима учун Улмасни сўраяпсиз?

ҚУЧҚОРОВ. Улмасними?... Қизиқаяпман-да, онаси. ДИЛОРОМ. А-а... нима учун қизингизни сўрамаяпсиз?

ҚУЧҚОРОВ. Қизимниям сўрайман. — Естиққа ёнбошлаёттиб, муғомбирона кулимсирайди. — Нега бунча мени сўроққа тутаяпсан? Соғлигинг яхшими — шундан гапир!.. И-и, сал бўлмаса ёдимдан чиқаёзибди! — Чўнтагидан кичкина бир қути чиқариб, хонтахта устига қўяди. — Жигар билан юрак дардига зўр даво эмиш бу.

ДИЛОРОМ. Отаси, гапни айлантормай, тўғрисиин айтинг — нима учун келдингиз? — Дорига парво ҳам қилмай, эрига беозор саволчан назар билан термилиб тураверади. — Тинчликми?

ҚУЧҚОРОВ. Гапинг қизиқ бўлди-ку, онаси... Уз уйим — хоҳлаган пайтим кириб келавераман-да!

ДИЛОРОМ. Марҳамат... Бош устига! Лекин... Уқитувчиликдан кетиб, бригадирлик қилаётганингизга ўн беш йил бўлаяпти-а?... Айтинг-чи, ўтган шу йиллар бадалида авжи терим кунлари лоақал бир марта пешин чоғи уйга келиб, шундай чўзилиб ётолганмисиз?... Ҳатто тушингизга ҳам кирмаса керак бунақаси. Тўғрими?

ҚУЧҚОРОВ. Агар шу гапларингни четдан биров эшитиб турган бўлса, ўла бу кунингдан Қўчқоров, деб устимдан куларди. — Аянчли жилмайиб, ўз-ўзига раҳми келаётгангадек, ғалати бош чайқайди. Сўнг, ҳамон хотини тикилиб тургани боисми, негадир дудуқланиб изоҳ беради. — Боя... ҳа, ҳалиги... идорага зарур бир иш билан, — сводка-пводка дегандай, — ўтган эдим. Мана, қайтаётиб уйимга кирдим. Шу!..

ДИЛОРОМ. Айтаётган гапларингиз рост бўлса яхши-ку-я, лекин кўзларингизнинг бежоллиги айтиб турибдики, бошқа бир гап бооор! — Тагин шикаста жилмаяди. Кейин, эрининг этигини ечмоқчи бўлади. — Кўтаринг оёғингизни.

ҚУЧҚОРОВ. Қўй... тез қайтиб кетишим керак. Ахир, мана, ўзинг айтаяпсан-ку!..

ДИЛОРОМ. — Ниҳоят, кўнглидаги хижиллик хиёл тарқагангадек, дилкаш жилмаяди. — Биламан-да!

ҚУЧҚОРОВ. Рост, пахтахонада икки кунлик пахта уюлиб қолган. Тезроқ пахтасаройга жўнаттиришим керак.

ДИЛОРОМ. Қўрқманг, ҳеч ким сизни боғлаб қўймоқчи эмас. Кўтаринг, оёғингиз ҳам бундай даммини олсин!.. — Шартта этикларни ечиб чеккага қўяди. Пайтаваларнинг титилиб кетаёзганлигини кўриб, беихтиёр хўрлиги келади... Индамай, эрининг оёқларини силаб-сийпалайди. Сўнг хомуш, хаёлчан алфоз шивирлайди. — Оёқларингизнинг тирноғи ҳам ўсиб кетибди.

ҚУЧҚОРОВ. Кўзойдинда оёғимни бундай яланғоч кўрмаганингаям салкам... Қанча бўлди — бир ойми... икки ойми?... Отимиз эр-у, ўзимиз мана бундай юрибмиз-да, хотинбой!

ДИЛОРОМ. Майли, отажониси... Шунисигаям шукр, болаларнинг бахтига соғ бўлинг ишқилиб.

ҚУЧҚОРОВ. Э... соғлом одам шунча замонлардан бери бичилгандай юрадимми!.. Тур, онаси, егулик ул-бул нарсанг бўлса опчиқ. Қорним оч.

ДИЛОРОМ. Боягина чой дамлаб қўювдим, болалар келиб ичар, деб. — Шартта шопиргач, пиёлага чой қўйиб узатади. — Манг, бир қулт чой ичиб, томоғингизни хўллавоғунизча овқат келтираман.

ҚУЧҚОРОВ. — Чойдан хўплайдию, негадир афтини бужмайтириб, бир четга пуркаб юборади. — Ух-х, боппала-е!

ДИЛОРОМ. — Нимадир нашъа қилгангадек кулворади. — Ҳа-а? Оёғингиз куйдимми.. унчалик иссиқ эмас эди-ку?

ҚУЧҚОРОВ. Нима бало, чойга туз қўшиб дамловдингми — шўру шарава-ку!

ДИЛОРОМ. Вой, энди билдизми?! Евонда оқарсувдан қайнатилган чой ичиб юрасиз-да, а?... Темиркудук сувининг чойи бу. Биласизми нима учун шундай?

ҚУЧҚОРОВ. Билсанг айт қани, эшитиб қўяй.

ДИЛОРОМ. Ариқлар кўмилиб, ерлар шўрлаб кетган. Ана қаранг, олмаям қурияпти-ку!

ҚУЧҚОРОВ. Тавба... Эрта бир кун Зарафшоннинг ҳам сувини каналга бурворишса, нима қиламиз-а?!

ДИЛОРОМ. — Кинояли кулади. — Униям ўрнига пахта экиб, пахтанинг ўзини қайнатиб ичаверамиз-да!

ҚУЧҚОРОВ. Э, бунақада пахтаям битмай қўяди-ку! Бор, овқатни опчиқ.

ДИЛОРОМ. Ҳозир... — Уй томон бораётиб сўрайди. — Отаси, кеча палов пиширган эдик, ўшани иситиб келайми ё шартта товада гўшт қовуриб чиқайми?

ҚУЧҚОРОВ. Паловни қиздирганинг маъқул... Ҳм-м, палов дуруст!

Дилором уйга кириб кетади.

Ҳовлига омонат бир жимлик чўқади.

Жимлик асносида яна ўша ингроқ товуш осмон қаъриданми, ер комиданми таралаётгангадек элас-элас эшитила бошлайди.

Қўчқоров камзулини ечаётиб, таажжубсираб сўзланади: и й-э, биров йиғлаяпти чоғимда?! Тинчликмикан? Кейин, ёнбошлаган қўйи, шағиллатиб газетани очади. Дилором, бир қўлида дазмолланган йўл-йўл қўйлак, майка, оппоқ камзул, сал кийилганроқ дўппи, иккинчисида эса сочиқ, обтова кўтариб, уйдан чиқади.

Кийимларни ишқом поясидаги миҳга илгач, олма остига ўтиб, эрини чақиради.

ДИЛОРОМ. Отаси, илиққина сув олиб чиқдим, ювинволинг.

ҚУЧҚОРОВ. Уб-бо, тинчлик йўқ экан-да!.. Аслида-ку,

маза қилиб ювинганга не етсин!..— Орти эзилган латта ковушни оёғига илиб, хотини ёнига боради.—Бошимдан қуя қол.

ДИЛОРОМ. Йўқ...— Эрининг бошидан туси ўчиб кетган дўппини олади.— Аввал кўйлагингизни ечинг.

ҚУЧҚОРОВ. Уб-бо!..— Эгнидан кўйлақни, майкани ечади. Кўйлак ёқасига қараб, негадир бурнини жийиради. Тагин чўнкаяди.— Кўй ҳай.

ДИЛОРОМ. Йўқ...

ҚУЧҚОРОВ. Ҳа, нима гап ўзи?!

ДИЛОРОМ. Аввал оёғингизни ювинг.

ҚУЧҚОРОВ. Оёқ?.. Майли, қуя қол.— Оёғидан сўнг кўл-бетини обдан ювади. Артинади.— Дўппим қани?

ДИЛОРОМ. Ана, ишқом поясидаги михда.

ҚУЧҚОРОВ. Ий-е, янгиси-ку?!

ДИЛОРОМ. Ушанисини кияверинг... Отаси?

ҚУЧҚОРОВ. Нима дейсан?— Кўйлак тугмаларини ўтказаётиб, хотинига ғалатироқ қарайди.— Гапир гапингни.

ДИЛОРОМ. Уйга кириб, иштонингизниям алмаштириб чиқа қолсангиз-чи?

ҚУЧҚОРОВ. Уйга кириб юраманми шу ернинг ўзида алмаштиравераман-да!— Дарҳол камарни бўшатмоқчи бўлади гўё.— Ҳеч ким йўқ-ку барибир.

ДИЛОРОМ. И-и, жинни бўлмаг!..

ҚУЧҚОРОВ. Бор, бошимни қотирма! Мен сенга аристонхонадан чиқиб келаётганим йўқ.— Илдам ўрнига ўтиб, тагин газетхонликка тутинади.— Овқатни опкел!

Дилором ечилган кийимларга қўшиб, чанг босган яшилранг этик билан пайтаваларни ҳам оладию, уйга кириб кетади.

Салдан сўнг қизғиш латта этик, иккита оҳори пайтава чиқариб қўяди. Қўчқоровнинг хаёли газета ўқиш билан банд. Хотинининг жонсарак куймаланиб юрганини пайқамайди ҳам.

ДИЛОРОМ.— Чинни товоққа чош қилиб сузилган палов, сопол бодяда ачиқ-чучук келтириб, дастурхонга қўяди.— Олинг, отаси... Совимасин.

ҚУЧҚОРОВ. О-о, паловхонтўра!.. Хотиржам бўлавер, совутмай еб қўямиз буни ҳозир.

ДИЛОРОМ. Лекин гўшти озроқ-да, отаси.

ҚУЧҚОРОВ. Нима, сенингча бозорда гўшт кўпми?!— Газетани шағиллатиб четга итқитади.— Уйи куйсин бу капаративини!.. Агар барака топгур капаративчи шашликчилар худди шу кунлардаги чапдастлигида яна бирор уч йил гўштининг чанггини чиқариб туришса, умуман Ўзбекистонда чўққадан бошқа бало қолмасов!..

Шу пайтда кўчадан шошилич ўтиб бораётган йўловчиларнинг оёқ товуши эшитилади.

Шу баробарида узук-юлуқ овозлар қулоққа чалинади. Аммо йўловчилардан бирови соқовроқ шекилли, уларнинг гап-сўзлари дурустроқ анланмайди.

Бироқ илдам оёқ товушларию, узук-юлуқ овозларга йўғрилган саросимали ҳаяжон ҳадемай рўй беражак нохуш бир кўргиликдан дарак бераётгандек туюлади. Беихтиёр эру хотин бир-бирига саволчан тикилиб, хиёл фурсат жим қолади.

ДИЛОРОМ. Эрдон кўсаннинг Эшмат соқови ўтди-ёв?

ҚУЧҚОРОВ.— Овқатланаётиб бош ирғайди.— Ҳа, Эшмат соқов мулла Зайниддиннинг кенжаси Раҳмиддин билан борапти. Амакиваччалар... Бир қору хол бўлган чоғимда.

ДИЛОРОМ. Мулла Зайниддин бобонинг келини туғуруқхонадан қочиб келипти.

ҚУЧҚОРОВ. Э, нега?! Эсини еганми бу хотинлар-а?!

ДИЛОРОМ. Боя Фотима кампир роса бўғилиб жавради... Боёқиш келинчакка жуда жабр бўптида лекин: доя дўхтир Тўйбоева, умидингизни узаверинг, сингилжон, бундан кейин тўғолмайсиз, дебди.

ҚУЧҚОРОВ.— Беихтиёр бир зум тек қотиб, ўз-ўзига гапирётгандек, аллатовур ҳирқироқ овозда сўзланади.— Алам... дод алам! Чиндан ҳам... пахта бизга кўп қимматга тушаяпти.— Кейин, кинояли кулимсираб, аттангамо бош чайқайди. Хаёлчан шеър ўқийди:

Туғилган кунимни эслаёлмайман,

Ташаккур дейишга арзигулик тонг.

Танам йўргакланган, муштим тугилган,

Олтин рудасидай ишланмаган онг...

Қачон биз йўргакдан қутуламузу, қачон бизнинг ақлимиз кираркин-а?

ДИЛОРОМ. Бунақада ақл кириши гумон-ов!.. Депалассиянинг турган-битгани заҳар эканлигини билвогунимизча орадан шунча йиллар ўтиб кетибди. Лекин ҳалиям ўз бошимизга ўзимиз бало ёғдириб ётибмиз. Мана яна бир хонадон тутдай тўлди, пардай тўзғий деб турибди... Отаси, бу йил депалассия қилдирмаймиз, девдингиз-ку, ахир?— Эрининг хомуш, хаёлчан сукутидан дадилланиб, янаям маломатлироқ оҳангда давом этади.— Бригадангизда ақалли бир гектар ҳам пахта машинада терилмайди, биттаям машина ишлатилмайди. Шу депалассия сабилни сираям қилдирмасангизлар бўлмайдими, а?

ҚУЧҚОРОВ.— Хотинининг тамомила ҳақлигини, аммо хотинига кўнгилдагидек жавоб беролмаслигини изтироб билан ўйлаб, бирдан қўлини шоп қилади.— Яна неча марта такрорлайсан шу дийдиёнгни?! Юқоридан бетўхтов зуғум қилиб туришса, иложинг қанча?! Лекин сенга айтганман-ку, бу йилги депалация дориси ҳар йилгидақа заҳардан эмас, оддий туз экан. Тушунаёсанми — намақоб, шўрва! Шунинг учун ҳам фўзани қуритишга кучи етмаяпти. Шунинг учун ҳам бир марта ўрнига икки марта...— Самолёт товуши элас-элас эшитилаётган аллақайси томонга алам билан ишора қилади.— Ана, ҳатто айрим ерлар уч марта депалация қилинапти. Энди тушундингми?!

ДИЛОРОМ. Хўп... хўп, отажониси. Апшу!..— Тагин негадир устма-уст чучкуради. Кўз ёшларини сийириб, бурнини артади.— Сал ёқмайдиганроқ гапгайм дарров лов этиб ёниб кетадиган бўлдингиз. Билмадим, депалассия сизгаям ёмон таъсир қилганми, дейман-да?

ҚУЧҚОРОВ. Ҳа, энди билдингми?! Ичим пуда бўлиб кетган меням.— Кўкрагига алам билан нуқийди.— Мен ҳам одамман ахир!

ДИЛОРОМ. Отажониси, қўйинг... кечинг шу бригадирлигидан. Яна ўқитувчилигингизга қайтинг. Юрасизми бўғилиб! На тунингизда ҳаловат бор, на кунингизда...

ҚУЧҚОРОВ. Барибир шу ҳаводан нафас оламанми ахир?! Уқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам уч ой ёз умри далада ўтаяпти-ку!

ДИЛОРОМ. Уқитувчилигингизга қайтсангиз, ҳар қалай...

ҚУЧҚОРОВ. Йўқ!.. Уқитувчиликнинг нонини еёлмайман — виждоним кўтармайди. Қўй, бу ҳақда қайтиб гапирмаям, мени беҳуда қийнамаям.

Тагин орага бир мuddат дилтанг жимлик чўкади.

Дилором эрига чой қуйиб узатади.

Лекин рост, бу йил фўзага урилаётган депалация дориси ҳар йилгидақа заҳардан эмас. Буниси аниқ. Шунини



сигаям шукр қилишимиз керак.— Хаёлчан кулимсираб, лаб тишлаган кўйи, бош чайқайди.— Ҳайронман, агар ёзувчилар газеталарда ёзиб чиқишмаса, агар олимлар радиёю телевизорда жар солишмаса, бу қисталоқ юқоридагилар бизни уруғ-аймоғимиз билан қирвормоқчи бўлишган эканми?!

**ДИЛОРОМ.** Отаси, менга қаранг, агар депалассиянинг ҳозирги дориси бурунгидақа заҳардан бўлмаса, нима учун мулла Зайниддин бобонинг келини...

**ҚУЧҚОРОВ.**— Тагин бирдан асаби кўзиб, хотинини гапиртирмай кўяди.— Уқ, хотин, жон хотин, хотинжон, илтимос, яна айтаман: мулла Зайниддиннинг бечора келини тўғрисида менга гап очма! Мулла Зайниддиннинг келини бу йилги намақобни аввалги бутифос деган заҳардан деб ўйлагану, ҳушдан кетиб йиқилган. Ҳа, аввалги заҳарнинг ваҳимаси ҳали бизни яна ўн йиллар ўйнатади... Билиб қўй, сенга ўхшаб мажруҳ бўлиб қолаётган аёлларнинг, туғилиб-туғилмай ўлаётган гўдакларнинг уволи менинг бўйнимда!— Бўғиқ оҳангда гапиратиб, шарп-шарп бўйнига уради.— Раиснинг бўйнида, райкомнинг бўйнида, улардан каттароқларининг бўйнида! Бошимизга кулфат бўлиб ёғилаётган бу уволдан ҳеч қайсимиз қочиб қутулолмаймиз. Қайтар дунё бу!..

**ДИЛОРОМ.** Қўйинг, отажониси, бўғилманг кўп. Тилгинам қурсин, билмай сўраб қўйибман. Олинг, овқат совимасин, отажониси.

**ҚУЧҚОРОВ.** Раҳмат... Тўйғаздинг.— Базўр ғазабини босиб, асабий кўл артади.— Кўтар!.. Нега анграясан, эшитмадингми-ё?!

**ДИЛОРОМ.** Хўп, отажониси, хўп.

Чаққон ўрнидан туриб, итоаткорлик билан товоқларни олади.

Айни шу чоғда тагин мулла Зайниддин хонадонидан аламноқ овозлар ҳаволаниб эшитила бошлади.

Уй томон бораётиб, Дилором тўхтаб қолади.

**ОВОЗ.**— Мулла Зайниддиннинг кенжаси — ёлғиз ўғил Раҳмиддинники.— Нима қилай она, шўрпешона эканман. Келинингизгаям осон тутманг. Чидаймиз-да!..

**ОВОЗ.**— Фотима кампирники.— Эрта бир кун гўримадаям чирқиллашимни истамасанг, эсингни йиғ, бола. Эсингни йиғ!.. Боласизлик азоби эрта қариганингда билинади. Бу кунларинг ҳали ҳолва, болам!

**ОВОЗ.** Она, келинингиз мол эмас-ку, ахир, бозорга чиқариб сотсаму, шартта ўрнига бошқасини олиб келсам!..

**ОВОЗ.** Вой шўрим қурсин! Сен ҳали мулло Зайниддинбой авлодига ўзингдан кейин буткул барҳам бермоқчимисан?! Бошингга белбоғингни ўра-е! Кўққис нимадир тарақлаб кетади.

**ОВОЗ.**— Мулла Зайниддинники.— Сен дўзахий кампир эрта бир кун гўрингда гурсиллаб ёнмасанг бекор!

**ОВОЗ.** Ёнсам ёнарман. Аввалимни бермаса, охиратини не қилай?!

**ОВОЗ.** Ут-э, сени ўша!

Дилором, туйқус ҳушига келгандек зипиллаб уйга кириб кетади.

**ҚУЧҚОРОВ.**— Кимнидир ғудраниб сўқади. Юзларини, пешонасини ҳорғин сийпалайди.— Ҳай падарқусур онаи зор-а!.. Ҳай шўри қуриган ўзбег-а!.. Алам.. алам... дод алам!

Шу аснода тагин радио бир хириллайди, сурнинг ўтлуғ чинқириғи янграйди: ту-ту-ту-ту-ту-ту-у!..

Хиёлдан сўнг яна ўша ўктам овоз, тантанада иштирок этаётганлару радио тинглаётганларга баравар тааллуқлидек, тўлқинланиб эшитилаверади:

...Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,  
Билиб қўйки, сени Ватан кутади...  
Жабрда масала қўш муаммодир,  
Худди шунда бир улуғ қурилиш жодир.  
Сен катта инженер, эртами-индин,  
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Яна хириллаб-хириллаб, радио жимиб қолади. Дилором уйдан чиқади. Кўрпачага жимгина чордона қуриб, кўлига савағичларни олади.

**ҚУЧҚОРОВ.** Бу... йиғинлари ҳали тугамаган экан-да, бўлмаса аллақачон ўғлинг келган бўларди. Сўрамаганмидинг, қанақа йиғин экан, онаси?

**ДИЛОРОМ.** Сўрамабман-а...— Пахта саваётиб сўрайди.— Улмасингизга бирор иш буюриб кетмоқчимидингиз, отаси?

**ҚУЧҚОРОВ.** Айтайми?.. Нима учун туядек чўкиб ётганлигимнинг сабабини билмоқчимисан?..

**ДИЛОРОМ.**...— Унсиз шивирлайди: айтинг?

**ҚУЧҚОРОВ.** Улмасинг ўғри.

**ДИЛОРОМ.** А-а?!— Қўлидан савағичлар тушиб кетади.— Билувдим-а, бемаҳал келганингиз бежиз эмаслигини билувдим-а! Мастура фолбин айтувди-я!

**ҚУЧҚОРОВ.** Нима деди — уям, ўғлинг ўғри дедими?

**ДИЛОРОМ.** Йўқ, йўқ, ўзича бидиллаб-бобиллаб чиқиб кетди. Уғлингиз ўғри эмас, отажониси! Ҳамма айтсам, тухматни сиз айтманг.

**ҚУЧҚОРОВ.** Илойим!.. Илойим бу гап тухмат бўлиб чиқсин.

**ДИЛОРОМ.** Ким айтди сизга ўзи?..

**ҚУЧҚОРОВ.** Эрдон кўса...

**ДИЛОРОМ.** Эби-и!..— Бирдан чеҳраси ёришгандек бўлади.— Мулла Зайниддин...

**ҚУЧҚОРОВ.**— Дабдуруст жаҳли кўзиб кетади.— Нима мулла Зайниддин?!

**ДИЛОРОМ.** Ахир, Эрдон кўса мулла Зайниддиннинг укаси-ку!

**ҚУЧҚОРОВ.**— Туйқус алланиманидир англаб етаётгандек сёл ҳовуридан тушиб, лабларини чўччайтиради.— Укаси бўлса-чи?

**ДИЛОРОМ.** Шуниям билмайсизми ахир — ана, ҳаммаси аламзада-ку! — Қўшни ҳовлига ишора қилиб, сўзида давом этади.— Нимжон бўлиб қолган келин учун Эрдон кўса акасининг қасдини олмоқчидир-да!.. Илоё кўзгинаси ўйилсин Эрдон кўсангизнинг!

**ҚУЧҚОРОВ.** Қасд?.. Тавба!.. Ахир, келинчакни мен майиб қилиб қўйганим йўқ-ку!

**ДИЛОРОМ.** Тўғри... сиз майиб қилиб қўйганингиз йўқ. Лекин сиз — бригадирсиз. Келинчак — колхозчингиз. У боёқиш уйда эмас, ёвонда — депалассия қилинган далада ҳушдан кетиб йиқилган... Тўғрим ахир?!

**ҚУЧҚОРОВ.** Уҳ-ўҳ!.. — Алланиманингдир таҳликасида тажангланиб, аччиқ кулимсирайди.— Судди раиси бўл-э, падаад!..

**ДИЛОРОМ.** Кулманг... кулманг, отаси. Бордию сизни жўрттага Эрдон кўса бу ёққа жўнатиб, ўзи у ёқда бир балонинг бошини кўзгаётган бўлса-чи?.. Аламзадалардан ҳар балони кутиш мумкин. Қирилгур лўли фолбин боя юрагимга бир дунё ғулғула солиб кетувди-я! Туринг, отажониси?!

**ҚУЧҚОРОВ.** Ваҳима қилма-е!.. Тушга нималар кирмайди, фолбин нималар демайди.— Фаромуш кўл силтайди.— Қўй, бошимни қотирма кўп. Пахтангни сава!

**ДИЛОРОМ.** Бунчалик содда бўлманг, отаси... Менга қаранг, Улмасим Эрдон кўсанинг нимасини ўғрилаган эмиш?

**ҚУЧҚОРОВ.** Эрдон кўсанинг эмас, мактабнинг физика кабинетига янги келтирилган қанақадир радио-аппаратнинг битта трансформаторини ўғирлаган ўғлинг.

**ДИЛОРОМ.** Ундай деманг-э, отаси!.. Шошманг... Улмасингиз ўша оти ўчгур тумтумакни...

**ҚУЧҚОРОВ.** Тумтумак эмас, трансформатор!.. Тушундингми — топилмас матоҳ.

**ДИЛОРОМ.** Хўп, ўша топилмас матоҳни Улмасингиз ўғирлаганини Эрдон кўса қандай қилиб кўрган эмиш? Нима, тепасида турган эканми?

**ҚУЧҚОРОВ.** Келини айтипти Эрдон кўсага. Келини кабинет мудирини экан-ку?! Э, нега бунча чўчонга лайсан, ахир ўғлинг ҳар хил радио ясаб-бузиб-тузатиб юради-ку?! Олган бўлса олгандир-да!

**ДИЛОРОМ.** Ана, айтмадимми — бу гапларнинг ҳаммаси уйдирма, ҳаммаси тухмат! Унақа топилмас тумтумагу ҳар хил бўлтаклардан Улмасингизда икки чамадону яна бир қути тўла.

**ҚУЧҚОРОВ.** Йўқ, айтдим-ку, унақа трансформатор — топилмас матаҳ эмиш.

**ДИЛОРОМ.** Зовут бор-йўғи биттагина чиқариптими? Ҳасратимни епти ўша Эрдон кўсангизам, келиниям! — Ногоҳ тагин нималардир ёдига тушадию, алам билан пахтани савайди. — Ҳаммасига мана шу сабаб! Бошимга дўлдай ёғилаётган бари кулфатларнинг ҳаммасига мана шу ўт тушгур сабаб! Шу айбдор!! Отажониси, туринг, яна қовоғим учаяпти, ишингизга боринг. Улмасингиз билан ўзим гаплашиб қўяман. Агар олган бўлса...

**ҚУЧҚОРОВ.** Йўқ!.. Уғлинг билан ўзим гаплашаман. Агар ўғрилиқ қилмаган бўлса, товонидан ўпмасам итинг бўлай!.. Ана, ўргилай опангнинг эркатоини ўқиш баҳона салкам бир ярим йилдан бери аллақайларда дайдиб, ҳар ой сайин ота-онанинг даста-даста пулини қуртдек сўраётганидан ташқари, кун сайин уларнинг соғлигиниям кемираяпти. Эрта бир кун улардек оғизда ошу кўзда ёш билан бўзлаб қолмаслик учун ҳам ҳозирдан олдини олиш керак. Айтиб қўяй: агар ўғлинг ўғрилиқ қилган бўлса...

**ДИЛОРОМ.** Йўқ! Йўқ!.. — Негадир тобора даҳшатга тушиб, жонсарак қул тўлғайди, бош чайқайди. — Уғлимнинг ўғрилиқ қилмаслигига минг карра ишончим комил. Уғлингизга ишонаверинг, отажониси, ҳеч қачон ўғрилиқ қилмайди.

**ҚУЧҚОРОВ.** Илойим қилмаган бўлсин-да!.. Уф-ф!.. — Беихтиёр аланмок бош чайқайди. — Эрдон кўса мени ёмон шарманда қилди — пахта қуритаётган эркакларнинг олдида ер комига тиқворди: ўртоқ Қўчқоров, бир пайтлар ўқитувчилик қилган одамсиз, деди. Агар ҳозирдан чорасини хўрмасангиз, келажакда ўғлингиз ўғривоши бўлиб кетмаса, отамнинг боласи эмасман, деди. Аямади ит эмган!.. Қаҳрчан ғудраниб, янаям болаҳонадор сўкинади. — Мен... мен бутун имон-эътиқодимни ўғлингга тикканман-а! Қалдирғочнинг боласи чирқиллаб онасини кутгандек, мен ўғлингнинг улғайишини кутаяпман, зўр бир одам бўлиб қаторга қўшилишини кутаяпман.

**БАРЧИНОЙ.** — Туйқус кўнғироқдек овози жаранглаб эшитилади. — Ўртоқ Қўчқоржонов, бўлмаса мана бу хушxabарни эшитиб қўйинг: ўғлингиз бугун улғайди — комсомолга қабул қилинди!..

Ота ҳам, она ҳам ялт этиб дарвоза томон ўгирилади: онанинг ифтихори, отанинг ғурури, аканинг ору номуси, хонадон эркатоини — Барчинойнинг шоду хуррам кириб келаятганини кўриб, беихтиёр ҳар икковининг ҳам дили яйраб кетади.

Барчиной — бўйчангина, сочлари узун, кўркам қиза-

лок: ҳарнеки кийимда гулдек яшнаб юради, мактаб формасидаку чунон ҳам!.. Эпчил, уй юмушларида онага дастёр, акага сирдош. Аммо, андеккина шўх-роқми-ей, шаддотми-ей — дафъатан айтиш душвор. Дилда ҳам, тилда ҳам онага, акага, отага меҳрибон. Мана, қисматида бор экан, эрта баҳордан бери колхозчи — ҳар куни дарсдан сўнг далада ишлайди. Ўз жамғармаси бор. Колхозчилигининг биринчи ойида етти сўм олган. Маошини онасига бермоқчи бўлганида онаси: энди катта бўлиб қолдинг, пул тутта билишни ўрганишинг керак, келажакда бу вазиям сенга кўп асқотади, деб олмаган. Агар баъзи-баъзида ҳар хил мурватлару бултаклар ваҳждан акаси серхаржроқ бўлиб қолса, албатта қайтиб олмаслик шарти билан керагича бераверади. Ҳа, Барчиной отасини шунақаям яхши кўрадики, таърифига тараф йўқ. Дарвоқе, эл-бурундан колхозчилик машаққатини зиммага олишида ҳам бениҳоя отапарастлиги сабаб бўлган. Эрта баҳор кунларидан бирида отаси маслаҳату надомат оҳангиде онага: агар бригадирнинг болалари ёвонга чиқмаса, одамлар нима дейишаркин? Ҳаливери ўғлинг меҳнатга бўйин қўймай, радиобезорилик қилиб юравермоқчи шекилли, деганини ногоҳ эшитиб қолгану, эртасигаёқ акани эргаштириб далага чиққан. Ушандан бери Барчинойнинг юрар йўли шу: уй — мактаб, мактаб — уй — дала. Агар бу равон йўлнинг нақадар чийратмаю чигаллигини ўйласангиз, ўйлайверсангиз — бошингиз айланиб, кўзингиз тиниб кетади.

**БАРЧИНОЙ.** — ... Табассумдан юз-кўзлари чақнаб, ишком сари яқинлашаверади. — Отажон, бундай бир суюнчиламайсиз ҳам-а! Отам келибдилар.

**ДИЛОРОМ.** Нима қилай, суюнганимдан тилим гапга дурустроқ айланмаяпти-да, қизим.

**БАРЧИНОЙ.** Қўчқоржонови!..

**ҚУЧҚОРОВ.** Қўчқоржонов эмас, Қўчқоров!

**БАРЧИНОЙ.** Метрқачи хато ёзиб қўйган, отажон. Сиз шахсан биз учун Қўчқоржоновсиз... Ассалом. — Папкасини қўяди.

Отасининг юзларидан ўпмоқчи бўлади. — Отажон, соқолингиз бунчаям ўсган.

**ҚУЧҚОРОВ.** Қўй, ўпма. — Уптирмайди. Ўзи эса қизининг пешонасидан ўпиб, кифтига қоқади. — Биласан-ку, жиним кўтармайди, қизим. Кейин... ўрганиб қолсанг, эрта бир кун қайнотангниям ўпиб юришингга тўғри келқолар.

**БАРЧИНОЙ.** Ух-х!.. — Аразлагандек нозланиб ер тепади. — Тилингиз аччиқ, отажон. Жудаям!..

**ҚУЧҚОРОВ.** Бўлса бордир... Лекин сизлар — маймун: телевизорда неки кўрсангиз, дарров кўркўрона тақлид қилаверасизлар.

**БАРЧИНОЙ.** Афсуски, минг карра ҳақсиз, отажон! Биз — маймунфеълмиз. Лекин келажакда мен янаям ақлли, янаям суюкли қизингиз бўлишга ваъда бераман.

**ҚУЧҚОРОВ.** Бу гапинг дуруст, қизим. Дуруст!..

**БАРЧИНОЙ.** План тўлдими, отажон? Уйга келиб ётиб олибсиз?..

**ҚУЧҚОРОВ.** Пахтахонада йиғилиб қолган икки кунлик пахта бор. Балки бугун тўлиб қолар.

**БАРЧИНОЙ.** Яшасин Қўчқоржонови!.. Онамга суюнчиламаган ўхшайсиз, ота?.. Отажон!.. Она, яхшимисиз? Негадир...

**ДИЛОРОМ.** Яхшиман.

**БАРЧИНОЙ.** Йўқ, сиз... Отажон, бугун анча чарчабсиз-а?.. — Онасининг кўнгли учун бежама гап қилади. — Йўқ, кўзларингиз шунақаям чиройлик, юзларингиз шунақаям тиниқки... Худди фариштаннинг ўзгинаси сиз, онажон!

**ДИЛОРОМ.** Бас... бас! Аканг қани, келмаяпти-ку?

БАРЧИНОЙ. Келаяптилар... Онажон, бугун мактабимизда райкомсомолнинг кўчма йиғини бўлди, акамлани бутун синфлари билан комсомолга қабул қилишди. Шунинг учун кечикдим. Мактабда шунақаям зўр тантана бўлдики!..

ДИЛОРОМ. Яхши... Ана, отанг акангни табриклар қўядилар.

БАРЧИНОЙ. Албатта!.. Табриклайсиз-а, отажон?

ҚУЧҚОРОВ. Ҳа, табриклар керак экан. Табриклаймиз.

ДИЛОРОМ. Барчиной, папкангни ол-да, уйга кир, қизим. Ошхонадаги стол устида палов бор. Боя иситувдим. Совуб қолган бўлсаям керак. Қорнингни тўйғазганингдан кейин...

БАРЧИНОЙ. Қорним тўк, онажон. Қизлар билан буфетдан сомса олиб едик.

ДИЛОРОМ. Яхши... Томорқага чиқиб, бир боғ пиёз, бир бандча сабзи юлиб кел. Аввал ўт ўриб, сигирнинг, қўчқорнинг охурига сол. Ҳа... Зийракнинг ялоғига сув қуйиб қўйишни унутма.

БАРЧИНОЙ. Акамла-чи, онажон?

ДИЛОРОМ. Гап қайтаришга ўрганма!.. Сен айтилган ишларни қилиб қайтгунингча, аканг қорнини тўйғазиб туради. Кейин бирга пахтага жўнайсизлар.

БАРЧИНОЙ. Хўп бўлади, онажон. — Шартта папкани қўлтиғига қисиб, эшик томон юради. — План тўларкан, эртарақ боришимиз керак бугун — мукофотдан қуруқ қолиб кетмайлик. А-а, ота, мукофот бериладими?

ҚУЧҚОРОВ... — Нима деярини билолмай, дув қизаради. Ота — бригадир, машаққатли бир довон ошилар шундай кунда энг илғор теримчиларга, лоақал кичкинтой фидойиларга мукофот уюштиролмаганлигини ўйлаб, паришон бош чайқайди.

Барчиной уйга кириб кетади. Шу пайтда кўчадан ўтиб бораётган ўспирин йигитларнинг, бўйсара қизларнинг шўх-шодон овозлари эшитилади. Ва бирдан баралла кулги янграйди.

Дабдурустан она бетоқатланади.

ДИЛОРОМ. Планингиз тўладиган кун экан бугун, отаси, туринг, колхозчиларнинг ёнига боринг!.. Худо хайрингизни берсин, йўқ деманг?

ҚУЧҚОРОВ. Қанақа хотинсан ўзи, а?! Мен ҳозир ёвонга борсам, Эрдон кўсаннинг кўзига қандай қарайман — ўғлимдан ўғрими ёки ўғри эмаслигини сўраб билгани кўрқдим, сўраёлмай-суриштиролмай қайтиб келаяпман, деб айтаманми?

ДИЛОРОМ. Илоё Эрдон кўсангизнинг кўзлари ўйилсин! Уғлингизнинг байрами экан бугун ахир!

ҚУЧҚОРОВ. Хомтаъма бўлма, ҳаётда байрам йўқ экан. Ҳаётида синов кунлари бўларкан одамнинг.

ДИЛОРОМ. Хўп, сиз айтганча бўла қолсин: ўғлингиз бугун катта бир синовдан ўтибди — комсомолга қабул қилинибди. Шундай кунда юрагини зардобга тўлдирманг боланинг?.. Бордию ўша сабил тумтумакни билмай олиб қўйган бўлса, ўзим бошлаб адабини бераман, эртага элтиб топширади.

ҚУЧҚОРОВ. Нима-а?! Худонга ялин-ёлвор, тавалло қил: илоё ўғлинг олманган бўлсин. Агар, билибми-билмайми, олиб қўйган бўлса... мен — собман. Мени ўлди деб қўявер! — Кескин бош чайқаб, оташин хўрсинади. — Уф-ф!.. Илоё олманган бўлсин?! Олмаган бўлсин!..

Айни шу чоғда Барчиной бежоғсиз жияк тикилган лозим, одмигина кўйлак кийиб, бошига пешонабоғ ўраган кўйи, уйдан чиқади. Ота ҳам, она ҳам жимиб қолади.

БАРЧИНОЙ. — Нохуш бир ниманидир англаётгандек

тўхтайди. Онасига синчков тикилиб, ўсмоқчилайди. — Уришаётган эру хотинга ўхшаб ўтирибсизларми, она?

ДИЛОРОМ. Отанг билан уришиб, нима, ўлиб кетган отамнинг давлатини бўлишармидик, қизим.

БАРЧИНОЙ. Отажон, бизни хафа қилманг-а!.. — Кўрсаткич бармоғини ўқталиб, ҳавони кескилайди — тантиқланади. Яна уч-тўрт қадам юриб, тўхтайди. — Отажон, тилингиз жудаям яхши, фақат... нима десам экан, максималистсиз. Нима учун бундай деяётганимни тушунайсиз-а?

ҚУЧҚОРОВ. — Кўнгилчан кулимсрайди. Бош ирғийди. — Тушундим, қизим.

Барчиной боғ томон ўтиб кетади. Зийрак эса, Улмаснинг ҳовлига кириб келаётганлигини билдираётгандек, боғ тарафда ўйноқлаб ҳуради. Қўчқор баарайди.

ДИЛОРОМ. Ана, Улмас келаяпти.

ҚУЧҚОРОВ. Онаси, сен... уйга кир. Тур! Сездирсанг бўлмайди.

ДИЛОРОМ. Майли, мен уйга кирман. — Савағичларни қўлтиғига қисиб, итоаткорлик билан ўрнидан туради. — Лекин боламни урмайсиз!

ҚУЧҚОРОВ. Бўпти. Савағичларни жойига қўй.

ДИЛОРОМ. Йўқ! Урсангиз қаргайман. — Асабий ғудраниб, секин эшик сари бораверади. — Бир таёқ — бахт, бир таёқ — бадбахт... Урсангиз тилим қарғамасаям, дилим қаргайди барибир. Онаман — ёнаман...

УЛМАС. Она!..

ДИЛОРОМ. Жоним! — Беихтиёр тўхтайди. — Келдингми, ўғлим.

УЛМАС. — Кўксида комсомоллик нишони чўғдек ялтираган кўйи, папкани қўлтиғига қисганча, чопқиллаб бориб, онасининг кифтидан кучади. — Онажон!.. — Онасининг кўзларига саволчан тикилади. — Йиғлапсизми, она?

ДИЛОРОМ. Йиғлаганим йўқ, ўғлим. — Яна такрор ўғлининг пешонасидан ўпади. — Сочларини силайди. — Эшитдик, синглинг айтди. Илоё униб-ўсгайсан, болажоним!

УЛМАС. Э, йиғламанг-да, онажон!.. Ота, ассаломалейкум!

ҚУЧҚОРОВ. Ассаломалейкум, полвон!

УЛМАС. Комсомолга қабул қилишди, ота!

ҚУЧҚОРОВ. Зўр-ку! Сизни ўзлари қабул қилишибди. Яхши.. маладес! Мен комсомолга зўравонлик қилиб кирганман. Ёшингиз жиндай етмас экан, кейинроқ келасиз, деганларида, бўлмаса мени пионерликдан ҳам ўчириб қўяверинглар, то ёшим етгунча ҳужжатсиз комсомол бўлиб юравераман, деб айтганман.

УЛМАС. Ота, сиз ўзи аввал-бошдан бошқача одам бўлгансиз-да! Комсомолга зўравонлик билан киргансиз, лекин ҳар қанча тарғиб-ташвиқ қилсалар ҳам партияга кирмагансиз.

ҚУЧҚОРОВ. Кирмаганим ҳам дуруст бўлган экан. Кирганимда... бугун кўп арбоблару корчалонларга қўшилиб, бир қавакда туйнукка термилиб ётармидим.

УЛМАС. Нега, йўўқ!.. Биламан, агар коммунист бўлганингизда, ўша кўзбўямачи арбобларга қарши қурашар эдингиз.

ҚУЧҚОРОВ. Ким билади. Ёки аллақачон лошимни ўлаксаҳўр зоғлар талош қилиб кетган бўларди. Уғлим!.. Майли, бу гапларни қўя турайлик. Айт-чи, мен кўрсатган шеърни ёдладингми?

УЛМАС. Аллақачон!.. — Шартта бир қадам олға босади. — КАРАМ КАБИ!

Ҳаво қўрғошин каби оғир.

Бақир,

бақир,

бақир,

бақираяпман.

Қўрғошин

эрит-

моққа

қўшин

чақираяпман...

У дейдики манга:

— Уз сасингдан кул бўларсан ҳей!

Карам каби

ёна

ёна...

«Дааард

чўх,

ҳамдард

йўқ».

Юрақларинг

Қулоқлари

кардир...

ҚУЧҚОРОВ. Шошма... шошма!

ДИЛОРОМ. Қўйинг, ўқийверсин. Яхши ўқияпти-ку!

Уқи, ўғлим, мен эшитаман.

ҚУЧҚОРОВ. Шошма-да, онаси. Уғлинг сал бузди... Бу шеърни мана бундай ўқийдилар. — Югуриб ўртага чиқади. Турку тус топ аристон кимсаникига ўхшайди: сочлар юлинган — бош ярғоқ, соқол ўскин, қиёфа... аянч: кўйлак йўл-йўл, шим... кўримсиз; оёқ яланг... Дарғазаб кепатада муштарини таваллою зуғум мақомида тўлғай-тўлғай, бўғиқ, ҳасрат оҳангида ўқий бошлайди:

«Дааард

чўх,

ҳамдааард

йўқ».

Юрақ-

ларинг

Қулоқ-

лари

кардир...

Ҳаво қўрғошин каби оғир...

Ман дейманки анга:

— Кул бўлайин

Карам каби

ёна

ёна...

Мен ёнмасам,

сен ёнмасанг,

биз ёнмасак

қачон

чиқар

бу зул-

матлар

ойдин-

ликка...

Ҳаво қўрғошин каби қўнғир.

Ҳаво қўрғошин каби оғир.

Бақир,

бақир,

бақираяпман.

Қўрғошин

эрит-

моққа

қўшин

чақираяпман...

Бу шеър шоирнинг хитоби, илтижоси: унингча, Ер юзидаги одамларнинг бир-бирига бегона қайғуси, ташвиши бўлмаслиги керак. Уғлим!.. Қўрғошинники камлик қилганидай, мана энди ҳавомизга ҳар хил заҳарларнинг ҳам даҳмазаси қўшиляпти. Тушунаяпсанми?

УЛМАС. Ҳа... — Ушхўл бош ирғайди. — Тушунаяпман, ота.

ҚУЧҚОРОВ. Ҳамон ҳаяжонда. Қўлини мушт қилиб, ҳавога тўлғайди. Ҳаммамиз бир-биримиз учун, шоир айтганидай, қоронғиликларни ёруғликка чиқариш учун ёниб яшашимиз керак. Тутаб-биқсиб эмас!.. Сен айтаяпсанки, коммунист бўлволиб, ижрочи ишбошиларни ҳар хил жиноятларга судраган баъзи бир арбоблару корчалонларга қарши курашишингиз керак эди!.. Йўўқ, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деганлар, ўғлим. Ҳамма баравар ёниб яшаши керак экан. Агар... мен ёнсаму, сен ёнмасанг ёки онанг ёнмай, икковинг менинг оловимга исиниб ўтирсангизлар бўлмайди-да! Тушунаяпсанми гапларимга?

УЛМАС. Тушундим, ота.

ҚУЧҚОРОВ. Яхши!.. Тушунган бўлсанг айт-чи, ўзбекининг файласуф шоири нима дейди?

УЛМАС. Ҳа, уними?.. — Шоирга тақлид қилаётгандек, маънодор имо-ишоралар билан, босиқ овозда ўқий бошлайди:

Бахт... ўтган умр! Яъни хотиралардир!

Уларда нур не миқдор жамланган бўлса,

Бахтимизнинг равшанлиги ўша қадардир...!

ҚУЧҚОРОВ. Яша, полвон! Ана энди янаям тушунгандирсан — нима учун ёниб яшаш кераклигини — сен бизнинг дунёга берган сўнмас нуримизсан, қоронғиликларни ёруғликка чиқариш учун курашувчи нуримиз!.. Ҳамиша бизнинг бору йўқлигимиз сенга боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз сенинг беғубор, ҳамма ҳавас қиладиган зўр одам бўлишингни истаймиз, ўғлим. Сен зўр одам бўлишинг керак, Улмас!.. Сочларини тўзғитади, бардам кифтига қоқиб кўяди. — Энди гап бундай, полвон... дала шийпонимиздаги ўша ўзинг кўрган радио-приёмник бор-ку?..

ДИЛОРОМ. Ух-х, симён! — Бирдан аламноқ ғудранади, тишлари ғижирлаб кетади. — Ух-х, симён-а!..

УЛМАС. Ҳа, она, нега ундай деяпсиз?

ДИЛОРОМ. Отанг доғули, болам.

ҚУЧҚОРОВ. Онанг чарчаган, ўғлим... Онаси, уйга кир, бор... бор, дамнингни ол!

Ночор-ноилож она эшик томон юради.

Ота гўё бепарво.

Улмас эса ногоҳ рўй бераётган аллатовур саросимали бир безовталиқ боисини англаёлмай, дам онасига, дам отасига бесабр тикилади: тинчликми ўзи?

ҚУЧҚОРОВ. — Ҳамон парвосиздек давом этади. — .. радио-приёмникнинг овоз кучайтиргич мембранаси куйиб қолипти. Кейин, битта йигирма бешталиқ трансформатор керак бўлиб қолди. Ҳеч қаерда йўқ. Биттагина топиб беролмайсанми, а, ўғлим?

УЛМАС. — Бош чайқаб, энса қашийди. — Ах-х, ота!.. Дилором негадир эшик рўпарасида тўхтаб турган эди, ихтиёрсиз кўксини ғижимлайди. Нечундир ўғлига қа-

<sup>1</sup> Нозим Ҳикмат шеъри.

<sup>1</sup> Омон Матжон. «Гаплашадиган вақтлар»

рамайди. Аммо, яққол билиниб турадики, бутун фикру ҳаёли ўғлида: илойим-иловандо олмаганман десин-да? Илоё?!

...Мембрананику топиб берарман, лекин йигирма беш-талиқ трансформатор топилиши қийин ота. Унақаси ҳали магазинларга чиқарилган эмас. — Бир фурсат жим қолади. Сўнг мақтанчоқликми ёки соддаликми, сайрай кетади. — Биттагинаси бор менда. Лекин уни янги ясаётган... космик приёмник-передатчик — гапирчоқ-ғимга кавшарлаб қўйганман. Узиям зўр гапирчоқ бўлади, ота!

ҚУЧҚОРОВ. Гапирчоқ дейсанми, полвон? У, зўрсан-ку, полвон!

У билан нима қилмоқчисан?

УЛМАС. Ҳозирча... сир бу, ота. — Шодон жилмайиб кўз қисиб қўяди. — Секрет!..

ҚУЧҚОРОВ. Ий-э, нега?! Мендан ҳам-а?..

УЛМАС. Ота, ҳозирча айтмай қўя қолай, майлими?

ҚУЧҚОРОВ. А-а, у... трансформаторни сен қаёқдан олгансан?

УЛМАС. Мактабимизнинг физика кабинетига янги бир аппарат келтиришган эди. Узиям мировой аппарат, ота!.. Ушаники у трансформатор.

ҚУЧҚОРОВ. — Ҳамон гўё бепарводек, янаям таъкидлаб сўрайди. — Уша мировой аппаратникини олганман, де?

УЛМАС. Нега бунча қизиқиб қолдингиз, ота?

ҚУЧҚОРОВ. Сўраяпман-да, полвон! Уша аппаратникими ахир?

УЛМАС. Ҳа, ушаники...

ДИЛОРОМ. Иби ўлайман!.. — Бирдан балодан қочгандек отилиб даҳлизга киради. Эшик тарақлаб ёпилади. Ичкаридан овози бўғиқ эшитилади. — Сенгинани туғмай ўлай эдим мен, болажоним!

ҚУЧҚОРОВ. Барака топинг-э, полвон!..

Унинг бу олқиши тил билан айтилмаган айни дил қарғишидек қулоққа урилади.

Улмас саросимали алфозда отасига тикилади: ҳа, ота, нима гап ўзи?! Аммо, отанинг қаҳрчан кулимсираши сабабини ҳам, онанинг нолавор қарғаётгани боисини ҳам дурустроқ англаёлмайди яна. Ота эса... тагин бепарводек сўзида давом этади.

.. Қўявер, онангнинг гапларига парво қилма, ўғлим. Чарчаган... Бор, гапирчоғингни бу ёққа олиб кел қани. Кўрайлик.

УЛМАС. Ҳозир... — Папкасини олаётиб, тушириб юборади. Бир неча китоб-дафтарга қўшилиб, «Радио» ҳамда «Юный техник» журналининг уч-тўрттаси сочи-либ кетади. Шошқалоқлик билан журналларни йиғиш-тириб, папкага солади. — Ҳозир олиб чиқаман, ота.

Қўчқоров супада у ёқдан-бу ёққа бесабр юриб, устмас-уст кафтига мушт уради. Ҳовли ўртасида тўхтади. Ва бехос нимадир ёдига тушгандек, ғудраниб сўкинади, афти бужмайиб кетади: нима қиларига ҳайрон!.. Қаҳру ғазаби эса тобора ақлу ҳушини маҳв этаверади.

Улмас уйдан чиқади. Қўлида чоғроққина приёмник қутиси ҳамда ихчамгина бир бўлтак бор. Қўтининг ҳам олд, ҳам орқа томони очиқ. Ундан турфа бўлтагу ранг-баранг чироқчалар жилоланиб кўринади.

ҚУЧҚОРОВ. У, бинойи-ку, а?!

УЛМАС. Ота, батареясини улаб қўйдим. Зўр бата-рея — япон приёмнигиники. — Боягина у саросимага тушганини ҳам, отасининг юз-кўзларида чақнаб ўтган

совуқ важоҳатни ҳам — ҳамма-ҳаммасини тамомила унутган. Алланимадан мамнун, ҳаяжонда. — Шу йил ёзда Ленинградга — олимпиадага борганимда «Маяк» магазинидан сотиб олган эдим. Магазин шундоқ Нева дарёси бўйида. Эрмитаж ёнидан ўтиб борилади. — Аввал қутини, сўнг ихчамроқ бўлтакни отасига узатади. — Мембрана бу... Ота, эҳтиёт бўлинг, батареяси уланган. Агар сиз ҳозир!..

Қўчқоров мембранага эътибор ҳам бермай, чеккага су-риб қўяди. Ногоҳ чийиллаб ўқ узилаётган янглиғ қутидан ғалати товушлар отилиб чиқа бошлади: чув-чув!.. Хишш!.. Чиюв-чиюв!..

Бирдан товушлар тиниб, телефон дастагидан таралаёт-гандек хирқираган бир овоз эшитилади: ЦЕНТР! ЦЕНТР!.. Я — «БУРАН». Я — «БУРАН». КАК ВЫ СЛЫШИТЕ МЕНЯ? КАК ВЫ СЛЫШИТЕ МЕНЯ?.. ПРИЕМ! ПРИЕМ!.. ГОРИТЬ ХЛОППУНКТ! ГОРИТЬ ХЛОППУНКТ!.. ПОЖАР! ПОЖАР! ПЕРЕДАЕМ КОД ДАННОГО НАСЕЛЕННОГО ПУНКТА!.. Чув-чиюв!.. Чиюв-чиюв!..

УЛМАС. — Бирдан ваҳимага тушиб отасининг кифтига туртади. — Ота, шу яқин орада пахта омбори ёнаяпти! Ота, эшитаяпсизми, пахта ёнаяпти, пахта!..

Яна қўққис нималардир ёдига тушади, Қўчқоровнинг жаҳли кўзиб, приёмникни улоқтириб юборади. Приём-ник тарақлаб деворга урилиб, бўлак-сўлак бўлади. Дабдурустдан жони халқумига тикилгандек Улмаснинг кўзлари каттариб кетади: бу нима қилганингиз ахир?! Ота асабий титраб, шартта ўғлининг сочига чангал сола-дию, ғазаб билан пахта босади. Улмас юзтубан қулайди.

ҚУЧҚОРОВ. Трансформаторни нега ўғирладинг, ланъати?!

УЛМАС. Ота, пахта ёнаяпти! Сизга айтаяпман ахир, пахта!..

ҚУЧҚОРОВ. Ениб кетсин! Хону моним олов олди-ку! Жонимга ўт туташди-ку, ахир! Куйиб кул бўлсин пахта-си! Менга деса энди дунёси ёниб кетмайдими! — Тобора ғазаби жўш уриб, белидан камарни ечиб оладию, шитоб қарсиллатиб солади. — Нега ўғрилик қилдинг, кўрна-мак?

Яна камар визиллаб баданига чирмашганда Улмас кес-кин тўлғанади. Тишлари ғижирлаб кетади. Ва қатъий аҳд қилади: энди миқ этмайман. Теримни шилиб олсалар ҳам миқ этмайман. Ёнса ёнаверсин пахтаси!

Радиобезорилигинг етмасмиди, нима учун осмонбу-зарлик қилаяпсан, ланъати?! Ахир, сен... сен... — Алами-га чидаёлмай, яна камар кўтаради, урмоқчи эмас, лекин қаҳру ғазабига чидаёлмай беихтиёр ураверади. — Сен мени юзиқаро қилдинг-ку! Гапир! Гапирасан! Гапирма-ганингга қўймайман барибир!..

Ҳар гал таёқ текканда Улмас сездирмасликка уринади, аммо уддалаёлмайди. Лабларини қонаторгудек тиш-лаб, ўз-ўзига далда беради: чидайсан, Улмасжон, чидайсан!.. Ахир, бундан баттариям бўлиши мумкин-ку! Чидайман... барибир чидайман!..

— Шарманда бўлдим, шарманда!.. Айт, тавба қил-дим, де! Минбаъд бировнинг нарчасига кўз олайтир-майман, де?! Айтасан, ланъати! Айттираман... айттира-ман. Айтмасанг тилингни сугуриб оламан!.. Улмас аламангиз бош чайқаб, мийиғида кулгандек бўла-

ди: қизиқ, мен ўғри эмишман. Балки, ўта кетган қайсар бўлишим мумкин... Эҳтимол, ўзига бино қўйган худпарастдирман, лекин ўғри эмасман. Сизнинг ўғлингизман, отажон!..

Ногоҳ шарақлаб дераза очилади.

Ойнаси чил-чил бўлиб тўкилади.

**ДИЛОРОМ.** Урманг боламни!— Деразадан зору но-ло бош чиқариб, тавалло қилади.— Урманг, отажониси, урманг?! Урсангиз қарғайман... Илоё қўлгинангиз син-син, деб қарғайман!

**ҚУЧҚОРОВ.** Ёп деразани!

**ДИЛОРОМ.** Боламини қўворинг?!— изиллаб йиғла-ганча, аломат ёғдиради.— Узимнинг майиб-мажруҳ-лигим каммиди!.. Соппа-соғ боламини майиб боқа-манми?!

**ҚУЧҚОРОВ.** Учир-э!— Камар ўқталиб, дарғазаб ўш-киради.— Йўқол кўзимдан!..

**ДИЛОРОМ.** Онагинанг ўлсин, болажоним!— Ув тор-тиб йиғлаб, деразадан нари қочади.— Ундан кўра осинг, ўлдириг-э! Ут тушсан дунёсига!..

**ҚУЧҚОРОВ.** Осаман! Ҳозир осаман буни!..— Баттар жазаваси кўзиб, ёнверига алангларкан, олма танасидаги сакратма-ипга нигоҳи тушар-тушмас, ўғлини судрайди. Ва, аллатовур бир шошқалоқлик билан, унинг икки қўл-тиғидан ипни ўтказиб шартта иккинчи учини шохдан ошириб тартади. Олмалар тўпиллаб тўкилиши баробарида, Улмас шув этиб ҳавога кўтарилади.—Керак эмас менга бундай ўғри ўғил!..— Овози негадир тобора хир-қираб-титрайверади.— Кечдим баҳридан!..

Тевадаги шохга илиб қўйилган чарм қўлқоп тўқиллаб пешонасига, юзларига уриларкан, Улмас сассиз-садо-сиз кулади: тавба бу не ҳақорат-а! Ота, нега сиртмоқчи бўйнимга солмадингиз?..

— Ҳм, тиржаяпсан-а!— Ниҳоят, ғазаби хиёл босил-гандек, рўпарага ўтиб, пастак курсичада ғамгин ўтира-ди.— Устимдан кулаяпсан-а? Ундан кўра ялин-ёлвор... Ақлли одам бўламан, де, зўр одам бўламан, деб ваъда бер?..

Улмаснинг бирдан қошлари чимирилиб, афт-андоми бужмайиб кетади. Ва шу баробарида кўнглидан кеча-ди: отажон, сизга раҳмим келаяпти. Агар теримни ши-либ бўлса ҳамки, гапиртиргангизда эди. Гапиртирол-ганингизда эди!.. Нега... нима учун, а, ота?..

— Аввал ҳам бир неча бор айтганман: ота дийдорига зор, она дийдорига зор бўлиб тоғамнинг эшигида етим ўсганман... Етти ёшимда пода боқиб, ўн ёшидан кол-хозда чопиқ чопганман. Тортмаган азоб-уқубатим қол-мади. Билсанг, яшашнинг қизиғи йўқ мен учун.

**УЛМАС.**— Ахийри чидаёлмай, беихтиёр эланади.— Ота, илтимос, гапирманг?

**ҚУЧҚОРОВ.** Агар ҳаётдн бирор бир умидим бўлса, ҳаммаси сен тугайли. Сен учун, сизлар учун, сенинг камолингни кўриш учун яшаб юрибман... Худо шохид, ҳатто пешонангга чертмоқчи ҳам эмас эдим, лекин ўзинг мени шунга мажбурлади.

**УЛМАС.**— Юрак-бағри эзилиб кетгандек, янаям тит-роқ овозда ёлворади.— Ота... бунчалик... бунчалик бўл-манг ахир, отажон?!

**ҚУЧҚОРОВ.** Қўчқор боқаман, дединг: олиб бердим; овчарка керак, дединг: энг зўридан топиб бердим; ва-ласапед дединг: хоҳлаганингдан келтириб бердим... Ота, осмондаги ойни олиб беринг, де: олиб бермасам, менга лаънат! Лекин... қўй, қўй шу радиобезорилингни?! Мана, оқибати... Агар янги ўрганган осмонбузарлик ҳу-

нарингни касофати уриб, ҳавода самолётлар бир-бири билан тўқнашиб кетса!..— Бир муддат жим қолиб, хаё-лида тасаввур этган нохуш бир манзарадан даҳшатга тушгандек, бош чайқайди.— Уҳ-ҳ!... Худо кўрсатмасин.

**УЛМАС.** Осмонбузарлик учун эмас... атрофдаги кўз-бўямачиликлар ҳақида Осмонга хабар бериш учун ту-заётган эдим уни.

**ҚУЧҚОРОВ.**— Ихтиёрсиз анграиб, бир зум жим қо-лади.— Нима-а?..— Осмонга?!

**УЛМАС.** Ҳа, Осмонга — учар тарелкаларида сайр қи-либ, бизни кўриб-кузатиб юрганларга!

**ҚУЧҚОРОВ.** Осмон жинниси бўлиб қолганинг йўқми ишқили!

**УЛМАС.** Мактабда Фозилов муаллим газетадан ўқиб берган эдилар: Америка қитъасида бир куни ҳамма чи-роқлар бирдан ўчиб қолибди. Кейин билишса, атом бомбасидан ҳам кучлироқ бир қирғин қуроли синовини ўтказдирмаслик учун, самовий одамлар барча ГЭСлар-ни ишдан чиқариб қўйишган экан.

**ҚУЧҚОРОВ.** Фозилов муаллимнинг тўқиётган чўпчак-ларга ишонма, бола. Мени куйдирма!.. Олимпиадага ҳалику Ленинградга бориб келдинг, агар Москва эмас, уёғи Лондон, буёғи Бомбайга бориб чемпион бўлиб кел-санг ҳам, мен сени радиочи бўлгани қўймайман. Сен зўр одам бўлишинг керак. Шунга ваъда бер?.. Гуноҳинг учун тавба қил?!

Яна кутилмаганда иккинчи дераза ҳам шарақлаб очи-либ, ойнаси майда-майда сочилиб кетади.

**ДИЛОРОМ.**— Жонҳоври қўлини чиқариб талпина-ди.— Болам... болам ўлди! Уғлим!.. Сен ўлгунча онанг ўлсин, болам!

**ҚУЧҚОРОВ.** Учир овозингни-е, шаллақи— Ирғиб ўр-нидан туради. Улмаснинг осилиб тургани энди ёдига тушаётгандек, илқис олма томон бир нигоҳ ташлаб, не-гадир қўл силтайди.— Улмайти боланг. Мулла бўлади.

**ДИЛОРОМ.**— Уйдан қунодек отилиб чиқади.— Ул-мас!.. Улмасжон дейман?!

**УЛМАС.** Она, қўрқманг. Онажон...

**ДИЛОРОМ.**— Бирдан хўнграб йиғлаб юборади.— Ким бо-ор?! Барчин!.. Барчиной!

Барчиной, сабзи-пиёз солинган кўк челақ кўтарганча, ҳовлига югуриб кирадию, акасини кўриб, қўлидан че-лакни тушириб юборади.

**БАРЧИНОЙ.** Ота-а! Илдам олма томон юради.— Ни-ма қилганингиз бу, ота? Ахир, акамни ўлдириб қўя-сиз-ку!

**ҚУЧҚОРОВ.** Қайт! То тавба қилмагунча осилиб тура-веради. Тавба қилсин!

**БАРЧИНОЙ.** Нима учун — комсомолга кирганликла-ри учунми?

**ҚУЧҚОРОВ.** Узи билади.

**ДИЛОРОМ.** Тавба қилдим, дегин, Улмасжон? Юра-гимни ёрма. Тилгинанг кесилмагур, тавба қил ахир?!

**УЛМАС.** Нега?.. Қайси гуноҳим учун?

**ҚУЧҚОРОВ.** Уғрилигингиз учун.

**УЛМАС.** Уғри эмасман.

**ҚУЧҚОРОВ.** Уғрисан. Уғри... ўғри!

**ДИЛОРОМ.**— Уғлининг бардам гапирётганини кў-риб, дилида мубҳам бир қаноат ҳиссини туйгани боис-ми, супада беҳол ўтираркан, қизига буюради.— Бар-чиной, югур, ўргилай холангни қақир бу ёққа! Чоп!..

**ҚУЧҚОРОВ.** Барчиной!..— Қайтармоқчи бўлади, ле-кин қизи елиб кетади. Кейин, вазиятнинг бу тарз тус олганидан пинҳона ўкиниб, ота яна ночор ҳасрат оҳан-гида давом этади.— Улмас... сенга ишонган эдим, ўғ-лим. Уғлимки ишончимни чипакка чиқарса, мен энди кимга ишонай?!— Бирдан бояғидай овози титраб кета-

ди. Томоғини қиради.— Ҳой, нодон, эҳтимол ўйлаёт- гандирсан, отам ноқобиллигидан муаллимлик қилолма- гандир, деб. Йўқ... Ҳамма ўқувчию ўқитувчи зирилларди менадан. Кейин, ҳаммаси ўзаро тил бириктиришиб, бит- таям «2» қўйдирмай, қовоқ каллаларниям синфдан синфга кўчиришга мажбурлашди... Сен айтасанки, ком- мунист бўлволиб, каззоб арбобларни фош қилишингиз керак эди! Билмасанг билиб қўй: каззоблар ердан гўн- гамбуруғдек потраб чиқаришарди. Уларнинг қайси бири ни фош қилиб улгурасан?... Уқитувчиликни уддалаёлма- ганимдан эмас, мактабдаги кўзбўямачиликлар жонимга тегиб кетганидан, ҳалол ишлаш учун далага урганман ўзимни. Ана, ишонмасанг, онангдан сўра!

УЛМАС. Ота, лекин сиз... — Ногоҳ ота кўнглини қа- вартириб қўйиш эҳтимолидан қўрқиб, беозорроқ оҳанг- да давом этади.— Ота, ҳалол ишлаётганингизга мен ишонаман. Лекин... лекин... Колхознинг қовун... тарвуз экиладиган ерлари қани? Бедазорлар ҳам қолмади. Боғ- лар қирқилиб кетди. Сигир... бузоқ боқиш учун яйлов ҳам йўқ. Ҳаммаёққа пахта экиляпти. Узингиз айтгансиз: колхозчи танбал, қашшоқ бўлиб қолди, деб. Тўғрими?

ҚУЧҚОРОВ.— Дафъатан жўяли жавоб тополмай, ал- ланечук дудуқланиб қолади.— Аҳ-ҳа...— аҳ-ҳа. Тўғри.. тўғри.. Хўш-хўш?

УЛМАС. Онамга айтган бир гапингиз мени ёдимда ту- рибди: бир туп карам деҳқонга энг камида эллик тийин, бир туп помидор бир ярим сўм, бир палак қовун икки сўм даромад келтирар экан. Бир туп пахта эса бор-йўғи икки тийин... Шундайми?

ҚУЧҚОРОВ.— Тагин хўрсиниб, ночор бош ирғайди.— Тўғри... тўғри.

УЛМАС. Ахир, бу... бу — жиноят эмасми, ота?

ҚУЧҚОРОВ. Вақтийи замонида мана шунақа жиноят- ларга, кўзбўямачиликларга қарши турганим учун ҳам мени бригадирликдан суриб қўйишган эди-да! Тўғри- ми, онаси?... Кейин, ўтган йили яна ўзлари қайтадан кў- таришди... Лекин начора: онангни қози урса, арзингни кимга айтасан?!

УЛМАС. Шунинг учун ҳам мен сизга ўхшаган ҳалол-у, лекин ноиложликдан индаёлмай юрган одамларнинг арзу додини Осмонга хабар қилмоқчи бўлган эдим.

ҚУЧҚОРОВ.— Уйчан, аччиқ кулимсирайди.— Эсингни еб қўйибсан. Осмон жинниси бўлибсан сен!

УЛМАС. Она, айтганмидим сизга, мени жинни деса- лар ишонманг, деб? Ана!..

ДИЛОРОМ.— Зорланиб, ўғлини койийди.— Отанг билан айтишма ахир, тилгинанг кесилгур!

ҚУЧҚОРОВ. Индама... индама, онаси!

ДИЛОРОМ. Болани тушинг ахир? Етар!..

ҚУЧҚОРОВ. Йўқ... Шошма, гапирволсин.

УЛМАС. Ота, майли, гапирман... Колхозимизда бит- таям терим машинаси ишлатилмайди, лекин ҳар йили пахтазорларнинг тенг ярмидан кўпроғини дефалация қилдириб, колхоз пулини ҳавога совураяпсизлар, қиш- логимиз одамлари эса, ана, онамга ўхшаб, мулла Зай- ниддин бобонинг келинига ўхшаб касалманд бўлиб қолишарди. Тўғрими, ота?

ДИЛОРОМ.— Таҳдидкор ўшқиради.— Улмас!.. Бу қа- нақа беадаблик?!

ҚУЧҚОРОВ. Жим... жим тур!

УЛМАС. Одамзод учун ҳалолликнинг ўзи камлик қи- лар экан, ота.

ҚУЧҚОРОВ. Ҳм-м, гап бу ёқда де!.. Нима қил демоқ- чисан?

УЛМАС. Аллақачон сиз қилишингиз керак бўлган бир ишни бугун мен қилиб қўйдим.

ҚУЧҚОРОВ.— Бирдан таҳликага тушади.— Нима қи-

либ қўйдинг?! Ҳа, гапир... гапир!

УЛМАС. Қирга чиқиб, аэродромдаги ҳамма цистер- наларни бўшатиб қўйдим.

ҚУЧҚОРОВ.— Сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлади, ле- кин негадир дафъатан туролмайди.— Дефа.. дефалант- ларними?!

УЛМАС. Ҳа, жарликка оқизвордик... Барини.

ҚУЧҚОРОВ.— Секин елкасидан камарни олади.— Ахир... сен мени хонавайрон қилибсан-ку! Капамни куй- дирибсан-ку, жувонмарг!

ДИЛОРОМ.— Шартта эрининг йўлини тўсади.— Ме- ни уринг, отажониси? Етар, боламни урманг энди! Ота- жониси?!

Шу пайтда Рўзигул ҳаллослаган кўйи, қўлида ярақлаган ошпичоқ билан, боғ томондан ҳовлига қиради. Барчиной югуриб олдинга ўтади.

РЎЗИГУЛ. Е парвардигор! Бу не замон, а?! Ота ўз бо- ласини осса-я?!

ҚУЧҚОРОВ. Опа, шовқин кўтарманг.

РЎЗИГУЛ. Ука, одамни диндан чиқарманг!— Ёвқур важоҳатда боши узра ошпичоқни кўтаради.— Ула-тири- ла етган болангизни-я?! Уят-э!

ҚУЧҚОРОВ.— Ҳадемай бошига ёпирилажак маломат- ларни ўйлаб, карахт кепатада тагин пастак курсичага ўтиради.— Опа, беҳуда бозор қиздирманг кўп!..

Шу аснода Барчиной ипни ечмоқчи бўлади, акасини оё- гидан кучоқлаб кўтаришга уринади.

Нохос олма шохи қарсиллаб синиб, Улмас гуп этиб ерга тушади.

БАРЧИНОЙ. Акажон, у ер-бу ерингиз лат емадимми? Жудаям кўрқиб кетдим, акажон.

РЎЗИГУЛ.— Саросар унинг ёнига ўтади.— Тану жо- нинг соғми, Улмасжон, ўзим ўргилай сендан? Ҳай омон бўлгур-эй!..

ДИЛОРОМ.— Қўллари асабий қалтираб, ўғлининг бо- шини, елкаларини силайди, қўлларини пайпаслайди.— Улмас... Улмасжон, нима қилиб қўйдинг-а, болам?! Биз- ни шарманда қилиб қўйдинг-ку, кўзларинг ўйилмагур!

УЛМАС.— Бирдан кўзлари куйдиргувчи ёшга тўлиб, қўлларини мушт қилганча, онасига зорланади.— Она- жон, ўғлингизман-ку, ахир! Наҳотки сиз ҳам менга ишонмайсиз-а?!

РЎЗИГУЛ. Нима бўлди, Улмасжон, ўзим ўргилай сен- дан?... Барчиной, аканг бирор ёмон гуноҳ қилиб қўйипти- ми, қизим?

БАРЧИНОЙ. Билмасам, холажон... Шундай, ўзлари- дир-да...

ДИЛОРОМ.— Турфа иснодлар исканжасидан ўғлини қутқазиб қолишнинг осон чораси топилган каби енгил- гина энтикиб, бош чайқайди.— Қирга чиқиб, айродрўм- даги депаласия дориларининг ҳаммасини жарга оқиз- ворипти.

РЎЗИГУЛ.— Кафтини қоши устида соявон қиладю, Қўчқоров томон ўгирилиб, афсуснамо бош чайқайди.— Бо худо!.. Шунга шунчами, ука, ўргилай сиздан!.. Ажаб қипти! Бинойи қилибсан, Улмасжон, ўзим ўргилай сен- дан! Умрингдан барака топ!.. Мана, депаласия бало- сига йўлиқиб, онанг билан биз нимжон бўлиб қолдик- ку! Мулла Зайниддин бобонинг келини-чи?! Фотима кампир, чапагидан чанг чиқиб, еру кўкка сигмай ўтириб- ди. Келин боёқиш, тайёргина гўр топилса, ҳозирроқ қи- риб қўя қолмоқчи... Қайтага шундоқ ўғлингиз борлиги- дан суюнмайсизми, ука! Зора шундан кейин депалас- сияга барҳам беришса!

ҚУЧҚОРОВ.— Ҳамон ўғлининг ногаҳоний қилмишию,

беадад бошига ёғилажак маломатларни даф қилиш чораларини эзилиб ўйларкан, бирдан тутақиб кетади.— Э, опа, опагон!.. Ҳадеб жаврайверманг. Шу тобда битта тайёргина гўр ўзимгаям зарур бўлиб турибди. Айтинг, борми шунақасини кўрган жойингиз?

Улмас кўйлагини ечиб, пешонасига тошиб чиқаётган терларни сийиради. Энгашиб, шимининг почаларини шимара бошлайди.

Ана шунда Дилоромнинг нигоҳи ўғлининг қонталаш елкаларига тушиб, ноҳос миясига қон тепади. Чидаёлмайди. Кўзларидан дув-дув ёш қуйилган кўйи, икки чаккасини сиқиб ушлаб, уй томон гандираклар юради. Барчиной куюнчак бевовталиқ билан хонтахта устидаги ҳамда кўрпача ёнидаги дориларни олиб, чаққон онаси зиддан эргашади.

РҶЗИГУЛ.— Ортига қайтаётиб, ўз-ўзига гапираётгандек аламнок сўзланади.— Узи бу дунёсида кулгандан бўзлаган кўпроқ экан-да!..

Тобора ҳовлини эзгин бир жимлик чирмаб олаверади. Жимжитлик.

Эзгин сукунат ичра уйдан онанинг юм-юм йиғиси оҳиста эшитилаверади. Ота, ғамгин, пастак курсичада бошини кўйи эгиб ўтиради.

БАРЧИНОЙ. Уйдан пиёлада сув олиб чиқади. Акасига тутади.— Акажон, манг, муздеккина.. Отамдан хафа бўлманг, акажон... Лекин... барибир сиз тўғри қилгансиз, акажон! Агар ўғил бола бўлганимда, аллақачон мен ҳам шундай қилган бўлардим. Рост-да!..

УЛМАС. Йўк, Барижон.— Оғзини чаяди. Сўнг пиёладаги сувни ичади.— Дефалация дориларини жарга оқизворганим учун осганлари йўқ отам.

БАРЧИНОЙ. Ҳа, нима учун бўлмаса?..

УЛМАС. Э, анави гапирчоқдаги трансформаторни ўғирлабсан, деб авалига савалай кетдилар. Кейин...

БАРЧИНОЙ. И, сизни қарангла, нима учун тушунтирмадингиз? Ахир, сиз сираям ўғрилиқ қилмайсиз-ку, акажон!.. Ана, гапирчоғингиз мажақланиб ётибди. Эсизгина-я!

УЛМАС. Ундан ҳам яхшироғини тузатаман ҳали.

БАРЧИНОЙ. Сиз барибир отамга тушунтиришингиз керак эди, акажон! Тушунтирганингизда...

УЛМАС. Нега энди калтаклай бошлаганларидан кейин тушунтиришим керак экан?.. Йиғлоқилардек ёлворба-а!

БАРЧИНОЙ. Трансформаторни кимдан олган эдингиз ўзи, ака?

УЛМАС. Нима, чақма-чақарлик қилмоқчимисан?— Пиёлани қайтариб беради.— Ма, жойига элтиб қўй буни. Бор!

БАРЧИНОЙ. Чесна пионерский, акажон!..— Кафтини оғзига босиб, маъюс жилмаяди.— Гулдур-гун!.. Айтинг энди?

УЛМАС. Барижон, қўй, сўрама шуни. Майлими?

БАРЧИНОЙ. Менгаям айтмайсизми, акажон? Синглингизга-я!

УЛМАС. Трансформаторни... бошда Бердиевадан сўраган эдим. Бермовди. Кейин Фозилов муаллимга тушунтирдим: майли, деди. Гапирчоқни тузатиб бўлганингдан кейин мактабда синаб кўрамай, ҳозирча ҳеч кимга овоза қилмай тузатавер, деб трансформаторни олиб берган эди. Шу!..

БАРЧИНОЙ.— Бирдан ҳаяжонланиб, кўзлари чақнаб кетади.— Отажон!.. Илоё кўлгинангиз бир синмасин-да, хўпми!?

ҚУЧҚОРОВ. Хўп.

УЛМАС. Ана, айтмоқчисан-ку?!

БАРЧИНОЙ. Отамгаку-е, ака!.. Трансформаторни акамга Фозиловнинг ўзи берган экан. Сиз бўлсангиз... ҚУЧҚОРОВ. Фозилов?.. Беихтиёр анграйиб, секин ўрнидан тура бошлайди.— Физика ўқитувчиларингизми?! БАРЧИНОЙ. Ҳа-да!.. Акам олдин Бердиевадан сўраган эканлар. Бердиева...

УЛМАС. Керак эмас, Барижон!..

БАРЧИНОЙ. Шошмай туринг сиз, акажон! Отам сизни гуноҳкор билиб юрмасинлар... Бердиева бермапти. Кейин Фозиловга...

ҚУЧҚОРОВ.— Ниҳоят алланиманидир теран англаб етаётгандек, пешонаси тиришган кўйи, чаққон яқинлашаверади.— Бердиеванг ким — Эрдон кўсанинг келиними ахир?!

БАРЧИНОЙ. Уша танноз-да!..

ҚУЧҚОРОВ.— Аста ўғли қаршисида чўнқаяди. Улмаснинг тиззаларини беихтиёр ғижимлаб ушлади.— Улмас... Улмасжон!... Вақтида шуни айтишинг керак эди, ўғлим. Боласан-да!..

УЛМАС.— Илкис ўрнидан туриб кетади.— Сўрамай-суриштирмай ураверганингиздан кейин! Мишиғимни оқизиб, отажон, урманг, мен уни фалончидан олган эдим, деб ёлворишимни кутганмидингиз?.. Йўк, ота, мен кечаги мишиқи болангиз эмасман энди. Гапларим сизга ғалати туюлмасин: мен ҳам улғаяпман — бугун комсомолликка қабул қилишди.

ҚУЧҚОРОВ.— Кўзлари жиққа ёшга тўлиб, шукроналик билан кўллларини кўксига босади.— Улғайганинг чин бўлсин, ўғлим. Илоё тезроқ улғай, болажоним!..

Барчиной секин узоқлашиб, баланд супага кўтарилади. Пешонабоғи учи билан кўзларини артади.

Кейин, супирги олиб, ойна синиқларини хокандозга сўпуриб ола бошлайди.

Худди шу маҳал бир кўшиқни хиргойи қилган каби ғўн-ғиллаб Шодиёр ҳовлига киради. Бошланг, оёқяланг. Қўлида уринганроқ варрак ҳамда бир қулочдан узунроқ лахтак чизимча кўринади.

ШОДИЁР.— Қўчқоров ёнида тўхтаб, қўл чўзади.— Салом, бригад!

ҚУЧҚОРОВ.— Саломлашмай, беозор кифтига қоқди.— Бор, нарироқда ўйнай қол, бўтам. Бор!..

ШОДИЁР. Хўп... хўп!.. Салом дегандан кейин алик олаверинг-да, бригад бўлсайизам. Барибир саломдан катта эмассиз-ку!..— Зинғиллаб Улмаснинг рўпарасига ўтади, қўл узатади.— Салом, Улмас!

УЛМАС. Салом...— Ҳушлар-ҳушламас қўллашмоқчи бўлади.

ШОДИЁР. Шартта қўлини тортади. Бор, ана отанг билан қўллаш! Кейин Барчиной ёнига боради.— Ҳорма, Барчиной!..

БАРЧИНОЙ. Ке, Шодивой.

ШОДИЁР. Барчиной, ҳаммасидан ўзинг яхшисан!.. Ма, мана буни боғлаб бер.— Варрак билан чизимчани узатади.— Ҳеч учиролмаяпман. Ҳадеб шох ташлайверади.

БАРЧИНОЙ.— Варракка чизимчани боғлаётиб кулади.— Шамол йўқ-ку, қандай учсин ахир!..

ШОДИЁР. Барчиной, ман бугун кўкқарға ушлаб олдим.

БАРЧИНОЙ. Ишониб бўпман, Шодивой!..

ШОДИЁР. Ишонмасанг — ишонма!.. Нон бердим — емади. Сув бердим — ичмади. Кейин ўлиб қолди. Йиғлаб-йиғлаб кўмдим. Кун кўролмаган қарғажоним, кўкқарғам, деб йиғладим, Барчиной!..



Шу асно, олма тагида, ота-ўғил мунаққашаси давом этаверади.

**УЛМАС.** Сиз ҳамиша ўзингизни, мен — ҳақман, деб ўйлайсиз, ота. Лекин... мен ҳам ҳақ бўлиб чиқишим мумкинлиги ҳаёлингизга келмайди... Ота, бояги гапларим учун ҳам узр сўрайман, мени кечиринг, мен сизга бундай кўрс гапирмоқчи эмас эдим. Лекин гапиргим келаяпти. Уғлингизман ахир!

**ҚУЧҚОРОВ.**— Нечундир йиғлаб юборишдан аранг ўзини тияётгандек, боягидан ҳам баттароқ овози титраб-қалтираб чиқади.— Йўқ... йўқ, гапир! Гапир, ўғлим. Ёлгонларни эшитавериб, рост гапга, чин сўзга илҳақ бўлиб қолганман, ўғлим. Юрагимни тирнаб-тирнаб гапир, токи мана бу сўқир кўзларим очилсин!

**УЛМАС.** Ҳеч қачон ўғрилиқ қилмаслигимга ишонолмадингиз, ота. Ахир, ота ўз ўғлига ишонмас... Дунёда ота учун, ўғил учун бундан ҳам ортиқроқ азоб борми, ота?

**ҚУЧҚОРОВ.** Англашилмовчилик бу, ўғлим. Айб мендан ўтди, Улмасжон.

**УЛМАС.** Агар шеър ўқитиш баҳонасида мени ҳаяжонлантириб қўймай, ётиги билан сўраганингизда ҳаммасини ўзим айтиб берардим. Еки трансформаторни кимдан олганлигимни айтолмаслигимнинг сабабини тушунтирардим... Аэродромдаги дефалантларни жарга оқизворганимиз учун, майли, ҳар қандай жазога тайёرمىз. У ишни...

Ул ишни Анвар билан бирга қилганлигини айтиш керакми ёки йўқми — бир зум ўйланиб қолади. Ва ногоҳ онасидан эшитган бир ривоят тагин ёдига тушади: қадим замонда, Кунчиқар томонда хон бир йигитни исёнкорлиги учун қатл қилдирадиган бўлипти. Унг қўл вазир хонга маслаҳат бериб, бундай депти: муртадни дарҳол жаллод қўлига топширсангиз ўлади-кетади. Яхшиси, аввал уни роса ўртаб, тавбасига таянтиргач, калласини танидан жудо қилмоқ керак, токи бошқаларга ҳам ибрат бўлсин!..

Хоннинг фармойишига кўра, жаллод олдин йигитнинг отасини, кейин онасини, сўнгра хотинини, ана ундан сўнг ёлғизгина ўғилчасини исёнкорнинг кўз ўнгида бирин-бирин бўғизлапти.

Исёнкор йигит, аламу ғазабдан кўзлари қонга тўлиб, ночор-ноилож миқ этмай тураверибди.

Ҳамма таажжубдан донг қотибди.

Бир маҳал, ясовулбоши, бир қошиқ қонидан кечишини тилаб, хон қаршисида қўл қовуштирибди: фалон гузарда бунинг ўзидек бир жўмард дўсти бор. Энди ўша дўстини бўғизлатсангиз, бу муртаднинг тавалло қилишини кўрасиз, хон ҳазратлари!..

Хон тагин фармон берибди.

Зумда йигитнинг дўстини саройга олдириб, ўша заҳоти жаллод қўлига топширишибди.

Ана шунда исёнкор йигит чидаёлмай хунибийрон бўзлабди.

Хон бениҳоя ҳайратга тушиб:

— Биз сени отангдан, онангдан, хотинингдан, ёлғизгина ўғлингдан жудо қилдик. Таажжубки, кўзингдан чакра ёш томмади!— деб, сўрабди.— Аммо, бир оёқьяланг дўстинг учун бунчалар мотам тутаёсан?

Исёнкор йигит баттар бўзлаб:

— Эй, қонхўр хон!— депти.— Мўйсафид отам билан муштипар онам ошини ошаб, ёшини яшаган эди. На чора?! Чидадим ва, агар қонсираган қиличинг остидан омон чиқсам, уйланаман — яна хотиним бўлади, хотиним ўғиллар туғиб беради, деб умид қилган эдим, лекин сен мени содиқ дўстимдан айирдинг. Энди омон қол-

ганим билан, унингдек қиёматли дўстни қачон, қаердан топаман ахир?!

— Улмасжон, мен сенга айтсам, бу дунёда қиёматли дўст топмоқ жуда қийин. Агар топсанг... тополсанг, ҳамиша дўстингга содиқ қол, ўғлим!.. Ниҳоят, Улмас отасига дўсти ҳақида лом-мим демасликни маъқул билди.

— Йўқ, шеригим кимлигини айтмайман, ота. Майли, мени жазолай қолишсин.

**ҚУЧҚОРОВ.**— Янаям кўзлари ёшланиб кулимсирайди.— Бўпти, шеригинг кимлигини айтмай қўя қол. Лекин жўранг кимлигини мен билиб қўйишим керак, ўғлим... Мен — отангман ахир!

**УЛМАС.** Жўрам... жўрам... жўрам...

**ҚУЧҚОРОВ.** Айтавер, ўғлим.

**УЛМАС.** Жўрам — Анвар!

**ҚУЧҚОРОВ.** Анвар деганинг ким — ўлиб кетган Собиранинг ўғлими — Шавкат қаронинг етимаги?

**УЛМАС.** Уша... Комсомолга кираётганлигимизни нишонладик иккимиз.

**ҚУЧҚОРОВ.** Майли... у — бир гап бўлар. Ешликнинг хатоси.

**УЛМАС.** Йўқ, у — бизнинг хатомиз эмас... Шу йўл билан колхоздаги кўзбўямачиликлардан бирини фош қилмоқчимиз. Раисга яширмасдан айтаверинг.

**ҚУЧҚОРОВ.** Уғлининг кифтига қоқади. Уйчан кулимсирайди.— Кўрамиз... Жавоб беришга тўғри келса, комсомол билан биргаликда жавоб берамиз... Лекин, Улмасжон, сен мени кечир? Кечир, ўғлим?

**УЛМАС.** Ота!.. Отажон, сиз мен учун улўф одамсиз. Ундай гапирсангиз хўрлигим келади, ота.

**ҚУЧҚОРОВ.** Нима қилай, Улмасжон, бўлган-турганим шу — содда эканман: Эрдон кўсанинг уйдирмасига лаққа учибман... Ахир, содда бўлмасам, Сталиндан тортиб то кечагисигача — ҳаммасининг расмини илиб қўйиб, ўрис кампир Исо-масиҳга топингандек, муттаҳамларга сигинармидим, ўғлим. Энди деворнинг ўша жойлари бўзрайиб турганлигини ўйласам, юрагим безиллайди... Мана, салкам эллик йил яшаб шуни англадимки, ҳар бир одамнинг ҳаётда кўнгил-суянчиғи бўлиши шарт экан. Яширмайман, мен кўнглимда сенга суяниб қолганман, Улмасжон.

Бахт... ўтган умр! Яъни хотиралардир!

Уларда нур не миқдор жамланган бўлса, Бахтимизнинг равшанлиги ўша қадардир...

Менинг ўтмишим — авлодларга, ёлгонларга кўмилиб кетган, хотираларим нурсиз, келажагим — сен... сен, ўғлим! Агар... агар сен ҳам панд берсанг, яшамай қўя қолганим маъқул эмасми, ўғлим?..

Тагин орага бир муддат ўйчан жимлик чўқади.

**ШОДИЕР.**— Бирдан шодон ирғишлаб, шамолни чақиради.— Ҳайдааар, боланг тандирга тушди!.. Ҳайдааар, боланг ёнаяпти!..— Варракни ҳавода учуриб, дарвоза томон зинғиллаб чопади.— Вишшшш!.. Ҳайдааар, отингни елдир, боланг тандирга тушдиё-ооо!.. Ҳайдаааар!..

Хушхол қийқирганча Шодиёр кўчага чиқиб кетади. Айни шу кезде юракларга титроқ солиб, узоқдан елиб келётган от туёғининг дупири қулоққа чалина бошлайди. Улар бир-бирларига сергак назар билан тикилиб, бир зум тек қотишади. Шу аснода суворийнинг хирқираган овози бору борлиқни ваҳимага қирмаб, тобора баландроқ эшитилаверади: ХАЛОЙИҚ, ПАХТАХОНАГА ЎТ

## КЕТДИ! ПАХТАХОНА ЕНАЯПТИ, ХАЛОЙИҚ!

Бирдан Қўчқоров шарп этказиб пешонасига урадио, бошланг, оёқяланг кўча томон отилади.

Улмас кўйлакчан алфоз ота изидан қуондек елади. Барчиной эса, пешонабоғи елкасига осилиб тушиб, қўлида супурги билан, жонҳоври уларнинг ортидан югуради.

Отаю болалар ҳовлидан чиқиб улгурар-улгурмас, ўтлиф бир фарёд еру кўкни тутиб кетади.

ОВОЗ. Тўрт тарафга зир югуриб, дод солаётган Фотима кампирники.— Вой-дод, одамлар! Келиним ўзига олов берди, одамлар! Ким боор?! Қутқаринглаар?! Одамлар!!

ОВОЗ. Жони-жаҳони чарсиллаб-гуруллаб ёнаётган келинчакники.— Онажоон!! Вой-дод! Дод алаам!! Гуноҳкор қизингни кечир, онажоон!!

ОВОЗ. Ҳамон чапагидан чанг чиқиб ўкираётган Фотима кампирники.— Уйим куйди, одамлаар?! Қутқаринглаар?!

ОВОЗ. Куйиб адо бўлаётган келинчакники.— Онажоон, ўлдиниим!!

Бир зумда ҳар ёқдан таралаётган даҳшатли ғалағовуру одамларнинг таҳликали талотўпи авж олаверади. Боғ томонда эса Зийрак ип узгудек бўлиб дам ҳуради, дам аянчли чингсийверади.

Дилором уйдан саросар чиқаётиб, беҳол-бемажол остонага ўтириб қолди. Худди шу тобда шиддат билан бостириб келаётган «ниначи» самолёт товуши гуруллаб эшитилаверади.

Дилором илкис туриб қочмоқчи бўлади. Ва лекин, ҳаял ўтмай, аллакимдир гурсиллатиб кўкрагига тепгандек, даҳлиз ичкарасига ағдарилиб тушади. Ҳайҳотдек ҳовли... ҳувиллайди. Лаҳза сайин поёнсиз осмонни қуюқ тутун қоплаб ола бошлайди. Ҳануз авж олаётган ғалағовуру талотўп асносида эса суворийнинг хирқираган овози энди олис-олислардан титраб-титраб таралаверади:

ХАЛОЙИҚ, ПАХТАХОНА ЕНАЯПТИ!!!



Зулфия Мўминова

# Сиз шеърга сиғмайсиз!

Бадиа

Биринчи ўқитувчим Абдулла Шерназаровнинг хотирасига бағишлайман.

Мен болалиқда ҳамманинг сигирларини танирдим. Анови бригадирники, мана буниси Қамбар амманики, мана буниси муаллимнинг сигири. Менинг назаримда муаллимнинг сигири бошқаларникидан ақлликдек, аллақандай белгилари билан ус-тундек туюларди. Пода қайтишини кўриш учун ҳовлимиз ёнидаги қирнинг баланд жойига чиқиб ўтирар эдим. Узоқдан чангиб пода кўринарди. Орқасидаги отлик — подачи. Подачи гапиролмас — гунг эди.

Муаллим бизга: «Гунг, ногирон ёки ожиз одамнинг устидан кулиш керак эмас. Улар жуда сезгир бўлишади. Улар биз сезмайдиган баъзи нарсаларни жуда тез илғайдилар. Уларга доим раҳм-шафқатли, бўлиш керак», деб ўқтирардилар. Бу гаплардан кейин мен подачи тоғага алоҳида ҳурмат билан салом берадиган бўлдим. У бир нарсалар деб гўнғиллаб кўярди. Мен уни ўзимча «Салом, катта қизалоқ, аълочи қизалоқ» деяпти деб тушунардим. У олис яйловларга аҳолининг сигирларини тонгда ҳайдаб кетарди. Кечда ҳайдаб келарди. Қишлоғимиз ёнидаги қирлар яшил эди, гўзал эди. Аммо подачи тоға кўрган яйловлар бундан ҳам яшил, бундан ҳам гўзал эди назаримда. Кечқурун уни қишлоққа кириб келишини эртандан чиқиб келаётган баҳодирларга ўхшатар эдим.

Ох, қани энди ўша манзаралар, қани пода, қани кўзлари катта гунг подачи?!

Мен яхши кўрардим гунг подачини,  
Пода қайтишини яхши кўрардим.  
Ланг очиб дарча-ю дарвозаларни  
Пода қайтишини кутиб турардим.  
Сигирлар қайтарди сутлари оқиб  
Бостирмага томон, бузоғи томон.  
Мен ҳам подачига узатар эдим,  
Қанд-қурсу ва битта иссиққина нон.  
Кўплар подачини писанд қилмасди,  
Баъзан кўрсатарди кўлин кучини.  
Подачи кўп хафа бўлиб юрарди,  
Ҳалол оқлар эди аммо бурчини.  
Уни уришсалар, мен йиғлар эдим  
Ёмон кўрар эдим жавраганларни  
Аммо, у ҳеч кимга кек сақламасди,  
Яхши деб ўйларди авраганларни.  
Тўйларда курсига ўтирмас эди,  
Бир четда еярди рисқи-ошини

Унга яхши гаплар айтгим келарди,  
Силагим келарди гоҳо бошнини.  
Сигири йўқолди бир кун кимнингдир,  
Подачини роса гапта тутишди.  
«Уғри ким!» «Уғри ким!» Жавоб бўлмагач  
Уни ўғри, дея ушлаб кетишди.  
Юртим, сени яхши кўраман, юртим  
Сенга яхши гаплар айтгим келади.  
Ўзингни оқдолмай қолганинг кўрсам,  
Яшаш йўлларида қайтгим келади.  
Билгилки, сен ҳеч ҳимояга йўқ,  
Ўзинг-чун йиғлашни, бўзлашни ўрган.  
Токи ўғри, дея ушламай туриб,  
Гапирини ўрган, сўзлашни ўрган.

«Подачини мелисалар олиб кетди. Подачи тоғани машина-сига солиб қамоқхонага олиб кетишди». Биз болалар йиғлаб ҳовлиларга қараб чопдик. Кимдир Мулла бобоникига, кимдир бригадирниқига, кимдир яна аллакимниқига. Мен бўлсам муаллимниқига қараб чопдим. «Сен кўрқма, уни ҳозироқ олиб бориб қамаб ташламайди. Уни гувоҳликка олиб кетишган. Уни ҳеч ким ўғриликка қўлга туширмаган-ку. Ҳозир бориб олиб келамиз. Бориб бригадир, Мулла бобони айтинглар, Тошнинг мошинасида келишсин, подачини олиб қайтамиз — деди муаллим. Биз уларни айтиб келдик. Тош буваннинг кичкина «Запарожиға» минаятган муаллимга қараб подачининг умр йўлдоши Ҳанифа хола йиғлаб; «Барақагина топкурлар, уни тез олиб келинглар, йўқса, кенг далага ўрганган одам, қамоқда бир кун ичида жувонмарг бўлади-я», дерди. Жувонмарг сўзини эшитиб биз ҳам йиғлаб юбордик. Машина жойидан жилди. Кеч соат ўн иккиларгача ҳеч ким ухламади. Ҳамма дарвозалари ёнидаги курсиларда уларни кутиб ўтиришарди. Ниҳоят биз кутган машина кўринди. Биринчи бўлиб подачи тушди, кейин муаллим ва бошқалар тушишди.

«Муслмонлар», подачи ўғри» деб ушлаб юборган Бозорвойнинг сигири ўз оёғи билан соат еттиларда ҳовлисига кириб келибди», — деди муаллим баланд овозда. Биз болалар «урра!» деб юбордик. Катталар: «Хайрият, хайрият!» — дейишди.

Аммо муаллим: — Бозорвойни қақиринглар, — деди. Ҳамма кутиб турди. Ниҳоят ярим соатлар ўтгач, елкасига кимхоб чопонини ёпинган, бир уйқуни урган Бозорвой тоға кириб келди. Муаллим яна баланд товушда деди:

— Бозорвой, биз подачини ҳозир мелисахонадан олиб келдик. Биз уни сендек тўхматчиларга ҳақоратлатиб қўймаймиз. Сен эртадан энди дўконингни ёпасан-да, бир ҳафта пода боқасан. Агар боқмасанг, ҳамма сендан юз ўгиради, — деди.

— Эббий, эббий, бу қандай гап, қонун дўконни ёптирмайди, — деди ўзига ярашмаган ҳолда титраб Бозорвой тоға.

— Яна такрорлайман, Бозорвой, эртадан дўконга Карим боради, сен подага, йўқса, дўкон-пўконинг билан кўчиб кетасан.

...Эртаси кун Бозорвой дўкондор сигирларни ҳайдаб яйловга чиқиб кетди.

Шундай, муаллимнинг ўз қонунлари бор эди, бу қонунга ҳамма бўйин эгар эди. Бу қонун олижаноблик, одамийлик қонуни эди. Унга бўйин эгмаган ҳеч ким кечирилмас эди.

Бўйи баланд, озгин, доим тоза кийиниб юрадиган бу кекса одам менга биринчи кунийёқ инсонийликнинг энг олий намунаси бўлиб кўринган. Унинг пойфазали ёмғирли, лойли кунларда ҳам, чангли, тўзонли кунларда ҳам топ-тоза турарди. Гўё у синфга юриб эмас, учиб келгандай.

Биз 27 ўқувчи лойга ботган ёки чанг бўлган пойфазалларимизни танаффус бошланиши билан тозалашга тушардик... ундан уялганимиздан.

Баъзан ўйлаб кетардим: муаллим ҳам нон еярмикан. Бу менинг болалик хаёлларим албатта. Кейинчалик шундай ўқитувчиларни кўрдимки, улар ўқувчисининг кўз ўнгида чекар, ичар, қўпол сўзлар айттар, умуман, ўзининг муаллим эканлигини унутар эди.

Бизнинг муаллимимиз ўша бола хаёлларимизнинг маъсуслигига қоришиқ ҳолда қолди.

У дарс беради эди, тарбия беради эди. Ҳеч биримизга қўл кўтармас эди. Биз мактабдан қўшиқ айтиб келиб, қўшиқ айтиб кетар эдик.

Бир кун дарсдан сўнг у бизни тўхтатди.

— Болалар, бугун қўшиқ айтмасдан кетинглар. Тош бува қаза қилди. У иккилобда ҳам, урушда ҳам сизларнинг бахтингиз учун курашган. Умуман, қишлоқда биров қаза қилса, унинг уйи олдидан қўшиқ айтиб ўтманглар. Уйга боргач ҳам телевизор, радиони баландлатиб қўйманглар. Бу марҳумнинг оиласидоғиларга ҳамдәрдлиқ бўлади.

Шу огоҳлантириш умримизга еттулик эди. Биз қўшиқ айтиб келаятган болалар доим Тош бобонинг уйига яқинлашганда тўхтаб қолардик. Қабристон ёнидан ҳам жим ўтадиган бўлдик.

Чунки муаллимимиз биздаги имонни, ўзбекчиликни тарбиялаган эди.

Биз мактабга бир қишлоқдан ўн бир бола қатнардик: «ўн қиз, бир ўғил бола.

Пахта териш мавсуми бошланган бир кунида биз иккинчи синф болаларини ҳам пахта теришга олиб чиқишди. Ҳали бир этак термасимизданоқ ёмғир қуйиб берди. Муаллим бошчилигида ҳаммамиз ўзимизни каттакон тут остига урдик. Ёмғир эса тинмайди.

Мен кўйлагимнинг устидан битта бахмал нимча кийиб олган эдим. Ёмғир томчисининг бир-иккитаси текканигаям жунжика бошладим. Муаллим дарров устидоғи пинжанинг менга кийдириб қўйди. Пинжак катта бўлгани учун енглари осилиб, ўзи ҳам ерга тегай-тегай деб турарди.

Кимгадир пайпоқларини кийгизиб қўйди. Кимнингдир сочларини дастрўмолчаси билан артиб, ўзининг иссиқ кепкасини кийгизиб қўйди. То ёмғир тугагунча ўзи қунишиб ўтирган муаллим бу ҳаракатлари билан бизда инсондаги энг улуг хислат — меҳрин тарбиялаган эди.

Энди баъзан талабасидан бирон нарса ундирмоқчи бўлган, ҳатто ундирган, оқибатда шарманда бўлган ўқитувчиларни кўрганда, эшитганда, кўз ўнгимга ўша порлоқ манзара: бир-биримизга кулиб иссиқина турган, бу дунёда муаллимимиздан ҳам улуг ва қудратли одам йўқ деб хотирларига муҳрланган болалик келади.

Бир кун она тили дарсидан «Хат ёзиш» деган машқ ўтдик. Масалан: дўстимга хат, акамга хат, холамга хат.

Ҳамма ўзи билганича хат ёза бошлади.

— Муаллим, мен теракчага хат ёзсам майлими? — деб сўрадим.

— Қанақа теракчага?

— Оромижон тепадаги ёлғиз теракчага-да.

Муаллим мийғида жилмайиб: — Майли, ёза қол, — деди.

Ушанда қиш эди. Мен теракчага шундай хат ёзгандим:

«Салом теракча.

Совқотмаяпсанми? Совқотсанг ҳам чида.

Кўкламда сенинг ёнингга сигир боқишга бораман. Янги йил келса сен ҳам, бузоқча ҳам, мен ҳам бир ёш ўсамиз. Момом доим ёлғиз одам кучли бўлади, ҳеч кимга ияк суямайди, деса сени эслайман. Сен ҳам ёлғизсан, шунинг учун кучли бўл. Хайр».

Эртаси кун муаллимимиз дафтарларни текшириб келди.

Менинг хатимни мактаб, ҳаммага ўқиб берди. Кимдир менинг устимдан кулди: «Теракча одам эмас, хат ўқий олмайди-ку».

Муаллим эса фақат жилмаярди. У «менинг назаримда сен ё ёзувчи, ё шоир бўласан», дерди менга.

Ҳамма менга ҳавас билан қаради.

«Бу хатни йўқотма, бу сенинг илк ижодинг», деганди муаллим.

Ўхў, ўша кунги севинчим. Мактабдан қайтиб сонсиз хат ёздим. Тутзорга, толзорга, қирга, жерга, ўрга ва ҳоказо.

Мен ўйлаб кетаман ва агар ўшанда муаллим менга: «Бу қандай гап, теракчага хат ёзма», деганда ёки устимдан кулганида ҳолим не кечарди, дейман ўзимга ўзим.

Гоҳо у ҳақида шеър ёзмоқчи бўламан, аммо у шеърга сифмайди.

Мактабдан қайтаётган эдик. Пайзи нишолдачининг овозини эшитдик: «Ни-шо-олдо, ни-шо-олдо...»

Узоқда нишолда солинган катта-катта идишларни аравага ортиб нишолдачи келар эди. Чопдик, етиб олдик. Нишолдачи қишлоққа етиб келгунча биз уйлардан танга ва косаларни олиб чиқишга улгурдик. Нишолдачининг овозини эшитиб бутун

кишлоқ болалари кўчага чиқди. Кимнингдир кўлида нимкоса, кимнингдир кўлида чинни коса. Пайзи нишолдачининг кўли кўлига тегмайди. Шу пайт нишолдачига салом бериб муаллим ўтиб қолди. Муаллим ҳали узоққа етиб улгурмай Латиф мелиса пайдо бўлди. У аравачали мотоциклини нишолдачининг араваси ёнида тўхтатди ва баланд овозда буюрди:

— Қани, савдони тўхтатинг, гражданин!

Биз ҳайрон бўлиб Латиф мелисага қарадик.

У гражданин деб шу оддийгина чўлоқ нишолдачини айтаяптими ёки гражданин дегани жиноятчи дегани эканми?

— Хўп, хўп, ука, мана, тўхтатдик, аммо айбимизни айтинг, айбимиз нима?

— Айбингиз — сотиш рўхсат этилмаган нишолдани сотганингиз. Меҳнатсиз даромад қилганингиз, кейин ҳозир рўза маҳали-я, сиз рўзада ейиладиган нишолдани болаларга сотиб, бу билан рўзани ёш болаларга тарғиб қилаясиз, қолган гапларни идорада галлашамиз. Аравани буриинг!

— Ҳов, мелиса ука! Ҳеч ўйлаб гапираясизми, ахир нишолда сотиш ман этилган, деб сизга ким айтди. Кечагина ўзингиз ҳам шу арава ортидан иштончангизни кўтариб чопиб юрдингиз-ку, — деб хахолаб кулиб юборди. Бу кулгига ҳамма беихтиёр қўшилди.

— Сиз ҳали мени шу зумрашлар олдида калака қилаясизми? Масхаравозликни йиғиштириб идорага юринг.

— Сен мелисалигингни анави ароқхўрларга қил, ўғриларга қил, Мели мағазинчига қил! Сени Мели нималар билан таъминлаётганини билмайдиган одамга қил!

— Нима, нима, қари деб, чўлоқ деб индамасам, тилингиз узун-ку.

— Индаганда нима қиласан?

— Соттирмайман!

Пайзи нишолдачи хахолаб кулаётган эди, мелиса сакраб мотоциклдан тушиди аравадаги нишолда тўла идишинг бири-ни тош кўчага олиб отди. Нишолда тўроққа қоришиб қолди. Иккинчи идишга қўл чўзган эди, Пайзи бува кўлига ёпишди. Биз қий-чув қилиб йиғлай бошладик. Қишлоқ одамлари ҳар тарафдан чопиб кела бошлади. Чопиб чиққанлар орасида муаллим ҳам бор эди.

— Латиф, ўзингни бос, — деди у. Латиф мелиса атрофга қаради ва секин бориб мотоциклга ўтирди.

— Муаллим сиз учун, бу савдогарга индамайман, аммо бундан буён нишолда сотмасин, — деди у.

— Бекор айтибсан, Латиф, Пайзи бува нишолда сотган, бундан кейин ҳам сотади. Сен ҳозир ундан кечиринг сўра. Агар кечиринг сўрамас экансан, на яхши кунингда, на ёмон кунингда юзингни кўрмайлик.

Латиф мелиса бошини қуйи эгди.

Одамлар гала-ғовур қилиб юборишди. Оқибати яхши эмаслигини сезган Латиф нишолдачига қараб:

— Кечиринг, Пайзи бува, менга айтган тўхматларингиз қонини қайнатиб юборди. Танангизга яхши ўйлаб кўринг, сиз ҳам ноҳақ гапни гапирдингиз, — деди-да, мотоциклини варанглатиб жўнаб қолди.

Қисқа вақт ичида шунча гап-сўз бўлиб ўтди. Муаллим бўлмаганда нима ҳангомалар бўларди, билмадик! Фақат нишолда яна сотилиши бизни хурсанд қилди. Эртасига худди шу пайт Пайзи нишолдачининг овози яна янгради: «Ни-шо-олдо, ни-шо-олдо»...

\*\*\*

Тўртинчи синфга ўтган эдик. Бешинчими, ўнинчими сентябрь эди. Муаллим синфга магнитофон кўтариб кирди.

— Болалар, бугунги ашула дарсимизда Совет Иттифоқи гимнини ўтишимиз керак. Мен аввал гимна мухикасини сизларга магнитофондан қўйиб бераман, кейин сўзларини ёздираман. Шундан сўнг сўзи билан бирга қуйлаймиз, — деди муаллим.

Биз суюниб кетдик. Аммо бу куйни эшитиш бизга насиб қилмади. Муаллим магнитофон қулоғини энди бураётганда синфга мактаб директори ўринбосари ва навбатчи ўқитувчи кириб келишди.

— Ўчиринг анави ванг-вангни, олдингизга пахта масаласи-

да келдик, ўртоқ Шерназаров, пахтага чиқиш керак, пахтага, — деди ўринбосар.

— Хўп, дарсни тугатайлик, ашула дарсининг энг яхши соатларидан бири, — деди ўқитувчимиз.

— Ҳой, Шерназаров маллим, ашулани пахтазорда айтинг жўжаларингиз билан, «пахтазорим бор менинг», дейсизми ёки «пахталар чаман-чаман», дейсизми, хуллас, ўшақда ҳозир энг зўр дарс, — деб эшик томонни кўрсатди у. — Ҳозир магнитофон қўйиб, куй эшитадиган вақт эмас, ўзингизни ўйла-сангиз, тинч бўлай десангиз, қимирланг, — деди у.

Пахтазорда ашула дарсини ўтолмадик, чунки ҳаммамизга йигирма беш килограммдан норма қўйилган эди. Муаллим ҳам биз билан пахта тера бошлади.

Кечкурун бригадир, ҳисобчи, райондан келган вакил ва колхоз бош агрономи барча синф ўқувчиларини текширгани каби бизнинг тўртинчи «а»ни ҳам норма бажарган ёки бажармаганимизни текшира бошлади. Нормани бажарганларга жавоб бериб, бажармаган ўн кишини ва муаллимни олиб қолишди.

— Уртоқ Шерназарович, болаларни меҳнатсевар, пахтасевар қилиб тарбиялаш керак. Бу йил план тўлмасе сиз ҳам, мен ҳам, мана бу жўжаларингиз ҳам қамоқда кўришамиз. Эшитаясизми, ҳеч кимга шафқат йўқ! — деди бош агроном дағдаға билан.

— Унчалик эмасдир-ов, — деди муаллим.

— Нима, сиз менинг устимдан куляпсизми?

— Ув, гимнчи домла, мен сизни жуда писандачилигингизни биламан, аммо писандангиз бошингизга бало бўлади-я бу йил. Биласизми, бу йил бир ёқлик бўлиб қолишингиз му-кин. Боринг, доно бошингизни яна бир ишлатиб ўйлаб кўринг. Эртадан манавиларингиздан узоқроқ жойдан тердирамиз сизни, — деди колхоз раиси.

Ҳақиқатан муаллим эртадан биздан анча нарироқдан эгат олиб пахта терди. Агроном амаки айтгандек бу йил пахтакорларининг, пахтанинг аҳволи оғир эди.

Бир кун математика дарсида муаллимга: «5 кило қанд олиш учун неча кун, неча килодан пахта териш керак», — деб савол бердим. У ҳайрон бўлиб қараб қолди. Саволимга жавоб бериш ўрнига, «болалар эрталаб шакар чой ичадиганлар қўл кўтарсин», деди. Атиги олти бола қўл кўтарди. Қўл кўтармаганлар орасида мен ҳам бор эдим. Ойлашмиздаги шароит муаллимга маълум эди. Битта сигиримиздан бошқа даромадимиз йўқ эди. Бизнинг уйда ҳафтада бир, меҳмон келиб қолгудек бўлса икки марта гўштлик овқат қилинар эди. Ширинлик ҳам меҳмон келганда қўйилар эди.

Тўғри, биз уруш йилларининг болалари эмас эдик, кейин билдикки, турғунлик йилларининг болалари эканми...

— Беш кило қандга пул ишлаш учун ўн кун 50 килодан пахта териш керак. Пахтанинг нархи 2 тийин — деб менга қарамай жавоб берди у.

Мен ўша йили беш кило қандга пул ишладимми, йўқми-эслай олмайман, аммо муаллимнинг: «4 «а» пахтага!» деган товушидан қандай азобланишимни, қийналганимни кечагидек аниқ эслайман. Ушанда ҳайрон бўлардим; муаллим нега пахта-ни бунча ёмон кўради ёки у шунча яхши бўлса ҳам халқ душмани экан-да. Айтадиларки, пахта душмани — халқ душмани. Йўқ, менинг муаллимим халқ душмани эмас.

Мактабдан қайтаётиб синфдошларимдан сўрадим:

— Болалар муаллим халқ душмани — пахта душмани бўлса, биз нима қиламиз?

Бирдан ҳамма такқа тўхтади.

— Узинг нима қиласан? — деди Шоҳзода.

— Агар муаллим халқ душмани бўлса, мен ҳам халқ душмани бўламан, — дедим.

— Мен ҳам сизлага ўтаман, — деди Назир. — Чунки муаллим ҳам, сен ҳам жуда-жуда яхшисизлар, демак халқ душманлари яхши бўлар экан-да. Мен ҳам халқ душмани бўламан.

— Мен ҳам... — барча чуғурлашиб кетди.

— Йўқ биз ҳеч кимга душманлик қилмаймиз, фақат муаллимни қамашса, бирга кетамиз, холос, — дедим ва ўнг кўлимни олдинга чўздим. Бирин-кетин йигирма олтига ўнг қўл қўлим устига тушди. Бу — «ҳаммамиз биргамиз», деган гап эди.

— Душман бўлганимизни, муаллим қамалса бирга боришимизни ҳеч кимга айтмайман, деб қасамд қиламан!

— Қасамд қиламиз!

— Қасамед қиламиз!

Уша қасамедга ҳеч ким хиёнат қилмади. Хайрият, муаллим камалмади. Сир сирлигича қолди. Бора-бора буни ҳамма унутди. Унутдимикин?

Мен ҳали ҳам бир нарсанга қойил қоламан; биз ўшанда нимани бу қадар қаттиқ сир тутдик? Ахир бизнинг орамизда «ғачилар ҳам «зчилар ҳам бор эди-ку. Демак, муаллимни; ҳаммамиз бир хил яхши кўрар эканмиз-да, «беш» оладиган ҳам, «икки» оладиган ҳам.

Шундай қилиб, сирларга тўла куз ҳам ўтиб кетди. Аста-секин қиш кириб кела бошлади. Синфимиз деворининг бир қисмида узун, қора голланд печкаси турар эди. У ҳеч қачон исимас эди. Мақтаб фарроши икки пақир кўмирни печкага ёқарди-ю, кетарди. У кўмир фаррош уйига бориб, этигини ечмасдан ёниб тамом бўларди. Бу печ голланд печи эканини муаллимдан эшитган эдик. Биз уни Голландия дер эдик. Танаффус бўлиши билан печнинг атрофини ўраб олар эдик. Печка ҳақида шеърингни айт — барча баравар чуғурларди менга. Мен баланд овозда печга қараб шеър айтар эдим.

Голландия, Голландия

Озгина исит.

Голландия, Голландия,

Совуқсан бунча.

Сенга бошин қўяди

Мукар мусича.

Ҳамма чуғурларди: «Мени ҳам шеър қил, мени ҳам мусича дегин».

Сенга бошин қўяди.

Аъло мусича

Гучир мусича...

Баҳор мусича...

Мен болалик дунёдаги энг бой бозор деб эслайман. Уша бозорни кўз ўнгимга келтирарману, уни қаеридадир муаллим юрганни кўраман. Унинг виқор билан юриши болалик бозорига ўғрилари яқинлаштирамайди. Алдов, хиёнат, сотқинликни киритмайди. Бундаги олмалардан болаликнинг ҳиди келади. Ундаги гуллар бир хил — маъсум, беозор. Термулган одамнинг яшагиси келади. Эслаб йиғлаган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

Аввал айтганимдек биз бир қишлоқдан бир синфга 11 бола қатнар эдик. 10 қиз, бир ўғил бола. Бу битта ўғилнинг исми Назир эди. Айтишларича Назирнинг онаси Назир туғилган йили оёқ оғриқдан вафот этибди. Айтишларича Назирнинг отаси шаҳарлик бир жувонга уйланиб кетиб қолибди. Назир эса буваси ва момоси билан қолибди. Айтишларича Назир яхши бола эмиш, яна айтишларича Назирнинг зуваласи пишиқ эмиш. Мен доим Назирнинг зуваласи қаерда экан, — деб ўйлардим.

— Назир зуваланг қаерда? — сўрадим.

— Менинг зувалам йўқ, сенкичи, — сўради.

— Вой менда зувала нима қилсин...

Бу зуваласи пишиқ Назир бир марта касалхонада ҳам ётиб чиққан. Унинг касалхонага тушиш сабабчиси Маҳмуд бригадир бўлган. Сентябрь бошларида пахта тезроқ очилсин учун пахтага дори сепилар эди. Биз ҳаммамиз самолётларни яхши кўрар эдик. Самолётлар эса бизни ёмон кўрар эди. Биз қишлоқ болалари самолёт овозини эшитиш билан кўчаларга чопиб чиқар эдик. Самолётлар эса шундай аччиқ дорини ёнимиздаги пахтазорларга сепиб ўтар эди-ки, нафасимиз бўғилиб уйларга қочиб кирар эдик. Аммо, захарли ҳаво бизни қувиб уй ичига ҳам кирар эди. Дори сепиш бошланишидан олдин бригадир пахтазор ичида қизил байроқ кўтариб турувчи, одам изларди. Авваллари подачи қизил байроқ кўтариб юрди. Кейин самолёт бир учиб ўтгач ухлаб қоладиган одат чиқарди. Шундан кейин жаҳли чиққан бригадир бизни олдимизга келди ва Назирга меҳр билан тикилиб деди: «Назиржон сен катта бўлсанг лўччик бўлишни хоҳлайсанми, болам?»

— Ҳа, хоҳлайман — деди Назир.

— Узи сан болам дурустсан, бўйинг ҳам баланд, ростдан ҳам лўччик бўласан. Мана шу байроқни ҳува анави қўш тутдан сал чапроқда кўтариб тур, самолёт ўтгандан кейин тушур, — деди.

Назир бу ишончдан севиниб кетди. Байроқни баланд кўта-

риб, қўштутга қараб чопди. Биз уни орқасидан озгина юрдигу, самолётни овозини эшитиб, орқага қайтдик. Ана, Назир қизил байроқни даст кўтарди. Самолёт унга яқин пахлаб ўтди. Кўкимтир дори тумандек пахтазорни тутди.

Учувчи бўлишни хоҳловчи Назир шу туманда ҳам самолёт орқасидан қараб қолди. Самолёт яна ўтди. Учинчи бор ўтгандан кейин Назир қайтиб турмади. Биз Назирга қараб чопдик. Шу пайт самолёт бизнинг устимиздан ҳам бир марта дори сепиб ўтишга улгурди. Орқадан таниш овоз — муаллимнинг овози эшитилди: Қайтинглар, қайт орқага, биз қараб қайтдик. Муаллим югуриб бориб Назирни кўлида кўтариб чиқди. Шу пайт бир коса қатик кўтарган бригадир келиб қолди. Мен дўхтирникига қараб чопдим. Қаюм дўхтир мени аравали мотоциклга миндириб тез етиб келди. Бу пайтда Назир бир оз ўзига келган экан. Қаюм дўхтир Назирни мотоциклга миндириб олиб кетди. Ранги оқариб муаллим атрофга қаради. Кўзи бригадирга келиб тўхтади. У бригадирга қараб шундай вазоҳат билан бақирдики, унинг овози бутун қишлоқни титратди. «Номард, агар шу болага бугун бир гап бўлса сени соғ кўймайман. Узинг кўтар ўша қизил латгани, ўзинг кўтар, раисинг кўтарсин, райкоминг кўтарсин, бу болажонларни тинч қўй». Маҳмуд бригадир косодаги қатиги тўкила-тўкила уйига қараб қочиб кетди. Муаллим бизга қараб ҳам бақириб юборди: Улгиларинг келяптими, уйингга кир ҳаммади. Биз уй-уйимизга қараб кетдик.

Назир аввал Қаюм дўхтирга қатнаб юрди. Кейин касалхонага тушди. Биз муаллим бошчилигида Назирни кўргани бордик. Назир ўшанда нималар деди эсимда йўқ, аммо уни биз билан хайрлашаётганида айтган гапи ҳали-ҳали эсимда. У касалхонанинг қора халатига ўраниб шундай деган эди: Мен ҳеч қачон учувчи бўлмайман, чунки самолётнинг овози кинодаги немис-фашистларнинг самолётини овозига ўхшар экан. Ҳали ҳам эсласам бошим айланиб кетади.

Бир кунни қалин қор ёғди. Назир мактабга узун чопон кийиб оёғида қалиш билан келди. Бошқаларники эсимда йўқ, аммо Назирники эсимда, қалиш эди. Пайпоғи ҳам йўқ эди. Орадани икки кун ўтиб муаллим, катта нарсани бир эски жун рўмолга ўраб кўтариб келди: Сумкасидан бир конверт олиб, столи устига қўйди.

— Болалар биласизларми кеча менга почтачи мана бу рўмол ичидаги нарсани ва мана бу хатни келтириб берди. Хатни устига 4 «а» синфга, Назирбойга — Қорбободан — деб ёзиб қўйилган экан.

Ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолди.

— Уқинг муаллимжон, анавуни очиб кўрсат Назир, — ҳамма чуғирларди.

Муаллим хатни Назирни кўлига берди. Назир овоз чиқариб ўқий бошлади:

«Салом Назиржон бу мен Қорбобонман. Мана совуқ тушиб қор ҳам ёғди. Мен сенга бир зтик олиб қўйган эдим. Узим борай десам ҳали арча байрамига узоқ. Унгача оёғинг совқотади. Почтадан юбордим.» Қорбобо.

Муаллим жун рўмолни очди. Ура! Этик!

Ҳаммани тинчлантиргач муаллим шкафдан қайчини олиб келди-да, ҳалиги эски жун рўмолни иккига бўлди ва Назирга бери кел — деди. Назир аста юриб муаллимнинг столи ёнига борди. Стулга ўтирган муаллим Назирнинг оёқларига рўмол бўлақларини бирин-кетин ўраб этикни кийдирди. Ҳаммамиз энтикиб кетдик. Бу эски рўмолнинг иссиғи, бу этикнинг иссиғи йигирма етти қалбга гуп этиб ўтди... Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик.

— Раҳмат Қорбобо!

Назир дўстим, сен ўша буюк Қорбобони эслайсанми? Оёғингга пайтава ўраётган бармоқларнинг тафти ёдингдами?

Муаллим сенга ўша этикларни «Мана Назир, мендан сенга ёрдам», — деб берса бўлар эди-ку. Еки қўлингга пул тутқазиб, бозордан оларсан — деса бўлар эди-ку. Йўқ, у бундай қилмади. У инсон сохта саховатпеша эмас эди. У бу совға сенга отасиз ва онасиз эканлигини эслатмаслигини истаган. Бу совға сени кўпчилик олдида камситмаслигини истаб шу йўлни танлаган. Этика, пайтавага кўзинг тушганда фақат севинишингни истаган.

Назир, дўстим, сенинг юзингда мен гоҳо муаллимни кўргандек бўламан. Гарчанд сизлар бир-бирларингизга ҳеч ўхшамасиз. Гарчанд муаллим оқ сариқдан келган эди, сен эса қора-чадан келгансан. Биласанми мен сени муаллимга қачон ўхшатганман.

Биз 9-синфда ўқирдик. Муаллим бизга кирмас, пенсияга чиққан эди. Аммо бизни бутун мактаб Шерназаровчилар дер эди.

Куз эди. Пахта терими авжида эди. Бизнинг пахталарни тележкада Шоди тракторчи хирмонга ташир эди. Ҳа, ҳа, ўша мудҳиш кунботар ёдинга тушдимми?

Билмайман, кимдир хонаси куйгандай бақирди. — Шоди трактори билан цемент ариққа тушиб кетди.

— Ердам беринглар! Мусумонлар! Шоди ўлди!  
Ҳамма цемент ариққа қараб чопди. Сен қандай қилиб ҳаммадан ўзиб кетдинг билмайман. Биз етиб борганимизда сен ағдарилиб ётган трактордан оловдан айланаётган полопондек айланардинг. Бир шўнғидингү Шоди тракторчини бошини сувдан кўтардинг. Бошини фақат бошини сувдан кўтардинг. Сув унинг ияклари остидан ўта бошлади.

Шоди тоға бир оздан кейин ўзига келгандай бўлди.  
— Хайрият тирик экан, тирик экан! Овозлар эшитилди.  
— Мусулмонлар нега қараб турибсизлар трактор топиб келинглар, тракторни тортиш керак, — деди кимдир.

Трактор топилиб, тракторни Шоди тоға ва сени устингдан тортиб сизларни сувдан чиқариб олгунча икки соатлар вақт кетди, чамаси сен чидадинг, гарчи куз эди, совуқ эди. Гарчи сув бетиде қизил қон оқар эди. Сенинг ҳам қўлларингдан қон оқаётганини сувдан чиқаётганингдан кейин билдим. Шоди тракторчини бели, оёғини темир босиб эзганини кейин билдим. У сув ютса ўларди. У икки соатча сув остиде соғ қолмас эди. Тракторчининг энаси Сангил холани касалхонада сени кучиб йиғлагани эсингдами, «Оҳ, бўйларингдан айланай Назиржон, ўша талотўпда болагинами бошини кўтариб, сув юттирмай туриш қандай ақлингга келди. Ақлларингдан айланай Назиржон. Сени туғиб кетган Санамжонни гўри нурга тўлсин, нурга тўлсин...»

Бу гапларни хола йиғлаб айтган эди-я Назир. Мен бўлсам сени ўшанда, хазон эмраниб мой ва қон аралаш оқаётган сув ичиде муаллимга ўхшатган эдим. Тўғри бошқалар ҳам, сувга тушди, аммо сендан кейин эди.

Мактабни битириб ҳаммамиз ҳар ёққа тарқалиб кетдик. Аммо биз икки йил, уч йилда ўша меҳрибон нигоҳ қаршисида тўпланардик.

Узоқ суҳбатлашардик, кулишардик, болаликка бориб келардик. Сўнг муаллимга омонлик тилаб хайрлашардик.

\*\*\*

Бир кун уйдан менга шошилич кўнғироқ қилишди. «Муаллимнинг соғлиғи ёмонлашди, у сени кўрмоқчи».

Мен тонги самолётда Самарқандга учдим. Хаёлимда муаллимим, «уни Тошкентга олиб келаман, энг яхши дўхтирларга кўрсатаман», шу таскин билан қишлоққа кириб бордим. Муаллим бир ой касалхонада ётибди. Сўнг яхши бўлмаслигини ўзи ҳам сезгач, уйга келтиришибди.

Мен ўша таниш ҳовлига хавотир билан кириб бордим. Дарвозада мени Мўхтарам кутиб олди. У муаллимнинг қўшнисига келин бўлган. Кейин муаллимнинг умр йўлдоши Ҳанифа опа пешвоз чиқдилар. Мени уйга бошлашди.

Муаллим мени кўриб ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди, аммо мен йўл қўймадим.

Биз саломлашдик. У ёқ-бўёқдан сўрашяпмиз. Мен муаллимни шу аҳволда кўриб гаранг бўлиб қолган эдим. Бир пайт кўзим муаллимнинг столи устидаги суратга тушди. Бу бизнинг биринчи синфдалигимизнинг сурати. Болаликка урилгандек, кўзим чарақлаб очилди ва йиғлаб юбордим. Ҳамшира қизга мен ҳозир — дедиму ташқарига отилдим, эшик орқасида кимдир йиғлаб ўтирган экан, бу Шоҳзода, муаллимнинг товушини эшитиб йиғлаб ўтирган экан.

Уша кун кечкурун яна муаллимникида бир пас йиғилдик. Икки кун ўтгач мудҳиш хабар бутун қишлоқни титратди. Отам — деб йиғлаётган йигирма еттита овозни эшитдингиз-

ми муаллимжон. Айтадиларки, марҳум қабргача ҳамманинг овозини эшитар эмиш. Биламан сиз эшитмоқдасиз, сиз унутмайсиз, фақат биз унутмасак бас.

Биз уни унутамизми? Еттита бола туғиб фариштага айланган Норсулув, айтгин, биз уни унутамизми, Назиржон, муаллимни тобутини кўтарган қўлларингдан айланай, Назиржон, сен айт уни унутамизми, сени муаллимга қўшни қилган тақдирга шукур Мўхтарамжон айт, уни унутамизми?

Уни ҳовлисини тўлдириб турган катта-кичиклар, аравакашдан то арбобгача айтсин унутиш нимадир?

Орадан қирқ кун ўтиб муаллимникида тўпланганимизда, муаллимнинг қизи бир альбомни мени олдимга қўйди. Унинг ичиде бизнинг турли хил суратларимиз, мени мактабда ёзган шеърларим ва илк ижодим «Теракчага мактуб» бор экан. Кўзлар намланди. Мен қарамасликка ҳаракат қилдим, менга қадалган нигоҳларда фақат битта савол бор эди. Сен нега муаллим ҳақда шеър ёзмадинг?!

Мени қийнаманглар, бундай қараманглар, у ҳақида ёзиш осон бўлса эди.

Не қилайки, у шеърга сифмайди.



Ернинг бағри совуқ. Улганнинг ўрнига бориб ётиш мумкин эмас. Улганнинг ортидан ўлиш жасорат ҳам эмас. Яшаб енгил — жасорат. Мусибатнинг тоғдай юкини одамзод елкасидан олиб унга яшаш жасоратини берувчи кучлардан бири қўшиқдир. Халқ орасида йнги-йўқлов деб юритилувчи бундай қудратли қўшиқлар қадим-қадимлардан келаётгани аниқ.

Биз куйида эътиборингизга ҳавола этаётган йнгилар ғаллаороллик Зулфия Ҳайдаровадан ёзиб олинди.

**Қизнинг онасини йўқлаб айтгани:**

Эшикдан келсам, кир деган,  
Сенинг жойинг тўр деган,  
Энажоним, бойвуччам.  
Пиёлада чой берган,  
Ёнбошидан жой берган.  
Энажоним, бойвуччам.

Пиёлада берган чойлари  
Шарбат экан, билмабман,  
Энажоним, бойвуччам.

Ёнбошидан берган жойлари  
Работ экан, билмабман,  
Энажоним, бойвуччам.

Тўрга гилам тўшаган,  
Тўрадай уллар юмшаган,  
Энажоним, бойвуччам.  
Қоли гилам тўшаган,  
Хонимдай келинлар  
юмшаган,  
Энажоним, бойвуччам.

Тут ёғочдай мевалим,  
Қайрағочдай соялим,  
Энажоним, бойвуччам.

Мевасидан тотганим,  
Соясида ётганим,  
Энажоним, бойвуччам.

Оғзи тўлиб ошаган,  
Кўнгли тўлиб яшаган,  
Энажоним, бойвуччам.

Улди уяга қўйган,  
Қизди қияга қўйган,  
Энажоним, бойвуччам.

Ошличок танлаб, ош кесган,  
Кайвани танлаб, бош қўшган,  
Энажоним, бойвуччам.

Сутди сувдай шопирган,  
Мойни қордай иширган,  
Энажоним, бойвуччам.

Оқ досторин чиватган,  
Неваралар юпатган,  
Энажоним, бойвуччам.

Унг қўлини узатган,  
Улга ўтов тузатган,  
Энажоним, бойвуччам.

Чап қўлини узатган,  
Қизга бўхча тузатган,  
Энажоним, бойвуччам.

Тўбалар сочим тўрт ўриб,  
Тўрларга қўйиб ўстирган,  
Энажоним, бойвуччам.

Олдилар сочим олти ўриб,  
Овайлабгина ўстирган,  
Энажоним, бойвуччам.

Бўйнимга қараб кийгизган,  
Кўнглимга қараб егизган,  
Энажоним, бойвуччам.

Ярим кўнглим ўкситмай,  
Авайлабгина ўстирган,  
Энажоним, бойвуччам.

Қўли етса қўриган,  
Енги етса елпиган,  
Энажоним, бойвуччам.

Қанотлига қоқтирмай,

# Ўнги- йўқловлар

Тумшуклига турттирмай,  
(Авайлабгина ўстирган)  
Энажоним, бойвуччам.

Рўзгоримга қарашган,  
Болларимга боғишган,  
Энажоним, бойвуччам.

Емаганим егизган,  
Билмаганим билгизган,  
Энажоним, бойвуччам.

Данақ чақиб, дон берган,  
Нонлар ёпиб, нон берган,  
Энажоним, бойвуччам.

Нон десам навоот берган,  
Сув десам шарбат берган,  
Энажоним, бойвуччам.

Дарвозамдан кирганда  
Ховлим тўлган, жон энам.  
Эшигимдан энганда  
Уйим тўлган, жон энам.

Бурилиш-бурилиш  
йўллардан  
Бурилиб қараган, жон энам;  
Қайрилиш-қайрилиш  
ерлардан  
Қайрилиб қараган,  
жон энам.

От бошидай юрагим,  
Кўй бошича қолмади.  
Кўй бошидай юрагим  
Кўрғошинча қолмади.

Утган ишга саловат,  
Жойингда топгин ҳаловат.  
Ҳаловатинг ўзинга,  
Бир кўрингин кўзимга,  
Энажоним, бойвуччам.

**Бувисини неварасининг ўлимида айтиб йнғлагани:**

Қизилини қийратмай,  
Яшилини яйратмай.  
Ййрамаган, вой болам.  
Йнғлаб қолди боласи,

Бўшаб қолди хонаси,  
Вой болам.

Ўтирган жойи ўй эди,  
Уйлагани тўй эди,  
Вой болам.

Толдан таёқ кесганим,  
Тол чивикдай ўсганим,  
Вой болам.

Оққинамиди билагинг,  
Шугинамиди тилагинг,  
Вой болам.

Тилагингга етмадинг,  
Ўттизданам ўтмадинг,  
Вой болам.

Остона бўлди туришинг,  
Фотиҳа бўлди улушинг,  
Вой болам.

Қуралай-қуралай кўзларинг,  
Ўргимчакка ин бўлди,  
Вой болам.

Қийилган қаро қошларинг  
Қумурсқага уй бўлди,  
Вой болам.

Лабзи сувдай оққанам,  
Ёнашганга ёққанам,  
Вой болам.

Қизил кийса қарашган,  
Яшил кийса ярашган,  
Вой болам.

Қора рўмол қўлимда,  
Қорайиб қолдим йўлингда,  
Вой болам.

Сариқ рўмол қўлимда,  
Сарғайиб қолди йўлингда,  
Вой болам.

Сандиқ тўла сариқ гул  
Тақсам адо бўлмайди,  
Вой болам.

Болажоним дардини  
Айтсам адо бўлмайди,  
Вой болам.

Оқ каптарга дон бердинг,  
Отам қолди демасдан,  
Қандайгина жон бердинг.

Кўк каптарга дон бердинг,  
Онам қолди демасдан,  
Қандайгина жон бердинг.

Арпалар пишиб турганда  
Бугдойга ўрим келама?  
Энаси қараб турганда  
Бола(си)га ўлим келама?

Энасининг гўрига тушган,  
Вой болам!  
Ўтган ишга саловат,  
Жойингда топгин ҳаловат.  
Ҳаловатинг ўзингга,  
Бир кўрингин кўзимга,  
Энасининг гўрига тушган,  
Вой болам!

#### Аммасининг жиянини йўқлаб айтгани:

Бўйнимдаги қўш ҳалқам,  
Билла ўсган босалқам,  
Вой жигарим.

Кўрмай қолдим кўзингни,  
Эшитмай қолдим сўзингни,  
Вой жигарим.

Суяб сувинг(ни) бермадим,  
Силкиб тўшагинг(ни)  
солмадим,  
Вой жигарим.

Бош боласидан айрилиб,  
Бошмалдоғи қайрилиб,  
Акамо қандай туради?  
Вой жигарим.

Тартиб берувчи:  
Шомирза ТУРДИМ

## Тил сандиғи

Бухоро вилояти Олот ноҳиясидаги «Шарқ юлдузи»  
колхозни Бўрибек қишлоғида яшовчи аҳоли бисотидан:

мужек — ҳашарот.  
дўржи — тумонат.  
деза — хола.  
пишкак — қатиқнинг ёғини ажратишда ишлатилади-  
ган ёғоч асбоб.  
чира — бирон нарсани боғлаш учун латтанинг бир чети-  
дан йиртиб олинган бўлак.

дўв — синдир.  
бодоқча — ариқча.  
миззик — кўзёш.  
тангқа — офтоба.  
домона — бало.  
мўв — қирқоёқ.  
йеген — жиян.  
чўлпи — човли.  
гулбивишек — жимжилоқ.  
пўққа-пўқон — хоммопиш ўйини.  
овуш — янтоқ уюми.  
мағлайча — пешонабанд рўмол.  
мепири — сомса.  
чочи — ғилай.

Тўпловчи: Назира Мансурова.

бўкламоқ — сакрамоқ.  
болғи — соврин.  
бағриқара — қорабовур (қуш).  
гудойиш — бошқоронғи.  
данганг (бўлмоқ) — руҳиятнинг бироз бузилиши.

дав — навбат, гал.

давқир — навбатнинг бир айланиб келиши.

даёқ — бақувват, кучли.

ербуққа (ербуқа) — бузоқбоши (ҳашарот).

ёришма — мусобақа.

иттик — кўриш ва эшитиш аъзоларининг ўта сезгир-  
лиги.

инжик — жуда яроқсиз бўлиб қолган буюм.

имир — туман.

кўнарғи — қатиқ ивителидиган сутга қўшилади (оқ-  
лик).

канграмоқ — моғорламоқ.

кангал — ўтнинг бир тури.

кўмакай — юмшоқ танглай.

кўргут — 1. ёмон одам. 2. бахти қаро одам.

каллиёзи — қовун нави.

линг — оёқнинг тагсон бўғимидан пастки қисми.

нилови — тўқ кўк (нилий эмас).

сурун — асаб томири, нерв томири.

тушурғанмоқ — 1. тушни ўнг деб қабул қилмоқ. 2.  
туш кўриб кўрқиб турмоқ.

чивич — бир марта туққан эчки.

чамчалақай — апил-тапил.

эшонтўғалоқ — қовун нави.

ғужур — 1. ғайрат. 2. илҳом.

Ҳабибулло Турсунов,  
Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов ноҳияси,  
Айзобод қишлоғи.

ёдаси (бор) — таъзияси (бор).

исийди — калтакесак.

йўндуруқсиз — иши унмаслик.

Инобат Давронова.  
Самарқанд вилояти, Советобод ноҳияси.





# НИНГОХ

## „АШЛИК“ анкетаси

1. Сиз 1990 йилнинг энг машхур кишиси деб кимни ҳисоблайсиз ва нима сабабдан?
2. 1990 йилда бўлиб ўтган воқеалар ичида қайсиси сизда кучли таассурот қолдирган?

**Карим БАҲРИЕВ,**  
Ўзбекистон халқ депутати:

1. Аввало қаҳрамон излаш фикрини ёқтирмайман. Биз ҳамма нарсани шахс ҳал қилади деб хато қиламиз. Ҳозирги ижтимоий тузумда ҳар бир одам — президентдан фаррошгача — ана шу тузумнинг бандасидир ва у «бўйдан баланд» сакрай олмайди. Бизнинг соддадиллар кўз олдидидаги «қаҳрамон»лигимиз ҳам «доира» ичидаги қаҳрамонликдир. Албатта, шахсга кўп нарса боғлиқ, аммо ана шу шўрлик «шахс» ўзини намоён этиши, яъни «машхур намоёнда»га айланиши учун шароит яратиш, ҳақиқий жамият тузишга уринишлар бўлмоқда. Агар биз ҳаммамнинг олдидида кенг эрк йўлини очсак, шунда ҳаммадан узоққа чопгани «чемпион» атардик. Албатта, Эркининг масъулияти ҳам бор, яъни бировнинг эрки иккинчи одамнинг эркини этик тағида эзиб кетса, бу эркинлик эмас.

Ҳозирги «қаҳрамон»ларимиз нисбийдир. Бировнинг топган обрўйи ҳаммадан кучлироқ қичқиргани туфайлидир. Яна биров тахтга тупуриб одамлар кўзига дадил кўринади, гарчанд тахтдан туриб қараганда, у кўзга кўринмасда, пастдан қараганда «қаҳрамон» туюлади. Ҳар кимнинг ўз қаҳрамони бор. Одамларнинг эллик фоизи йилнинг энг зўр одами ўзимман, деб ўйлайди. Бу қарашни ҳурмат қилса бўлади. Яна бир қисм кишилар юқори амалда туриб, бошини силагани зўр ҳисоблайди. Шахсан менинг фикримча, йилнинг энг машхур одами Чўлпондир. «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилгансен!» — шу сатр учун ҳам уни соғиниб, топиниб яшаса арзийди.

Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиети талабалари томонидан уюштирилган ушбу навбатдаги жорий саволларни ҳамма ҳар хил қабул қилиб, турлича фикр-мулоҳазалар ва эътирозлар билдириши табиий. Мақсадимиз кимнидир улуглаб кўкка кўтариш ёки қайсидир воқеани бошқа бирдан устун қўйиш эмас, албатта. Қайси йўлдан бораёلمиз, бораётган йўлимиз тўғрими ё нотўғрими, бу йўллар бошида турувчилар кимлару, унинг натижасини, келажagini кўрсатувчи воқеалар қайсилар, шунга бир ургу бериб ўтмоқчимиз, холос. Ҳар галгидек баҳсимизда турли соҳадаги кишилар иштирок этди. Хоҳасангиз, Сиз ҳам қўйинг.

2. Йилнинг энг муҳим воқеаси — Мустақиллик Баёоти қабул қилинганидир. Гарчанд унинг виқорини кўпчилик англаб улгурмаган бўлса-да, бу улкан ҳодисадир. У ҳар бир дилга билдирмай ўрнатилган соатдай сокин ишлайверади. Албатта, йилимизда қонли воқеалар ҳам бўлди. Аммо улар ҳам эркинликимиз туфайли содир этилди, зеро қашшоқ, эркин одамгина қотилликка мойилдир. Айримлар, мустақилликка интилишимиздан русларни кўрқитиш учун фойдаланадилар. Бир нарсани билиш керакки, Америкада яшаётган А. Солженицин, Францияда яшаётган В. Максимов бизда яшаётган ҳар қандай русдан эркинроқдир. Уша рус Америкага жон деб кетишга тайёр, аммо Россияга кетишни истамайди. Шунинг учун биз Мустақил, Ҳуқуқий давлат кураётганда ҳаммамнинг бахтини, одамдай кун кўришини ўйлаётимиз.

**Рауф ПАРФИ,**  
шор:

1. Расулulloҳ алайҳис-салом айтадиларки, «Оллоҳ таоло тўрт нарсани ёмон кўради: қасамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни».

Маълумингизки, бугунги талотумли ижтимоий, маънавий ҳаётимиз — Она Туркистонимиз тобора қасамхўрлар, такаббурлар, зинокорлар, золимлар билан тўлиб бормоқда. Бундай касофатлардан Оллоҳнинг ўзи асрамаса бандасининг чораси йўқдир. Шууримизни чексиз ахборотлар, сўзлар чулғаб олмақда. Шу ўринда бир манзума:

Сен айт. Букун сенинг айтганинг айтган,  
Узун каломингдан увишади жон.  
Юлдузлар ҳаддига кимлар ҳам етган,  
Сўзининг ҳисобига етибмиз қачон!

Сўзлардан иморат, сўзлардан эшик.  
Сўзинг остонадир, қошона сўзинг.

Сен айт. Миннатдормиз. Бошимиз эгик.  
Сўзлар салтанатин султони ўзинг.

Кимлар бузди Сўзни, кимлар ўнглади.  
Ким Сўзининг жаллоди, кимлар қўрбони.  
Олиспар тинглади, яқин тинглади.

Қўйнимизга тўлди Сўзлар хирмони  
Бошимизга қўйиб Сўзлар инглари.  
Кўнглимизга ботди Сўзлар ҳижрони.

Ҳар бир туркистонлик каби мен ҳам Ватаним тақдири ҳақида ўйларканман, тубсиз изтироблар ичинда қоламан. Шу пайтгача Туркистон тарихи, ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақида ёзилган асарларни ўқийман. Кўз олдимда бутун ҳаётини Туркистон озодлиги учун бағишлаган бир сиймо пайдо бўлади. Мен учун машҳур бўлган бу сиймо Боймироз Ҳайитдир. Бу улуг олимнинг асарлари она тили — ўзбекчадан бошқа барча тилларга таржима қилинганини аччиқ алам билан айтиб ўтиш керак.

2. Алдамчи сиёсат билан иши бўлмаган, фақат қора меҳнатни билган, минг азоб билан фарзандларига ҳалол нон топиб едираётган, мудом алданиб келаётган фуқаронинг асосий қисми тарқоқ, бюрократия, мафия, маъмурий буйруқ-бозлик тузуми эса ниҳоятда жипслашган, идорабозлар халқларни, элатларни бир-бирига гиж-гижлаб қонимизни тўқаётди, оғани бўлган элатларни бир-бирига хундор қилиб қўймоқчилар, Олма-Ота, Фарғона, Қўқон, Душанба, Паркент фожиялари бутун Туркистон халқини сергак тортишга мажбур қилди. Айниқса, сўнги Уш ва Узганда уюштирилган ақл бовар қилмас биродаркушлик узоқ йиллар онгимизга захар бўлиб қуйилади, қалбимизга ханжар бўлиб қадалади. Бу фожияларнинг асл сабаби моддий тақчиллик эмасдир, ҳатто ижтимоий тенгсизлик ҳам эмас. Биринчи сабаб Туркистоннинг ҳудудий парчаланишидир.

Туркистон халқининг бирлиги бюрократия ва мафиянинг манфур ниятларини фош қилиш муқаррардир.

Шу Олий мақсадда 1990 йил 15 июлда таъсис этилган «Туркистон» ХАДҚ ХАРАКАТИ ва 27 сублилада «Туркистон» рўзнамасининг чоп этилиши менинг ҳаётимдаги энг муҳим воқеадир.

**Дилмуроджон ЮНУСОВ,**  
**Андижон вилояти, Пахтаобод ноҳиясидаги**  
**Ойбек номли 18-ўрта мактаб ўқитувчиси:**

1. Мен 1990 йилнинг энг машҳур кишиси деб жумҳуриятимизнинг президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовни ҳисоблайман. Чунки бу киши раҳбар сифатида жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди ва оширмоқда. Хусусан, оналик ва болалик ҳақидаги гамхўрлиги, студент-талабаларга, ўқитувчиларга, айниқса, жамоа хўжалиги аъзолари иқтисодини яхшилаш учун олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

2. 1990 йилда бўлиб ўтган воқеалар орасида менда таассурот қолдиргани ва ҳаяжонлантиргани бу президентимизнинг «Армия хизматини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги фармониюдир.

Халқимиз Афғонистондаги мақсадсиз уруш, кейинги йилларда армиямиздаги интизомнинг бўшашиб кетганлиги тўғрисида жуда кўп фарзандларидан жудо бўлди. Юраклари хун бўлиб турган пайтда фармон амалга ошса, биз оналар учун катта бахт. Шу бахт барқарор бўлсин!!

**Гавҳар САОДАТОВА,**  
**ТошДД 4-курс талабаси:**

1. Қандай кишилар йилнинг машҳур кишиси бўлиши мумкин? Менимча, халқнинг орасидан чиқиб, қўлида давлат маҳкамаларининг ҳеч қандай имтиёзлари бўлмаса-да, халқи учун курашиб, бурилиш йўлларини яратиб берган кишиларгина машҳур ҳисобланади. Мен Карим Баҳриевни 1990 йилнинг машҳур кишиси деб биламан. Чунки у шу пайтгача ҳеч ким қўл урмаган мавзуга қўл урди, ҳеч ким айтилмаган ҳақиқатни айтди. Қанчадан-қанча навақирон йигитларимиз ҳарбийдан ўлиб қайтдилар. Лекин ота-онаси «Болам дав-

латнинг одами, нима қилса ҳаққи бор» дея ҳеч кимга даъво қилолмай тақдирга бўйсуниб қўяқолардилар. Журналист Карим Баҳриев эса бу тақдир савдоси эмас, балки ҳарбийдаги ноҳақликлар оқибати эканлигини нафақат ўзининг ўткир қалами орқали кўрсатиб берди, балки амалда ўз ишини якунига етказди. Бугунги кунда ҳарбий қурлиш отрядларига жалб қилинадиган ўзбекистонлик йигитлар ўз кўртларида хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўзбекистонлик оналарнинг юраги бироз бўлсада, хотиржам бўлди.

2. Утган йили ўзбек тили давлат тили деб эълон қилиниши муносабати билан кўчаларда, троллейбусларда, маданий-маиший хизмат кўрсатиш даргоҳларида, бошқа миллат вакилларининг ҳам ўзбек тилида гапира бошлашлари менда катта таассурот қолдирди. Демак, биз энди миллат бўлиб, бир бутун давлат бўлиб шакллана бошладик, ўзлимизни англай бошладик. Гарчанд қоғозда бўлса-да, Мустақиллик Баёноти қабул қилинганлиги ҳам ўзбек тили давлат тили деб эълон қилиниши каби йилнинг муҳим воқеаси бўлди. Бу воқеа дарҳол ўз натижасини кўрсатмаса-да, олдингиси каби йиллар давомида ўз мевасини беришига ишончим комил.

**Обидхон СОБИТХОН ўғли,**  
**Тошкентдаги Тўхтабой Жомеъ масжиди**  
**имомни:**

1. Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм, алҳамдулиллоҳу рих-салату хуссалом алу расулуллоҳ.

Менинг эътиқодим бўйича мана шу тарзда савол қўйиб, одамларнинг машҳури ким эканлигини аниқлаш сал бачканароққа ўхшайди. Сабаби, ҳозир машҳур одамларни ҳар жойда, ҳар соҳада топиш мумкин. Лекин улар халққа нима фойда келтиряпти? Агар «машҳур» одамлар чин маънода машҳур бўлганида эди, халқимиз, юртимиз бунчалик инқирозга учрамаган бўлар эди. Нарх-наво кўтариляпти, жиноятчилик кундан-кунга ошяпти ва шу каби бахтсиз ҳодисалар давом этмоқда. Ижобий натижаларни сезмаяпмиз. Худди мана шу ҳолатда машҳур одамни излашнинг ҳожаги бормикан?!

Энди ислом таълимотларидан келиб чиқадиغان бўлсак, Абу Ҳомид Ғаззолий «Ихёу улумид-дин» китобларида пайғамбар алайҳис-саломдан ушбу ҳадисни ривоят қилиб келтирадилар:

«Риёқор озгинаси ҳам ширк бўлади» (Риёқор деб ўзини одамлар ичида машҳур билувчи, ўз манфаатини ўйловчига айтилади. У ширкка олиб боради. Ширк эса худонинг лойиқ бўлмаган бандасини худого тенглаштириб қўйишдир). Оллоҳ ҳалол-поқ, оддий инсонларни яхши кўради ва шу қабиларни мактаган. Шунинг учун ҳозирги кунимизда бу нарсани ўртага қўйиш менимча шуҳратпарастликни, шахсият-парастликни келтириб чиқарадиган нарсадир. Мен шундай деб тушунаман.

2. Мен учун йилнинг энг муҳим воқеаси ислом динига инсбатан давлат сиёсатининг ўзгаришидир. Шу давргача доим «афюн» сифатида қораланиб келинган бўлса эндиликда мусулмон халқи учун унинг фойдалилиги тан олинмоқда.

Умуман совет жамятида ҳам, четда ҳам одамлар тафаккурида, дунёқарашида кескин бурилиш юзага келганлиги, айниқса динга бўлган муносабатнинг ўзгариши, яқинда жумҳуриятимиздан, Ўрта Осиё жумҳуриятларидан 500 нафар кишининг Макка муқаррамани зиёрат қилиб қайтганлари энг муҳим воқеадир. Бу ишнинг амалга ошишини мен бирор шахсга боғламаган бўлар эдим. Фалончининг ташаббуси билан, истончининг пули билан дейиш мутлақо нотўғри. Буларнинг ҳаммаси Оллоҳ марҳамати билан амалга ошмоқда. Мусулмон халқи буни яхши билади. Рухсат берган раҳбарлар ҳам ўз истаги, виждони бўйича эмас, балки мажбур бўлганидан шундай қилмоқдалар, чунки Пайғамбаримиз ҳадисларида «Оллоҳ таоло динимизни исломга эид бўлган муҳодиф одамнинг қули билан ривожлантиради» дейилган.

Яна муҳим воқеалардан бири «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида» қонун чиққанидир. Лекин бу масола ҳали бир жойда қарор топди дегани эмас, ҳақиқий виждон эркинлиги амалга ошгани йўқ. Қонун қоғозда ва одамлар оғзида турипти, амалда эса тўла-тўқис таъминланмаган. Биз мусулмон дини пешволари ўз соҳамиздан келиб чиқиб, бир неча талабларимизни қўймоқдамиз ва амалга ошишига умид қилапмиз. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. У ҳам бўлса мактабларда бу йилдан бошлаб

ислом дини тарихини ўқитишга рухсат берилляпти. Бу катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда халқни жиноятчилик ботқоғидан, маънавиятни қулаб кетаётган оғир жараёндан қутқаришнинг бирдан-бир йўли мактаб ва боғчадан бошлаб болаларни диний-руҳий тарбиялаш, ислом тарбиясини бериш жуда зарур, бундан бошқа кенг ва ёруғ йўл йўқ деб биламан. Бу эса давлатни авлодлар учун сақлаб қолиш, уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий чўққига олиб чиқиш йўлидаги асосий манбадир.

Куч-қурол билан, армия билан биз энди тиклана олмаймиз. Мана куч-қурол ҳам, армия ҳам ўз «фаолиятлари» бўйича хизмат қиляптилар, аҳвол эса салбий томонга ўзгаряптики, ижобий бўлаётгани йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, шу нарсани айттардимки, ислом тарихини ўқитиш жумҳуриятимиз барча мактабларида бир вақтда ва кечиктирилмай жорий этилса, келажак авлодларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлур эди.

#### Азим СУЮН, шоир:

1. Менинг назаримда биринчи савол қандайдир ўрин-сизроқдай. Бу саволга жавоб беришим мумкин, албатта. Бироқ, шуниси борки, айтилмай, мен машҳур деб ҳисоблаган киши бошқаларга маъқул тушмас ёки аксинча. Бу саволга «Ёш ленинчи»да ҳам кўзим тушган эди ва юқоридаги фикрни хаёлимдан ўтказган эдим.

2. 1990 йилда менда кучли таассурот қолдирган воқеаларни кўплаб санашим мумкин. Лекин шуларнинг ичида айниқса, Олма отадаги Урта Осиё жумҳуриятлари президентларининг учрашувини алоҳида таъкидлашим лозим. Бу учрашув жумҳуриятларимизнинг бирлашиб олишларида, ҳар томонлама мустақкам алоқа ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Биз биламизки, бир пайтлар Ўзбекистон, Қозоғистон ва ёки Тожикистон деб чегаралашлар бўлмай, балки яхлит бир Туркистон дея аталган. Миллатлар ўртасида низо бу юртга мутлақо ёт бўлган. Чегаралашлар, менинг назаримда, то юракларгача бориб етди. Қирғизлар билан ўзбеклар ўртасидаги бўлиб ўтган воқеалар чегараланишларнинг оқибати эмасмикин? Менимча, Урта Осиё жумҳуриятлари қадимий Туркистонга айланиши пайти етди. Ахир еримиз, сувимиз бир. Қирғизистондан бошланган дарёлар Ўзбекистондан, Тожикистондан оқиб ўтади.

Шу маънода 1990 йилдаги воқеалар ичида ушбу Олма отадаги учрашув менда кучли таассурот қолдирган энг муҳим воқеа, дейишга ҳақлиман.

#### Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ, Тошкент дорилфунунининг доценти:

1. Мен 1990 йилнинг энг машҳур кишиси сифатида Иттифоқ миқёсида Борис Ельцинни ҳисоблайман. Сабаби — у ўз мамлакати — Россияда ҳақиқий халқ ҳокимиятини барпо қилиш, демократияни мустақкамлаш борасида жиддий ишларни амалга оширди, ўзи узоқ йиллар азоси бўлиб келган ҳамда уни юқори мансабаларга кўтарган коммунистик партиядан чиқишда ҳақиқий мардлик ва жасорат кўрсатди.

Жумҳуриятимиз миқёсида эса мен бу йилнинг энг машҳур кишиси сифатида муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўғлини кўрсатардим. У тарихда биринчи марта анчагина ҳамюртларимизнинг Маккага, ҳажга боришига раҳбарлик қилди, ўзига қарши кўтарилган қатор жанжаллардан соғомон чиқди. Мен бу мулоҳазали, иродали одамга анча ҳурмат билан қарайман.

2. 1990 йилда бўлиб ўтган воқеалардан мени ниҳоятда чуқур изтиробга солган воқеа — Уш, Ўзгандаги қиргинлар бўлди. У ерлардан келган ниҳоятда даҳшатли, кўз кўриб қулоқ эшитмаган қонхўрликлар юрагимда ўчмас из қолдирди. Ахир, Чингизхон босқинида, фашистлар қирғини пайтида ҳам бунчалик ваҳшийликлар бўлмаган-ку? Яна, бир ота-онанинг болалари бўлиши қирғиз билан ўзбек ўртасида-я бу ишлар... Уш ва ўзганликлар ўз ерлари, ўз ориятларини ҳимоя қилиб шу кунларга тушдилар. Улар Ўзбекистондаги ўз миллатдошларидан имдод кутишди, уларга ишонишди, лекин биздан қотилларга қарата «Ҳой, баттаринлар, нима қилаяпсизлар!» — деган садо бўлмади. Жумҳурият матбуоти буйруқ билан соқов бўлиб турди, у ёққа бориб, бўлган ишларни ўз

кўзлари билан кўриб келган айрим қаламкашлар эса кимлар-нидир риоя қилиб бор ҳақиқатни айтиб бериша олмади. Хайрият, қирғизнинг виждонли адиби Чингизгина хунибийрон бўлиб ўшаларга қарата: «Эй, Алайдан тушган айвонлар!» деди. Уша кунлари жумҳуриятимизда ҳалок бўлган миллатдошларимиз учун мотам тутиш ўрнига ойнаи жаҳонда ҳар кун ашулаю-рақс... Бундан ҳам ортиқ ноинсонийлик бўлади-ми? Воқеаларнинг сабабини «у эди, бу эди», деб чайналишяпти, лекин кўришиб турибди-ку: бу «ленинча миллий сиёсатнинг бориб турган оқибати эканлиги! Қадим-қадимдан бир эл, бир мамлакат бўлиб келган Туркистонни бўлиб ташлаб, роса ҳукмронлик қилишди. Мана оқибати! Энди бундай ҳолдан қутилишнинг бирдан-бир йўли — ўч олиш эмас, бирлашиш, тезроқ бирлашиш! Ушанда кимнинг нималигию, қаер кимникилиги дарров маълум бўлади қолади, яъни ўзбек яшайдиган жой — ўзбекиники, қирғиз яшайдиган жой — қирғизники, мамлакат эса умумий.

Иккинчи бир муҳим воқеа — жумҳуриятимиз халқ ҳаракати фаолларининг Москвада бўлишлари ва ўз сиёсий талабларини Россия ва жаҳон афкор оммасига етказа олганликларидир. Афсуски, жумҳуриятимизда бу воқеага аксарият ўта лоқайдлик билан қаради, ёлланма матбуотимиз эса «ғинг» демади. Арманларнинг очлик зълон қилишию, бир-бирларини одабийлик билан қўллаб-қувватлашларини қаранг-а! Жумҳуриятимизда ҳақиқий демократияга эришиш учун ўз билганларича кураш олиб бораётган ҳамюртларимизга мен чуқур миннатдорчилик билан бош эгаман.

Иттифоқ миқёсидаги энг муҳим воқеа — Россия Олий кенгаши вакилларининг Иттифоқ ҳукуматида ишончсизлик билдиришлари бўлди. Жаҳон миқёсида эса Германиянинг бирлашишдан ортиқ муҳим воқеа йўқ.

Ушбу жорий саволларни Тошкент Давлат дорилфунунни журналистика қўллиёти талабалари Сайёра Ҳалимова, Ойбек Юнусов, Гулнора Собирова, Улугбек Мамадалиев ва Гуласал Холмуродовалар тайёрладилар.



Норбой Худойберганов

Хамза номидаги жумхурият  
Давлат мукофоти совриндори

# Бирликка ундовчи сўз

Кейинги пайтларда бирлик, ҳамкорлик, иттифок бўлиб яшаш, ишлаш ва курашиш ҳақида жуда кўп гапириляпти. Иттифок президенти, жумхурият раҳбарларидан тортиб олдий фукарогача шу масала юзасидан қизғин баҳс юритишмоқда. Фарғоналик Ш. Зухриддинов фикри билан танишамиз: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», дейди доно халқимиз. Жумхуриятимиздаги барча кучлар бирлашиб, яқдиллик билан қатъий ҳаракат қилинган тақдирдагина Ўзбекистон отлиғ кемамиз дўст халқлар кемалари қатори олға сузиши мумкин. Таракқиётнинг бундан бошқа йўли йўқ».

Қаранг-а, таракқиётнинг бундан бошқа йўли йўқ деб бонг уриляптики, бунга умуман кўшилиш мумкин. Шу маънода «Бўлингани...» деб аталган Б. Бобожонов, О. Раҳимларнинг мақоласини («Ёшлик», 8-сон, 1990 йил) кизкиш билан ўқиб чикдим. Негаки, унда бир-биридан ажралиб, бўлиниб кетган бир қанча жойлардаги, аниқроғи, Хоразм, Қорақалпоғистон ҳамда Тошхувоз вилоятларидаги аҳоли яратган бойликларнинг айрим «бўри»лар томонидан таланганлиги тўғрисида ишонарли мулоҳазалар айтилади. Мақолани ўқиб баробарида бўлингани бўри еганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Лекин қани ўша бўрилар, уларнинг жазосини берайлик, деб ўйлаганда бунга жавоб топа олмасдан доғда қоламан. Ахир, ҳар уч вилоятдаги тўқайлар йўқотилгандан кейин бирорта бўрини мисол учун ҳам тополмайсиз-ку! Мажозий маънодаги бўрилар-чи? Афсуски, уларин ҳам бармоқ билан кўрсатиб, бўлинганигиздан кейин мана шуларга ем бўлгансиз деб аниқ фикр айтолмайсиз. Тўғриси, Хоразм, Қорақалпоғистон, Тошхувоз ери, табиати, умуман иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳаётини сталинчилик, брежневчилик, компартия яккахокимлиги инқирозга, ҳалокат ёқасига олиб келдики, мана шу манфий кучлар ўзига хос «бўри»лар вазифасини аъло даражада қойил қилиб бажарди. Лекин буни ҳадеб гапиравериш инсофданми? Ахир, коммунистик партия ҳам яккахокимлигидан воз кечиб, кўп партияликка йўл очиб берди-ку?! Сталинизм бир овоздан яқдиллик билан кораланди, маъмурий-буйрукбозлик сингари иллатлар тугатилиши учун инқилобий қайта куриш давом этаётир.

Ҳа, тилимизга эрк берилиб, дилимизда тўпланиб ётган дарду ҳасратларни тўқиб ташлаяпмиз. Ахир, «Бўлингани...» мақоласида даҳшатли фожиялар тўғрисида очик-ойдин сўзланиб, ҳозир «оммавий кирилиш хавфи тугилаётир. Хоразмда...» деб доду фарёд қилинаётгани тасодифий эмас-ку?

Шуниси даҳшатли эдики, дабдабозлик, кўзбўямачлик, порахўрлик иллатлари авж олган пайтларда оғир касалга чалиниб, ўлим бўсағасида турганида ҳам албатта бениҳоя бахтлиман, чексиз фаровонлик гаштини суряпман, деб партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришга мажбур эдик. Ахир, пахта яккахокимлиги бутун еримизни емириб, Оролни ҳалокатга олиб келаётган бир пайтда бу ҳақда лом-мим дейиш порасмий суратда таъкиқланган эди-ку! Қайта куриш жараёни бошланиши биланок дарду фожияларимизни баралла эътироф этишга имкон туғилдики, бунинг ижобий ҳодиса

эканлиги шубҳасиздир. Бироқ касалнинг нимада эканлиги ошкор этилса-ю уни тўла даволаб олинмаса, бундан ҳеч қандай наф унмайди-ку! Ҳозир Орол ҳалокати, пахтаёққоқимлигининг даҳшатли оқибатлари, қисқаси, оммавий кирилиш хавфи тугилаётганини айтишнинг ўзини атарли эмас. Чунки бу дарду балолар, фожиялардан қутулиб, янги таракқиёт йўлига кирмаганимизча ахволимиз ҳеч қачон ижобий томонга ўзгармайди. Янги таракқиёт йўлига ўтиш учун эса ҳақиқатан ҳам бирлик, ҳамжихатлик жуда-жуда зарур, аммо қимлар нима учун, қандай ниятда бирлашади? Юқорида тилга олинган фарғоналик Ш. Зухриддинов айтганидек, «жумхуриятимиздаги барча кучлар бирлашиб, яқдиллик билан қатъий ҳаракат қилиши» мумкинми? Ахир, кучлар ижобий ёки салбий мазмун касб этиб, бири иккинчисига ўт билан сув, тун билан кундек зид, қарама-қарши бўлиши мумкин эмасми? Ёки ҳалол, мард, истеъодли одамлар ёки ижодкорлар, гоёда бўш, заиф, кўрқоқ, қабих шахслар ёхуд истеъодсиз қаламқашлар ўртасида иттифок тузиладими? Борди-ю, тузилса, бундан қим қандай фойда ундиради?

Кўряписими, бирлашайлик, ахил яшайлик, деб бонг уриш билан самарали иш қилиб бўлмайди. Шунинг учун биринчи галда ҳамжихатлик билан ҳамжихатликнинг фарқи, моҳиятини англаб олишимиз даркор. Масалга чуқур ҳамда жиддий ёндошмасангиз, яхши ниятингиз қора ерга кўмилгандай йўқолиб кетади. «Бўлингани...» мақоласидаги Хоразм воқасини ҳалокатдан қутқариш учун тавсия этилган чора-тадбирларнинг бир қанчасини қўллаб-қувватлайман. Айниқса, «Хоразм воқасида»ги Ўзбекистон ССРнинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон мухтор жумхурияти ва Туркменистон ССРнинг Тошхувоз вилоятини битта маъмурий ҳудудга бирлаштириш керак» деган тақлифда фойдали маъно ва етарли асос мавжуд, бироқ масаланинг бир жиҳатини ҳисобга олмасак вазиятни янада чигаллаштириб юбориш ҳеч гап эмас. Мен бу ерда ўша тилга олинган вилоятларда яшаётган қорақалпоқлар билан туркманлар тақдирини белгилаш муаммосини назарда тутяпман. Чунки, шундай ноҳиялар борки (масалан, Тахтақўпир ёки Чимбой), уларда бир-бирига ўта яқин, қон-қариндош элат фарзандлари истикомат қилишади, улар ҳам мустақил ҳудудга бирлашишга ҳақлидир. Аммо оғир ахволдан бутунлай қутулиш, вазиятни тубдан ўзгартириш учун бундан ҳам муҳимроқ, аҳамиятлirroқ омили мавжудки, бу ҳақда ТошДУ талабаси М. Юсупова жуда тўғри мулоҳаза юритади: «Менимча, мустақилликка эришиш йўлининг айни пайтда энг афзал кўриниши — Ўрта Осиё ҳудудинда жойлашган беш эгизак жумхурият иштирокида Туркистон федерациясини тузишдир. Ана ўшанда ҳамжихатликка таянган жумхуриятларнинг иқтисодий ва сиёсий жаҳвалари маълум маънода ўз имкониятларини бир илдиздан баҳра топган халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга чоғланган бўлур эди» («Ёшлик», 9-сон, 1990, 3-бет).

Ана, гап қаерда! Демак, бираик, ҳамжихатлик жумхурия-

тимизнинг иктисодий, сиёсий, маънавий-маданий мустакилликни таъминлашга қаратилгандан кейингина халқимизнинг фаровонлигини тайин этиш йўлида ҳақиқий бирлик, ўзаро иттифоқчилик мавжуд бўлиши мумкин. Шундай бирлик ва иттифоқчилик негизда эса фақат соғлом, мусаффо ижобий кучлар туриши даркор. Ахир, салбий кучлар, истеъдодсиз, кабиҳ, ифлос кимсалар бир-бирлари билан бирлашмайди, дейиш асло мумкин эмас-ку? Йўқ, аслида мана шундай кучлар жуда осонликча ва тез иттифоқ тузиб, ўзларининг қора, манфур ниятларини амалга оширадилар-ку!

Энди бошингиздан дўппини олиб бир ўйлаб кўринг: мана, беш йилдан буён қайта қуриш, ошқоралик, демократиялаш жараёни давом этапти. Бирок ҳаммамнинг олдида баралла шу жараёнга қаршиман, менга жамиятимизнинг эски тузилиши ёқайди, янгиланишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ, деб бор овози билан хайқирадиган одам борми?

Аслида шундай одамларгина эмас, балки барча босқичлардаги раҳбарлар ҳали кўпчиликни ташкил этади-ю, бироқ улар қалбини очиб, ҳақиқий истак, орузларини ошқор этолмайди. Чунки жамиятимизнинг барча соҳаларидаги покляниш, янгиланиш жараёнини бошлаб берган М. Горбачев ҳамон хокимият тепасида ўша сиёсатни амалга оширишга бошчилик қилмоқда. Шундай экан, ўйнашмига арбоб билан, сени урар ҳар боб билан деган ҳикматни эсдан чиқарадиган анойилар кўп эмас. Аммо Бутуниттифоқимиз сардорини «ўнг» дан ҳам, «сўл» дан ҳам танқид қилиш тобора авж олдирилмоқда. Агар бу аҳволга жиддий ёндошилса, «ўнг» танқидчиларнинг сталинчилик, партия яккахоқимлиги тарафдори эканлигини тушуниш қийин эмас. «Сўл»лар эса чинакамга инқилобий қайта қуришни амалга ошириб, ошқоралик, демократиялаш галабасига эришиш йўлида қурашаётганлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Айтайлик, шахсан ўзим кўпроқ «сўл»ларга хайрихоҳман, ҳатто тарафдорман, бироқ бу — улар қандай таклифларни ўртага ташласа, буларнинг ҳаммасига қўшилшим шарт дегани эмас. Негаки, «сўллар» билан «сўллар»нинг фарқи бор. Уларнинг ичиди ўзлигини мохирона никоблаб юриб, бирор қулай шароит бўлса, дарров «ўнгллар» томонга ўтиб кетадиганлари ҳам учрайди. Шунингдек, «ўнг»лар ичиди ҳам бирор зарурат юзасидан ёки эътиқоди ўзгариши билан «сўллар» томонига ўтадиганлари йўқ деб бўлмайди. Афсуски, 60—70 йилларда мен тугул М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов ҳаммамиз Л. Қажомов ҳамда унинг фикрдошлари Х. Абдусаматов, С. Мирвалиевлар билан қўшилиб, бир қанча холларда Хамза-ю Яшин, Уйғун-у Хамид Олимжон каби ўнлаб ижодкорларнинг илоҳийлаштирилишида гоҳ бевосита, гоҳ билвосита озроқ ёки кўпроқ иштирок этганимиз ростки, буни ҳозир жуда қаттиқ изтироблар чекиб эслаймиз.

Турғунлик йилларида компартия яккахоқимлигининг таъйини остида юзага келган сунъий бирлик фақат инқирозга, даҳшатли фожияларга олиб келганини бугун яхши кўриб турибмиз! Яна қандай бирлик денг! Бир оғиздан яқдиллик билан тасдиқланган бирлик! Шунинг учун ўша бирликка озгина эътироз билдирса бас, дарров тайзину таъқибларга кўмиб ташланарди-ку!

Ўша «жипслик», «бирлик»нинг тағин бир жиҳати бор экани, ҳукумат ва партиянинг энг қуйи жабҳаларидан бошлаб, то энг юқори поғоналаридаги раҳбарлар шайнига бирорта жиддий танқидий мулоҳаза билдириш норасмий тарзда ҳеч қандай сўзсиз бажариладиган қатъий қонун даражасига кўтарилди. Уларнинг сафинга ёзувчилар уюшмаси, адабий, ижтимоий-сиёсий матбуотнинг масъул мутасаддилари ҳам киритилди. Айни чокда А. Каххор ёки О. Екубов, П. Қодиров ёки А. Орплов, айниқса, А. Қодирин, Чўлпон, Фитратларга истаганча бемадод тош отишга кенг йул очиб берилганда. «Тобутдан товущ», «Юлдузли тунлар», «Жаннатга йул», «Тайлашадиган вақтлар», «Улмас қонлар» каби хилма-хил савияда ёзилган, лекин ҳаёт ҳақиқатининг ҳаммасини эмас, балки озроқ ё кўпроқ қисмини мавжуд зиддиятлари билан намоён қилган асарлар гоъвий жиҳатдан бузук, зарарли деб кескин қораландики, бунда ҳам «яқдиллик» бўлиши талаб қилинади. Фақат айрим йиғилардагина уларни химоя қилишга интилишлар кўзга чалинади-ю, аммо дарров матбуотда бунга қатъий «зарба» берилиб, ўша «бирлик» кўз қорачиғиди «сакланарди»...

Йўқ, фақат адабиёт, санъат, танқидчиликдагина эмас, балки моддий, маънавий-маданий бойликларини ишлаб чиқа-

риш, яратиш жараёнига бевосита ёки бавосита алоқадор барча жабҳаларда сунъий равишда «юқори»дан берилган кўрсатмалар, буйруқлар асосида «хамжихатлик» ҳосил қилинадими, бунинг бугун қанчалик даҳшатли «ўпирилишлар»га олиб келгани ҳаммамизга аён-ку, ахир! Эътибор беринг-а, марксизм-ленинизм таълимоти ҳаддан ташқари илоҳийлаштирилиб, унга тааллуқли бўлган бирорта фикрга эътироз билдириш, бахслашишга асло йўл қўйилмасди-ку! Кулоқ қилиш натижасида қанчадан қанча жуда ақлли, истеъдодли халқ фарзандларининг ҳеч қандай асосиз турмаларга қамалиб, бутунлай йўқотиб юборилгани тўғрисида гапириш асло мумкин эмас эди. Лекин шу ерда бир лаҳза 20—30 ва 40-йилларнинг охири ҳамда 50 йилларнинг бошида рўй берган даҳшатли жиноятларни бир ёкка қўя турайлик.

60-йиллардаёқ жумҳуриятимизда пахта майдонларини кескин кўпайтириб, Аму ҳамда Сирдарё сувлари қамайиб кетиб, Оролга ўлим ҳавфи туғилганини ҳеч ким кўрмади, билмади, деб айтиш мумкин эмас, лекин кўриб, билки турганларнинг озги маҳкам «қулфлан»ди, пахта яккахоқимлиги, Орол фожиаси тўғрисида бирорта аччиқ гап айтишга асло йўл қўйилмади-ку! Аммо мамалакатимизга олти миллион тонна «оқ олтин» бериб, ҳаммамиз «яхши яшайдиган» коммунистик жамиятни қурамыз, деган шиору чақириклар «яқдиллик» билан маъқулланиб, матбуотда, радио, «ойна» жаҳон»да кеча-ю кундуз жаранглаб турарди-ку!

Хуллас, партия ва ҳукумат қандай қарорлар чиқариб, нимага даъват этмасин, ҳаммаси ягона, бузилмас «иттифоқ» меваси сифатида кўкларга кўтарилиб мақталардики, бугун буни асло унутмаслигимиз даркор. Негаки, ўша қарорлар, шиорлар, чақирикларда ҳақиқатнинг бир қисми ифодаланарди-ю, бироқ сўзда эътироф этилиб, амалда бутунлай рад этиларди. Аникроғи, сўзлар баянда пардаларда жаранглай-верарди-ю, бироқ уларнинг реал ишлар билан мустаҳкамланишига, яъни сўз билан иш бирлигини таъминлашга мутлақо эътибор берилмасди. Бинобарин, сўз билан иш бирлигини таъминлашдан ҳақиқий иттифоқ бўлиши асло мумкин эмас. Ахир, сўзда марду доно бўлиш, адолатни химоя қилиш жуда осон-ку! Чунки, бу учун қуралиш, заҳмат чекиш, ўзлигининг фидо қилиш шарт эмас.

Тўхтаб, тўхтаб, ҳақиқатни айтиш ҳам осон эмас, деб қилинган табиғийки, мен бунга қўшиламан: айтайлик, жумҳуриятимизнинг сиёсий ҳамда иктисодий мустақиллигини юзага чиқарадиган декларацияни қабул қилиш учун ҳам озмунча талашиш-тортишиш бўлмади-ку! Зотан, тўғри гап тукканнингга ёкмайди, дейишимиз бежиз эмас. Бирок айтилган тўғри гап, эътироф этилган адолат амалга оширилмаса ўз кадр-қимматини йўқотади. Шунга кўра жумҳуриятимизнинг сиёсий ҳамда иктисодий мустақиллигини таъминлайдиган хужжатнинг қабул қилиниши тарихий воқеадир, лекин бу тарихий воқеани сўзда эътироф этаймиз, холос. Агар у амалий ишлар, аниқ режалар, ўткир висотлар орқали амалга оширилмаса, барибир ҳеч қандай натижага эришолмаймиз. Ҳозирги кунда яхши ниятли ажойиб меҳнатқашлар, доно зиёлилар, қаҳрамон ижодкорлар, олимлар — барча-барчаси мана шу мустақиллиқни рўёбга чиқариш йўлида бирлашмоқликлари сув билан ҳаводек зарурдир. Лекин ким ўзини мен чинакам меҳнатқашмасман, истеъдодсиз ижодкорман, кўрок зиёлиман, деб айтади? Ким бирликка, иттифоқчиликка қаршиман деб бонг ура олади?!

Гапнинг пўст қалласини айтганда, бунга кўпчилик журъат этолмайди, бироқ мен зўрман, дономан, марду матонатлиман деб кўқракка уриб гапиришга иштиёқманлар кўплай топилди. Шундай бўлса, кимнинг ким эканлигини қандай биламиз? Эътироф этиш керакки, шу қийинчиликни бартараф этиб, мураккаблиқни ечмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайдики, бунга жумҳуриятимиз президенти «ойна жаҳон» орқали ўзи олиб бораётган йиғини иштирокчиларига, барча телеомошбинларга қарата бир неча бор мурожаат қилганида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Худди эл-юртимизнинг олди сардори нималарга даъват этиб, қандай фикрлар, таклифларни ўртага ташлади? Табиғийки, уларнинг барчасига бу ўринда муносабат билдириб ўтишни иложин йўқ. Мен фақат бир нуқтага диққатингизни тортмоқчиман: у, азиз ўртоқлар, қани келинг, мен қабул қилган фармонларнинг қайси бирида қандай хато бор, кўрсатинглар, маслаҳат беринглар, уларни ҳеч қандай эътирозсиз тасдиқлай-

версанглар, маъқуллайверсанглар, ахволни ўзгартириб бўлмайди-ку, деб бир неча бор таъкидлади. Энг муҳими шундаки, хурматли И. Каримов жумҳуриятимизнинг олий даражадаги раҳбарлари ичида биринчи бўлиб очик-ойдин сўзлашмасдан, баҳслашмасдан, ҳақиқатни тополмаймиз, халқимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини юзага чиқаролмаймиз, демокда.

Қараган-а, ахир, бу ўзига хос жасорат-ку! Аммо бу жасорат амалий иш, аниқ фаволят билан ишботланмаса, тасдиқланмаса, чинакам ижобий ўзгариш бўлмайди.

Афсуски, муҳтарам президентимизнинг мурожаатига жавобан лаббай, мен баҳслашман, деб майдонга отилиб чиқаётганларни кўрмаймиз. Нима учун шундай бўляпти? Эки ўша мурожаат самимий эмасми? Самимий бўлсаям унга ишонилмайптими?

Бунга узил-кесил «ха» ёки «йўқ» деб жавоб қайтариш қийин, лекин шунисини айтиш мумкинки, қарийб етмиш йил мобайнида жуда кўп раҳбарларимиз сўзда ўзларининг халқ манфаатларини кўзлаб иш қилишлари, бу йўлда кимки, кандай фикр айтса, йўл очик, ҳеч кимга тазйик ўтказмаймиз, биздаги эркинлик, ҳурлик жаҳоннинг бирорта мамлакатига йўқ, деб бонг уришди, аслида қандай «эркинлик», қандай «ҳурлик» юзага келганини изоҳлаб ўтиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.

Мана шундай икки юзламачи сиёсат кон-конимизга сингиб кетиб, кўрқиб, ҳадиксираш туйғусини ҳосил қилган.

Бир йил эмас, беш йил эмас, етмиш йилдан ортик вақт ичида мана шу туйғу ширин жонимизни саклайдиган зўр қалқонга айланди ва бу қалқондан воз кечиш учун хали анча муддат талаб қилинади.

Тан беришим зарурки, шахсан ўзим ҳали ўша туйғудан тўла ҳалос бўлолмайман, аммо муҳтарам президентимизнинг мурожаатини самимий деб тушунаман ва шунинг учун айрим мулоҳазаларини ўртага ташлашга журъат этман.

Шуни алоҳида уқтиришни истардимки, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган бир қанча фармонлар эълон қилинди. Хусусан кишлоқ аҳолисига уй-жой қуриш, томорка учун 25 сотихгача ер бериш, уларнинг чорваси учун колхоз-совхозлардан ем-хашак сотишни уюштириш масаласининг ижобий ҳал қилинишига имконият туғдирилдики, бунга сўзсиз хайрхоҳимиз. Лекин фармонларнинг ҳамма ерда тўла бажарилмаётганига нималар сабаб бўлмоқда?

Шу ҳақда бош қотирганда мени қуйидаги ўйлар ташвишга солмоқда: нега энди 25 сотихгача ер ажратилсин, дейилган? Ахир, меҳнаткашга 5—6 сотихини бериб ҳам, мана, буйруқни қойиллатиб бажардик, дейиш мумкин-ку? Борди-ю, дехқонларимизга 20—25 сотихдан ер берилсин, деб аниқ кўрсатилса,

нур устига аъло нур бўлур эди. Аини чокда аниқ кўрсатманинг бажарилишини талаб қилиш ҳам тўғри йўлга қўйиларди. Дехқонлар чорвасига ем-хашак сотиш ҳақидаги фармоннинг ҳам ўйлаб кўрадиган жойлари бор: гап шундаки колхоз-совхозларнинг ўзларидаги чорвачилик қоқоқлик ботқоқига ботиб қолгани ҳақида, бунинг муҳим бир сабаби сифатида ем-хашак етишмаслиги, ем-хашак етиштиришга ажратилган ерлар пахта майдонларига қўшиб юборилгани хусусида кўп вақтдан бери дод-вой солаётганимиз ҳаммага аён. Шундай экан, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарёда бўлганимда бир қанча колхоз, совхоз раҳбарларининг ўзимизга етмаётган ем-хашакнинг бир қисмини кишлоқ аҳлига сотаямиз-у, бироқ бундан ўзимиз ҳам зарар кўряпмиз, бизлар берган озуқалардан колхозчилар, совхоз ишчиларининг чорваси ҳам гурқираб ўсмаяпти чунки, уларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришмаймиз-ку, деб нолишлари бежиз эмасдир балки...

Қараган-а, гап яна пахта яккахоқимлигини тугатишга келиб такаляпти. Зотан ахволнинг бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки бу яккахоқимлик дехқончиларни ривожлантириш учун керакли ерларнинг кўп қисмини бедаво касалга қалитирди. Оролнинг насибасини киркди. Шунинг учун энди муҳтарам президентимиз пахта яккахоқимлигини узил-кесил тугатиб, Оролни сақлаш учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган фармон чиқаришини орзу қилмоқдам.

Табийки, фармон чиқаришнинг ўзигина ахволни тубдан ўзгартирмайди. Ҳар қандай адолатли, ҳаққоний қарор ёки буйруқ амалга оширилиб, салмоқли натижалар келтирмаса, ўз кадр-кимматини йўқотади. Айтайлик, жумҳуриятимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган жуда яхши декларация қабул қилганимизга ҳам анча вақт бўлди-ю, бироқ унинг ҳалигача бирорта салмоқли «меваси»ни татиб кўрганимиз йўқ. Она тилимизнинг давлат тили сифатида қабул қилинганига, мана, бир йилдан ошди, аммо жумҳуриятимизнинг аксари жойлари, тармоқларида, хусусан аэрофлот, ҳарбий хизмат, ҳуқуқшунослик идораларида ўзбекчани ўрганиш, миллий мутахассислардан кенг фойдаланиш масалалари тоқат қилиб бўлмайдиган даражада оқсаб ётибди-ку! Борди-ю, ана шундай иллатларни таг-томири билан йўқотиб, жумҳуриятимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини ўрнатишга қаратилган курашда бирлик, ахиллик юзага келтирилса, ана шундай иттифок ҳосил қилиш нияти, туйғусини халқимизнинг ҳар бир ақли, доно фарзандига сингдириб юбориб, жанговарлик, курашчанлик руҳини ҳосил қилсак, кўзланган юксак чўккиларни забт этиб, оламшумул галабаларни қўлга киритамиз.

## Мўтабар Ғуломова

# Умидларга интиламиз

Энди халқнинг эътиқоди сўнди. Бунинг сабаби — қайта қуриш сўзини кўп такрорлашимизда, амалда эса борини ҳам бузишдан нарига ўтмаётганимиздадир. Халққа гўшт керак. Эътиқодни тиклаш учун гўштни нархини икки баравар кўпайтириш ўрнига, аксинча икки баравар камайтириш керак. Ноҳиялар давлатга топширадиган гўшт маҳсулотининг 50 фоизини ўша — давлат оладиган нархда сотилса халқ миннатдор бўларди. Аслида

эса аксинча бўляпти. Чайқовчилик кенг, ҳаддан зиёд авжга чиқди. Ўша — турғунлик йиллари деб аталган йилларимиздаги нисбатан ҳам халқнинг аҳволи ёмон.

Шоҳимардонга борганмисиз? Атроф манзаралардан баҳри-диллингиз очилиб, ёнингизда Сиз билан бирга оппоқ сув эмас, Беҳиштининг сойларидаги сутдек тўлиб-тошиб оқаётган сойга боққанмисиз? Хаёлга чўмганмисиз? Бу гўзал сойнинг қаерларгача оқиб боришини

ўйлаганмисиз? Сал юрилмасдан Қирғизистон ССРнинг Қадамжой посёлкаси тоғ-кон комбинати сурма чиқиндиларини мана шу Шоҳимардонсойга тўқади. Табиатнинг беминнат, безабон бу парчаси бағри ахлатлар, захарли бирикмалар, ғуборларга тўлади. Бир грамма отни қулатадиган сурма оксидининг сонсиз, миллионлаб молекулалари Фарғона ноҳиясининг Муқимий «Саёҳатнома»сида таърифланган дилфизо кишлоқлари — Водил, Чимён, Миндон, Хонқиз (Олтиариққача) бағрини ёриб, захарли оқ илон ўрмалагандек оқиб ўтади. Кишлоқлар водопроводлаштирилмаган. Аҳоли мана шу «захри қотил»ни ичиб кун кечиради. Лабораторияларда шу сувдан олинб, бемалол сурма бирикмаларига оид тажрибаларни чиқариш мумкин. Бунинг эвазига эса Фарғона ноҳиясида жигар касали, сариқ касаллиги билан, камқонлик касали билан

оғриганлар кўрсаткичи бошқа ноҳияларга нисбатан 4-5 баравар кўп. Тоғнинг этагида яшашларига қарамай, водилликларнинг 80-90 га кирганлари жуда кам. Ҳа, «тарозибонлар» тарозининг бир палласига неча ўн минглаб кишиларнинг бахт-саодатини, иккинчи палласига Қадамжой сурма комбинатининг давлатга берадиган даромадини кўйишганда тарозининг иккинчи палласи оғир келган шекилли. Албатта-да, ахир комбинат Иттифокимизда шундай маҳсулот етказиб бериш бўйича 2-ўринда туради. Мен 35 га кирдим. Эсимни танибманки, шу ҳақиқатни биламан. Бу — «кўзга кўринмас» муаммо ҳақида ким ҳам ташвиш қиларди! Ахир сувнинг мазасидан билинмайди-ку! Битта сойнинг суви Шохимардонда ичилса бошқача, Водилда бошқача.

Биз энди инсон хато қилмасдан яшай олмаслигини тушунамиз. Энди ҳар қадамда қилинаётган хатоларни эртароқ англаймиз. Бу хатоларни қилганимизга азоб чекамиз. Аммо уларни тўғрилаш учун курашмаймиз. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг ҳозирда бир ерда туриб югураётганга ўхшашимиз.

Фарғона ноҳиясининг Аввал қишлоғига яқин қишлоқчалар бор. Оқтом, Гулистон. Тақдир тақозоси билан Оқтомдаги 41-мактабда шаҳардан қатнаб ишлашимга тўғри келди. Мен бу бир йил мобайнида ҳақиқий қишлоқ ҳаёти билан танишдим. Уқувчилар тонг саҳарлаб туриб, 2—3 км. йўлдан пиёда келдилар. Иккинчи сменадан кечқукурун яна пиёда қайтадилар. Далани кесиб ўтувчи бу йўл Қирғизмахалла деб аталувчи Гулистон қишлоғига туташади. Бу йўллар куз, қиш, баҳор ойларида лой, кузда ва ёзда илик бўйи чанг. Транспорт қатнамайди.

Бир аёл қўлидаги болачасининг оёғига бирон нима топиб кийгизишга қурби етмаслигидан кигизни қирқиб туриб, ип ўтказиб, боласининг оёғига кийгизиб қўйибди. Узининг эғнига қарасам, кўрпага астар қиладиган чит кўйлак, бошида оқ кескилик дурра. Кўз ўнгимга қимматбаҳо матодан халат кийиб, уйларида видео кўраётган шунда ҳам ҳаётидан нолиётган раҳбарнинг аёллари келди. Водилда ажойиб оромгоҳ бор. Бу жумҳуриятимиздаги кўзга кўринган катта оромгоҳлардан бири. Шуниси қизиқки, бу ерга оддий халқ учун йўлланма ҳеч қаерда сотилмайди. Колхозчи ёки майда ҳунарманднинг оиласи-

дан бирор киши бу ерда дам ололмайди. Фақат коммунистлар учун дейилган бу стационарга катта лавозимдаги шахсларнинг оилалари келиб бемалол дам олиши мумкин. Аммо оддий коммунист колхозчи дам ололмайди.

Наҳотки В. И. Ленин Озод Туркстоннинг келажagini шундай ният қилган бўлса! Бунга ишонгим келмайди. Ўзбек халқининг қўлидан темир кишанлари ечилиб, пахта кишанлари солинган.

Минг афсуски, ҳозир ҳам чўчиймиз ҳақиқатни айтгани. Бугун нима гап, эртага нима гап билмаймиз. Бугун ҳақиқат учун курашганларни эртага аваҳталар ютмасмикан, деб хавотир бўламиз. Бу қўрқоқлик эмас, бу — сутдан оғзи куйган, куя-куя қатикни ҳам пуфлаб ичаётган халқнинг эҳтиёткорлиги.


1985 йилда ГДЖга педагоглар группаси билан саёҳат қилдим. Биз йўлда Берлингача Польшани кесиб ўтдик. Йўлнинг икки томони қишлоқ хўжалик экинлари. Тартибли жўяқлар. Уларни суғориш ҳам ажойиб. Махсус темир қувурлардан сув фонтан шаклида узун жўяқлар бўйлаб таралган. Сувчилар бошларидан офтоб тиғи ўтмаслиги учун махсус соябон-шамсиялар, шляпалар кийиб олганлар. Кейин билсам, бу шляпаларнинг ичиде қуёш тиғини қайтаредиган қурилмалар бор экан. Нима учун бизнинг олимларимиз мана шундай, колхозчи саломатлиги учун ихтиролар қилмайдилар. Нима учун ўша полякча шляпаларга ўхшаш кийим ишлаб чиқариш ва ҳар бир колхозчига бепул бериш мумкин эмас. Германиянинг турли шаҳарларидаги интизомни кўриб, тарбия соҳасидаги диёнатни кўриб, биз улардан кўп нарса ўрганасан ёмон бўлмаслигини, ҳатто жуда тўғри қилишимизни билдим. Берлиндек, Лейпцигдек, Дрезден, Веймбрдек катта шаҳарларнинг кўп қаватли меҳмонхоналари ёнида кечалари билан кишиларнинг шахсий автомашиналари кенг кўчада қолиб кетаверади. Биров миниб қочмайди. Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Кишиларнинг онги тарбияланган. Катта-катта бозорларга кираверишда бир четда аёллар болалари солинган коляскаларини боласи ва ёнида буюмлари бор халтаси билан қолдириб, бозорга кириб кетадилар. Бозорни қилиб, ўнлаб аравачалар ичидан ўзиникини топиб, етаклаб кетаверадилар. Бировнинг боласини биров етаклаб кетмайди. Ана тарбия. Орзу қилса,

арзигудек олам. Биз Ватанимизни севамиз. 20 кунлик ўша саёҳатда мен ва шерикларим Ватанимизни соғинмаган, гапирмаган кунимизни эслай олмайман. Мен ҳозирги кунда шуни яхши биламанки, биз ўзбеклар жуда ўз қадримизга етмаймиз. Биз ҳаддан зиёд, айтиш мумкинки, керагидан ортиқча инсонпарвар, келишувчан халқмиз. Ижодкор сифатида 1987 йилда Фарғона вилояти комсомол кўмитасининг агитпоездида Эрқут шаҳри томон йўлга чиқдик. Эрқут вилоятининг бир қанча шаҳар ва посёлкаларида бўлиб, ўзбек йигитлари ишлаётган қурилиш иншоотларида адабий кечалар уюштириб қайтдик. Ҳамма ерда гувоҳи бўлдикки, зонадаги ўзбек йигитлари ўша томонга сургун қилинган экан. Олмаотадаги қўзғолонда қамоққа олинган 300 та талаба ҳам ўша томонга ёпиқ зонага юборилган экан. Биз вокзалда андижонлик бир йигитни учратдик. Қамоқдан бўшаб уйига қайтаётган экан.

— Бизни — ўзбекларни бу ернинг халқи инсон сифатида кўрмайди. Биз эса у ерда бу халқ одамларини елкамизга кўндириб юрамиз,— дея хафа бўлди. У йигит ҳақ эди. Эрқут бозоридаги ўзбеклар ҳам шу гапни такрорладилар. Комсомол йўлланмаси билан ишга борганлар ҳам.

Ҳа, юртимизнинг халқимизнинг оғримаган ери йўқ. Ҳаммамизга маълумки, кимларнингдир мардлиги, ҳиммати туфайли халқимиз минг-минглаб фарзандларини Афғон тупроғига жўнатишга мажбур бўлди. Кўпларидан жудо бўлди. Қарсиллаб чиқиб кетган ўғиллари ўрнига қаҳрамон ўғлининг орденлари солинган қутича келди. Халқимиз қанча тутаса, ёнса оз. Осмон олис, ер қаттиқ. Тўғри, баъзилар соғ-омон қайтдилар, аммо улар ногирон бўлиб қолганликлари туфайли эплайдиган ишини ҳам бермасдан, пайсалга соладиган ташкилотлар бор ҳозир ҳам. «Иш бермайди» деб ўйлайдилар. Улар ахир иш бериб бўлган. Эндиликда уларнинг зерикмаслигини таъминлаш учунгина меҳнатга жалб этиш, уларни юрак-юракдан эъзолашамиз ҳар биримизнинг виждоний, муслмонлик бурчимиз эмасми?

Ўзимизни, бир-биримизни қўлайдиган, қувватлайдиган, суяйдиган давр келди. Ўз юртимизда эркин нафас олмасак, қаерда оламиз?







## ШИТОХ



# ИСФАНДИЁР ХАЙДАРОВ

Исфандиёр Хайдаровни расомларнинг шоири дейишади. Ҳақ гап. Талаблик вақтидаёқ СССР Расомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган Исфандиёрга ҳаммининг ҳаваси келганди.

40 ёшни қоралаган Исфандиёр ҳали ҳам ўша-ўша. Кўп вақтларда вояга етиб келаётган икки ўғил, сабр-қаноатли рафиқаси Дилбар ҳам, икки хонали тор кулбаси ҳам эсидан чиқиб кетади гўё. У ижод билан банд бўлади. Унинг кичик жуссаси халқига, ватанига бу қадар муҳаббат, самимият ва кенг феълликни сиғдира олганига ҳайрон қоласан киши. Ҳар сафар расомнинг янги ишларини томоша қиларканман, ажиб туйғулар оғушида қоламан. Унинг ижодига оддий томошабинларгина эмас, иқтидорли мусаввирлар ҳам юксак баҳо беришади. Рўзи Чориев ҳар гал: «Исфандиёр жуда катта расом, даҳо», деб маъноли жилмайиб қўяди.

Яқинда Тошкентда унинг шахсий кўргазмаси катта муваффақият билан намойиш қилинди.

Абдуғани Жумаев тайёрлади.

Ваҳоб Раҳмон

# НАВОЙИШУНОСЛАР МАСЪУЛИЯТИ

## I. Академик нашр ғаройиботлари

Ўзбекистон Фанлар Академиясини ўзбек илм-фанининг маркази дейишади. Номига кўра бу фикр тўғри бўлиши керак, деб ўз-ўзимизни ишонтириб келганмиз. Алишер Навоий «Хамса»сига сўзбошида ҳеч бир ийманмай: «Хурмат белгиси» орденли А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти республикадаги филологик илмларнинг маркази» деб ёзишган.

Аслида, катта масъулиятдан гапирганлар оқибатда масъулиятсиз бўлиб чиқишади. Бу гаплар билан Ўзбекистон Фанлар Академияси институтларига тил теккизмоқчи эмасмиз. Биз фақат Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами» 4-жилди нинг текстологик савияси ҳақида очиқчасига фикр билдирмоқчимиз, холос.

Мазкур «Наводир-уш шабоб» девонини сидқидилдан ўқиб чиқиб, шундай хулосага келдим: жумҳуриятимизда классик матнларни нашрга тайёрлаш иши мутлақо қониқарсиз аҳволда экан. Чунки бизда малакали матншунослар йўқ. Академиянинг икки тадқиқот институтида (Тил ва адабиёт ҳамда қўлёзма-лар институтлари) ўн йиллар давомида бир эмас, иккита текстология бўлими иш олиб борди. Бироқ бу ходимлардан бирортаси профессионал матншунос эмас эди ва чинакам матншунос бўлиб етишмади! Қўлимиздаги китобми, Агар «Ха» деб жавоб беришса, таассуф билан уқтирамикки, Академиядаги навоийшуносларимиз Навоийни чуқур тушуниш нарида турсин, Навоий асарларини ҳали тўғри ўқий олмас эканлар...

Чунки шу бир томнинг ўзида мингдан ортиқ текстологик нуқсонлар борки, буларнинг ҳар бири Навоий даҳоси қудрати, фикрий-маънавий дунёсини китобхонга бузиб кўрсатади.

Савол туғилади: «Ўзбекистонда Навоий асарларини тўғри ўқий оладиган олимлар йўқми?» Бор, албатта. Бироқ китоб қисмати улар, яъни билимдонлар қўлига берилмайди. Чунки адабий мерос академия принциплари кўра фақат муайян матншунос ва унинг авлод-аждодигагина тегишли. Бошқа одамнинг қўл теккизиши мутлақо мумкин эмас.

Келинг, Алишер Навоийнинг «Наводир-уш шабоб» девонини варақлайлик:

Зулфининг ҳар ҳалқасида бир шикандур ўйлаким,  
Хафс занжирида ҳар тавъ ичра бир аҳли гуноҳ.

(380-бет)

Иккинчи мисрадаги «хафс» ва «тавъ» сўзлари тушунарсиз бўлиб, улар мисра мазмуни идрокига монелик қилади. Мирзо Абдулқодир Бедил ёзганлар:

Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур,  
Англашилмас мисра гар бир сўз унда мавҳум эрур.  
Қўлёзмага қараб, ҳайратда қоламиз. Навоий тушунарли қилиб ёзган экан-у, матнчимиз матнни ўқиёлмаган экан. Ма-на ўша мисра:

Хафс занжирида ҳар тавъ ичра бир аҳли гуноҳ.

Яъни: Қамоқ занжирининг ҳар бир ҳалқасида бир гуноҳкор одам боғланган. «Хафс» нега «Хафс»га айланган? «Тавъ» нега «тавъ» деб ўқилган? Навоийнинг шоирона фикри-чи? Поэзия ер билан яксон бўлди...

Алишер Навоийга қулоқ тутайлик-чи, шоир гапирадими, матнчимиз:

Не давлатдурки, бу ҳолатқа андоқ борди ўздинким,  
Бақо иқлимидин рахтини то мулки Адан чекти

(438-бет)

Иккинчи мисра яна жумбоқ-ку? Мазмунини идрок этайлик-чи: Тириклик юридан кўч-кўронини Адан мамлакатига кўчирди.

Демак, лирик қахрамон ўз юридан Адан мамлакатига кўчиб кетипти-да! Алишер Навоий шундай деганмиди? Қўлёзмага қараб, юрагимиз орқасига тортиб кетади. Мана, муаллиф нима деб ёзган экан:

Бақо иқлимидин рахтини то мулки адам чекти.

Яъни: тириклик юридан кўч-кўронини йўқлик мамлакатига кўчирди. Ие, лирик қахрамонимиз қазо қилган экан-да. Биз уни Аданга кўчиб кетган деб юрибмиз.

Ана шундай «янгиликлар»ни навоийшуносликнинг ютуғи деб бўлармикан? Алишер Навоий ижодини нима қилаяпмиз? Тахрирми? Еки аёвсиз бузаяпмизми?

Яна ўқишда давом этамиз:

Бордилар ёмғур дуосин қилғали аҳли риё,  
Мен ниёз аҳли эдим, даъви камитин сўрмадим.

(520-бет)

Қани, иккинчи мисра устида бош қотирайлик-чи: «даъви камитин сўрмадим» нима дегани экан? Хўш: даъви — даъво, камитин... Луғатда бу сўзни топиб бўлмас! Чунки бу сўз матнчининг соф ўз ижодидир. Атоқли адабиётшунос Порсо Шамсиев бу сўзни «камияти» деб ўқиган эдилар. У ҳам матнчининг ижоди эди. Қўлёзмада бу сўз «кумайтин» деб ёзилган. Кумайт — йўрға чопқир от. Матни тузатишга киришамиз: «даъви кумайтин сўрмадим». Ие, шошманг ҳали. Отни сўриб бўладими? Хайвонни-я? Ҳа, топдик: «сурмадим» экан! «Даъво кумайтин сурмадим» — яъни даъво отини сур-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, йигирма жилдик, IV жилд. Тошкент, «Фан» нашриёти. 1989 йил.

мадим, даъво қилиб югурмадим. Мисранинг соғлом тарзи:

Мен ниёз аҳли эдим, **даъво кумаитин сурмадим.**

Яна бир байт қисматини кузатайлик:

Бу рангомезлигининг ганжи Қорун,  
Кишида бўлса тутқай **ганж** ифлос.

(493-бет)

Яъни: Бу ранг-барангликдан кишида Қорун хазинаси бўлса ҳам ифлос хазинани тутайди. Навоий шундай деганми? Кишиларни ифлос хазинани эгаллашга чақирганми Алишер Навоий? Еки аксинчаними? Яна қўлёзмага қарашга мажбур бўламиз ва ўқиймиз:

Бу рангомезлигининг ганжи Қорун  
Кишида бўлса, тутқай **кунжи** ифлос.

Яъни: Бу товланишлардан кишида Қорун хазинаси бўлса ҳам, у ўзини қашшоқлик гўшасига тортади.

Куйидаги мисолимизда эса соғлом вазн ҳам, айтирли бирор мазмун ҳам йўқ.

**Далуға** кирмак қуёшнинг чашмаси не судким,  
Томмади ул **далу** ила ул чашмадин бир қатра су.

(516-бет)

«Далу» нима дегани? Луғатда йўқ сўзларни навоийшунослар қардан топширди? Ҳар иккала мисрадаги «далу» деб ўқилган сўз аслида «далв». Бу сўз матнда бурж номи сифатида келмоқда ва уни атоқли от тарзида ёзмоқ керак. Байтнинг тўғри вариантини тиклайлик:

**Далваға** кирмак қуёшнинг чашмаси не судким,  
Томмади ул **далв** ила ул чашмадин бир қатра су.

Шеърда қурғоқчилик ҳақида сўз кетмоқда. Байт мазмуни: Қуёшнинг Далв буржиға (зодиак) кирганидан не фойда? На қуёш чашмасидан, на Далвдан бирор томчи сув томмади.

Муаллиф матнда «далв» тушунчаси билан сўз ўйини қилмоқда: чунки далв — меш, қорамол терисидан тикилган сув идишидир.

Ўйланиб қолсан киши: академия институтларида нечанчи синф ўқувчилари ўтириштипти ўзи? Чунки эски ёзувдан бир йил сабоқ олган киши Навоийни, айниқса, юқоридagi байтни беҳато ўқий олади. У абжодхон олимлик ва навоийшунослик даъвосини ҳам қилмайди...

Навоий девонидаги куйидаги байт ҳам диққатимни ўзига тортди. Зеро, бундаги лирик қаҳрамон одамга эмас, нарсага (!) уйланаётган экан:

Хасмкуш келди фалак золи бил, эй шайху манга  
Раз қизи борида ул колони қилма никоҳ.

(78-бет)

Мазмуни: фалак кампири душман ўлдирардир. Эй шайх, ток қизи (май) турганда, менга у нарсени никоҳ қилма.

Ҳай-ҳай, Алишер Навоийга нима бўлди? — дерсиз. Ҳайрон бўлманг, совет ҳоқимияти йилларида бу байт неча марта босилган бўлса, ҳаммаси бузиб ўқилган. Ҳўш, фикрни қайси сўз бузмоқда? «Коло» бузаяпти. Қўлёзмада эса, кўрга ҳасса дегандай, котиб «колума» деб ёзиб қўйган. Мана, ўша байтнинг асли:

Хасмкуш келди фалак золи, бил эй шайху манга  
Раз қизи борида ул **колумани** қилма никоҳ.

Колума — эри ўлган ёки қўйган бева хотиндир. Муаллиф фалак кампини ярамас бева демоқда...

Матнчилар бўлар-бўлмасга қалтис «ҳазиллар» қилиб, матн мазмунини тескари ўгирадilar:

Кўксум ичра йўқ эса кўнглум ажаб йўқ, эй хирад,  
Не ажаб девонани гар **топсанг** маскан аро.

(33-бет)

Байтда шоирона фикрга зарба берилган: шоир «топмасанг» деган эди, навоийшунослар эса «топсанг» деб тузатиб, шоир фикрини мантиқ ва мазмундан маҳрум қилиб қўйишган. Қўлёзмада байтнинг кейинги мисраси куйидагича:

Не ажаб девонани гар **топмасанг** маскан аро.  
Бундай ҳолда мазмун ҳам бор, вазн ҳам тикланди.

Бир ўринда матнчи шоир луғатига «наъма» сўзини қўшиб «бойитган». Бироқ китобхон «наъма» сўзини ўқиса «қийланайранг» деб ўйлайди. Навоий матнида эса, бу сўзнинг тўғри шакли «нағма» эди. Уқийлик:

Сендадур **наъмаи** Довуд ила анфоси Масих,  
Бордурур йўқ эса давронда фаровон ҳофиз.

(209-бет)

Навоий «нағмаи Довуд» деганда «Довуднинг сеҳрли қўшиғи»-

ни назарда тутган. Бугунги китобхон «наъмаи Довуд»ни «Довуд найранги» деб тушунади. Мазмун ҳоли не кечади? Тил тарихи мутахассиси ва Навоий луғатини тузувчи олим XV аср ўзбек тили бойлигига «наъма»ни киритса нима бўлади?!

Алишер Навоий шеърятини қон томирида сўфизм фалсафаси — пантеизм кезади. Бу таълимотга кўра, борлиқ илоҳиёт инъикоси, зуҳуротидир. Кишининг ўлими муваққат ҳаётдан мангулки — асл ҳаётга кўчишдир, маънавий ва жисмоний камолотга эришишдир.

Эй фано тиғи вужудим нақшин андоқ айла **ҳақ**  
Ким замон авроқидин маҳв ўлсун осорим менинг.

(256-бет)

Биринчи мисрадаги «ҳақ» сўзи байтдаги бутун мазмуни йўққа чиқарган. Чунки «ҳақ» — худоист. Алишер Навоий ўша ўринда «ҳақ» — тешмоқ сўзини қўллаган эди ва фано ханжарига мурожаат қилган эди:

Эй фано тиғи, вужудум нақшин андоқ айла **ҳақ**,  
Ким замон авроқидин маҳв ўлсун осорим менинг.  
Мазмуни: Эй фано ханжари, вужудимни шундай тешгинки, замон саҳифасидан асарим ўчиб кетсин (мендан ном-нишон қолмасин).

«Иш» — меҳнат, шуғулланиладиган машғулоти билдиради, «Ишқ» эса инсоннинг олий даражадаги ҳиссиёти. Уқийлик: **Иш** аро топсам малолат сабрдин йўқ ҳайрати,  
Дардин беморға парҳез эрур кўпроқ малол.

(276-бет)

Навоий мутафаккир сифатида «нотўғри» фикр юритмоқда. Ишда қийналганда сабр этиш керак, деган фикрга қарши чиқмоқда. Нега? Яна қўлёзмага қарайлик:

**Ишқ** аро топсам малолат сабрдин йўқ ҳайрати.  
Ҳа, энди бу бошқа гап. Муҳаббатда ўртанаётган ёшга сабр тавсия қилсангиз ёқмайди... Алишер Навоий «Иш» билан «Ишқ»ни фарқ этар эканлар. Матнчимиз-чи?

Бундан ўттиз йил илгари жумхуриятимизда навоийшунослик гуллаб-яшнаган эмиш. Кўчирмани Алишер Навоий «Ҳамса»-сига ёзилган сўзбошидан келтирамиз: «60-йилларда совет навоийшунослик фани янги тараққиёт поғонасига кўтарилди» (3-бет). Ҳозир чўққига чиққандир?!

Алишер Навоий «Мукаммал асарлари тўппами»нинг йигирма жиллиги нашр этилаётган бугунги кунда-чи? Уша даб-дабали гаплар ростмикин ёки олимона кўпиришмикин? Зотан, мазкур китоб мутасаддилари ҳам пешқадам навоийшунослар-ку, ахир?

**Лайли майни** то лаби лаълиға ташбиҳ айлади-нинг.  
Эй Навоий, андин ўлди бу нишотафзолиғи.

(442-бет)

«Лайли май» нима дегани? Байтнинг биринчи мисрасини қандоқ тушунмоқ керак? Тўғри тушуниш учун аввал тўғри ёзилган матн бўлиши керак-да! Нашрга тайёрловчилар, наҳотки, «Лаъли май»ни «Лайли май»дан фарқ этмасалар? Чунки китобхон Лайли деганда Мажнуннинг севган қизини эслайди. Жуда нари борса, арабча деса, «тун»ни кўз олдига келтиради. Бироқ ҳеч қандай тегишли мазмуни чиқаролмайди. Мана байтнинг асли:

**Лаъли майни** то лаби лаълиға ташбиҳ айлади-нинг,  
Эй Навоий, андин ўлди бу нишотафзолиғи.

«Наводируш-шабоб» транслитерациясида ношининг билими ва тушунчасидаги камчиликлар туфайли сўзлар чегараси тўғри белгиланмаган, мисра ва байтлар мазмунини остун-устун қилиб юборган кераксиз тиниш белгилари, бир сўзини бошқа сўз сифатида ўқишлар — шунчалик кўпки, китобни нашр эттирган академиянинг отнинг калласидай юраги борлигига яна бир марта қойил бўлмай иложимиз йўқ.

Қани энди академияда илмий инсоф ва масъулият ҳам бўлсаю, бу китобни бекор қилиб, янгидан нашрга тайёрланган соғлом нусхани китобхонлар қўлига топширсин...

## 2. Ими-жимиди ёки ўз-ўзини фош қилишнинг «академик усули»

Ўзбекистон Фанлар Академияси олимлари қайта қуриш ва ошкоралик талабларига «амал қилиб», ўзлари чиқарган китоблардаги минглаб хатоликлардан ўз ўқувчиларини «воқиф этиш» йўлига ўтдилар. Бироқ кўпчиликнинг китоб ўқишмаслиги ва китоб нуқсонлари ҳақида лом-мим демаслик одатларини ҳисобга олиб, тузатиш ишларини ими-жимиди олиб боришга аҳд қилдилар. Бу демак: Алишер Навоий «Мукаммал асарлари тўплами»нинг дастлабки икки томида йўл қўйилган хатолар, аниқроғи, «Бадойи-ул бидоя» ва «Наводир-ун ниҳоя» девонлари нашридаги нуқсонларнинг баъзилари 3—6 жилдларда сал-пал тузатилади. Тузатилганда ҳам «аввалги фалон жилдда бундай эди, энди мана бундай тузатдик» дейилмайди-да, тўғрироқ нусха берилади. Ўқувчининг ўзи жилдларни бир-бирига қиёслаб, бу тузатишларни сезиб олиши мумкин.

Китобхонлар меҳнатини осонлаштириш учун ўз-ўзини тузатишнинг «академик усулини» мисолларда намойиш эта-миз. Чунончи, 2-жилддаги:

**АЙТТИ** меҳмонлиғ учун, эмди бўлур қўйса қадамким,  
Кўнгул уй қилди муҳайёю бағир тўъма мураттаб.

(42-бет)

байтини ўқишда нашрга тайёрловчимиз «ит» сўзини «айт» тарзида кўчириб юборган. Мана 3-жилдда шу хато энг ичида тузатиб қўяқолинбди:

**ИТИ** меҳмонлиғ учун эмди қадам қўйса бўлурким,  
Кўнгул ўт қилди муҳайёю бағир тўъма мураттаб.

(60-бет)

(Қавс ичида айтиладиган гапимиз бор: байтлардаги турли фарқларга кўп ҳам аҳамият берилмасин. Сўзни бир хил ёзиш деган унификация илми эскирди ва унга амал қилинмайди).

Тасодифни, бахтсиз тасодифни қарангки, академик нашрда Алишер Навоий зулм куйчиси бўлиб кетипти. Нима эвазига денг? Матячи «назм» сўзини «зулм» деб кўчирган экан-да:

Навоий, қилмағил бас зулм бирла дурфишонлиғким,  
Маоний бикирига зевар ҳадисинг гавҳариндиндур.

(11-жилд, 142-бет)

Академияда саводсизлар йиғилиб қолибди! — дейдиган ғаламислар оз дейсизми?! Шунинг учун буни ҳам IV-жилдда энг ичида тузатиб қўяқолинган:

Навоий, қилмағил бас назм бирла дурфишонлиғким,  
Маоний бикирига зевар ҳадисинг гавҳариндиндур.

(139-бет)

Қўйидаги байтлар қиёсига ҳам ўқувчиларнинг зийракрок бўлишларини истардик:

Фироқинг аро жон талошурда, ё **ғайб**,  
Ҳам ул ғам тоғидин бошим узра хоро.

(11-жилд, 10-бет)

Фироқинг аро жон талошурда **ёғиб**  
Ҳамул ғам тоғидин бошим узра хоро.

(11-жилд, 8-бет)

Негаки, бунда иккита жиддий тузатиш бор: «ё ғайб» маз-мун идрокига мувофиқ тарзда «ёғиб», «ҳам ул» сўзлари эса «ўша» маъносидидаги «ҳамул» ҳолига келтирилган.

Айни ўша қиёсланаётган жилдлардан тагин бир мисол оламиш:

Бурун қадам бу макондин чу ломакон қўйди,  
Не навъ дейким анинг **коми** эрди гардунсо.

(11-жилд, 11-бет)

Ўқитувчи паришонхотир бўлганда ўқувчи зийрак бўлмоғи керак. Нашрга тайёрловчи лирик қахрамон «коми» (жағи)ни гардун (фалак)га етказиб қўйганини сезиб қолиб, «ком»ни гом (қадам)га тузатибди:

Бурун қадам бу макондин чу ломакон қўйдунг,  
Не навъ дейкин анинг **гоми** эрди гардунсо.

(11-жилд, 10-бет)

Олим халқининг ҳиссиёти жуда кучли бўлади. Фарҳоднинг доду фиғони кишига шунчалик таъсир қиладик, матнчи «Фарҳод»ни «фарёд»дан фарқ этолмай қолади:

Деди, ҳижрон аро **Фарҳодинга** етгум бир кун,  
Заъфдин, оҳки, мумкин эмас афгон эмди.

(11-жилд, 596-бет)

Узига келгандан кейин эса, кеч бўлганини сезади-ю, дарҳол бошқа жилдда тузатиш тадорикини кўради:

Деди, ҳижрон аро **фарёдинга** етгум бир кун,  
Заъфдин, оҳки, мумкин эмас, афгон эмди.

(11-жилд, 456-бет)

Саҳву хато одамга хос дейишади. Аслида бу мақолни «саҳву хато олимга хос» деса тўғрироқ бўларди. Бўлмаса, академия деган илм чўққиси китобларига нуқсонлар уя қўярмиди? 2-жилддаги икки байтнинг 4-жилдда қандай тузатилганига диққатингизни тортмоқчимиз.

**Ҳажри** ашким еткурур ҳар дам куюшқа бир ҳаёт,  
Уйлаким, еткурди Кайхусрава жоми Жамни су.  
Истангиз кўнглумниким, саҳрода ашким **сайлидин**,  
Қайда солди эркин ул бемор девонимни су.

(11-жилд, 460-бет)

**Баҳри** ашким еткурур ҳар дам куюшқа бир **хубоб**,  
Уйлаким, еткурди Кайхусрава жоми Жамни су.  
Истангиз кўнглумниким, саҳрода ашким **селидин**,  
Қайда солди эркин ул бемори девонимни су.

(11-жилд, 398-бет)

Шошиб қолдингиз-а? Илм ана шунақа қийин нарса! Илмда «ҳажр»ни «бахр»дан, «ҳаёт»ни «хубобдан ажратолмаслик машаққатлари бор! Буни академик илм дейдилар. «Бемор девон»га ҳам ишонинг. Чунки ўша жилд бемор эди, IV жилдда деволанди. Ие, яна ҳайратдамисиз? «Сайл» нима дегани дейсизми? Олимлар илми ошиб кетганда тоғдан бўтана бўлиб паства чопадиган «селни» «сайл» деб ўқийдилар, билдингизми энди! Сиз араб ёзувини билмайсиз-да! У ёзув шунақа ёзувки (айниқса чаласавод бўлсанг ўзингни оқлаш осон!), ҳар бир сўз тўрт-беш хил ўқилаверади. Фақат айрим ғаламислар, буни мазмунга нима дахли бор, деб кишининг бошини қотиргани ортиқча! Китобхон биринчи ва иккинчи жилдлар мутолааси пайтида нимага тушунмаса, дарҳол аввал учинчи, кейин тўртинчи, ундан сўнг бешинчи ва ниҳоят, олтинчи жилдга бирма-бир кўз югуртириб ўша ғазални топсин-да, маза қилиб ўқиб тушунсин! Кўрдингиз, бу қандай қулай ва осон усул. Китобхонга нисбатан бундан ҳам қулайроқ усулни топиб бўладими?! Топиб бўпсиз! Буни фақат Ўзбекистон Фанлар Академияси билади! Олимлар, алломалар, навоий-шунослар билади! ТУшундингизми!

Энди юқоридаги эслатмамизга қайтайлик: Ўзбекистон Фанлар Академияси китобхонларнинг юксак савиясига таяниб, 3—6-жилдларда йўл қўйилган мингга яқин нуқсонларни бартараф этишни уларнинг ўзларига ҳавола қилган. Чунки у шеърлар бошқа жилдларда такрорланмайди.

Хатоларни идрок этиш усули ҳақида илмий консультация берамиз: ғазални ўқий бошлайсиз. Масалан, Алишер Навоий «Мукаммал асарлари тўплами»нинг учинчи жилди қўлингизда дейлик. Уқиярмиз:

Эй Навоий, **зарварақи** жисминг не тонг бўлса ғарик,  
Баҳри ашк ўлмиш чу ҳар дам оҳдин чайқалғудек.

≈ 14.

(270-бет)

Кўряпсизки, биринчи мисрада мазмун йўқ, вазн — бузуқ. Уйла-ланг: киши танида «зарварақ» бўлмайди. Демак «зарварақ» (қайиқ) экан. Ие, одамни танида зарварақ бўладими? — дейсизми? Йўқ-йўқ. «Заврақ» матнда бўлади.

Эй Навоий **заврақи** жисминг не тонг бўлса ғарик.  
Қаранг: вазн тузалди, мазмун — чиқди. Ана шунақа. Академия чиқарган китобларни тузатиб ўқиш жуда осон. Шунинг учун китобдаги қум-қум хатолар жиғингизга тегмасин. Академия олимларига осон тўтманг. Илм нонини ейиш жуда қийин!

Ўш, ҳалол қилиб ейиш-чи?

# ۱۵۸ Абраҳон

# Темур халқига хадарларга мақола ақсоўнаётлар

Темурнинг қайтиш ва ҳинд ерларини холис (ўзиники) қилишга қасди баёни

Темурга Ҳинд султони Ферузшоҳнинг (бу) дунё заҳматидан худо раҳматига ўтгани хабари (бориб) етди. Унинг (ўрнига) халифа бўладиган ўгли йўқ эди. Ҳинд(истон) ишининг денгизи кўзғалиб мавжланди ва ҳарбир кимса (давлат иши) ҳавзасида шўнғий бошлади. Натижада баъзи (киши)лар азиз, баъзилар хор бўлди. Кейин одамлар Маллу исмли (бир киши)ни вазирлик ҳукмига (сайлашга) иттифоқ қилдилар. У одамларнинг тарқалган ишини тартибга солиб, мартабасини кўтаришга сазоворларни (мартабасини) кўтарди, ноҳақ (юқори) кўтарилганларни (куйи мартабага) туширди. Кейин унинг биродари, Мўлтон шаҳри мутаваллиси Сорангхон унга қарши исён кўтарди. Улар орасида ихтилоф вожеъ бўлиб, Ҳинд тўдалари (турли) гуруҳ ва тоифаларга тўзиб кетди. Натижада улар орасидаги ихтилоф Темур учун энг яхши мададкор, зўр таянч ва қувват бўлди. Мен дедим:

Душман фикрининг тарқоқлиги дўстлар хотирларининг жам бўлишига сабабдир.

Маллу ҳокимиятни эгаллаб, Ҳинд(истон) ишлари унда қарор топгач, у қаттиқ жидду-жаҳд билан киришиб, кўп сонли кўшини қурол-яроғ тайёрлади. Ҳар тарафдан ёрдам олиб мадад сўради. Кейин (бутун) даҳаларинию (яшириш) пистирмаларни мустаҳкамлади. Урушда қўллаш учун филлар устига кажавалар ўрнатди.

Темур ҳам ўз юришида қушдан тез учиб кела бошлади. Чунки бу чегарада унинг олдин тўсадиган, на ҳинд султони аскарлари ичида унга яқин келадиган бирон кимса бор эди. Темур кўшинлари билан ҳинд ерларига етгач, ҳиндлар кўшинлари унга рўбару чиқди. Улар Темурнинг отларини ҳурқитиш учун филларни олдинга қўйдилар ва ҳар бир фил устига қалқонларден кажава ясаб, ҳар бир кажавага шиддатли дамларда ҳам дош берадиган жангчиларни ўтқаздилар. Филларга девларни ҳам қочишга ундайдиган даҳшатли қўнғироқ ва занглар тақдилар ва ҳинд қиличи деб аталса тўғри бўладиган қиличларни у (фил)лар хартумларига боғладиларки, улар алангасининг шуъласи — бу шуълани синд олови деса тўғрироқ бўларди — бошларни ўзига чорлар эдики, бошлар сажда қилиб қуйи эгиларди. Филлар хартумидаги бу қиличлар филларнинг ўзидаги ва урушда найза сифатида хизмат қиладиган озиқ тишлари устида устамча эди. Бу озиқ тишлар филлар буйнига

юкланган вазифани адо этишда гўё тўла-тўқис нисоб ва ўқ отиб, найза ушлаб рўпара келган ҳар бир кимсани тилка-пора қилиб бўғзига беҳато тегувчи ёй эди. Ушбу филлар жанг сафларида гўё ўзида бор шерлари билан юрадиган водий, ённки ўзидаги кўшинлар билан оқадиган қўрғон, ённки ўз йўлбарслари билан чопадиган тоғлар, ённки ўзининг момақалди роқлари билан оқиб келувчи булут соялари, ённки ўзининг қора балолари билан келадиган фироқ кечалари каби эди. Филлар изидан ҳинд уруш суворийлари, зарбаю таъна ботирлари, қора шерлар, (териси) силлиқ бўрилар, сепкилли қоплонлар бўлиб, уларнинг ҳар қайсинисида хатт найзаси<sup>2</sup>, ҳинд қиличи, халанж (камон) ўқи<sup>1</sup>, закий қалб, бардам юрак, қатъий азм, ризоли сабр бор эди.

Ушбу филларни қўрқитиш учун Темур ишлатган фариб баёни

Бу ҳолатдан Темур воқиф бўлиб, ҳинд аскарлари газламаси шу зайлда тўқилганлигига қаноат ҳосил қилгач, бу тузоқни даф қилиш учун у хийла ишлатди. У ҳиндларга деб (гўё) бари қозон шўрва қилдики, унинг қайнатмаси бўтқадан кўра ҳам қуоқроқ эди. Филлар фарибинин даф қилишни (энг) аввал ҳийлакорликдан бошлади. У метиндек фикрини темир тиконлар тайёрлашга ишлатди. У (тикон)ларнинг шакли учбурчак, тавсифи эса бадоатли гўё (у тиконлар) ўзларининг мудҳиш шаклларида худони учта дегувчилар каби, ённки ҳисобчилар ишлатадиган истилоҳи «вақфни» (учбурчак) вазиятига ўхшади, уларнинг ададлари уч бўлак бўлади. Шундай шаклдаги тиконлардан мингтача ясадилар. Кейин улар саф бўлишиб филлар майдонига томон юрдилар. Ушбу тиконларни кечаси сочиб, (бу билан) филлар ва улар эгаларига кулфату офат келтирдилар ва бунга (маҳсус) чегара белгилаб, ўша чегарадан (нарига) ўтилмасин деган фармон бўлди. Кейин Темур (жанг) талабгорлари ва ботирларини отлантириб, шер ва шерваччаларини тартибга солди, отларини саралаб пиёдаларини танлади ҳамда ўз аскарлардан душманга қарши ўнгу чапга пистирма қўйди. Сайёралар султони<sup>3</sup> барча томон уфқларига ўз гуруҳлари (нури)ни тарқатиб, зулмат лашкари (ўз) юлдузлари пиёдаларини тўплаб қочишга этак шимарганде Темур аскарлари ўша (белгиланган) чегарага бориб етгунча аста-секин юрди. Икки томон аскарлари бир-бирига рўпара бўлгач Темур аскарлари «орқага тисарилди»<sup>4</sup> ва (Темур) ўз отлари билан (юриб) филлар йўли бўйлаб чекинди. Шунда Маллу аскарлари, Темур отлари ҳуркиди ва унинг нусрат қуёши тутилиб, аскарлари кавкаблари сўнди, деб фарз қилдилар-да, филлар подасини жангга солишдики, улар (гўё) селдек бўлиб ҳайқириб оқдилар. Ҳиндлар Темур аскарлари изидан филларни (ерга) ташланган ўша тиконлар томон ҳайдадилар. Филлар устида ўтирганлар орқасидан ҳинд отлик ва пиёдалари эргашдилар. Филлар сели тиконлар ташлашни ажратилган жойга етгач, ушбу тиконлар филларнинг қўл-оёқларини «ўпиб», товонларига санчилдики, улар қутуриб бўкирганча орқага тисарилиб қайтди. Маллу аскарлари филларни қочишдан тўхтатиб, уларни қайтаришга уриндилар. Лекин қочишни ман қилиш ва қайтариш фойда бермади. Филлар душман томонида қараб олға юришда гўё Абраҳа фили<sup>5</sup> сингари бўлиб қолдилар. Бу «тиконзорда» тикон зарар келтиргани сабабли филларга жангдан қочишдан бошқа чора қолмади. Натижада (қочаётиб) филлар одамлари отларни янчиб кетдиларки, Маллу аскарларининг ўликлари тоғлар каби уйилиб, қонлар у (тоғ)лар водийларидаги сел каби оқди. (Бунинг устига) Темурнинг, ўнгу-чапдаги пистирмада (яшириниб) ётган одамлари чиқиб, қолганларини ҳалок этди.

Айтишларича, Темур беш юзта ҳурконғич туяни тўплашни ва уларни ҳайдовчиларга пиликлар тиқилган қамишлар ва ёғ-

ланиб хўлланган пахта юкларидан кўп миқдорда улашиб кўшинлар бир-бирига рўбару бўлганга қадар туяларни отлиқлар олдида ҳайдашларини буюрган. Кўшинлар саф тортиб жанг бошлашдан бўлак йўл қолмагач, Темур ўша ортилган (пахта) тойларга ва юкларга ўт қўйиб туяларни филлар томонига ҳайдашни буюрган. Туялар олов ҳароратини ҳис қилгач, типирчилаб қолиб филлар томонига қараб елдек учиб кетишган. Ўз ҳайдовчиларини йиқитиб бўйинини синдириб орқасига қараб тирақайлаб қочдилар ва отлиқларни янчиб, пиёдаларни поймол қилиб кетдилар. Темур одамлари фил соҳиблари устидан зафар оятини тиловат қилиб, улар бошига қушлар галалари мисол камон ўқларини юбордилар<sup>7</sup>. Ҳиндлар филлардан ҳеч манфаат кўрмай аксинча, у (фил)лар пиёда ва отлиқлардан кўпчилигини ҳалок қилди. Кейин ҳинд аскарлари ва улар ичидаги отличу пиёда ботирлар орқага чекиндилар ва (янги) гуруҳлар тўплаб байроқлар кўтардилар. Кейин улар бир-бирларига кўшилишиб, йиғилишдилар ва бир-бирларини бекитган ҳолда саф тортидилар. Улар орасида мажусийлар, мусулмонлар, ўз улуғ насаби билан танилган паҳлавонлар жанговар шюр билан чакирувчи мунодийлар бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси, гўё зулматли туннинг бир бўлаги каби қора рангда эди.<sup>8</sup> Ҳиндлар устига мусибат тушиб, тангри кеча белгисини йўқ қилди. Ҳиндлар тарқаб, ҳар тарафга қочди, шонли эрлари ўлдирилди ва султонлари — Маллу қочди. Самарқандда ўз устунлари мустақкам бўлганидек Темур ва унинг ҳукми Ҳиндистонда ҳам ҳозирги вақтгача собит бўлди.

Кейин Темур ҳинд хизматкорларини тўплаб (ҳинд) филларини боғлатди ва мамлакат ишларини тартибга солди ҳамда забт этишда нима ўзига ижоб, нима четда турганлигидан фоғил бўлмади. Филларни ўз ҳайдовчи (эгал)ларига топшириб, Темур мамлакат пойтахти Дехли шаҳрига қараб йўл олди. У (Дехли) азим шаҳар бўлиб, турли-туман фазилатлар жамланган, шухрат соҳиблари йиғилган, тижорат аҳлларининг манзилгоҳи ва турли-туман жавоҳирлару хушбўйликларнинг маъдани эди.

**Икки подшоҳ — Абу-л-Аббос Аҳмад ва Малик аз-Зоҳир Барқуқнинг — вафоти хабарини Темурга етиши баёни**

Темур Ҳинд тахтию унинг шаҳарларини истило этиб, (Ҳинд) ерлари ва минтақаларини эгаллаб, (унинг) фармонлари (Ҳиндистон) қиртепалликларнинг тубларигача бориб етиб, аскарлари Ҳинд вилоятларининг текис ва ғадир-будир (жої)ларига тарқаган ва хоҳ денгизда, хоҳ қуруқликда бўлсин ҳинд раиялари устига улар фасодликлари зоҳир бўлган бир пайтда Шом томонидан Темурга хабарча келиб, қози Бурҳонуддин Аҳмад ас-Сивосий ва Малик аз-Зоҳир Абу Саид Барқуқнинг дорус-саломга кўчганликларини хабар қилди. (Бу хабардан) Темурнинг қалби шодланиб, енгил нафас олди ва оз бўлмаса хурсандлигидан Шом томонига қараб учиб кетаёзди. Натижада у тез суръатда Ҳинд ишларини қамалига етказиб, у ердан олган хазиналару нафис молларни қўшину аскарлар билан (биргаликда) ўз мамлакатига кўчирди<sup>9</sup>. Ушбу оломонин ва бошқа асир олинган қўшинларни Мовароуннаҳрнинг теварак атроф чегараларига тарқатди. Ҳиндистонда эса (бир) ноиб тайинлаб қолдирди. Кейин у Самарқанддан чиқиб, шошилч равишда Шомни мўлжаллаб йўлга тушди<sup>10</sup>.

802 йилнинг аввалларида (1399 йил сентябрь) Темур мамнун ҳолатда муз тоғлари мисоли ушбу тоифалар билан юзланиб, тўфон каби Жайхундан Хуросонга қараб қўйилди.

Темур ўз пушти камаридан бўлган ўғли Амираншоҳни Табриз мамлакати ва ўша диёрларда васийликда қарор топтирган эди. Султон Аҳмад бўлса, қочинишга шайланиб Бағдодга қайтган эди<sup>11</sup>.

Темурнинг Шом ерлари томон юришига сабаб: Сивос ҳокими қози Бурҳонуддинни у (Темур)нинг гапга нўноқ чопарлирига нисбатан қилган муомаласи бўлди. Лекин Темур ўз максадини хуфё тутиб, одамлардан ўзини қаердан чиқиб каярга боришини бекитишни истади. Мен дедим:

Қандай қилиб тонг отгач кўзлардан қуёш нури яширина олади?

Қандай қилиб иссиқ куни мушкнинг хушбўй ҳиди одамлар бурунларини тўлдириб тарқалмайди? Қандай қилиб (юриш учун) ногора чалинсада (одамлар) қулоғидан унинг овозини яшириш мумкин?

Темур қасд қилган (нарс)а бағоят (кўп) мадад ва давомли мударат (талаб этар) эди; юриш (қилиш) учун озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ҳамлашга муҳтожлик бўлиб, бу юришнинг Табук ғазотига<sup>12</sup> ўхшаб қолишидан Темур хавфланар эди, Темур ўз макр-ҳийлаларини яшириш мақсадида (сохта бир) важ ўйлаб чиқариб, уни овоза қилиб (ҳар томонга) тарқатдики, улардан қалблар тўлиб қулоқлар битди.

**Темур Ҳиндистонда эканида унга келган бир мактуб маъноси: гумон қилишларича бу хатни Темурга ўғли Амираншоҳ юборган**<sup>13</sup>

Гап шуки, Темурнинг юқорида зикр қилинган ўғли Амираншоҳ унга хат юбориб, хабар қилган гаплари ва даъволари жумласида мана шу (сўз)лар бор эди: «Эшинг улғайиб, жисминини заифлик ва қувватсизлик қамраб олганлиги сабабли сен риёсат тартиботларини адо этиш, бошқарув ва сиёсат (юрғизиш) оғирликларини ўз зиммангда кўтаришдан (сен) ожиз бўлиб қолдинг. Сенинг бу аҳволингда — башарти (сен) тақводор кишилардан бўлсанг — ўзингга муқаррар нарса (ўлим) келгунча масжид бурчагида ўтириб эғангга ибодат қилиш сен учун энг авлодир. (Сенинг) болаларингу набираларинг орасидан раия ва кўшинларингни бошқаришни удалай оладиган, мамлакатингу ерларинг муҳофазасига қурб етадиганлар етишди. Шаҳарлар ва мамлакатлар қандай қилиб қўлингда бўлсинки, ваҳоланки сен (ўзинг) ўлимдан бир одимсан? Агар сен зийрак назаргаю ўз мулоҳазангда фаросатга эга бўлсанг, дунё (ишлари)ни тарқ қилда охират ишлари билан машғул бўл. Агар сен Шаддод<sup>14</sup> мулкига эга бўлсанг Амولىқа (қавми)нинг қудрати сенга қайтиб келса, нусрат ва ёрдам сенга ўз мададини берсаю ҳатто сен Ҳамон<sup>15</sup> ва Фиръавн<sup>16</sup> мартабасига етишсанг, рубъи масқунинг хирожни сенга берилсаю, мол-дунё тўплашда сен Қорундан<sup>17</sup> ҳам ошиб кетиб мамлакатларни хароб қилишда Бухтаннаср<sup>18</sup> каби бўлсангки, қайсики унга тангри таоло кўп нарса инъом этдию лекин у ношукурлик қилди,— гапининг худлосаси, сенинг салтанатинг бутун дунёга етса ва бу дунёндан жамъини тилакларингга етишсанг, умринг эса (дунёда) энг узун умрлардан бўлса ва (дунёдаги) нодон ҳокимлар эса сенинг хизматкорларинг бўлса; (сенинг) қўшинларинг Қайсарни<sup>9</sup> тийиб Хусравни<sup>20</sup> тор-мор қилиб енгса: Туббъа<sup>21</sup> ва ан-Нажаший<sup>22</sup> сенга эргашиб олам подшоҳлари ва ҳинд рожалари сўзсиз сенга тоъбе бўлса, Фағфур<sup>23</sup> доимо сени мақтаб оғзини очса сен (дунёдаги) хону ҳоқонларни ҳалок этсанг, ҳамма сенинг дасти хатингга тортиқлар жўнатса, Миср фиръавнию унинг султони сенга бўйсунса; «олибкелаверинглар» қўли билан сенга дунё Эрони ва Турони тўловлари тўланса — сенинг мартабанг шунгача бориб етсаки (бутун) иқлимларда яшаб, истиқомат қилувчилар сеники бўлса?»

Қасрларининг узлуксиз баланда бўй чўзиши (бу фақат) ҳалокатга олиб келмайдими? Қамолнингнинг ниҳояси завол эмасму? Ва ниҳоят ҳаётинг — ўлим, яшайдиган маконинг қабр бўлмайдими? Мен (шеър) айтдим:

Бу дунёда истаганингча яшаб шон-шухратга эриш.

Аммо ҳаёт ипи оқибатда узилиши муқаррар,  
Умр чилвири ўлим билан боғлангандир.

Яна (шеър) айтилган:

Пахтадан бўлган қўйлак кийиш, бир қултум тоза сув ва бир кунлик озиқ-овқат киши шулар билан орзусига эришади, аммо ўладиган кишига шу ҳам ортиқдир.

Сен қаёқда-ю, Нуҳ(пайғамбар) қаёқда? Сенда у (Нуҳ)нинг узоқ умри-ю ўз қавми учун йиғлаши, унинг (соф) ихлосли ибодатию, ўз эгасига шукронаси (қаёқда)? Сен қаёқда-ю, Луқмон қаёқда? Унинг ўз ўғлига ваъзини<sup>24</sup> умри бўйи ўз лубадига берган тарбияти қаёқда? Бепоён мулкка эга бўлатуриб тангри таоло амрларини адо этиб, зикру тасбеҳни тақдор қилган Довуд қаёқда-ю сен қаёқда? Ундан (Довуддан) кейин Сулаймон ва унинг инслар, жинслар, қушлар<sup>25</sup>, ҳайвонлар ва шамол устидан ҳукми қаёқда? Иккала Машиққа эгалик қилиб иккала Мағрибгача бориб етган ҳамда икки тоғ қояси ўртасига тўғон бунё<sup>27</sup> этиб мамлакатларни бўй эғдириб тангри бандаларига эгалик қилган Зулқарнайн қаерда-ю сен қаерда? Анбийалар сыйиди, расуллар муҳри ва сайланганлар сараси барча оламга раҳмат

тариқасида юборилган<sup>25</sup> Одамота ҳали сув билан туфроқ ўртасида турганида, пайғамбар бўлган Муҳаммаду мустафо ва Аҳмаду мужтабога нисбатан сени мақомиг нима? Муҳаммадга ернинг Машриқ ва Мағриб (яъни барча) томонлари насиб бўлиб, унинг шоҳиди-ю гоиб қаршида қўл қовуштириб турди ва ҳазиналари очилиб, (ерни) зоҳир ва яширин нарсалари унга намоеъ қилинди; мурувватли малоикалар унинг қўшини бўлиб жинлар, инслар, қушлар, ваҳшийлар ва қуртув-қумурсқалар унга иймон келтирган; кароматли олий тангри унинг итлоғига тоғлар подшоҳини юбориб, унга қувват берган (бўлса) унинг нусрати байроқларини ўнгу-чапда элтувчи сабо насими бўлган. У мутақаббирларни қаҳру ҳайбат билан қўлга киритган; Хусраву Қайсарлар бир ойлик йўлда туриб ундан титраганлар, тангри уни ўз ёрдами ҳамда «муҳожирлар» ва «ансорлар»дан иборат мўминлар билан қўллаб-қувватлади ҳамда қачонки кофирлар уни (Маккадан) чиқарганларида тангри унга ёрдам беришда ўзи мутасадди бўлиб (Абу Бакр билан) иккиси ёрдам эканларида икковига мадад берди.<sup>29</sup> Тангри таоло унга шарафли улов ал-Буруқни<sup>30</sup> етказиб, уни қайбир кечада масжид ал-Ҳаромдан<sup>31</sup> масжид ал-Ақсога<sup>32</sup> олиб борди. Кейин тангри уни етти қават (осмон)га кўтарди ва ўзининг шонли исмини унинг исми билан яқинлаштирди. У ўз бандаларини то қиёматгача чегараси ва расмияти ўзгармас шариат билан ибодат қилдириди. Тангри коинотни уни деб яратиб унинг сиймоси нури билан (бутун) мавжудотни ёритди. Оламда ундан кўра шарафлироқ ва фахрлироқ (ҳеч бир кимса) яратилмаган. Оллоҳ унинг (аввал) ўтган ва кейинги гуноҳларини ҳаммасидан кечди.<sup>33</sup> Тангри унга ўз мўъжизаларидан шундай бир мўъжиза бердики, битта арпа кўлча билан беҳисоб оломонни тўйғизди ва бир гала отлиқларни (ўз) бармоқлари орасидан чиқиб турган зилот сувга қондирди. Унинг учун ой (иккига) ажралиб<sup>34</sup> дарахтлар (унинг) даъватига «лаббай» деб жавоб берди, калтакесак унга иймон келтириб тошлар) унга салом берди. Ахир у (яратган) мўъжизаларини (кўрсатган) кароматларни санаб ҳисобига етиб бўладими? Мана бир муайяда мўъжизасининг ўзи сени бошқа мўъжизалар талаб қилишдан тиядики, абадий каромати, замон ўтиши билан ҳам боқий қиладиган, кечаяқундузи айланиши билан бир меъёрда турадиган мўъжиза — у Қуръон ул-мажиддир. У шундайки, «на олдидан, на орқасидан (бирор) ботиллик (яъни) келмай, ҳикматли, мақтовли зот (худо) томонидан назилдир<sup>35</sup>. Мана булар пайғамбарни бу дунёдаги тутган манзиллари бўлиб, (булар) охирадда унинг учун аталганлардан бошқаларидир. У (тангри) ўзининг ушбу сўзлари билан пайғамбарга башорат берган: «Сен учун охирад бу дунёдан кўра яхшироқ, (зинҳор) раббинг тез орада сенга атою эҳсон қиладик сен (ундан) рози бўласан»<sup>36</sup>. Шу билан бирга тангри-таоло пайғамбарлардан Муҳаммадга иймон келтиришга ва уни қўллаб-қувватлашлари аҳду паймон олган. Башарти улар Муҳаммад замонида яшаганларида эди, уларнинг фақатгина унга (Муҳаммадга) эргашиб, унинг амрларини бажаришдан бўлак чоралари қолмасди. У (Муҳаммад) Оллоҳ дўсти Иброҳимнинг уруғи, Мусо ва Бани Исроил уламолари василаси: унинг келиши ҳақида Инжилда Исо тили билан башорат берилган: дийдор кўрадикан кунни ўз раббини ҳамда байроғининг ҳомилидир; Одам ва ундан кейингилар унинг байроғи тағадурлар. У жаннатга тушириладиган ҳовуз эгаси ва шафоат қилиш мақомида ўз раббидан хитоб олувчи ва мақому маҳмуд эгаси. Сўзлар ишлатилишидан намуна қилиб айтган шеърим мазмунида:

Сўзла — гапинг эшитилди; шафоат тила — шафоатинг қабул этилади.

Сўра-сўраганингга эришсан — иззат хилъатига лойиқ бўласан;

Менинг неъматларим нурилари ўзинга (сингдириб) ол. Ана ўша сайидларга, хайру саховат конларига-ю, бахту саодат калитларига назар ташлачи? Улар дунёга ҳирс қўйиб унга ишондиларми? Эки унга қиё боқдиларми? Лекин боққан бўлсалар фақатгина ҳақорат ва ибрат кўзи билан боқдилар. Уларнинг назарлари оллоҳ фармонида таъзимдан бўлак нарса эдими? Бу назар тангри бандаларига шафқатдан бошқа нима эди? Халифа ар-Рашидиндан ортиқ сенга кифоятли нарса борми? Бу уммат ичиде куёш ва ой мақомида бўлган икки Умардан<sup>37</sup> бошқа улуг зот борми? Шулар мисоли одилона халифалар, камолатли подшоҳлар, фазилатли султонлар борки улар ақл билан ҳукм юритдилар. Улар тангри таолонинг бандалари

устидаги ҳақларини муҳофаза этдилар, олий тангри бандаларини унинг ерларида зулмдан ҳимоя қилдилар, хайр-саховат қондаларига асос солдилар ва фақат адлу-инсоф йўлида жавлон урдилар. Улар мана шу зайлда оламдан ўтдилару асарлари боқий қолди. Улар ҳақидаги (хуш) хабарлар, гарчи ўзлари дунёдан ўтсалар-да (улар) кунларини барҳаёт қилди. Шу тариқа улар аввалгилар мисоли ўтдилар ва улар тўғрисида охирилгилар садоқат лисони боқий қолди, чунки улар эшитганлари тақозасига кўра иш кўргандилар.

Сен, одамлар, яхши (эди) деб зикр этадиган бўлгин.

Чунки одамзот зикр қилинувчидир.

Сенга келсан, халқ устидан ҳокимиятга эга бўлдингда адолат ҳам кўрсатдинг, лекин ҳақ йўлда эмас; халққа ғамхўрлик ҳам қилдинг — лекин мол-дунёю зироатларига; ва улар қалблари ва суюқларини ҳимоя қилдинг — лекин ўт билан. Шу билан бирга гарчи сен етти осмонга<sup>38</sup> кўтарилган бўлсанг ҳам (барибир) Фиръавн ва Шаддод мартабасига етаолмадинг; гарчи сен баланд тоғлар чўққиларида қасрлар кўтарган бўлсанг ҳам барибир улар ер юзиде тенги бўлмаган кўп устунли Ирамга<sup>39</sup> баравар кела олмайд. Сен ман этгану амр қилганларга ва сўнгра (дунёдан) ўтиб ғуборга айланганларга (бир) назар солда тугён билан фужурлик қилганлардек, юз ўгириб кофирларча иш юритганлардек бўлма. Бу хитобга жавоб (бериш)дан ўзингни тий: ёйни ясаган (кишига) бериб, уйни қурганига қолдир<sup>40</sup>. Оллоҳ унинг расули ва иймон келтирганларга томон нигоҳ ташла, бўлмаса сен саяъ кўрсатиб фасод келтириш учун ер юзиде ҳокимлик қилганлардан бўласан. Агар (иш) шу тарзда бўлса унда мен сенинг устингга бораман ва қўлларингга уриб фасод ишларда жидду-жаҳд кўрсатишдан сени қайтараман ва оёқларингни тўғрилайман». Шунингдек Амираншоҳнинг мактубида кўпдан-кўп адабдан ташқари, гуноҳга сероб иборалар бор эди.

Темур бу мактубдан воқиф бўлгач, ўз отлари жиловини Табризга қараб бурди. Амираншоҳ ҳузурда бир гуруҳ (адоватда) ҳаддидан ошганлар бўлиб, улар ер юзиде фасод тарқатишда жидду-жаҳд кўрсатгандилар. Улардан Кутб ал-Моусилӣ<sup>41</sup> бўлиб у бевафо замоннинг мўъжизаси, мусиқа ва қўшиқлар илмида (катта) устоз эди. (Қачонки) у қамишни сайратганда эътиборли кишилар ҳам сукутга ботар; у қуйлашни бошласа соҳибжамолларга бўлган эҳтиёждан қўтқарар, киши руҳи унинг майин нафасига «менинг азоб-у уқубатларимни енгиллат» деб зорланар эди; унинг қамиш (наёй) эса бармоқларга ишорат қилиб «бош устига» деб жавоб берарди. Кейин чолғувчи унинг ичига руҳни пуфлаб ҳар қандай мажруҳ қалбга шифо ва яра-ланган юракка даво бағишларди. Агар унинг наёй ўзининг келтирилган қадди-қоматини ростлаб, ўз оҳанги остида «қраксн» тушиб кетса, унда чанг орқасини эгилтириб унинг жозибали овозига бўйин эгарди. Айтишларича у (Қутб) оддий ва мураккаб, ясама ва асосий қуйларнинг жамъийки нағмаларини ўз удининг ҳар қандай бўлимларидан чиқарар экан. Унинг мақомларга бағишланган асарлари бўлиб, (бу борада) у билан устози Абдулқодир ал-Мароғӣ<sup>42</sup> ўртасида баҳслар бўлиб ўтган.

Амираншоҳ унга жуда меҳр қўйган бўлиб, унинг суҳбати ва ишратини (ўзига) ғанимат билар эди. Темур бўлса ажиб нарсалардан ажабланмас, ўйин кулги ва мусиқа уни ўзига мафтун этмасди. Бинобарин у: «Абдулқодир Шайх Увайсининг ўғли Аҳмаднинг ақлини олиб, уни тўғён (йўли)га бошлаганидек ал-Қутб ҳам Амираншоҳнинг ақлини олиб уни фасодга бошлади», — деди.

Кейин ушбу тугёнчи (Темур) 802 йил рабий ул-аввал ойининг ўн еттинчисида (1399 йил 17 ноябрь) Қорабоғга етиб келди ва уни манзилгоҳ тутиб уловларига дам берди. У Озарбайжон ерларини забт этиб, ўша фасодчилар ва адоват аҳллари катл қилди<sup>43</sup>, лекин Амираншоҳга ҳеч бир озор бермади<sup>44</sup>. Улар (икковлари) ўртасида шубҳали ишлар бўлиб ўтдию улар тафсилоти ёлғизгина тангрига аён.

Кейин Темур ўз қўшини билан жумодул-охира ойининг иккинчиси, (1400 йил 30 январь) пайшанба куниде йўлга чиқиб, Туркистон шаҳрини олди. Узи қўлга киритганлардан хоҳ итлоаткор, хоҳ исёнкор бўлсин (ҳаммасини) ўлдириб, бошларию кокулларидан тортиб (судраб) юрди.

Кейин Темур ўз иноди жиловини Бағдодга қараб бурди. Ражаб ойининг ўн саккизинчисида (15 март) Султон Аҳмад бу ҳайқирган (денгиз)дан Қора Юсуф томон қочди<sup>45</sup>. Натижада Темур таскин топиб хотиржам бўлди. У юршини муҳлатга солиб ўз мунозарачилари билан бўлган наҳвиде «пайру» ва

«сиво» («фалон-фустон») баҳсларини ишлатди. У ҳар хил макр ва илмоқли ҳаракатларга киришиб, ўзини гофил кўрсатиб, ушбу нашидани куйлар эди:

Мен Алва билан Суъдо ҳақида гапираман (аммо) мени истаган муродим сизсиз: мен на Суъдон, на Алвани хоҳлайман.

Натижада Темурни гуржлар еридан кўзгалгани йўқ (деб) тасаввур қилиб, бир кун Султон Аҳмад ва Қора Юсуф Мадинад-ус-саломга<sup>46</sup> қайтиб келдилар. Улар Темурни (Гурждан) чиққанига ишончлари комил бўлгач, — агар Темур бирор мақсадга кўз тикса ундан бошқага бурилмаслиги уларга аввалдан аён эди — ўз қушларини Румга томон учирдилар ва диёрларини қарғаю бойўғиллар қағиллашларига ташлаб кетдилар<sup>47</sup>. Бу қари бургут (Темур) бўлса туркман оромгоҳига қараб раво-на бўлди. Кейин у қилични қинга солиб, тугённи тугатди ва ёзи-шу жойда ўтказди.

## Изоҳлар

1. Ферушшоҳ — Деҳли султонлигининг Туғлоқлар династiasi (1320—1413) дан ҳукмрон. Ҳукмронлик қилган йиллари 1351—1388.

2. Хатт найзаси — Хатт Омандаги бир мавзевнинг номи бўлиб, у ўзининг найзаси билан машҳур бўлган. Ҳукмронлигининг (Муъжам улбулдон, 3-жилд, 449-бет) ёзишича, найзалар Ҳиндистондан келтирилиб у ерда (Хаттда) тўғриланиб, кейин арабларга сотилган.

3. Халанж(камон) ўқи — Халанж, Ҳиндистон ва Сийн атрофларида битадиган бир дарахтнинг исми. Унинг ёғочи гоят қаттиқ бўлиб, ундан асосан ёғоч идишлар шунингдек камон ясалди. Халанж камон ўқи деб ўшанга нисбат берилди.

4. Қуёш

5. Қуръон, 8-сура, 50-оятдан.

6. Абраҳа фили — Яман ҳокими Абраҳа 570 йилда Макка қурайшларига қарши уруш бошлаб, бу урушда у филлардан фойдаланган. Шу сабабли 570 йил Фил йили ҳам деб аталади.

7. Қуръон, 105-сура, 3-оят.

8. Қуръон, 10-сура, 28-оятдан.

9. Гиёсуддин Алининг ёзишича («Дневник похода» стр. 176—187)

Темур Ҳиндистондан 1399 йилнинг март ойида қайтиб, апрелнинг охирида Самарқандга етиб келган.

10. Темурнинг ўз аскарлари билан Самарқанддан чиқиб Шомни кўзлаб жўнаши 802 йилнинг бошларига (1399 йил, сентябрь-октябрь) тўғри келади.

11. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад Темурнинг Араб Ироқига қарши биринчи юриши (1395 йил) вақтидан бошлаб гоҳ Шом ерларида гоҳ Миср султони Бақуқ ҳузурда бошпаноҳ топиб юргандан кейин Миср султони ёрдамида Бағдодда, ўз мулкида қарор топиб, унинг номи билан пул зарб қилган эди.

12. Табук — Дамашқдан Мадинага борадиган йўл устидаги бир шаҳар. Шомда бўлган румлиллар 630 йилда ўша атрофдаги арабларга қарши ташвиқ қилган. Натижада Муҳаммад пайгамбар уларга қарши жиҳодга отланган. Табук яқинида бўлган бу ғазотга боришдан бош тортган ва шу юриш учун хайр-садақа чиқаришни истамаган араблар ҳам бўлган. Бу ҳақда Қуръон, 9-сура, 38—107 оятларига ҳам қаранг.

13. Темурнинг учинчи ўғли Амираншоҳ Хуросон ҳокими бўлиб, у Ҳиротда турарди. 1393 йилда Темур ўғлига яна кўшимча ерлар бердики, натижада кенг вилоятлар, жумладан Бағдод ва Озарбайжонни ўз ичига олган Шимолий Эрон ерлари ҳам унинг ҳукмига топширилган. Шарафуддин Али Яздийнинг (Зафарнома, 349 б) ёзишича, шу пайтда (1399 йил) Самарқандга Амираншоҳнинг хотини Севинбек келиб, эрининг нодуруст хатти-ҳаракатлари устидан Темурга шикоят қилган ва унинг ичкиликка берилиб (ўз отасига қарши) исён билдириш ҳақидаги ниятларини Темурга етказган. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ Амираншоҳнинг шу зайлдаги ҳаракатларини бирмунча муболаға билан мактуб ҳақидаги ушбу афсонага йўйган бўлса керак. Ҳарҳолда Амираншоҳни отасига мактуби ҳақида бошқа манбаларда бирор хабар учратмадик.

14. Шадрод — золимликда донг чиқарган бир подшоҳнинг номи.

15. Ҳамон — Фиръвнинг вазирини. У ҳақда Қуръонда ҳам зикр қилинади.

16. Фиръван — Қуръонда (28-сура, 38-оят) зикр қилинишича у амолликларнинг подшоҳи бўлиб, уларга гўё худога сифинган-дек ўзига сифинишни амр қилган.

17. Қорун — Қуръон 28-сура, 76-оят.; 29-сура 38-оятда зикр қилинган гоётда бадавлат киши. Унинг бойликлари шу қадар беихдо кўп бўлганки, ҳазина калитини бир неча одам бир жойдан иккинчи жойга олиб қўя олмаган. Мусо пайгамбарга қаршилиқ изҳор этгани учун ер «ютиб» юборганлиги ривоят қилинади.

18. Бухтаннаср — Келдонийларнинг подшоҳи бўлиб, миллрдан аввал 604—581 йилларда Мисрга бирнеча марта ғорату ҳамлалар қилган. У Иерусалим (Қуддус)ни фатҳ қилиб, уни ёндирган.

19. Қайсар — араблар наздида Византия (Рум) ҳукмдорлари шундай аталади.

20. Хусрав — форс подшоҳларининг унвони. Жумладан сононийлар сулоласининг икки машҳур ҳукмдори Хусрав-I Анушервон (531—579) ва Хусрав II Парвиз (590—628)га ҳам ишора.

21. Туббаъ — Яман подшоҳларининг лақаби.

22. Ан-Нажаший — Ҳабаш подшоҳларининг лақаби.

23. Фағфур — Хитой императорларининг унвони

24. Бу ҳақда Қуръон, 31-сура, 12-оятга қаранг.

25. Довуд — афсонавий пайгамбар Сулаймоннинг отаси.

26. Қуръон, 27-сура, 17-оят; 21-сура, 81-оятга ҳам ишора.

27. Қуръон, 18-сура, 93-оятга ҳам ишора.

28. Қуръон, 21-сура, 107-оятдан.

29. Қуръон 9-сура, 40-оятдан.

30. Ал-Бурок — Ҳадисда келтирилишича, бу қанотли улов Муҳаммад пайгамбар билан Қуддусдаги Масжид ал-Ақсога учиб келган.

31. Масжид ал-Ҳаром — Кааба (Макка)даги бир масжид.

32. Масжид ал-Ақсо — (луғавий маъноси энг узоқ масжид). Қуддусдаги катта бир жомеъ.

33. Қуръон, 48-сура, 2-оятдан

34. Қуръон, 54-сура, 1-оятдан.

35. Қуръон, 41-сура, 42-оят.

36. Қуръон, 93-сура, 4—5-оятлар.

37. Икки Умар — черёрлардан Абу Бакр ва Умар кўзда тутилади.

38. Қуръон, 79-сура, 12-оят.

39. Ирам зот ул-имод — Қуръон, ал-фажр сураси 6-оятда зикр қилинган бўлиб, луғавий маъноси «кўп устунли Эрам» демакдир.

40. Арабларда машҳур бир ибора.

41. Қутб ал-Моусилий — ушбу машҳур найчи бошқа манбаъ ва адабиётларда, жумладан Алишер Навоийнинг «Мажлисун-нафоис» (168—169-бетлар) асарида ҳам қутб Нойи номи билан машҳур.

42. Абдулқодир ал-Мароғий — форсча манбаъларда Хожа Абдулқодир Гўянда номи билан аталадиган машҳур му-сиқачи, хаттот ва мусаввир.

43. Алишер Навоийнинг («Мажлисун-нафоис», 168-бет) ёзишича, Амираншоҳнинг йўлдан оғишида асосий сабабчи унинг уч надими бўлиб, улардан бири Хожа Абдулқодир эди. У Темур жазосидан қочиб, қаландар бўлиб, ўзини девоналикка солиб, мулкдан-мулкга ўтиб юрган ва шу тариқа қутулиб қолган.

44. Шарафуддин Али Яздийнинг (Зафарнома, в. 352 а) бу тўрида ёзишича, Темур ўғли Амираншоҳни мансабидан озод этиб, унинг маслаҳатгўйлари ва айшу-ишратдаги шерикларини қатл қилган.

45. Туркман қабилиси бўлган қорақуюнлиларнинг бошлиғи Қора Муҳаммад ўлдирилгандан кейин ўғли Қора Юсуф отаси ўрнини эгаллаб, узоқ йиллар Темурга қаршилиқ кўрсатди. Бу курашда Султон Аҳмад унга иттифоқдош бўлиб, кўп йиллар улар биргалашиб ҳаракат қилдилар.

46. Мадинад ус-салом — Бағдод шаҳрининг номларидан.

47. 802 йилнинг охирида (1399 йил, июль) Темурнинг Сивос томонида қараб отланганлигини билгач, Султон Аҳмад Қора Юсуф билан бирга ўз аҳли«авлодлари, мол-дунх нафоисларини олиб Румга қараб кетди. Бағдодда эса Фараж исми кишини валий қилиб қолдирди.





Ўқтам Ҳакимали

Ерга зарб билан босилган от туёқларининг «дупур-дупур»лари аста-секин узоқлаша бориб, охири сўнди. От туёқлари овози билан бирга бир неча кундан бери қишлоқни нотинч қилган шовқин-суронлар ҳам узоқларга кетгандай бўлди. Туғилган онданоқ юракларга муқаддас туйғу бўлиб жойлашган Ватан — она қишлоқ йўловчилар билан жимгина кўз ёшлар тўкиб хайрлашди. Орада айрилиқнинг аччиқ, кўзга кўринмас, аламли фарёдларигина қолди...

Онаси хоки чўкиб ётган қадрдон қишлоғидан кўнгил узолмай йиғлаб бораётган қизнинг қулоқлари остида инсоний ҳайқириқлар узоқ жаранглаб турди, жудолик таассуротлари ва шуури қалбидан чиқиб улгурмай, изтироблари дил соҳилларидан ошиб-тошди-да, бағри-



# УЧ УМР

Қисса

ни қайтадан қонларга тўлдирди. Уй-хаёллари, ҳис-туйғуларида жудолик дарди — қишлоқдан абадий чиқиб кетаётгани ва бошқа қайта олмаслик дарди ҳукмронлик қиларди. Жудолик аламлари ҳам лаҳзалар кечиши билан англаб, ҳис этиб бўлмайдиган мавҳум туманлар орасига синга бошлади. Кейин ҳаммаси тун пардаси ортида йўқолар экан, туғилгани, нимага яшаётгани, яъни умрининг мазмуни мутлақо мушкул бир жумбоққа айланди.

Тун ваҳмлашгандан ваҳмлашар, олдинда адоқсиз йўл, тилсиз дарахтлар ястаниб ётар, осмон, юлдузлар, ғариб, тўлишган ой совуқ порлар эди. «Одам боласи не мақсадда туғилади ўзи? Нимага турмуш қуради? Нега туну кун ҳаллослаб мол-мулк йиғади? Нега ўлади? Не учун аламлар чекади? Нимага қон йиғлайди? Бу қизиллар дегани қаердан чиқди? Нимага бойларни кўвғин қилди?» каби ўй-хаёллар ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган, орзу-ниятлар беланчагида ором олиб улғайган ўн саккиз ёшли қизнинг қалбини жароҳат-

лар, ҳаётнинг мураккаб шафқатсиз домига отарди.

Қиз қоп-қора тун қаърига тикилиб туриб бирдан сесканди, тез орада сесканиш хўрсиниш билан алмашди. Алмашгани кез тўсатдан миясига онасининг хоки ётган, яъни ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган, сувларида чўмилиб, меваларини еган қадрдон қишлоғи ҳақидаги фикр урилди-ю, беихтиёр ортига ўгирилди. Умрининг ўн саккиз фасли кечган, кўз ёшлари тўкилиб, қаҳ-қаҳалари янграган қишлоғи бу гал қанчалик истамасин, барибир кўзларига чалинмади, бирон-бир овоз ҳам эшитилмади. Демак, ҳаммаси ортда қолиб, йўқлик дунёсига кўчди. Орзу армонга айланди. Қалбига нур янглиғ кириб қўним топган қариндош-уруғлари, турткилашиб ўсган ўртоқлари, онаси, акаларини эслаб, гўё улар билан абадийликка видолашгандай ҳиқиллай бошлади. Кўзлари жиққа ёшга тўлиб, юраги чексиз-чегарасиз изтироблар орасида эзилди, эзилаверди...

Тун ваҳимаси ва қизиллар қўлига тушиб шарманда бўлиш ҳавфи йўловчилар қалбини қиймалар, икки орадаги чорасизлик эса кўнгилларидаги ташвишларини баттар орттирар эди. Қиз ўзи сезмаган ҳолда от жиловини бўшатиб, арава ичида ёш боладай ғужанак бўлиб ётган отасига юзланди. Бутун умр одамлар тилида эъзозланган ва ниҳоят кўвғинга учраб ночор ҳолга етган отасига қараб туриб, уни безовта қилмаслик учун овозини чиқармасликка тиришди — лабини тишлади. Саксон ёшларни қоралаган отасини талон-тарож қилинган мол-мулки, на уйи ва қадрдон қишлоғи ҳақида бош қотирар, балки бевафо дунёдан афсус-надоматлар чекиб жимгина ётарди. Йиғлайверишдан кўзлари

шишиб, қизарган, тинмай кўкси тинимсиз титраётган қиз оқ, узун бармоқларини отасининг тўни орасига суқиб, курақларини силашга тутинди. Чолнинг танасига хуш ёқиб, сезилар-сезилмас қимтинди. Чол қизига нисбатан меҳри ийиб, кўзларини очди. Саккиз йил муқаддам хотинидан ажраган чол эндиликда қизига суяниб қолган, умидини ҳам ёлғиз шу қизига боғлар эди. У пайтлар қиз ўн беш ёшни тўлдирганди. Шундан бери қизи ҳам умрини отасига бағишлаб, овқатига, кирига қараш билан умри ўтаётганди.

— Кунмиш... қизим...— чолнинг қақшоқ лаблари беҳолгина пичирлади. Кейин қисқа-қисқа йўталиб, аранг тилини ўнглади,— тезроқ ҳайда... Тўнғизларнинг қўлига тушмайлик. Улардан яхшилик кутиш қийин... тўнғиздай ҳамма нарсени титкиляпти. Қариганимда соқол-мўйловимни қирдириб, салламни олиб шарманда қилмасин... жонимни оллоҳнинг қўлига топшираётганимда пок қолай...— чол қийналиб ютинди ва оғирлашган қовоқларини не машаққатлар билан очиб қизига тикилди. Лекин қизнинг чеҳрасини аниқ кўришга муяссар бўлолмади.— Акаларингга берган тузимга у дунёбу дунё розиман,— дея гапини давом эттирди чол,— майли, оғир кунларимизга ярамай ташлаб қочишди... ўзим емай ўшаларга тутгандим, бошқа бойлар уч кун тўй беришса, мен акаларингга бир ҳафтадан тўй бергандим. Сени «қиз» бола деб унчалик эътибор қилмагандим. Худонинг олдида юзим қора бўлди... акаларингга олтинларим керак эди... бизларни қидириб келишармикин?

— Дадажон, кетишаётиб, сен, дадамни аравага ўтказиб, йўлга чиқавер, биз тез орада қайтамиз, дейишди, балки йўлда учрашармиз,— тушунтира бошлади қиз,— дадажон, акаларимни ўйлайверманг, бяхтимга ўзингиз соғайиб кетсангиз, бас...

Кунмиш ўнглиниб, от жиливини силтади. Узи истамаган бир пайтда болалиги ва болалиги билан алоқадор хотираларни эслаб, қалби қайтадан қайғу-ҳасратларга тўлиб-тошди.

Бўйи чўзилиб, кўкси тўлиша бошлаганди. Қовоқлари ҳам тўлишиб, туташ қошлари қалинлашган, ингичка бурнига жир битиб, болаликдан ўсмирлик фаслига кўчаётганидан дарак берар, қирқта қилиб орқасига ташлаб юборган сочлари ҳам бўйга етган қизларники каби қалинлашиб, ёшига қараганда улғу сифат бериб, дўпписини рўмол билан алмаштирган, илгаригидай акалари кучоғига отилиб эркаланмас, ҳовлига номаҳрам эркаклар кирганда ўзини панага олар, кенг кўйлак кияр, ўзи билан отаси орасига ҳам қандайдир тўсиқ тушганди... Ақли тўлишиб, ҳаё, ифбат туйғусини илк бор ҳис қила бошлаганди. У ёлғиз қиз ва кенжа фарзанд эди. Беш ёшни тўлдирганига қадар ҳаёти бошқача кечганди. Бу дунёда аёл билан эркакнинг, катта-кичикнинг фарқига бирор вақт бормаган, бундай тушунча ҳаёлига ҳам келмаганди. Баланд ва кенг, эрон, турк гиламлари ёзилган, тахмонларга қат-қат кўрпа-тўшаклар тахланиб, тоқчаларда эса олтинкумуш суви юритилган идиш-товоқлар, тўрдаги муҳташам хонада эса марҳум онаси чол — отаси билан яшар эди. Эрталаб кўзларини очиб билан у отасининг кўксига отилар, қўлларини бўйнига ташлаб, қучиб, юзини соқол-мўйловига ишқалаб эркаланар, тиззасида ўтириб чой ичар, ота ҳам қизнинг кўнглига қарар, кўтариб ташқарига чиқар, юзини ювар, овқат едирарди. Баъзан намоз ўқиётганда ҳам устига минар, лекин отаси уни ранжитмасди. Кўзи уйқуга кетгунга қадар отасининг тиззасида ўтирарди. Кўчага отланганда, кўтариб кўча адоғига олиб борар, сўнг акалари қайтариб келишарди. Отаси кўчадан қайтгунча йўлаб кунни кеч

қилар, ҳатто овқатга ҳам қарамасди. Ота ҳам эрталаб-ки намоздан сўнг қизчасининг уйғонишини кутар, ёнида ўтириб бошини силар, оталик меҳрини шу тариқа изҳор этарди. Булар бари ўтмишдаги гаплар...

Кунмиш оғир хўрсиниб ҳаёлини йиғди. Шу кез яна ўртоқлари, онаси, акалари билан боғлиқ таассуротлар таъсирида кўзлари ёшланди.

Тобора заифлашиб бораётган чол бир неча марта ўнглинишга уринди. Миясида қизи ва хотини ҳақидаги хотираларни тиклашга ҳаракат қилди. Бироқ кексалик қусури бунга имкон бермади. Юзини қоқсуяк кафтига босди-да, сўнг атлас кўрпачани оёқларига тортиди. Унинг туманга ўхшаш хира тушунчасида гоҳ марҳум хотини, унинг бевақт ўлими жонлана бориб, маълум шаклга туша бошлади. Ҳаракат туфайли қонлари оқими мўтадиллашиб, мияси ҳам озгина тиниқлашди. Фикри тиниқлашиши билан дарҳол хотинининг тирик эмаслигига ачина бошлади. Кейин ҳаёлини кутилмаганда қишлоқни тўс-тўполонга кўмган қизиллар, уйига кирган қишлоқ оқсоқоли эгаллади. Кўзлари ичига тортган, қарашларида бўри ё тулки каби йиртқичлик, фириб-гарлик аломатлари акс этиб турадиган ўша узун бўйли, турқи совуқ Исмоил оқсоқол икки йигити билан уйига кирганди. Уйини тит-пит қилиб, рўзгор анжомларини ҳар томонга отган, дастурхонни босиб, унинг қўлларини қайиришганди. «Ўғри» лақабини олган ўша ашаддий муттаҳам оқсоқол шарпаси тез орада ҳаёлидан ўчди. Фақат хотинигина қолди, холос. Сал ўтмай миясида қизчасининг бўйга етгани, турмушга беролмагани ҳақидаги фикр жонланди-ю, юрагини эзиб юборди. Бугун чолни биргина туйғу — қизини турмушга беролмагани, оқибат тентираб қолган ҳиссиётларгина қийнаётганди. Қулоқ қилиниб, қишлоқдан ҳайдалди. Қаерга, кимларнинг олдига бораёпти? Чол эрта-ми-кеч йўлда умри тугашини ҳам сезар, бироқ ўзидан кейин қизнинг аҳволи қандай кечишини ўйлаб ташвишда эди. Мана шу ташвиш унинг умрини емириб кечаётгандек эди.

Адоқсиз ўйга толган, лекин сира ўйлаб ўйига етолмаётган қиз паришонлик билан отга қамчи босди. Қамчи зарбини кутмаган от бир сакраб тушиб, яна аввалги ҳолича илгарилай кетди. Арава жанубга қараб борар, тупроқли йўлда ғилдирақлар билинар-билимас из қолдирар, от туёқлари ва ғилдирақлардан кўтариллаётган чангни эса шамол йўл четига суриб чиқарарди. Дарахтларнинг япроқлари беҳолгина тўкилар, бандлари тупроққа санчилиб, тинчишарди. Табиатнинг тунги, бир лаҳзалик маҳзун манзараси ҳам қиз қалбини бечора ва нотавон ҳолга солар, изтиробларини кучайтирар, устига устак онасининг бевақт ўлгани, қишлоғидан айрилиб, овқатсиз, сувсиз йўлга чиққани, оч қолган тақдирда кимдан, қаердан нон сўраши мумкинлиги ҳақидаги ўй бағрини эзар эди.

Сўнгсиз йўлда икки ғилдиракли кўқонарава, арава устида икки ночор йўловчи от туёқларига қараб, бошлари оққан томонга, мақсадсиз-маслаксиз, фақат жонларини асраб қолиш учунгина тентираб кетардилар. От эса ўз ихтиёрисиз — эгаларининг тазйиқи билан қадам босар эди. Егани олдида, емагани ортида бўлган бой, бойнинг арзандаси — қиз ва доим боқувда ётган, тўй-ҳашам кунлардагина улоққа чопиладиган от. Бугун уларнинг қисматлари бир-бирларига боғланиб, ораларидаги фарқ ҳам нисбатан тенглашганди. Кутилмаганда, яна тунда одамларнинг йўлга тушгани, ўзининг аравага қўшилгани ва номаълум томонга ҳайдалгани сири отга қоронғи эди. Бўйинтуруқ ва аравадан қачон бўшалишини билмасди. Биринчи кун ва тун шу тариқа кечди. Олдинда эса шунга ўхшаш ўн-

лаб тун ва кунлар навбат кутишаётганди.

От жilовини ўқтин-ўқтин тортиб, бежавотир қамчи босаётган қиз эса боражак манзиллари, дуч келадиган одамлари, отасининг соғайиш-соғаймаслиги, эртадир-кечдир турмушга чиқиш, лекин тақдир уни қандай одам билан боғлаши, икки орада кечадиган ташвишу можаролар, туғилажак болалари ҳақида бош қотирарди. Шу ерда фикри узилиб, отаси ҳақидаги хаёлларга банд бўлди.

Баъзан ёш боладай инграб, баъзан инқиллаб, арава ҳаракатига монанд силкиниб йўл қисқаришини кутаётган чолнинг миясини ҳам қизнинг келажаги ҳақидаги ўй эгаллаганди. У тезроқ ўнглиниб кетиши, бирор хилват ер топиб жойлашиш, халқ тинчигач, Қобул ё Қашқарга ўтиб кетиш, умрининг сўнгига тоат-ибодат қилиб, у дунёга пок имон билан кетиш ва арзанда қизини бирор мўмин-мусулмонга узатиб, шу билан оталик бурчини ўрилатиб, марҳум хотинининг васиятларини бажариш ниятида қоврилар эди. «Қизиллар отиб ташлармиш», қабилидаги миш-мишлардан кейин мол-мулкларини шошилчинч отларга ортиб ғойиб бўлган ўғиллари ҳақидаги ўйлар ҳам миясининг бир чеккасида тикланар, ота ва сингилни ёлғиз ташлаб қочишлари сабабини англолмай гаранг эди. Ўғилларининг қайтиб келишларига эса гумон билан қараётганди.

Буйинтуруққа кўникмаган от эса оғир аравани не машаққатлар билан тортар, қора терга ботар, оёқлари ораси кўпириб олдинга интилар, беда, сув ва иссиқ отхонани кўмсаб пишқирарди.

— Кунмиш, қизим...— Қариянинг хаста овози қизни беихтиёр ёнига ўгирилишга мажбур этди.

— Лаббай, дадажон!

— Чироқ кўринмаяптими? Бир култумгина чой ичгим келаяпти... Сенга ачинаяпман... сенга қийин... ақалли онанг раҳматли ҳаёт бўлганда...

— Дадажон,— дея нимчаси чўнтагидан қўлини суғуриб отасининг билагига босди,— чироқ кўринмайди, ақалли ит овози ҳам эшитилмайди, шошиб, чойнак, чой олишни унутибман. Холаларим ҳам эсимга солишмабди...

— Майли, насиб қилгани бўлар, аравани ҳайдайвер. Акаларингдан яшириб юрган қўтичани олганман... олтинларни, пулларни эҳтиётла... бир кунингга яраб қолади...

— Дадажон, менга олтинлар ҳам, пуллар ҳам керакмас... сиз соғайиб кетсангиз бас.

«Олтинлар ҳам ўлсин,— хаёлидан ўтказди қиз,— шу олтинлар, пулларни деб акаларим бутун умр жанжаллашди. Оқибат бизларни ҳам ташлаб қочишди. Одамларда инсоф йўқ. Уларга олтинлар, пуллар, хотин-болалари бўлса кифоя... ота билан ҳам, сингил билан ҳам иши йўқ. Эртага қаришади, отамнинг кунига тушади-да, шунда ҳаммасини англайди-ю, бироқ унда кеч бўлади...»

— Орқада ҳеч ким йўқми?

Қиз елкаси оша ортига назар ташлади.

— Йўқ,— деди кейин кўнгли бир оз таскин топиб.

— Йўлга чиққанамизни биров кўрмадимикин?

— Кўрмади. Фақат қишлоқдан чиқаётганимизда кимдир девор устидан узоқ қараб турди... танимадим...

— Ким экан-а? Танидимикин? Илоё, қизилларга ҳабар қилмаган бўлсин-да...

— Худо урдими, хабар қилмас...

Кутилмаганда ўнг томондаги дарахтларнинг биридан катта бир қуш ҳуркиб учди, қизнинг нақ бурни ёнидан ўтиб, қаёққадир йўқолди. Қизнинг юраги шувиллаб, қалтираб қолди. Қонлари миясига тепиб, бирмунча

вақт гангиб турди. Титраб, отасига юзланди. Нафасини ростлаб, ҳовлиқиб, атрофга аланглади. Чиндан ҳам қуш учиб ўтгани, ён-вериди одам қораси кўринмаганига обдон ишонгач, ҳушини йиғиб, отга қамчи босди. От бир неча қадамгача лўкиллаб борди-да, яна шаштидан тушди.

Чол тинчгина тин оларди. Қизнинг миясини даб-дурстдан йўл тўсиб чиқиб қолиши мумкин бўлган қароқчилар, уларга дуч келган тақдирда қандай ҳолга тушиши, нималар қилиши ҳақидаги фикр камради. Қизиллар, қароқчилар билан боғлиқ фикрларини миясидан чиқариб ташлаш учун зўр бериб уринди, чиқариб ташлади. Урнини бошқа хаёллар эгаллади. Миясида турли-туман фикрлар ғужғон ўйнар, бироқ у керак, ноқераклигини саралай олмай қийналарди. Ниҳоят, миясини онаси ҳақидаги ўй эгаллади-ю, зудлик билан бошқаларини қувиб чиқарди. Онаси...

Узун бўйли, озғин, кўзлари катта, киприклари узун, дока рўмолини бошидан аритмайдиган, намозни ҳам қанда қилмайдиган, эри, тўрт ўғли ва бир қизининг кўйида туну кун елиб-югурадиган камсуқум, олийжаноб, ифбат борасида тенгсиз онаси сирқовланиб, охири кенжа ўғлини уйлантираётганда қаттиқ иситмалади. Келинининг чақиригига оёқ учиди зўрға борди, борди-ю, оғзи-бурнидан тирқираб қон отилди. Аёллар уни чалқанча ётқизишди. Бир неча соатлардан кейин ҳушига келиб, кўзларини очди. Эҳтиётлаб аравада уни уйларига олиб қайтишди. Уйда ҳам ўша ҳол икки марта такорланди. Бир ҳафта ичида оёқ-қўллари дўмбирадай шишди, жума куни тонгга яқин узилди... Одамлар: «Жаннати аёл эди, жума куни узилди, тўғри жаннатга киради», дея марҳумни алқашди. Тун бўйи онаси ёнида йиғлаб, тўлғаниб чиққан қиз, пешинга яқин мурдани олиб кетаётганларида ҳушидан ажраб йиқилди... янгалари суяб, уйга олиб кирдилар. Онасизлик фаслининг ҳасратларига чидолмай бир ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётди. Онасизлик фасли билан бирга овқат емаслик, сув ичмаслик фасли ҳам бошланди. Олам бўм-бўш эди. Онаси билан бирга барча орзу армонлари ҳам тугаганди... назарида қушлар нолон-нолон сайраб, унинг онасини сўроқлар, молхонадаги моллар ҳам унинг онасини кўмсаб ғамгин-ғамгин маърашарди... онасидан кейин хонадондан фаришта кўтарилди. Акалари, қариндош-уруғлари ҳам онасининг ўрнини босолмади. Биргина илинж ва юпанч — отаси эди. Энди отасига суянар, бироқ онасидай эркалана олмас, дардини ҳам ёзолмас, жимгина термилиб, жимгина саломлашиб чекланар эди. Удумга кўра, онасининг қирқидан кейин кексалар отасини уйланишга ундади. Бироқ отаси: «Бунақа жаннати аёлни тополмайман, у дунёда хотиним олдида юзимни қора қилмайман, қизим омон бўлса, овқатим, кийимимга қарар» дея рад этди. Онасининг йили ўтиб, кўк ташлаганидан кейин яқин-йироқдаги бойларнинг ўғилларидан Кунмишга совчилар кела бошлашди. Қиз эса турмушга чиқиш нияти йўқлиги, уч-тўрт йилдан кейингина розилик беришини айтиб совчиларни қайтараверди. Аслида эса мунглиғ отасини янгалари қўлига ташлаб кетолмаётган, унинг қаровсиз қолишини ўйлаб, муҳлатни орқага сурасётганди.

Қиз беихтиёр хўрсинди. Хўрсиниб, тариқдай сочилиб кетган фикрларини жамлашга уринди. Лекин ҳадеганда жамлолмади, миясига, юрагига қадалиб турган муқаддас туйғу, ўй — онаси ўрнини аста-секин паст бўйли, қулча юзли, доим чап кўзи, чап лаби учиб турадиган чўри аёл эгаллади. Қиз болалигидаёқ чўри бўлиб бой хонадонига келган ўша аёлни Азамат бойнинг ўзи тарбиялар, қиз ўрнида қўшчисига тур-

мушга берган, шу билан фарзандига айланганди. Кунмуш ҳам мана шу бахтсиз аёл қаршисида бурчли эди. Онаси ўлимидан кейин эса унга мутлақо суяниб қолди. Чўри аёл ҳам тутинган онаси ўлимидан сўнг териси устихонига ёпишиб, озиб кетди. Кунмушнинг сирдошига айланди. У доим: «Бекам, сиз турмушга чиқасиз, кейин бу хонадонни тарк этаман...» дея кўнглини изҳор этарди. Эрталаб ўша аёл қон-қақшаб ортларидан йиғлаб қолди. Улар билан йўлга чиқолмади, болалари, эрини ташлаб кетишга кўзи қиймади. Фақат узоқлардан кўл силкиб: «Бекам, қаерга борсангиз, хабар беринг, кўргани бораман, отамларни эҳтиёт қилинг!», дея фарёд чекиб, уларни кузатди.

— Инқилобни ҳам, қизилларини ҳам ер ютсин,— дея шивирлади қиз фикрини йиғиб ва отасига юзланди. Чол туришга тиришар, лекин туролмай қийналарди. Ердан бериш учун кўл чўзган қизнинг ҳаракати ҳам самара бермади. Чол урина-уринга тинчиди.

— Қизилларда мутлақо инсоф йўқ,— минғирлай бошлади кейин у,— бойлигимни тортиб олиб ҳам тўйишмади. Бой ҳам, камбағал ҳам осмондан тушиб қолмаган-ку. Бойлик менга ота-бобомдан мерос. Бойлигимни тортиб олдингми, ўзимга ҳам озгина ер ташла. Бир кунимни кўрай. Бирор замонда одамлар ватанидан бадарға қилинмаган, бойлиги ҳам тортиб олинмаган. Калтак ҳам емаган... Қизиллар муллаларни отиб ташлашяпти. Тавба! Инқилоби вайронагарчиликдан бошланса, охири нима бўлади? Оқпошшо ҳам бунчалик халққа зулм ўтказмаганди... илгарироқ ўлганимда, жасадим ватан тупроғида қоларди. Товба! Бу қанақа ҳуқумат?! Уғри, муттаҳам, каззобларни раҳбарликка кўтараяпти... Исмоил бутун умр ўғирлик қилганди. Оқсоқол бўлди. Қамбариддин қози эди, энди раисликка кўйилди. Эрта ё индин ўшаларнинг бири менинг уйимга кириб олади.

— Кунмиш, қизим, акаларинг қайтса, тайинла, Исмоилни сўйиб ташлашсин... сўйишмаса, икки дунё улардан рози эмасман... сўйишса, берган тузимни оқлашади...

— Дадажон, кўнглингизни бузманг,— далда берди қиз отасига.— Акаларим қайтишса, албатта айтаман. Худо Исмоилга ҳам кўрсатар, ақалли болаларидан топар...

— Утган йили келган совчиларни қайтармаслигим керак эди... Бир кунимни кўрардим. Мени деб ўтириб қолдинг. Опанг раҳматлик: йилимдан кейин Кунмишни узатинг, деганди... васиятини бажармадим, арвоҳи чирқираяпти... Ҳадемай одамлар бир кўрпада ётармиш, бир қозондан овқатланармиш... «сеники», «меники» деган гаплар йўқолармиш...

— Дадажон, одамлар билиб гапиришаётгандир...

— Худо ўша кунларни кўришдан асрасин! Сени узатганимда, оёқларимни бемалол узатиб кетардим...

— Дадажон, мени ўйлаверманг, пешонамдагини кўрарман. Соғайиб кетсангиз, бир амаллаб сизни боқарман. Зўр келса, бировнинг уйига чўри тушарман...

— Чўрилиқ...— гўлдиради чолнинг кўнгли бузилиб,— кимсан — Азамат бойнинг қизи чўри бўлса... бутун умр кўлингни совуқ сувга урдирмагандим...

Чол жимиди. Елкалари титраб, узоқ вақт ҳиқирлаб турди. Етти отаси топармон-тутармонликда ўтган, ҳеч кимга сўзини бермаган собиқ Азамат бой учун қизининг чўрилиқка тушиши чиндан ҳам даҳшатли ҳол эди. Бундай даҳшатга тушмаслиги мумкин эмас эди. Қиз от жоловини тортиб, отаси томон сурилди. Елкасини силаб:

— Дадажон, йиғламанг...— деди мажруҳ оҳангда,— сиз учун ҳам, онам учун ҳам мен йиғладим, йиғлаб

бўлдим... Энди отам, онам, акаларим ҳам ўзингизсиз...

Кунмиш отасининг елкаларини силаб-сийпаларди, очилиб қолган оёқларини кўрпача билан ёпиб, кўнглини олиш йўлини излади. Умри бўйи бирор одам қаршида бош эгмаган, ҳар қандай ишни олтинлар эвазига битирган донгдор Азамат бой — отасининг йиғлаётганини илк бор кўриши эди. Боз устига эркак зотининг йиғисини... Гўё руҳдай туюлган, қизи учун доим муқаддаслик касб этган отаси қизиллар таъқибидан сўнг бирдан юксакликлардан қулаб тушиб, оддий одамга айланиб қолгандай эди. Бирор вақт йўлини кесиб ўтолмай, олдида ўтириб чой ичишга ҳам журъат қилолмаган отаси қизининг кўз ўнгида нотавон одамга айланди, бечора отаси кўра-кўра молларидан, тилла, олтинлари ва қасрни эслатадиган муҳташам уйдан ажралди. Мана шундай юксаклик — муқаддаслик шоҳ-супасидан тубанга қулаш, оддий инсон боласи қаторига қўшилиш қиз учун ҳам даҳшатли манзара эди. Унинг мўрт юраги мана шу даҳшатни ҳазм этолмай эзиларди.

— Қизим, отни тезроқ қамчила, худобехабарлар ортимиздан етиб келмасдан, хилватроқ ерга етиб олайлик,— деди чол ҳам руҳий, ҳам жисмоний толиққан қизига,— хийла тузукман. Бир пиёлагина иссиқ чой ичсам... Барибир, акаларингга инсоф йўқ. Ота ўғилни оғир кунимга ярайди, деб ўстиради...

— Дадажон, шу кетишда балки бирор қишлоққа етармиз. Бирор чойнак чой сўрайман...

— Юравер, олдимиздан қишлоқ чиқиб қолар.

Ота устма-уст қамчи босилди. От истар-истамас олдинга талпинди. Кеча зимистон ва тинч эди. Му-саффо кузак осмонда юлдузлар маъсумгина порларди. Дарахтларнинг шоҳларини ўқтин-ўқтин энгил шамол тебратар, япроқларни тўкар, яримта ой эса Фарб уфқига беҳолгина чўкиб борарди. Йўловчиларни бир томондан етиб келиши мумкин бўлган қизиллар ҳақидаги ўй эса, иккинчи томондан, қаршидан дафъатан чиқиб, тунаб кетадиган қароқчилар таҳликаси қийнардди. Кутилмаганда қизнинг тасавурида эндигина нон узиб дастурхонга қўйиб, чой ичишга ўтиришганда ҳовлига Исмоил оқсоқол икки йигити билан кириб, тинтув қилгани, чойдан бенасиб этгани жонланди. Қизнинг отаси ғазабланиб Исмоилнинг юзига шапалоқ торган: «Уғри, уйимни тинтув қилишга нима ҳақкинг бор?! Кунни кеча одамларнинг уйини тунаб, кўчада тентираб юргандинг. Инқилобингдан ҳам, қизилларингдан ҳам кўрқмайман. Мол-мулклар ота-боболаримдан мерос қолган. Эсимни таниганимдан бери камбағалга қайишдим, замон озгина тинчиса, қайтиб келиб, аввал сени сўйиб ташлайман...» деганди. Исмоил ҳам кўзларини ўйнатиб, лабларидан тупук сачратиб: «Замон бизларга қайишади, имонсиз бой! — дея ўзи қўлларини ушлаб, йигитларига роса калтаклатганди. Уринглар! Улдинглар!», «Ифлослар, ўғрилар! Отамни қўйиб юборинглар! — дея Кунмиш ҳам ўкириб эркакларга ташланган, юзларига чанг солиб, юлганди,— акаларим қайтиб келса, сенларни сўйишади. Талончилар, отамни эмас, мени урларинг!» Исмоил жазавага тушиб, қизилларни бошлаб келиш мақсадида ташқарига чиқиб кетганди. Кунмиш отасини аравага ўтқазиб шошилиш йўлга тушганди. Кейин, кейин адоқсиз йўл бошланди...

От бечора ҳамон йўловчиларнинг раъйига қараб илгарилар, эгаси доим эъзолаган, беда, сув ва емни қўмсаб, баъзан ҳазин-ҳазин кишнарди. Ҳамон калтак зарбидан инграб, мункайиб бораётган чол роҳат-фароғатда яшаган даврларини хотирлар, тасавурида ўғиллари ва мушфиқ, садоқатли чўри аёл, қаср янглиғ қойил-мақом уйи, моллари тикланар, инқилоб ва қизилларни эслаганда эса юраги қисилиб, ҳансираб

қоларди. У тинимсиз шулар ҳақида бош қотирар, бироқ қизилларнинг раҳмсизлиги сирини англаёлмай бўғиларди. Инқилоб ва уни амалга ошираётган қизиллар назарида фақат қон тўкиб, одамларни калтаклаш, мол-мулкларини талон-тарож қилиб, ватанларидан бадарга этишдан бўлак нарсани билишмасди. У бирор вақт кексалардан шу кунгача заминда бундай даҳшатли воқеалар кечганини эшитмаганди...

«Мол-мулкимни тортиб ол,— тинмай ўйларди чол,— ўзимга ҳам озгина ер қолдир, бир-иккита мол бер-да. Мен ҳам сенлардай худонинг бандасиман. Ватаним, жигарларимни ташлаб қаерга бораман?! Инсофли одам шундай йўл тутди... Сенларнинг йиртқичлардан фарқинг йўқ...

— Дадажон, тетиклашдингизми?

— Бир нави тетиклашдим, ҳайдайвер,— деди чол гарчи тоби илгарига қараганда оғирлашса-да, сир бермай,— барибир кўлимиздан нима ҳам келарди. Оллоҳнинг истагани шундай, назаримда. Улимдан қочиб қутилиш қийин. Фақат сени кўзим қиймаяпти... ақалли онанг ўлмаганида... акаларингга эса инсоф йўқ...

— Дадажон, майли, акаларимни қарғаманг, унибўсишин...

— Майли, умрларини берсин, бизларни ташлаб қочгани яхши бўлмади... оллоҳга шак келтиришди... Афғонгами, Эронгами ўтиб кетишади, бошқа ортларига қайтишмайди. Умидим худодан. Худонинг саховати кенг. Сенга аталган саховати ҳам бор... Қизим... Мен қаттиқ ухлаб қолсам, қишлоққа қайтма, бошқа қишлоқларга кет...

— Дадажон, қаттиқ ухлаб қолманг... Мени қўрқитаяписиз...— шивирлади қиз кўзлари қайтадан ёшланиб,— тузаласиз, ер сотиб оламиз, уй қурамиз... ўзим сизни боқаман. Ҳозир бирор қишлоққа етамиз, чой дамлаб чиқаман...

— Кунмиш, ҳозир одам одамга қарайдиган вақт эмас.— Ит эгасини танимади. Одамлар қизиллардан қўрқиб бор-бурдини яшираяпти. Инқилоб шундай бошланса, билмадим, оқибати қандай бўлади?! Қизилларнинг қўллари «от-от»дан, «сўй-сўй»дан бўшамайди. Бундай замонда худо жаноза буюрса ҳам катта гап...

Чол сукутга толди. Қиз от жоловини силкиб, тезроқ юришга ўндади. У оч назар билан ён-верига, олди-ортига қарар, бирор ердан милтираётган чироқ шуъласини изларди. Бироқ кўзларига бирор шуъла чалинмас, гўё одамлар бу дунёни ташлаб номаълум ёққа бош олиб кетгандай туюларди. Бирдан қизнинг миясини ўймакорлик билан ишланган ва устунлар тикланган кенг; пештоқи ҳам ўймакорлик санъати билан ажойиб қилиб безатилган ранго-ранг айвон, айвондан тўғрига кириладиган икки уй, бир даҳлиз, салгина пастроқда ҳам худди шундай икки хонадан иборат икки даҳлизли уй, эроний гиламлар тўшалган ва шойи пардалар тутилиб, тахмонга қат-қат духоба, атлас кўрпа-кўрпачалар тахланган, токчаларида эса кумуш, олтин сувлари юритилган чинни идишлар териб қўйилган мухташам қаср — уйлари ҳақидаги фикр эгаллади. Қиз оғир энтикди. Саройларга тақлид қилиб қурилган ўша қасрда илк бор отаси кўз очган, онаси эса узатилиб келиб, сўнги кунларигача умр кечирган, акалари, кейин ўзи туғилганди. Кунмиш юқори томондаги уйда аввал онаси, отаси, акалари ва гиламлар, тоқилар, пештоқдаги безакларни кўрганди. Онасининг қайноқ, лаззатли сути таъмини ҳам шу хонада илк бор сезганди. «Ота-она» сўзига ҳам тили мана шу уйда ўрганди. Кейин ўн саккиз йиллик беғубор фаслини ҳам шу гўшада кечирди. Ун саккиздан кейингилари эса йўлда кечаяпти, бу йўл яна қанчага чўзилади? Қачон ва қай ҳолда ниҳояланади?!

Бу фақат худогагина маълум... ойнинг ярми ёруғ, ярми эса қоронғу... ёруғ тугаб, қоронғулик фасли бошланди, табиийки, ёруғ фаслига ҳам навбат етади... чунки, эшитишига қараганда худо инсонга уч марта бахт ва бахтсизлик адо этади... бахтининг ҳам, бахтсизлигининг ҳам биттадан фасли такрорланди...

Акалари уйланишганда ташқи-ичкари ҳовли одамлар билан лиқ тўлганди. Узоқ-яқин шаҳар, қишлоқлардан не-не бойлар бу хонадонга ташриф буюришган, отаси, кимсан Азаматбой эл-эллатга бир ҳафта тўй берганди. Қамбағал ҳам, етим-сағир ҳам роса яраганди. Азаматбой ҳар ой дошқозонда палов дамлаб камбағал-фақирларга илтифот кўрсатар, кийим-бош, қанд-курс, ош-нон улашарди. Раъият уни алқаб қайтарди. Онаси ўлганда ҳам ҳовли одамларга тўлди. Бу гал фақат ўйин-кулги бўлмади. Кўк кийилди. Йиғи-сиғи билан тонг оттирилди. Йиғи-сиғи билан кун ботирилди. Отаси ҳам икки букилиб, эсидан ажраш даражасига етди... каттадан-кичик, ёш-қари қаршисига бирдай бош эгадиган, йўл бўшатишадиган донгдор бой бугунга келиб ватанидан қувилиб, калтакланиб йўлда қаёққадир тентираб бораёпти... Саксон йил роҳат-фароғатда кечган умри бир пасда хазон фаслига юз тутди. Инқилоб сардорлари — қизиллар бир зумда уни инсон салмоғидан чиқариб бир четга суриб ташлади. Ўғиллари эса бойликларни олиб қаёққадир жуфтаси ростлашди. Акалари борида эътибор қозонмаган қиз эндиликда отасининг кунига яраёпти.

— Чироқ кўринмаяптими?

— Йўқ, дадажон! Назаримда бу атрофдаги одамлар ҳам қаёққадир қочишган... Ё ухлашаяптимикин?

— Хўроз чақирмадими?

— Йўқ.

— Етти оға-ини юлдузлар чиқмадими?

Қиз кун чиқиш томонга қаради. Чарақлаётган юлдузларга тикилди. Излаб ниҳоят юлдузларни қидириб топди. Етти оға-ини юлдузлар ярим терак бўйи кўтарилиб, тинчгина чарақлаб турибди. Гўё сув сатҳидаги нурли ҳалқачаларни эслатарди.

— Дадажон, чиқибди,— деди қиз мамнун.

— Ҳадемай тонг ёришиб, одамлар уйғонишади. Номозхонлар туришгандир...

Чол урина-урина аранг кўзғалиб, елкасини арава тахтасига тиради. Қўрғошиндай оғирлаб кетган қовоқларини не азоблар билан очиб, қоронғулик қаърига тикилди, кейин қорамтир товланаётган осмон ва юлдузларга синчковлик билан назар ташлади. Саксон йилдан бери кўзларига бир хил товланиб кўринган кўҳна осмон, бирдай шуълаланиб турувчи юлдузлар, бир хил тун инсон умрининг ўткинчилиги, фақат янгилиниб туришини ва борлиқнинг абадийлигини ёдига солар экан, ўй-фикрлари ва уларга таъсирини ўтказиб, ифодаланувчи олам зерикарилик туюлди. Илгарилари одам ва оламни кузатиб зерикмас, аксинча, ҳавас билан уларга интилар, яшаш эса шарафга айланиб борарди. Бугун эса... демак, кексалик-ҳафсаласизлик, совишлик... Ешлик эса иштиёқ, еб тўймаклик, яшаб қаримаслик экан...

«Ўғилларим қаерга кетишди экан? — деган хаёл чолни яна бир бор энтикишга мажбур этди,— нимага, бизларни ташлаб кетишди? Қўллари боғланиб қолишдан қўрқишдими, барибир, бизларни ташлаб кетишга ҳақсиз эдилар-ку...»

Чол миясидаги бемақсад оқаетган ўй-хаёллари орасидан ўғилларига тааллуқлиларини саралаб олишга муяссар бўлди. Кўз олдида бўйдор, елкалари қудратли, эндигина қорин қўя бошлаган, турқи раҳмсиз, киприклари онасиникига ўхшаш қалин, пахмоқ қошли, икки юзи қип-қизил, зарбоф тўнини елкасига ташлаб

юрвчи, соқол-мўйлови бежирим тарашлаңган тўнғич ўғли келиб тўхтади. Камгап, тутганини кесадиған, ҳа-мияти кучли шу ўғлини бошқаларига қарағанда ортиқроқ суярди. Ор-номус учун ўлимига ҳам тик борадиган Сарвар исмли тўнғич ўғли туғилганда чол роппа-роса йигирма икки ёшни тўлдириганди. Тўнғич фарзанди ўғил бўлганидан терисига сиғмай қувониб, кўз тегмасин деган ниятда, қизил духоба дўпписига тумор ва кўзмунчоқлар тақиб қўяр, тунлари эса ўзи олиб ётар, баъзан номоз ўқиётганида осилиб, безовта қилса-да, ранжиди. Еру кўкка ишонмаган ўша ўғли оғир дамларида кунига ярамади. Отасидан кўра мол-мулки ҳирси устун келди. Суннат тўйида, уйлантириганди халққа бир ҳафтадан тўй бериб, уч кун улоқ ҳам чоптирган, улоққа эса ўнлаб қўй, сигир ва туялар тикканди.

«Одамдан ҳам тубан жонзот йўқ экан,— ўйлади чол нимжон бармоқлари билан кўз милкларини арта туриб,— ўз пушти камарингдан яралган боланг ташлаб қочади... умр бўйи бир ёстиққа бош қўйган жуфтинг ҳам баъзан бевафолик қилади... яна ким билади, ёшликка бориб, гуноҳларга йўл қўйгандирман...

Чол қафтларини тиззаларига босиб, бошини эгганча сукутга толди. Сукутга толар экан, беихтиёр марҳум хотинини эслай бошлади. Бўйдор, умрбўйи жир битмаган, номозхон, бирор вақт ифбат чегарасини бузмаган, буни ҳеч қачон хаёлига келтирмаган ўша хотинидан бошқа гаплар бекор экан... бояқиш аёл то кўзи юмилгунча эрининг парвоңасига айланди. Ҳатто ўғиллари олдига сарпойчан чиқмаган ўша аёлга қанча топинса ҳам кам экан. Раҳматлик ўлаётганида: «Дадаси, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай кўнглингизни ранжитган бўлсам, гуноҳларимдан ўтинг, у дунёда тинчгина ётай...» деганди. Чол ҳам кўзларига ёш олиб: «Ойқиз бону! Мени ҳеч қачон ранжитмадинг, сендан у дунё — бу дунё розиман, оллоҳ сенга жаннатдан жой берсин... худодан сўра, тезроқ мен ҳам ёнингга борай...», дея сўнги сафарига кузатган эди...

— Дадажон, соғайдингизми? Кўкарган ерларингиз оғримаяптими? Қизилларда инсоф йўқ. Кексалингизни ҳам инобатга олмай калтаклашди...

— Бир оз тузуман. Оғриклар ҳам босилгандай... — деди чол ўй-хаёлларини бир нави тарк этиб ва чап қўлига аста ёнбошларида-да, кўзларини юмди.

— Дадажон! — деб юборди кутилмаганда қизнинг кўзларида шодлик чўғлари яллиғланиб.— Чироқ кўринди! — у озгина жимиб, кўзларим алдамаяптими, чиндан ҳам чироқ кўриняптими, деган маънода фарб томонда милтиллаб шуълаланаётган нурни жиддий кузатди. Бу гал чироқ шуълаласи тиниқлашган эди. Дадажон, аравани тўхтатайми?

— Чироқ томонга ҳайда, мазам қочди, қизиллар кўрса кўраверсин,— уқтирди чол астойдил.— Бир пиёла чой ичиб, кейин йўлга чиқармиз.

Қизнинг қалби олий бир иштиёқ ҳиссига лиммолим тўлиб, зудлик билан отга қамчи босди. Энди у тезроқ чироққа етиш, чой топиб отасига ичириш, шу билан умрини узайтириш ниятида ўртанаётганди. Кунтон овқатсиз, сувсиз аравани тортиб отасига ичириш, шу жонивор — от ҳам бу пайтга келиб беҳад толиққан, фақат қамчи зарби билан мажбуран олдинга интилаётганди. От ҳам чироқ шуълаласини сезган, қулоқларини динг қилиб, гоҳо шуъла томон қараб қўярди. Кўринган, яъни туюлган чироқ асли узоқда эди. Ярим соатлар чамаси йўл босилгандан кейингина чироққа етилди.

— Дадажон, қишлоққа етиб келдик,— деди қиз хуш кайфият билан,— назаримда одамлар эрталабки номозга туришмаган...

— Қўлингга қамчи олиб қишлоққа кир,— тушунтирди чол,— итларга эҳтиёт бўл.

Кунмиш оёқлари учини ғилдирак тирагичларга босиб ерга тушди. Тушди-ю, оёқлари қалтираб ўтириб қолди. Увишган оёқлари ҳолсиз титрар, гўё оёқлари йўқолиб, танаси муаллақ осилиб тургандай туюлар, қўзғалишга қўрқиб гоҳ ўнг, гоҳ сўл оёғини кўтарар, босар, дам ўтмай яна такрорлар эди. Узоқ ўтириш оқибатида увишиб эзилган томир ва пайлари аста-секин аввалги ҳолига қайтиб, қон оқиши мўътадиллашди. Ёқимсиз таассурот тинди. Ниҳоят қаддини ростлаб, қамчинни қаттиқ сиққанча шўра ва янтоқлар оралаб қишлоқ томон юрди. Гувала деворлар билан кўтарилган пастак молхона ортида ётган сигир-бузоқлар тинмай кавш қайтарарди. Одам шарпасини сезишгач, ҳуркиб туришаркан, думларини оёқлари орасига суқиб керишарди. Эшакдай келадиган кўппак ит вовуллаб ташқарига чиқиб, дарҳол изига қайтди, эшикдан тумшугини чиқариб қайтадан вовуллай бошлади.

— Кет! Кет, кўр бўлгур! — дея қиз ерга чўкиб, бирон-бир одамни кўриш умидида овоз берди. Итнинг бемаҳал акиллашидан уйғонган хонадон эгаси қора тўн кийган, бошига белбоғини салла қилиб ўраган ўрта бўйли киши эшикдан мўралаб атрофга алангар экан, қизга кўзи тушиб, итга пўписа қилди. Ит думини қисиб қочгач, хонадон беги қиз томон яқинлашди. Олтимиш ёшлардаги мезбон таажжуб билан қизни узоқ кузатди. Тонг отарда уйи атрофида қиз болани кўриш мезбон учун кутилмаган воқеа эди. Қиз қўзғалиб, мезбон томон силжиди.

— Ассалому алайкум! — деди қизнинг овози титраб,— маъзур тутасиз... узоқ сафарга кетаётувдик, отамларнинг товлари қочиб, бир пиёлагина чой сўраяптилар...

— Ваалайкум ассалом! — мезбон қизга яна ҳам жиддийроқ тикилди. Қиз қайсидир аломатлари билан мезбонга таниш кўринар, бироқ қайси аломатлари билан кимга ўхшаётганини тез орада фарқлолмади. Нимадир ихтиро қилгандай шодланиб жилмайди,— қизим, танишга ўхшайсан, овозинг ҳам қулоғимга таниш туюлди. Отанг қаердалар?

— Йўлда, аравада қолдилар...

— Мусофир экансизлар,— минғирлади мезбон ва «бу қизни қаерда кўрганман-а?», дея ўйлай бошлади. Барибир эслолмади.— Қизим, бир кун минг кун бўлмайди,— дея у гапини давом эттирди.— Отангни олиб кел, озгина дам олсинлар, кейин йўлга чиқарсизлар... ҳойнаҳой, номоз ўқисалар керак...

— Уқийдилар... товлари қочиб турибди, келармикинлар?..

— Шошма, сен шу ерда туратур,— мезбон пилдираб ҳовлига кириб кетди. Тез орада эллик ёшдаги юпунгина кийинган, калта бурунли, кенг юзли, юзининг пастки қисмини сепкил босган аёл — хотинини бошлаб чиқди.— Сен меҳмон қизни ичкарига олиб кир, мен оталарини олиб келаман. Чой дамла, сут ҳам пишир...

— Чиройли қиз, хуш кўрдик,— хонадон бекаси қиз билан кўришди,— қани уйга марҳамат қилсинлар. Бемаҳалда йўлга чиқибсизлар...

— Ассалому алайкум, отахон! Қалайсиз? — деди хонадон беги ва чолнинг юз-кўзларига қараб туриб бирдан ранги оқарди, боз устига титрай бошлади.— Азамат ака... дудуқланди кейин,— наҳотки худо сеvimли бандасининг бошига шундай оғир кунларни солса, ахир, сиз бутун умр камбағалларга қайишган эдингиз-ку! — у жимиб чолни бағрига босди-да, юзини юзига сурди.— Ҳазрат! Узингизмисиз? Ташландиқ аравага ўтириб қаерларга кетаяпсиз? Остингиздан осмонга сапчийдиган

тулпор аримасди... наҳотки девонаи Машрабнинг кунига тушдингиз!

— Қодирқул! Худо сизни қаердан етказди? — шивирлади чолнинг кўзларига ёш қалқиб ва ҳиқирлаб, мезбоннинг елкасига бир неча дақиқа ушлаб турди, — қизиллар бошимга шундай кунларни солди... чўққадан инсоф кутиш мумкин, лекин булардан инсоф кутиб бўлмайди... инқилоб дегани ваҳшийликдан иборат экан. Бундай қора кунларни ота-боболаримиз ҳам эшитмаган эди. Мол-мулкимни тортиб олишди, калтаклашди, устига устак ватанимдан ҳайдашди... эрталабдан бери бир пиёла чойга муҳтожман...

— Ҳазрат, опичинг, уйга олиб бораман, — мурожаат этди Қодирқул оқаётган кўз ёшларини артиб.

— Қодирқул, уриб танамни моматалоқ қилишди, сирқираб оғрияпти. Аравадан туширманг. Бу ерларга қизиллар ораламадим!

— Ҳозирча оралаганича йўқ. Юраверинг. Келишса чопиб ташлайман. Сизни бировнинг қўлига бериб қўядиган аҳмоқ йўқ.

Чолдан кўп эҳшиликларни кўрган Қодирқул бир оз юрагини бўшатиб, енгил тортгач, отни етаклаб ўнг томонга бурди. Эшик олдида аравани Кунмиш ва хонадон бекаси қаршилади.

— Дадажон, бораман десам, муллакамлар қўймадилар, уринманг, ўзим кўтариб тушираман, — деди қиз аравага чиқиб.

— Ассалому алайкум! — овоз берди хонадон бекаси — паст бўйли бўлалик аёл рўмоли учлари билан юзини яшириб. — Хуш кўрдик!

— Онаси, — уй эгаси хотинига юзланди. — Азамат акамлар, юзингни яширма! Сигирларини соғиб ичяямиз, қўйларини сўйиб еяпмиз...

— Илоё, бой отамлар умрларидан барака топсинлар, — алқади хонадон бекаси рўмоли учи билан ёшланган кўзларини арта туриб, Азамат акамларнинг қўйларини сотиб икки қизимни турмушга чиқардим. Икки ўғилни уйлантирдик, — аёл Кунмишга қаради, — отангиздай саҳий одамни кўрмадим... илоё, умрларидан барака топсинлар. Сигирлари, қўйларини сўрамайдилар... тавба, шунақаям саховатли бой бўладими-а?

Чолни суяб аравадан туширишди. Суяшиб ичкарига олиб киришди. Бир тўда болалар: «Азамат бобомлар келдилар, ура!» дея чолнинг этакларига ёпишди. Чол ҳўнграб, болаларнинг пешоналарини силади, қуруқ қўл билан ҳовлига кирганидан хижолат чекиб уй эгаси зўрлови билан меҳмонхонага ўтди. Хонадон бекаси янги кўрпачалар ёзиб, дастурхон тузаб ҳам қўйганди. Чол толиққанидан ёнбошлаб чой ичишга тутинди. Қодирқул чойларни пиёлаларга алмаштириб шопириб турди. Сув-сув терлаган чол дарров уйқуга кетди.

Кунмуш ҳовли адоғи — аёллар учун ажратилган паст, торгина уйга кирди. Қуш болаларидай чуғурлашиб атрофини ўраб олишган болакайларга ҳавас билан боқиб, сочларини силар, бағрига босар эди. Укалари йўқлигидан афсусланиб, эски намат устига ёзилган олақуроқ кўрпача устига омонатгина чўқди. Қирқ кокилли қизалоқлар Кунмишнинг тиззаларига ўтириб, сочларини ўйнашар, нимчасининг чўнтагига қўлларини суқиб: «Менинг опам, сеникимас, менинг опам!» дея жанжаллашар, ҳар бири ўзича қизнинг кўнглига ёқиш йўлини қидирар эди. Уй бекаси югуриб-елиб дастурхон тузади, чой-нон ва қайноқ сут қўйди. Болаларни бошқа уйга ҳайдади. Сутга нон тўғраб Кунмишга ичирди. Кўзларини уйку босаётганини сезиб, бошига ёстиқ қўйди, устига кўрпача ташлади. Бирпасда Кунмиш ҳам уйқуга кетди. Шўрлик қиз оёқларини йғиб, юзини қафтига босганча қушчадек омонатгина ухлар, туш

кўрар, тушлари алғов-далғов эди. Узук-юлуқ тушларида узун халатли, бошларига темир қалпоқ кийган, милтиқ ва қилич тутган одамлар уйга бостириб киришар, қичқиришиб турли томонга югуришар, кимнидир излашарди... Кунмиш тушида номаълум келгиндиларнинг ораларини ёриб турли томонга югурар, отаси, акаларини қидирарди. Кейин онасини кўрди. Онаси катта уйнинг тахмонида ўтириб, сочларига олов қўяр, бўкириб темир қалпоқли келгиндиларни уйдан ҳайдаб чиқаришга уринарди. Баъзан қизнинг исмини айтиб чақирар, «қизимга тегманглар! Ҳаром қилманглар!» дея тинмай фарёдлар чекарди. Онаси йўқолиб қолди... кейин отасини ерда ҳансираб ётган ҳолда кўрди. Отаси қовоқларини очолмас, фақат қўлларини ёзиб ўғилларини сўрарди. Лекин ўғиллари узоқларда ғимирлашиб шивирлашар, отасини қутқаришга журъат этмасди... Кунмиш қичқириб, темир қалпоқлиларни тепиб, тишлаб, юзларини тирнар, издиҳом орасини ёриб отаси томон талпинарди... Қиз ниҳоят очиқликка чиқиб, отасини турғазди-да, аравага ўтказиб, қаёқларгадир олиб қочди...

Туш шу ерга етганда Кунмиш сапчиб уйғонди, эсанкираб атрофга аланглади. Қаерда ётганини фарқолмай анча вақт гангиб турди. Аста-секин ҳушини ййғиб, уйларидан қувилгани, чексиз тупроқли йўлда тентираб, охири Қодирқулнинг уйига киришганини эслади. Кўзлари лот ёшланди. Кўзларини артиб ёнбошлади, бироқ бошқа ухломмади. Отасини ўйлаб безовталанди. Кун аллақачон ёришган, торгина туйнукдан қуёш нури тушиб турарди. Ўз билгича отаси олдида чиқишга қиз журъат этмади. Ҳовлида болалар «опамнинг олдига кираман», деб ҳархаша қилар, лекин она уйга киришга йўл қўймаётганди. Кунмиш туриб эшикка яқинлашди. Тирқишдан секин ташқарига назар ташлади. Худди шу лаҳзани кутаётган хонадон бекаси эшикни очди. Кунмиш юзларини ювиб қайтгач қўлига сув қуйди, билагидаги сочиқни тутди.

— Ассалому алайкум! — мезбон аёл меҳр-муҳаббатини кўзларига жамлаб қизга термулди. — Яхши ухлаб турдингизми?

— Ассалому алайкум! — деди Кунмиш ҳам ночор бир алпозда ва аввал салом беролмаганидан хижолат тортди. — Қийнаб қўймадикми?

— Ундай деманг. Асло. Отангиз бизга ҳам оталар... сиз синглимсиз... илоё умрингиздан барака топинг.

— Отамларнинг аҳволлари қалай? Ёнларига кирсам...

— Бек акангиздан сўрай-чи, чамамда ухлаяптилар, анча-мунча толиқибдилар... Ичкарига кириб, чой ичиб турунг, отангиз уйғонсалар айтаман...

Кунмиш ичкарига кириши билан атрофини яна болалар ўраб олди. Жиянларига беҳад ичиккан Кунмиш мезбон болаларни ўпиб, эркалатиб бор дарду ҳасратларини енгиллаштирди.

— Онаси, — деди қон юқи қўли ва пичоғини юва туриб Қодирқул, — қўйни сўйиб гўштларини тилимладим, жигарини қовур, паловга унна. Хўрда пишдимми? Афсус, от ё туямиз йўқ. Азамат акамларнинг оёқлари тагига от ё туя сўйсак ҳам кам...

— Нимасини айтасиз, дадаси, азиз меҳмонимиз ҳар қанча ҳурматга арзийди, — жавоб қилди хонадон бекаси.

Қодирқул эҳтиром билан чол ётган эшик томон яқинлашди. Қулоғини эшикка босди. Эшикни авайлаб очди. Кирди. Чолни суяб ҳовлига олиб чиқди. Ёзилиб қайтгач, қўлига сув қуйиб, сочиқ тутди.

— Ассалому алайкум! — деди кейин икки букилиб, — яхши ухладингизми?

— Ваалайкум ассалом! Умрингиздан барака топинг.

Тупроқ олсангиз олтин бўлсин! Чой танамни яйратди. Оғриқ ҳам анча-мунча босилди. Қодирқул ука, пешонага шундай кунлар ҳам ёзилган экан-да... ҳаммаси худодан... ёшлиқда гуноҳлар қилган эканмиз...

— Узингизни қийнаманг, худо «якши кўрган бандамга дард бераман» деган. Одамларга беминнат саховат кўрсатгансиз... оллоҳнинг карами чексиз... Бутун умр камбағалга қайишган сиздай кишини хор қилдириб қўймайди... қани, ичкарига кирсинлар, келингизиз хўрда пишириб кутаяпти...

Қодирқул чолни қўлтиғидан олиб етаклади. Утқазди. Мажбурлаб хўрдани ичирди. Чол терлаб тез орада тетиклашди. Қўшни хонада, болалар орасида гоҳ жилмайиб, гоҳ маъюсланиб ўтирган Кунмиш лаҳза сайин эшикка қарар, отасининг аҳволини билиш учун олдига чиқишга ошиқарди. Хонадон бекаси қоврилган жигарни Кунмишнинг олдига қўйганди, болалар бир зумда ликопчани ялаб-юлқаб бўшатишди.

— Кунмиш, синглим, хавотир олманг, отангиз жуда яхшилар,— дея кўнглини кўтарди хўрда олиб кирган хонадон бекаси.

Қош ҳам қорайди. Навбат кутиб турган кунларнинг бири шу тариқа ўтди. Олдинда яна тун навбат кутарди.

— Қодирқул,— деди кутилмаганда чол,— қизимга айтинг, тайёрлансин, йўлга тушамиз...

— Азамат ака... озиб-ёзиб кулбамизга қадам ранжида қилибсиз, бемалол яшайверинглар. Худонинг ёруғ кунлари ҳам бор, зора замон тинчиса, уйларингизга қайтсангиз... бетобсиз, қиз бола билан тунда йўлга чиқиш...

— Қодирқул, қани эди замон тинчиса, иссиқ уйингизда жон деб яшардим... Қизиллардан қочиб қутулишинг асло иложи йўқ. Бир пайтлар отам раҳматли «замонлар келиб қизил бошлиқлар чиқади», ҳаммаёқни бирдай вайрон этади, ёш-қари, эркак-аёл демай қилчдан ўтказида», дегувчи эдилар. Мана ўша замон келди. Инқилоб дегани вайронлик, талончиликдан иборат экан. «Инқилоб хурлик берармиш», деган гаплар қулоғимга чалинганди. Инқилоби хурлик берса, нимага бойларни, муллаларни тутиб қамашаяпти? Улдиришаяпти? Бой ҳам, мулла ҳам шу юртнинг боласи-ку! Якши замонда одам ўлмаслиги керак, қизилларнинг қўлига тушсак бола-чақангизга қийин бўлмасин... ҳаммасидан ҳам қизимни эҳтиётлашим зарур...

— Сиз учун ўлсам ҳам майли. Барибир қарзимни узолмайман...

— Қодирқул! Сиз мендан ҳеч нарса қарзмасиз. Мендан неки олсангиз, ўз улушингизни олгансиз... оллоҳ ҳар бир бандасига тақдири азалдан ўз насибасини ажратиб қўйган... овқатни мен пиширишим мумкин, лекин уни насиб этган ейди. Доруломон кунлар келса, иншооллоҳ қайтарман. Қайтмасам, сигирларни, қўйларни соғиб ичинг, сўйиб енг. Болаларингизнинг туйларига яратинг. У дунё бу дунё сиздан розиман. Барча неъматларни оллоҳ инсон учун яратган. Одамзот у дунёга атиги икки газ кафанлик билан боради...

— Шундайку-я, барибир тузингизни оқлашим керак... камбағалга бир бурда нон бермаган хасис бойларни ҳам биламиз.

— Улар одам боласи эмас, тўнғизлар... дастурхонга фотиҳа қилайлик. Қизимга айтинг, йўлга чиқайлик.

Хонадон бекаси Кунмишнинг йўлга чиқишини эшитгач, кўз ёшлари юзини ювиб, ҳолдан тойган оёқларини зўрға кўтариб қўзғалди. Тисарилиб ташқарига чиқди.

Бир-бирини узлуксиз қувиб, лекин етолмай, қанчадан-қанча инсон болалари қушлар, жонворлар умрини хазон этадиган тунларнинг янгиси чўкди. Чол учун даҳ-

шатга айланган тун. Қиз учун эса янги манзиллар очиши мумкин бўлган тун...

Қодирқул тоғорачага палов, дастурхонга нон ўраб, чой тўлатилган қумғонни аравага солиб, чолни ўтқазди. Қиз ҳам ўз ўрнини эгаллади.

— Азамат ака... ой бориб, омон қайтинг, омон қайтинг... тез орада кўришайлик...— деди хонадон эгаси, пешонасини чолнинг елкасига босди-да, хўнграб юборди,— шундай кунларга қоласиз деб сира ҳам ўйламагандим... ҳаммадан ҳам синглимга қийин бўлди... турмушга чиқарганингизда ҳам майли эди...

— Қодирқул, иним йиғламанг,— шивирлади чол энгини кўзларига босиб,— умрингиздан барака топинг. Берган тузимга розиман... фақат синглингизни эътиборсиз қолдирманг. Бирор кўнгилсизлик юз берса, паноҳингизга олинг...

— Эртага ортингиздан бориб, хабар оламан, синглини ташлаб қўймайман, кўнглингизни чўктирманг... Қишлоққа ҳам бирров ўтаман...

— Ўғилларим келишса, ортимиздан юборинг.

— Юбораман... хайр, омонликда кўришайлик, синглим, сени ҳам худо ўз паноҳида асрасин...

— Раҳмат, амаки...— шивирлади Кунмиш отга қамчи босиб. Беда ва сув билан эъюзланган от янги — кучқувват билан олдинга интилди. Қодирқул арава ортидан қўл силтаб турди-да, сўнг юзини чангаллади...

— Тангрим! — дея ҳиқирлади кейин.— Ота-болани ўз паноҳингга ол! Қизилларнинг бўйни узилсин! Шундай улуг одамни тентиратиб қўйгани учун худонинг ғазабига учрасин!

Қодирқул уйига қайтганда хотини ва болалари ҳовлида йиғлаб ўтиришарди.

\* \* \*

Чолнинг тан жароҳати бита бошлаган, оғриғи ҳам бир нави босилиб, фақат қалтис ҳаракат қилган кезларига қовурғаларида санчиқ қўзғалар, аста-секин тарқалар эди. У ора-чора қувватсиз қўллари билан қумғонни кўтариб қуришган лабларига яқинлаштирар, қултиллаб чой ичар, қумғонни жойига қўйиб, кўзларини юмар, тинчирди. Қиз эса гўё ғаройиб бир манзилга етадигандай, ажойиб одамларга дуч келадигандай, шу билан бахти очиладигандай бир таассурот билан отга қамчи босар, айна пайтда қаерга бораётгани, йўл қачон тугаши ҳақида бош қотирарди.

Арава ниҳоят тупроқли йўлни ҳам ортада қолдирди. Тўқайзор бошланди. Йўл бирмунча энгиллашди. Отнинг оёқлари ҳам аввалгидай орқага тортмас, филдираклар залвори уни олдинга итарарди. Йўлнинг икки чети майсалар билан қопланган, ўн-ўн қадам нарида эса қуриган қўва ва қамишлар паранжи ёпинган аёллар янглиғ қад кўтариб турар, шабадада силкина, шилди-рар эди. Гоҳ-гоҳ қандайдир қуш уйқисираб чириллар, арзимас шарпадан дарҳол овози сўнар, сўниши билан теваракни чиябўриларнинг чийиллашлари тутар, узоқ акс-садо бериб босилар, яна кўтариларди. Чол ҳеч овозларга эътибор бермас, қизнинг қалбини эса қўрқув ҳисси эгаллаб борарди. Осмон кумуш рангда тов-ланар, юлдузлар бир хил чарақлар, яримта ой эса нимадандир ранжигандай паришон ўз кулбаси томон чўкиб кетаётганди. Гўё табиат бағридан қайғули бир оҳанг узилар, бир нафас жаранглаб, сўнг сукунат қаърига сингиб йўқоларди. Борлиқ англаб, ҳис этиб бўлмас сирларга тўлиб-тошган, қиз мана шу сеҳрли дунё қаршисида гангиб қолганди. У табиатнинг бундай



манзарали ерларини кўрмаган, бундай ерларга қадами ҳам тегмаган, фақат эртақлардан эшитганди. Бугун ўз кўзи билан кўриб, ўзи гувоҳлик қилар, гўё олам тўқайзор, қамишлардан иборатдай туюлаётганди.

Чол хаёлан ва ҳиссан Қодирқул ва унинг хонадонидан узоқлашганди. Хаёли ва ҳислари уйи, марҳум хотини, ўғиллари, қизиллар ва Исмоил ўғри билан банд эди. Қисқа муддатдан сўнг улардан ҳам узоқлашиб, ўғилларига қайтди. Энди у, ўзидан кўра, кўпроқ онасига ўхшайдиган олижаноб, лекин тортинчоқ, акаларининг чизган чизигидан чиқмайдиган Миртурсин исмли иккинчи ўғлини, гоҳ қулоғи оғир, боши катта, бурни узун, камгап, ишга муккасидан кетган, кичкина бола ҳам устидан кула оладиган Мирқодир исмли учинчи ўғли, баъзан эса турқи-таровати билан қизни эслатадиган, жингала соч, арзимас гапдан ловиллаб, юзга чопадиган, худди шундай арзимас баҳона билан хотинини итдай калтаклайдиган Мирзоҳир исмли кенжа ўғлини хотирлар, уларнинг қочгани боисини тушунолма, «қайтиб келар... ахир мен умрим бўйи отамнинг юзига қарамаганман, бетобланиб қолганида опичлаб ҳожати-га ҳам олиб борардим, бу ўғилларимдан қайтиши лозим... дея ўзини овулар, охир-оқибат ўйлардан толиқиб, ўйларининг самарасизлигидан ранжиб, бошини эгар, шу тариқа азоблардан қутулар эди.

От бирдай қора терга кўмилиб, оёқлари орасидан оппоқ кўпиклар ажралиб, қамчи зарби билан ноилож олдинга талпинарди. Йўл четдаги майсалар ва кўллаб турган сувлар иштаҳасини очгандан очар, ҳар лаҳза бўйинтуруқдан қутулиш, эркин ўтлаш, тўйиб сув ичиш, ётиб дам олиш иштиёқида ўртанарди. Бўйинтуруқ ва аравадан қутулолмаётгани сирига тушунолмагани каби адоқсиз йўлда кун-тун тентираётгани ва ўзи учун доим муаллақ ва мавҳум туюлган одамлар, қушлар, бошқа ўрмаловчи жонворлар қатори еру осмон, қуёш, ойнинг ҳам мавжудлиги сабабини англолмас эди. Баъзан хотирасида кунига уч марта ёнига кириб сув, беда, ем берадиган, темир қашлагич билан қашлаб танасини яйратадиган, сўнг қаншарини силаб чиқиб кетадиган пахмоқ соқол, қийиқ кўзли мулоийм чол — отбоқар жонлар, узоқлардан термилиб аста-секин йўқоқлар, кейин отбоқарнинг ўрнида етти-саккиз ёшлардаги болалар қад кўтарар, назарида унга нон, туршак тутиб, тумшугини силашар, кейин кўздан ғойиб бўларди. Онаси — катта қашқа бия ортида дирқиллаб ўйнаб, иссиқ, лаззатли сутидан эмиб, отлар билан тишлашиб, тепишиб юрган онлари, катта қора қашқа айғир-отаси бўйинини қашлагани ҳақидаги тушунча қоришиб борарди.

— Дадажон...— овоз берди ниҳоят қиз атрофдаги даҳшатли сукунат ва сукунатни бузиб янграётган чиябўриларнинг товушларидан кўрқувга тушиб,— нимага индамаяпсиз?

— Кўрқма,— деди худди шу манзарани ҳис этиб турган чол,— тўқайзорларда бўри бўлмайди. Тулки, чиябўрилар одамга тегмайди. Яқин орада чироқ кўринмаяптими?

— Кўринмаяпти.

— Нахотки акаларинг қайтишмаса?... бола-чақаларини тинчроқ ерга қўйиб, ҳолимиздан хабар олишлари мумкин эди-ку...

— Балки қайтишгандир, бизларни тополмаётгандир... Қодирқул амакимга учрашса айтардилар. Дадажон, худо кўнгилларига раҳм солар... Мирзоҳир акамнинг келмаслигига ишонмайман... у сизни яхши кўради...

— Бир нарса дейиш қийин қизим, ёшинг бир ерга етганда ҳаммасига тушунасан...

«Тўқайзорда бўри бўлмайди, тулки, чиябўрилар эса

одамга тегмайди...» кўнглидан кечирди Кунмиш ва кўрқув ҳиссини зўрма-зўраки босишга уринди. Урина туриб хаёлга берилди. Хаёлининг қуёшли, кўкламли кенгликларига энди у, ўн икки ёшли, катта, қабариқ кўзли, қалин ва жингала қошлари қовоқларига ёйилиб тушган, пешонаси кенг, киприклари узун ва қайрилма, гўзалликда тенгсиз Санам исмли жиянини (Тўнғич акасининг қизи) кўрди. Эндигина болалиқдан қизлик дунёсига илк қадамларини қўйиб шакллана бошлаган мулоийм Санам узоқлардан аммасига тикилар, кўз ёшлари бурун ёноғидан лабларига томиб, гўё: «Ам-мажон! Сочимни ювиб, ўрадиган одам топилмаяпти! Тунлари сизсиз зерикаяпман, тезроқ қайтинг!», дегандай силкар, кафтларини юзига босиб хўнграб йиғларди. Санамнинг синглиси — Хурча номли бошқа жиянини ҳам ҳасрат билан эслади.

Кунмиш кўклам келиши билан қиз жиянлари ва ўртоқларини чорбоққа бошлар, ям-яшил майсалар устига оғанатиб қийнар, сочлари ва қулоқларига би-нафшалар тақар, сўнг қийғос гуллаган дарахт шохларига арғамчи солиб навбатма-навбат учирар эди. Баъзан эса жиянларнинг сочларини ювиб тарар, чуч-момалар териб бериб, аммаликнинг одатий бурчинни адо этарди. Ора-сира боғни маҳалла қизлари тўлдирар, кимдир чилдирма чалар, кимдир лапар айтар, бошқалари рақсга тушишарди. Кунмишнинг ўзи қўшиқ куйлар, шу билан онасидан бевақт айрилгани дардини ифодаларди. Кўнғироқдай жарангли, мусиқий овози го-ҳо деворлардан ошиб ўтиб қўшни хонадон заифларининг ҳам юракларини ўртар, қизнинг кўнғироқ товушини тинглаб жимгина кўз ёшлар тўкиб чекланишарди. Маҳалла қизлари лапар кечалари уни зўрлаб, ўртага олиб чиқар, у «ёр-ёр» қўшиқлари билан базм аҳлининг юракларини хун қилар, ёш селлари кўксиларини намларди. Базм бир ерга етганда қизлар ундан онасига бағишланган қўшиқни куйлашини сўрашарди. Ана шу айрилиқ қўшиғини ҳозир ҳам беихтиёр дилидан ўтказди:

**Қора рўмол қўлимда,  
Қараб қолдим йўлингда,  
Сариқ рўмол қўлимда,  
Сарғайибман йўлингда...**

Кунмиш учун онаси гўё бу дунёга гўё ҳурдай келиб ҳурдай кетган каби таассурот қолдирганди. Онасининг ўлими эси кириб-кирмай юз бергани сабабли доим сирли туюлаверарди. Назарида онаси гўё вужудига улкан бир дарахтдай қад кўтариб бевақт синган, танасининг бир бўлаги етишмас, шундан бери чала одамдай яшарди. Танасининг чала ерини эндиликда отаси тўлдириб турганди... Бугун танаси мутлақо қовжирай бошладди... бутун орзу армонлари ҳам онаси билан кетганди гўё. Шу кунгача ҳеч ким, ҳеч қачон ифодалаб беролмаган илоҳий қудрат — онасидан ажралиши билан гўё ҳамма нарса тугаб, самарасизга айланганди...

Онаси ҳақидаги таассурот қайтадан кўзларини ёшладди. Худди шу сония онаси тирилиб келгудай бўлса, мутлақо иккиланмай ўз умрини хазон қилишга тайёр эканлигини тан олиб, хаёлидаги онаси сиймосига яна бир бор тикилди. Онаси аллақачонлар тупроққа қоришиб, кўкариб ҳам чиққан, ундан фақат тушларига кириб чиқадиган руҳгина қолганди. Уша руҳ келган кезлари у безовталанар, онасини ўйлар, эслар, йиғларди. Руҳ уни безовта қилиб, йиғлатиб, онасини ёдига солиб сўнг қайтиб кетарди.

«Онам аллақачонлар ўлган бўлса-ю, нимага тушимга

киради?! Тунлари, кунлари безовталантиради? Кеча тушига кириб, уйимиз деворига янги атлас кўйлак илиб кетди... демак онамнинг арвоҳи безовталаниб ёнимга келган... одамнинг руҳи ҳеч қачон ўлмайди...» ўйлади у.

Қиз умри бўйи қаттиқчилик кўрмаган, ҳаёти роҳат-фароғатда кечганди. Ун ёшни тўлдирганда бир марта бахтсизликка учраган — онаси ўлганди. Кейинги саккиз йиллик умри кўз ёш тўкиш, онаси руҳи билан кечди. Бугун эса умри саҳифасига бошқа бир бахтсизлик ёзилди. Бу — отаси билан қувғинга учраши эди. Азиз ватани — қишлоғи, акалари, сеvimли жиянларидан айрилди. Уни ҳаммасидан инқилоб, унинг ижрочилари — қизиллар айирди. Ҳеч кимга, ҳеч қачон маълум бўлмаган, бирор қиз томонидан ҳам ёрилмай келинаётган, яъни сирлигича қолиб бораётган қиз қалбнинг нозик ва нафосатли торлари оҳангига бориб туташадиган сир-асрорлари — дард-аламларини фақат кўз ёшлари билан ифодалаб ўтган ўртоқлари кеча узоқлардан қўл силкаб, жимгина уни кузатишди... ўша мўътабар ва мушфиқ инсон болалари — чорасиз қизлар билан бошқа юз кўришолмайди, тунлари ёнбошлаб, дардлашган, лапар кечалари кўшиқ куйлаб, рақсга тушиб нозик ва нафосатли қалблари изтиробларини тўкиб ташлаб, ўзларини маълум муддатга бахтли сезган ўша нозанин ҳурлар яқин-орада турмушга чиқадилар, эрларига қарам бўладилар-да, бошқа кўришолмайдилар... Шу билан болалар туғиш, ўстириш ва эрлари хизматига шўнғийдилар... кейин эса мустаҳкам ор-номус деворларидан ошиб ўтишга журъат қилолмайдилар. Боғларда янграган овозлари, босилган излари ва сочлари атирларигина қолади... эндиликда эса ҳаммасидан биргина отаси... энди ёдгори ҳам, умри хотираси ҳам, илинжи ҳам шу — отаси...

Балки илгарироқ турмушга чиққанида дугоналари каби тўй-томошалар билан, ёр-ёрлар билан узатилармиди? Бир қизга аталган барча бахтга эришармиди? Ҳаммаси бирдан алдовчи саробга айланди-ю, сароб эса адоқсиз йўли билан алмашди... балки яқин-орада бўрилар тўдасига учрар, ё отасидан жудо бўлади-да, қаёққадир тентираб кетар, турмушга чиқиш эса бошқа насиб этмас... Қайтиб жиянларини арғамчида учиролмас, сочларини ювиб-тарамас, ўрмас, бояқиш жиянлари турли кўчаларга югуриб киришар, аммаларини излашар, топишолмас...

Кунмишнинг миясига бирор вақт «бойнинг қизиман» деган фикр урилмаганди. Оддий инсон боласи сифатида инсоний юмушларни бир қиз боладай бажарар, камбағал хонадон қизлари билан дўстлашарди. Хатто камбағал қизлар турмушга чиқаётганларида, ўкисиб: «Турмушга чиқаяпман, олтин балдоғим, узугим йўқ», деганларида балдоқ ва узугини ечиб тақиб юбраверарди. Бу ҳақда отаси, акалари ҳам сўраб ўтиришмасди. Фақат янгалари «чакки қилдингиз», дея афсусланар эди.

«Энди ўртоқларимни ҳам, жиянларимни ҳам кўролмайман,— деган фикр қизнинг миясини қамради,— боққа кириб ашула айтиш, ўйинга тушиш насиб этмайди. Бечора чўри аёл ҳам овқат пиширар, лекин бизларни тополмай бўзлар... Уртоқларим тўйларида қидиришади, барибир тополмайдилар. Бечоралар, тўйингда эрталабгача ухламай ўйнаймиз, ўзинг ашула айтасан, дейишганди. Онамнинг ўлиmidан кейин мен билан бирга тунаб юрган Мақсуда кўпроқ қийналади...»

Қизнинг тушунча-туйғусида нурли бир хотира, тасвир тиклангандай туюлди, бироқ у анча вақтгача мана шу нурли тасвирни хаёлан қидириб тополмади. Ниҳоят топди. Отасининг кадрдон дўсти Мирзабойнинг Арслон

исмли ўғли тасавурида аниқ нурлана бошлаганди. Арслон қачонлардир қалбига кириб, нурли сўқмоқлар очган ва ўша кечмишлар хотирасидан ҳамон кўтарилмаганди. Ориқ, новча, қуюқ, бежирим мўйлови оқ юзига алоҳида чирой бағишловчи ўша йигит баъзан уйларига ташриф буюрар, акалари билан тун бўйи зиёфат еб, алламахалда уйига қайтарди. Арслон келган кезлари янгалари югургилаб хонага — унинг ёнига киришар, «қизпошшо, куёв бола келдилар, суюнчини чўзинг!», дея ҳоли-жонига қўймай тиқилинч қиларди. Йигит икки марта совчи юборди, бироқ Кунмиш отасининг бетоблигини айтиб кўнмади.

«Бечора Арслонга ҳам осон эмас, ўйлай бошлади у кўнгли оғир тортиб,— ҳовлига кирганда парда ортидан назар ташладим. У ҳам мен бекинган уй дарвозасига қарар, лекин кўролмай қийналар, қайтаётганда ҳам кўзларини деразадан узолмасди. Ҳайит кунлари тортиқ билан келарди, олмасдим... нимага олмаган эканман-а? Атласларини тиктириб киймайманми?...»

Арслон қиз тасавурида гоҳ йигитларнинг султони, гоҳ қудратли эрак зоти, гоҳ эса жонон қайлик ва сеvimли ёр, гоҳо туғилажак болаларининг отаси сифатида намоён бўлар, у ўзини баъзан келин каби Арслонга узатилиб бораётган ва паранжи орасида онасини эслаб йиғлаётган, баъзан эса жиянларини қучиб ўпаётган, сўнг отга миниб гулхан атрофида айланаётган ҳолда тасаввур қилар, қулоқлари остида эса аёлларнинг маъюс «ёр-ёр»лари жаранглар эди. Арслон гўё келин — уни отдан кўтариб олар, кўтариб уйга — чимилдиққа олиб кирар эди...

От ногаҳонда пишқириб қизнинг хаёлини чил-чил синдирди. У ноилож таассуротларни тарк этди. Ҳушини йиғиб, беихтиёр ортига ўгирилди-да, беихтиёр Арслонни излади. Кўзларига қоп-қора зулматдан бошқа нарса кўринмади. От тўхтаб тинмай ортига тисарилар, қисқа-қисқа пишқиарди. Чол ҳам чўчиб кўзларини очди. Эсанкираб аввал атрофига, сўнг қизга юзланди.

— Тинчликми? — сўради овози хириллаб,— нима, қизиллар келдими?

— Йўқ,— жавоб қилди қиз титраётган қўли билан қамчинни ёғимлаб, от юрмаяпти...

У диққат-эътиборини кўзларига жамлаб олдинга, қамиш ва қўғалар орасидан чиқиб турган тумшуклар, диккайган қулоқларга қарар, жиддий кузатарди. Мушукдан сал каттароқ аллақандай махлуқ ириллаб, тишларини кўрсатиб турар, от эса ҳамон олдинга юришга ботинмасди.

— Нима гап?

— Дадажон... ана уларга қаранг... қашқирлар...

— Қизим, бу ерларда қашқирлар бўлмайди,— деди чол нурсиз кўзлари билан махлуқларни излаб. Излади, қидирди, лекин аниқ бир қиёфаларни кўра олмади. Кўзларига қора нуқталаргина чалинди.— Чиябўрилар, назаримда, улар одамга тегмайди, қўрқмай отни ҳайдайвер.

Чол пайпаслаб палов солинган товоқни топди. Дас-турхонни очиб, суяк олди-да, қизига узатди.

— Нима қиламан?

— Ташла, тинчишади.

Кунмиш суяқларни тусмоллаб улоқтирди. Чиябўрилар суякка ёпишди ва ириллашиб, тишлашиб қамишлар орасига кириб йўқолишди. Отга қамчи босилди. От зарб билан силкинди ва чиябўрилар ёнидан ўтиб олгандан кейингина лўкиллай бошлади. Қамишлар орасида ҳамон хириллашлар, олишишлар давом этарди. Қўға, қамишлар сийраклашиб бориб, охири тугади. Энди сарғайган ўт-ўланлар, қорамтир майсаларгина кўзга чалинар, бир-икки чақирим нарида гўё қапага ўхшаш

қора нарса ҳурпайиб тургандай туюлар, лекин аниқ бир шаклда кўринмаётганди. Улар сойликка тушишган, нариёғи тепалик эди.

— Худога шукр, — қиз ялангликка чиқиб олгач, чуқур хўрсинди, — чиябўрилардан эсон-омон қутилдик.

— Чиябўрилар ёлғиз одамни учратса, чийиллаб эсидан оғдиради, тушунтирди чол, — яқин орада чироқ кўринмайдими?

— Дадажон, кўринмаяпти.

— Қизим, қорнинг очмадими, очса, аравани тўхтат, паловдан еб ол.

— Тортмаяпти, — деди қиз оғирлашиб бораётган қовоқларини уқалаб, лекин уйқум келяпти, кўзларимни юмсам, ухлаб қоламан, дейишга ботинмади. Чол оёқларини йиғиб, ғужанак бўлиб ёнбошлади. Қодирқулнинг хонадонидан чиққандан бери унинг иссиғи кўтарилиб, танаси беҳолланиб борар, ўқтин-ўқтин кўзлари тинар, ҳушини йўқотиб, алламаҳалда ўзига келарди. Чол қарийб уч йилдан буён бош оғриғидан нолиб юрар, асли бу қон босимининг ошгани белгиси эди, боз устига калтак зарби ҳали ҳам босилмаганди. Ҳаммаси кўшилиб эндиликда чолни ҳолдан тойдираётганди. Терлар, бироқ илгаригидай ташналиги ортмасди. Уфиллари эса хотирасида хира тикланар, энди чол уларнинг излаб келиш-келмасликлари билан қизиқмасди.

Осмон, ер сатҳи ёриша бошлаганда улар шарқдан ғарбга қараб чўзилган сой соҳилига етишди. Сой соҳилида ёввойи тол, пояси ингичка, боши пиёла оғзини эслатадиган сариқ ўсимлик кўзга ташланар, кўкламда ошиб-тошадиган сой суви кузда озгина жонланганди. Шўра, янтоқларга кичкина қушчалар чуғирлашиб учиб-қўнарди. Тунда қапага ўхшаб туюлган нарса — тоғларга бориб туташадиган тепаликлар эди. Сув тепаликни ювиб катта жарлик ҳосил қилган, жарлик бағридаги инлар оғзида ёввойи кабутарлар қўниб турарди. Қаршидаги икки катта тепалик орасидан йўл ўтар, кўпдан буён одам қатнамагани сабабли йўлни ўт босиб кетганди.

Қиз жиловни тортиб отасига юзланди. От сувлиғини ямлаб, шўрага талпинди. Кунмишнинг қовоқлари кўр-ғошиндай оғирлашиб, ҳар дақиқа уйқуга тортар, у кўзларини уқалаб, бу билан ҳам чекланмай, бармоқларини тупуги билан намлаб, қовоқларига сурарди. Отасини ухлаётганликка йўйиб эътибор бермади. Аммо кўп ўтмай отасининг ранги оқарганини кўриб, талвасага тушди, танасига иссиқ тер қалқиди. Чол сезилар-сезилмас нафас олар, қовоқлари ости кўкиш тусга кирганди. Қиз саросимага тушиб кафтини отасининг пешонасига босди. Пешона совуқ эди. Бу ҳол қизнинг кўнглидаги ваҳм туйғусини ўн қарра оширди. Қошлари чимрилиб, пешонаси тиришди ва зўр бериб отасининг қўлларини уқалашга киришди. Бироқ чол сезмади. Ҳатто кўзларини ҳам очмади. Кейин Кунмиш чолнинг кўксига беозоргина қулоғини қўйди, юрагини тинглади. Кейинги уринишлари ҳам натижа бермади.

— Дадажон... дадажон... — ғулдиради қиз даҳшатга тушиб, кўзингизни очинг! Нимага индамайсиз?!

«Қаттиқ ухлаб қолсам, қишлоққа қайтма» деган отасининг гапларини эслаб, янгитдан кўнглига ваҳима тушди.

— Йўқ, қаттиқ ухламаслиги керак... — шивирлади кейин аламзадалик билан, — акаларим қайтмасдан қаттиқ ухлаб қолишга ҳақлари йўқ... дадажон, кўзингизни очинг! Мени кўрқитманг!..

Қаттиқ изтироб чекиш, йўл азоби ва калтак зарби туфайли чолнинг юраги фаолияти сусайган, бу ҳол эндиликда натижасини кўрсатаётганди. Бу ҳолат яқин орада ўтиб кетиши мумкинлигини ҳозирча қиз англа-

маётганди. У ҳамон гангиб отасининг қўл-оёқларини уқаларди. Чолнинг оёқлари иссиқ, мана шугина қизнинг кўнглига таскин бераётганди. Кўкси узоқ уқаланганидан кейингина чол чуқур хўрсинди-да, чўчиб, титраб, бурун катаклари кенгайди ва қийналиб нафас олди.

«Худога шукр, — деган фикр қизнинг миясига урилди, — қимирлади... энди кўзларини очади...»

— Дадажон... тузукмисиз? Кўрқитиб юбордингиз... дадажон, гапимни эшитаяпсизми?!

— Эшит...а...я...п...ма...н — чолнинг кўқарган лаблари беҳолгина қимтинди, — қа...ер...да...ман?

— Кўзингизни очинг! Мен — Кунмишман, танияпсизми?

Бу гал чолдан садо чиқмади. Қиз апил-тапил қумғон жўмрагини отасининг лабларига яқинлаштирди. Чол бир култумгина сувни қийналиб ютди. У қумғонни жойига қўйиб, отасининг қўл-оёқларини бот уқалашга киришди. Салдан кейин чолнинг нафас олиши тезлашиб, аста-секин мўътадиллаша борди. Бу гал кўзларини аввалгидай қийналиб эмас, осонгина очди.

— Аравани тезроқ ҳайда, шошилтирди у, — тезроқ бирон қишлоққа етиб олайлик...

Кунмиш ўнгланди. Оёқларини арава тўсини орасига ташлаб, отга қамчи босди. Бир оз дам олиб, оёқларини чигалини ёзган от иштиёқ билан олдинга талпинди. Тошлоқ йўлни босиб ўтаётганларида эса оёқлари шиддати ўз-ўзидан сусайди. Арава шопиллаб, турли томонга қийшайиб, бир амаллаб сойдан ҳам ўтди. Йиллаб ёғ сурилмаган арава ғилдираклари ғашни келтирадиган даражада ғичирлар, от аравани олдинга, арава эса отни орқага тортарди. Икки орада анчадан бери оғир ва шиддатли жанг давом этаётганди. Ун қадамча йўл босилгач, зўр келиб, от туюқларининг учини ерга қаттиқ тираб тўхтар, нафасини ростлаб яна олдинга қадам босар эди. Танасидан тинмай сизиб чиқаётган терлар буғланиб ҳавога кўтарилар, жағлари орасидан ажралаётган кўпиклар ҳаракатини сусайтирарди. Қиялик яримлаганда от кучаниб, бутун мадорини туюқларига жамлаб олдинга интилди, бироқ бир қадам ҳам силжий олмади. Отнинг қуввати етмас, арава орқага сурила бошлаганда, қиз шиддат билан ерга тушди-да, йўл четидаги тошларни олиб ғилдираклар ортига тиради. Арава тўхтади. От учун озгина эркин нафас олиш, томирлари тиришини эзиш имкони туғилди. Бечора жонивор бошини эгиб, энтикар, бўйинтуруқнинг сиқиши натижасида томоғи бўғилиб, ўқчир, бурун катакларидан ўқ тезлигида буғ отиларди. Умр бўйи боқувда турган отнинг ёғи эриб, кучи қирқилганди...

Чол не азоблар билан аранг бошини кўтарди. Қизини излади, лекин кўзларига чалинмади. Бу пайт Кунмиш йўл четидаги харсанга ўтириб, юзини чангаллаганча тўлиб-тўйиб йиғлар, лекин отасига эшиттирмасликка тиришарди. Бечора қиз аравани ҳайдаш — ҳайдамаслигини билмас, отни, аравани ташлаб, ўкириб, бош оққан томонга қочишни истар, бироқ отасини ташлаб кетишга кўзи қиймаётганди. Ниҳоят у кўйлаги ениги билан шишган кўзларини артиб, арава томон яқинлашди-да, саросимага тушиб атрофга аланглаётган отасига юзланди.

— Дадажон...

— Йиғлама... қизим... пешонанг шўр экан... ойнинг ярми қоронғу бўлса, ярми ёруғ... отга дам бер, бояқишнинг дармони қолмади, ажралиб қолмайлик...

— Нима қилай?

— Секин отни ортига қайтариб, аравани сойликка тушир, — деди чол бир оз тетиклашиб, — олов ёқ, танам жунжикди.

Йўл азоби жонига теккан қиз худди шу гапларни кутиб тургани, кўнгли ёришиб, отнинг жиловини бура бошлади. От урина-урина охири ўнгланди. Қиз яна жиловни ушлаб эҳтиёткорлик билан пастга ҳайдади. Текисликка тушиб, тўхтадилар.

— Отни бўшатайми?

— Бўшат, бечора озгина дам олсин.

Қиз отни аравадан, кейин бўйинтуруқдан халос этди. Лекин эгарини ечмади. Арқон учини ғилдиракка боғлади. Арава ғилдираклари ёнига ҳас-хашак тўдалаб, устига кўрпача ёзди.

— Пастга тушасизми?

— Аввал ўтин териб олов ёқ, кейин тушаман. Мен билан ишинг бўлмасин, ўтиндан кўпроқ йиғ, шу ерда тунаймиз. Бирор йўловчи ўтиб қолар...

Кунмиш кун ботиш томондаги сойлик томон юрди. Кўклам кезлари сел оқизиб келиб, кўмлар орасига кўмиб кетган арча шохлари, илдишларини сугриб арава олдига йиға бошлади. Оғир ғўлаларни думалатиб, хуллас анча-мунча ўтин ғамлади. Қалади. Тагига хашак сўкиб ўт ёқди. Кўзлари, бурни ачишиб, пуфлай пуфлай охири ўт олдириди. Намчил ўтинлар писиллаб, пишиллаб, пўстлоқлари тиришиб ниҳоят гуриллаб ёнди. Отасининг кўлтиғидан олиб, беозоргина кўтариб, кўрпачага ўтқазди. Қолган кўрпачаларни отасининг усти ва оёқларига ёпди. Қирсиллаб, учқунлар сачратиб ёна бошлаган олов чолнинг увишган томирларини яйратди, кўнглига ҳузур бағишлади. Ёнабошлаб ётган чолнинг кўзларини уйқу босди, сезилар-сезилмас ҳуррак ҳам ота бошлади. Арава, бўйинтуруқдан бўшалган от эса дарҳол ётиб, қулоқларини солиптирди, кўзлари беихтиёр юмилди. Баъзан у чўчиб кўзларини очар, қиз билан чолни кўриб бошини эгарди. Икки юзи чўғдай қизарган Кунмишни ҳам олов элтди, кўз милклари туташди. Бир неча бор мудраб ёнига йиқилди ҳам. У дарҳол қаддини ростлар, қовоқларини ўқалар, иложи борича ухлаб қолмасликка тиришарди. Беҳад толиққан танаси барибир бардош беролмади, отасининг оёқлари ёнига бошини қўйди-ю, бир неча сониядан сўнг тошдай қотди...

Алламаҳалда отнинг даҳшатли кишнашидан ота-бола бир пайтда чўчиб кўзларини очди. Довдираб атрофга аланглашди. От ҳар томонга қараб кишнар, одамлар томонга тисариларди. Қош қорайганди. Бу ернинг эгалари — бўрилар инларидан чиқиб дайди, кутилмаганди икки одам ва бир от, яъни улгуржи ўлжа устидан чиқиб, турли томондан ҳужумга шайланар, олов ёнаётгани сабабли ошқора ташланишга ботина олмаётганди. От буни одамлардан олдинроқ сезиб безовталана бошлаган эди. Бўрилар ўзларини қоронғиликка урар, орқа оёқларига чўкиб, тумшукларини ялаб, биринчи галда отни таъқиблар, бундай кезлар от саросимага тушиб кишнар, бу билан ўзини ҳимоя этар, айни пайтда ёлғизмаслиги, ёнида одамлар борлигини ҳам бўриларга англашишга уринарди. Йўлни адоғига етказолмай, мақсадлари деярли пучга чиққач, умидлари эртанги кунга, бирор йўловчини учратишга боғлаётган чол билан қиз бахтсизлик устига бахтсизлик келганидан даҳшатга тушиб, бир-бирларига нима дейиш, қандай қилиб юпатишни билмай, ҳаётлари нима билан тугаши ҳақида ҳам аниқ бир қарорга келолмай тунги дайдиларни кузатишар, бирор сўз дейишга журъатлари етмай, сукут сақлашарди. Бўрилар кўпдан бери ўлжа учратмай, очликдан силлалари қуриб, ниҳоят мўмай ўлжа учратганларидан қувониб, қувончларини тишларини бир-бирига уриб шақирлатиш, тумшукларини ялаш, ингиллаш билан ифодалаб, ҳар лаҳза кўзларини гўё ўққа айлантириб отнинг кўксига отар, буни сезиб талвасага

тушган от бўлса одамлар ёнига сурилар эди. Бўрилар олов сўнишини орзиқиб кутишар, сўниши билан биринчи галда отни талон-тарож қилишлари аниқ эди.

Кунмиш миқ этмай очофат бўриларга тикилар, пешона териси ёзилиб-йиғилар, қошлари чимирилар, кўзлари қонталашиб борарди. Кутилмаганда у қулоқлари ости қаттиқ лўқиллаётгани, юраги керагидан ортиқ уриб, томирлари жунбушга келгани, қонларини шиддат билан танасига ҳайдаётганини, оқибат танаси енгиллашганини ҳис этди. Бошланган нафрат ва ғазаб туйғуси бирдан кўпириб, вужудининг қаеридадир сақланиб турган кўркув ва таҳлика ҳиссини суриб чиқарди. Суриб чиқаргани кез миясига бўрилардан қандай жон сақлаш, биринчи галда отасини қандай асраб қолиш ҳақидаги фикр урилди-ю, илк бор ўзини йигитлардай бардам-бақувват сездди. Ҳатто ёнаётган шохни олиб бўрилар томонга бориш, қувишга қарор қилди, бироқ отаси қарши чиқишини ўйлаб фикрдан қайтди.

Қизида ногаҳоний журъат пайдо бўлганини сезган чол мамнун ёнига ўгирилди. Лекин ҳеч нарса демади. Мавҳум бир илинж билан бошини кўтариб осмонга юзланди. Товоққа ўхшаш қорамтир осмонда қарақлаётган юлдузларни кўрди, шу орада катта бир юлдуз ғарб уфқига қараб учди-да, оловли из қолдириб охири сўнди, кейин из ҳам йўқолди.

«Азаматбек,— дея чол кўнглидан ўтказди бошини эгиб ва чўғларга тикилди,— ана шу сўнган юлдуз сеники эди... яхшики қизинг кўрмади... энди бўлар-бўлмасга олдинга интилаворма. Ажалнинг йўлда экан... уни оллоҳ тақдир азалда йўлга боғлаб қўйган экан... ота-боболаринг сўнги дақиқаларигача умрларини узайтириш учун тинмай курашдилар, барибир ниятларига етолмади... бирин-кетин оламдан ўтди, бу ҳаммага бирдай улашилган азалий неъмат... фақат ана шу қизингга ачинасан, холос...»

— Аммо, лекин, шивирлади кейин у,— йўлда бўриларга ем бўлганимни Исмоил оқсоқол, қизиллар эшитишса, мириқиб кулишади... барибир эмасми, уларнинг бошига ҳам эртадир-кечдир менинг куним тушади. Мени бўри еса, уларни тулки ер...

— Дадажон... нима деярсиз, эшитмадим?

— Эшитишинг шартмас, қизим,— минғирлади чол,— одамнинг нимага бу дунёга келгани, нимага саксон йил куйиб-пишгани, оқибат Ватансиз дайдиб юрганини тушундинг нима-ю, тушунмадинг нима... ҳаммаси оллоҳ томонидан бошқарилади... оллоҳ бандасини синаш учун турли қийноқларга ташлайди, роса чиниқтириб, ифлосликлардан халос бўлиб, эндигина тўғри йўлга туша бошлаганда жонини олади... оллоҳнинг турли махлуқ-махлуқотларига ҳам овқат керак... махлуқ-махлуқотларини бир-бирига ем қилиш билан у ер юзидаги ортиқча юкни енгиллаштиради...

«Инсон боласи ўлими олдидагина тенглашади,— ўйлаб кетди кейин чол,— ўлғунига қадар бой-камбағалга ажралади, бирини бошқаси эсади, ҳақиқа хиёнат қилади. Бири тепага чиқади, бошқаси тубанга тушади. Турли тоифаларга бўлиниб, ҳатто бир-бирларига қиз бериш, қиз олишдан ҳам бош тортадилар. Вахоланки оддий фуқаро ҳам, оқсуяк ҳам одам боласи. Ҳаммаси ҳам онадан бир хил йиғлаб туғилади, йиғлаб ўлади... мана шу феъл-атвори учун ҳам оллоҳ уларни бутун умр қийноқларга солади... оллоҳ учун бир хил қадрга эга бўлса-ю, инсон боласи ўз-ўзини тоифаларга ажратиб, камситганига асло тушунолмадим... ота билан онанинг юрак қўридан яратиб, сўнг одам қиёфасига киритган оллоҳ ўз бандасини даҳшатли ўлимга маҳкум этишга ҳам қодир... асли шунча ташвишнинг нима зарурияти бор эди?!»

— Ўғилларим оғир дамларимда ташлаб қочишган экан,— шивирлади у,— демак, қайсидир ота-бобола-римнинг қонига хиёнат аралашган, оқибат ўша хиёнат менинг ўғилларимда кўринди... ўз ота, ўз оналарининг ҳалол кучларидан яралган болалар бундай йўл тутмаслиги керак эди... тутдими, демак яна ота-оналарнинг бири қачонларди хиёнат йўлига кирган...

— Акаларим... келмайдиганга ўхшайди,— дея қиз отасининг фикрини чалғитди.

— Оллоҳнинг хоҳиши шундай... акаларингни бошқа эслатма...

— От...

— От қавми бўрилардан қаттиқ кўрқади... оловга ўтин ташла. Утин ғамлаганмисан?

— Ғамлаганман...

— Утин тугаса, аравани ҳам бузиб ёқавер... энди арава кимга ҳам керак?..

Олов ловиллаб ёнар, алангаси осмону фалакка тута-шар, шуъласи эса атрофни, жумладан, тепалик қирларни, сой соҳилини ҳам ёритиб турарди. Бўрилар ҳамон ёввойи тол, жиға, саксовуллар орасида уймалашар, ҳар лаҳза ҳужумга ўтишга пайт пойларди. Чол ўз хаёллари оғушида, олов таъсиридан роҳатланиб ёнбошлаб ётар, энди уни ҳеч нарса қизиқтирмас эди. Кечган умр уни беҳад зериктириб, толиқтирган-ди. Қиз эса тинимсиз акалари ва Қодиркулнинг келишини кутар, назарида мана, мана келаётгандай туюлаверарди.

Чол ағанаб, тиришяётган орқасини оловга тоблади. Вақт имиллаб ўтар, тезлаштиришнинг эса иложи йўқ эди. Истаса-истамаса ўйлаши, фикрга толиши, хаёл суриши керак эди. Бу ҳол эса сезмаган ҳолда юз бераётганди. Энди у ёшлиги билан алоқадор кечмишларни беихтиёр хотирлар, саксон йиллик умри билан боғлиқ даврнинг таассуротларидан фақат юрагини ларзага келтирган, ҳислари ва онига ортиқча таъсирини ўтказган кечмишларгина хотирасида тикланаётганди. Бугун кўпроқ миясида ота-онаси ҳақидаги фикрлар жонланар, юрагини ҳам улар билан алоқадор ҳис ҳаяжонга солаётганди.

Отаси — машҳур Шокир бой кексайганида ёлғизгина ўғли — Азамат қирқ ёшлардаги қирчиллама йигит эди. Кўклам келиши билан у далаларга чиқар, деҳқонлар билан бирга ҳўкизиларни омонча қўшиб ер ҳайдар, наврўзни далада, деҳқонлар билан қаршилларди. Кейин чўпонлар билан қўйларни ҳайдаб қирга жўнар, отларни жойлаштириб уйига қайтарди. Еб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган, айши-ишратларга мойил Азамат баъзан бир-икки дўстини бошлаб чўпонлари ёнига йўл олар, қўйлардан сўйдириб, қимизхўрлик, бўзахўрлик қилиб, ҳовридан тушар эди. Вилоятга полвонлиги билан донг таратган, баҳайбат гавдали, мушти гўдакнинг боши янглиғ катта, тарғил кўзларида ўт чақнайдиган дўсти Ёқуб, баъзан шарт олишиб, чопиб бораётган отнинг думидан тортиб тўхтарди. У бир қур гап ейдиган дўстлари билан қўл олишиб, бир қўйни пўк-пўкасидан тушириб бир югуриб отни ютган эди. Бўзани ҳам, қимизни ҳам беармон ичиб, ҳеч қачон маст бўлмайдиган ўша Ёқуб охирги марта қирга чиқишганда яна бўза, қимиз ичиб: «Бу ердаги очарвоҳ бўрилардан қўрқмайман, оғзиларини йиртиб ташлайман, шарт ўйнайдиган мард топиладими?!» дея дўстлари билан от сўйиб, зиёфат беришга шартлашганди.

Ёқуб ўша кунни тўнини кийиб, белбоғини маҳкам боғлаганча, чўпонлар ўтовини тарк этиб, «бўрилар уяси» деб аталадиган ер — ҳали замон арава ортига қайтган тепаликлар орасига жўнаганди. Тонг отиб, кун ёйилганда ҳам Ёқубдан дарак бўлмагач, улфатлари уни

қидириб келишиб, суякларигагина эғалик қилишганди. Мусофир йўловчининг айтишига қараганда Ёқуб тунда ўнга яқин бўрилар қуршовида қолган. Бўрилар турли томондан унга ҳужум бошлаган, улоқтирган, ҳатто бирининг оғзини ҳам йиртиб ташлаган. Бўрилар аввал полвоннинг тўнини йиртиб, охир-оқибат бири қорнини ёриб қочган. Ёқуб ичкаларини бир қўли билан кўтариб, иккинчи қўли билан бўриларни калтаклаган. Шу пайт йўловчини учратган. «Тезроқ мени бу ердан олиб кет!», дея ёлворган Ёқуб. Утакаси ёрилган йўловчи: «Тепага чиқиб одамларни қақираман!», дегану отини тепалик томон чоптирган. Одамларни қақириб, сойга тушганда Ёқубнинг суякларигагина қолган...

Чол Ёқубни эслаб туриб, ўзи ҳам англамаган ҳолда қисматини у билан боғлади. Ёқуб ёш бўрилар чангалига тушганди. Еш жувонмарг бўлганди. Узи эса ҳар ҳолда отини ошаб, ёшини яшади. Уқинишга асло ўрин йўқ. Фақат икки дўстнинг қисмати бир хил тугаётгани, яъни иккаласи ҳам умрларини бўрилар чангалида тугаётгани фаройиб ҳол эди. Жонсиз, жисмсиз олов ёнгандан ёнар, тун рангини ўзгартирар, ана шу жонбахш олов одамларни музлаб қолиш балосидан халос этарди. Мунғайиб ўтирган қиз гоҳ оловга, гоҳ орқасини оловга тутиб ётган отасига қарар, мияси эса акалари ва Қодиркулнинг қайтиши билан алоқадор ўйлар билан банд эди. Лаҳза сари миясига сонсиз-саноксиз ўйлар яшин тезлигида ёпирилиб кирар, қиз зарур-нозарурини саралай олмай қийналар эди. Назарида мана шу ерда бўриларга ем бўладигандай, шу билан ўн саккиз йиллик умрига тамом чек қўйиладигандай, акалари, ўртоқлари, жиянлари, қариндошларини бошқа кўролмайдигандай таассурот билан юраги қонга тўлиб ўтирар, ҳаммасидан ҳам у жиянларидан кўнгил узолмаётганди. Илгари эътиборсиз қараган, эндиликда эса қалбига суюкли қайлиқ каби ардоқ топган — ягона илинжиги айлана бошлаган Арслон сўнгги дақиқаларда яна бегона одамдай туюлиб, тезроқ тонг отиши, бирор қишлоққа етиб олиш ва отаси ҳаётини асраб қолиш ҳақида ўйлар эди.

Чол атроф-муҳит билан қизиқмас, қизни ҳам аввалгидай эслайвермас, бундан буёнги қисмати ҳақида ҳам жиддий бош қотирмасди. Энди у ҳар лаҳза тугаб бораётгани, саксон йиллик умри йўлда ниҳояланаётганини сезиб турар, уни бўрилар билан боғлар, ўзи истамаган бир пайтда табиий ҳис билан ўтмиши, ота-онаси билан боғлиқ кечмишлар кўпроқ хаёлини банд этаётганди. Умри тугаб бораётган одам фақат ота-онаси, болалари ҳақидагина ўйлаши мумкинлигини ҳам илк бор англаётганди. Узининг дунёга яралиши сабабчиси — отаси узун бўйли, пахмоқ соқолли, кўзлари катта, ияги тор, қулоқлари катта, ўта соддадил, раҳмдил киши эди. У кўз очиб кўрган Ҳадича исмли хотини билан йигирма йилдан ортиқ умр кечириб, фарзанд кўрмай, умри хазон бўлаётганди. Отаси жаҳонгашталиқ қилган кезлари Хўжандада, бир бойнинг уйига қўниб, ногоҳ унинг қизини кўриб қолиб, ошиқу беқарор бўлган ва охир-оқибат уйланган эди. Ҳадича Тошкентга узатилиб келгандан кейин қондошлари билан бир-икки йил бориш-келиш қилган, сўнг мутлақо узилиб қолганди.

— Кунмиш, қизим,— шивирлади чол ўнглаиб ва нурсиз кўзларини қизга қадади,— бувиларингни эслайсанми?

— Эслайман,— у отасига тикилди, туриб фикрини чалғитиш, шу билан бўрилар солган таҳлиқани унуттириш учун гапиряётганини англади,— катта бувим ҳам, кичик бувим ҳам хотирамда. Иккаласи ҳам меҳрибон эди. Бояқиш бувиларим ўзлари емай, менга тутишарди. Айниқса, катта бувимдай (қиз «ўғай бу-

вим», деёлмади) аёл топилмаса керак. Эртадан-кечгача опичиб юрардилар, сочларимни ювиб, тараб, ўрардилар... чўри бувим, кўнглига келмасин, дея катта бувимнинг олдиларида мени эркаламас эдилар...

— Оловга ўтин ташла.

— Хўп, дадажон! — Кунмиш шох-шаббалардан оловга ташлади. Олов алангаси чолнинг кўнглига ҳузур бағишлаб, бир оз тинчланди. Тинчланиши билан хаёли кўзгусида отаси, оналари билан боғлиқ воқеалар намоён бўла бошлади. Қош-киприклари сариққа мойил, қабарик кўзлари одамларга доим меҳр-муҳаббат билан боқувчи, қулоқлари хиёл олдинга эгилган, шаррос оқаргар сочлари кексалик қиёфасига ажойиб малоҳат бағишловчи Саломат исмли ўғай онасини хаёли кўзгусида яққол кўрди. Умр бўйи фарзандсизлик доғида ўртанган ўша кампир қариганида ёш бола каби бечора аҳволга тушиб, умри хотираларидан қаттиқ ранжиди. Дунёдан тирноқсиз ўтаётгани туфайли баъзан пинҳон йиғлар, сўнгги тонглари тўлғониб оттирар эди. Чолнинг олижаноб отаси йигирма йил бир ёстиққа бош қўйган тўнғич хотини — Саломатнинг кўнглига қарар, айниқса, қариганида синиқ кўнглини ямаш, яъни овутиш йўлини изларди. Шокир бойнинг қондошлари: «Бефарзанд ўтма, сендан кейин фарзанд қолиши керак, бошқа аёлга уйлан», деганларида: «Энди Саломатдай жаннати аёлни тополмайман... акаларим, опаларимнинг фарзандларидан бирини тарбиялаб оламан», қабалида жавоб қилганди. Барибир қариндош-уруғлар қўярда-қўймай фарзанд кўриш учун Шокир бойни иккинчи хотинга уйлантиришганди. Аёл зотининг гули бўлган жаннати Саломат кундошга қарши чиқиш ўрнига эрига: «Хўжайин, умрингиздан барака топинг, уйланинг, худо фарзанд берса ўзим тарбиялайман», дея кўнглини кўтарди. Шокир бой Саломатнинг зўрлови билан уйланди, ўғил фарзанд — Азамат дунёга келди. Саломат ўғай ўғлини ҳаддан зиёд севди, еру кўкка ишонмай паноҳига олди. У бирор вақт «ўғай ўғил-да, эйтиборсиз қараяпти» деган гапларга ўрин қолдирмаганди. Азамат ҳам ҳеч қачон туққан онаси билан ўғай она орасидаги тафовутни сезмаган, улғайганидан кейин эса ўғай онасига бўлакча меҳр қўйиб, кўнглини овлар, узоқ сафарлардан қайтгач, тортиқни биринчи галда унга берар, сўнг ўз онасига илтифот кўрсатар эди. Азамат йигирма ёшни тўлдириб, илк бор куёв навкарга бориб қайтганда ҳам эшик олдида уни биринчи галда ўғай онаси қаршилаган, пешонасидан ўпиб: «Уғлим, куёвлик муборак! Қўшганинг билан қўшқари», дея дуо қилганди. Уша кун раҳматли Саломат умр бўйи не ниятлар билан йиққан, лекин ўз фарзандига насиб этмаган тансиқ «йиғилдиқ» — туршак, майиз, қурут, олтин ва кумуш тангаларни, ҳатто олтин балдоқ ва узукларини ҳам қўшиб Азаматнинг устига сочиб юборганди. Шу билан фарзандсиз аёлнинг барча орзу армонлари ушалганди...

Чол бесаранжом энтика бошлади. У энтикар, ҳар энтикканда кўзларидан ҳалқа-ҳалқа ёшлар қайнаб чиқар, шу лаҳзада ўғай онасини кўриш, кўксига ўзини ташлаб тўйиб-тўйиб йиғлашни истар эди.

— Бечора ўғай онамни худо фарзанддан сиққанди,— шивирлади чол яллиғланаётган чўғлардан кўзларини узолмай,— шундай олижаноб инсонни худо биргина фарзанддан қисди-я... Оллоҳ қуръон қаримда: «Қалбимга яқин бандаларимни ортиқроқ азоблайман, бу билан уларга жаннат эшигини каттароқ очаман...» деган. Баъзан ўз онам жеркудай бўлса, у шўрлик: «Бекач, ёлғизгина ўғлимизни жеркишга қандай кўзингиз қияди?», дея койир эди. Беш ёшни тўлдиргушимча ўғай онамнинг елкаларидан тушмагандим. Илоё, жойлари жаннатда бўлсин...

Илоҳ томонидан инсон учун инъом қилинган етти мўъжизанин бири олов гуриллаб ёнар, одамлар қатори отнинг ҳам танасини яйратар, айни пайтда бўрилар ҳужумидан асрар, ўзи учун яна инсон болалари ва от қаршисида муқаддаслик касб этарди. Олов туфайли шу онда қиз ҳам, чол ҳам оллоҳнинг қудратини тўла сеза бошлаган эди. Муқаддас олов инсоннинг овқатини пишириш, танасини иситишдан ташқари бўрилардан асрар ҳам экан...

— Кунмиш, қизим, Ҳадича бувингни ҳам эслайсанми? — сўради чол бўрилар таҳликасида қийналаётган қизнинг фикрини чалғитиб.

— Чўри бувимни нимага эсламас эканман. Қариндошларимиз ҳам ҳазиллашиб «чўри бувинг», дейишарди. Эсим кирмасдан илгари мен катталарга қўшилиб «чўри буви» деб қақирардим. Бувим эса кўнглига олмасди: «Кунмиш бону! Чиндан ҳам чўри бўлганман, буванг чўри қизни суюб уйланганлар», дердилар. Дали-ғули кўнгли очич аёл эди.

«Булар ўтмишдаги гаплар,— кўнглидан ўтказди ҳамон гулрандан кўзларини узмай ўтирган чол,— отам ўз умрини хотиржам яшаб ўтказди. Ҳурмат-эҳтиром билан кўмилди. Маъракаларини ўринлатдим. Отамдан кейин оналарим ҳам бирин-кетин бандаликни бажо келтирдилар. Ўзим ҳам қаридим. Мана, инқилоб деган гаплар чиқди. Қизиллар бош кўтарди. Қизим билан бирга ватандан қувилдим. Оҳ, танграм, нима учун банди мўминларини бундай қийноқ-азобларга солади? Синовлари бунча мўл? Оғзинг ошга етганда, бошинг тошга тегади. Афсус, Азамат ҳам бойнинг ош ейдиган фасли тугаб, боши тошга тегди. Бироқ, бу норасида — ўн гулидан бир гули очилмаган қизимнинг қандай гуноҳи боридики, бошига бундай кулфатлар тушди?! Турмушга чиқиб, бола-чақали бўлса ҳам майли эди...»

— Қизим, отни ёнимизга боғла,— шивирлади чол ниҳоят,— от, жониворларнинг энг ақллиси... бу туришда қўрқувдан юраги ёрилади...

— Хўп, дадажон! — қиз туриб отни яқин ерга олиб боғлади. От озгина тинчиди. Барибир кўзларини атрофдан узолмас, арзimas шарпадан чўчиб, пишқирар, безовталаниб турли томонга ўгирилар эди.

Ҳаёт деб аталмиш олий тушунчадан мутлақо совиб, эндиликда ўзи учун ягона шарафга айланган — муқаддаслик касб этган қиздан кўнгли узолмаётган чол ноилоҳлик исканжасидан қутилолмай қафтларини тиззаларига босди. Чўғдан оловга, оловдан алангага, алангадан эса тутунга айланиб, охир-оқибат олам бағрига сингиб бораётган, яъни ота-боболари минг йиллар топиниб, сажда қилган мана шу олов чолни яна беихтиёр хаёлга чўмдирди. Хаёл уни яна отаси, оналари, ўғиллари билан боғлиқ оламга бошлаб кирди. Ўғилларини кутаяпти, лекин ҳамон дарак йўқ. Қизи ёнида, ўзи эса кимсасиз ерларда, бўрилар қуршовида тиришиб ётибди. Паноҳи — арава ва олов... У тезроқ тонг отиб, бўрилар таъқибидан қутилишни, бирон бир йўловчинини учратиш «омонатни» топширишни хоҳлаяпти. Энди буюғи ўтмиш эмас, келажак... не-не валло матларни, тубан ва жаҳонгирларни кўрган олам эса ҳамон сукут сақлайди. Мана шу олам фаслларга қараб турланади, фасллар эса барча жонзоти учун урчишлик вазифасини ўтайди. Ҳаммасига оналик қилувчи одам эса бирдай сукут сақлаб, уч фасл ўтгандан кейин яна уйкуга толдираяпти... бу не синоат?...

Ўтмиши ўтди, энди эса ўзи тугаяпти. Ниҳоятсиз йиллар ўзлари билан бирга минг-минглаб умрларни сўлдирди. Сўлган ўша умрлардан имлолар, китоблар, муҳташам биноларгина сақланиб қолди. Табиийки, бугун чолни қизиллар тугатди. Келажаги — қизи эса ёни-

да, аёл зотининг заиф нотавон бир бўлаги сифатида мунгайиб, отасига термилиб ўтирибди. Гулхандан ўн-йигирма қадам нарида эса бўрилар тентирашяпти... қиз... унинг ҳаётга — умрини давом этишга бўлган сўнмас иштиёқи эса лаҳза сари гуллаб-яшнаб бораёпти. Шунинг учун ҳам отасига қараганда уни кўпроқ бўрилар таҳликаси қийнаёпти. Утмиши тугаган чолга эса барибир. Қизи унга эндигина аланга олган оловни эслатаёпти. Ўзи эса сўниб бораётган чўғ. Ҳадемай кулга айланади, кул — йўқлик... Кул — тупроқнинг бошқача кўриниши, иккаловининг қоришувидан эса бир хил мазмун чиқади.

Қиз — навқирон умр. Табиатдай абадият — чексизлик-чегарасизлик қаршисида зарра ё нуқтадай кўри-наётган қиз яна етмиш-саксон йиллар нурланади. Тугаган ота-онаси умрини маълум муддатга чўзади. Вақт етгач эса баланд пардага кўтарилган ва ундан у ёғига қуввати етмаган тор ипидай қарсиллаб узилади-да, умрини ўз истагисиз болаларига топширади. Балки болаларига топширолмас, энди буниси ҳақиқатга яқинроқ... икки орада ваҳший бўрилар мавжуд...

Оҳ, қандай сирли — сеҳрли олам! Ешлик барибир ёшлик-да. Ешлик гўё дунёнинг илк бор яралган музаффар, мунаввар фаслини эсга солади. Бу фаслда барча мавжудот гўзаллашиб яшнаб кетади. Бу даврни оллоҳ кундан-кунга яшнатиб такомиллаштириб бораверади. Тобора куч-қудратга тўлаётган муқаддас юрак йўғон ва майин томирлар оша кучли босим билан қонларни вужудга ҳайдайди, ҳайдайверади. Аъзоларни ҳаёт нурлари билан таъминлайди. Навқирон юрак арзимас ташқи муҳит таъсиридан ёниб, даҳшатли ҳаяжонга тушади. Айқириб аламзадалик билан ўзини турли балоларга уради, ёниб севади, севилади. Бу борада қаршисида чиққан ҳар қандай тўсиқни босиб-янчиб кетаверади. Еш отлар кучларини таналарига сиғдириолмай бир-бирлари билан тишлашади, тепишиб, чопиб кучини сарфлайдилар. Шерлар ҳам шундай. Еш арилар, чивинларнинг заҳари ўткир бўлади. Еш чаён, илонлар чақса ўлдиради. Қарилари чақолмайди, оқибат очдан ўлади. Қачонлардир фарзандларининг эътиборида турган ва муқаддас туюлган ота-оналар қаригач қувватдан қолади, ёшлар қаршисида гўё эзма-чурукка айланади. Энди фарзандлар ота-онага ажратилган эътиқодларини ўз фарзандларига сарфлайди, демак, оқим пастдан юқорига қараб эмас, юқоридан пастга қараб оқади. Бу азалий қонун. Оллоҳ томонидан мутлақо қонунлаштирилган ва ўзгартириш асло мумкин бўлмаган азалиёт.

Қиз... одамзотнинг мана шу мушфиқ қисми — аёллар ҳар ҳолда эркакларга қараганда олижаноб... бу ҳам иллоҳнинг эркаклардан аяб, аёлларга улашган саховати. Чолнинг қизи, ўзи билган, кўрган аёл зотига қараганда бирмунча ақлли чиқди. Оғир дамларида ўғиллари кунига ярамади, қизи эса яради. Бу эркак билан аёл орасидаги оддий фарқгина эмас, биридан иккинчисининг юксаклиги, яъни эркакларга ато этилган куч ўрнига, аёлларга берилган меҳр аломатидир. Чол ўғилларига кўрсатган илтифотини қизига кўрсатолмагани. Жин урсин барини. Ҳадемай у мутлақо кўзларини юмади. Елиб-югуриш, куйиб-пишиш, дарду ҳасратлар учунгина бу дунёга келиш шу билан ниҳояланади. Тирикнинг мазмуни ўлим. Улимнинг мазмуни — тириклик. Ҳатто ўсиб-улғайиши сезилмайдиган дарахтлар ҳам ўлади. Демак, ўлимдан қутулиш мумкинмас. Бу борада сув, осмон, ҳаво, тупроқ, қуёш, ой, юлдузлар умри ҳавас қиларли. Ваҳоланки улар ҳам маълум муддатда ўлади. Турли муросалар, ейиш-ичишлар ҳам вақти-соати билан ўлиб, тириладилар...

Дарвоқе, ўлимдан қутилишнинг иложи топилганда, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом омон қоларди. Чунки у оллоҳнинг алоҳида эътиборида турарди. Оллоҳ билан тирик мавжудот орасида ғамхўрлик қилувчи — мўътадилликни тўғрилаб турувчи фаришталаргина ўлмайдилар. Чунки улар инсон руҳини оллоҳ билан боғлайди. Тўғриси айтганда қариллик бедаво дард. Қариллик ҳатто бўрилар учун ҳам оғир кечади. Қариб, сония сари ўлимни кутаётган бўрининг мияси айнаб, кўзлари нурсизланиб, олазарак атрофга қарайди, ўзини тўдасидан олиб қочади. Ун йиллаб бирга ўлжа овлаган, содиқлик кўрсатган ёш тўда эса қари бўри ортидан кўз-қулоқ бўлиб туради. Мадордан кетиб йиқилишини кутади. Мункидими, тамом-вассалом! Еш тўда унга ташланиб, ёриб юборади ва ҳаш-паш дегунча тишлар орасида ҳомталаш бўлади. Худога шукр, ҳозирча инсон болалари қариларини хомталаш қилиш даражасигача бормади. Бечора итлар-чи? Итлар қаригач, хириллаб оғзи бурнидан сўлаги оқиб номаълум томонларга йўқолади. Бошқа қорасини кўрсатмайди. Қушлар эса ўлимларидан кейин таналарини мушуклар ва тулкиларга бағишлайди. Одам! Мана шу антиқа зотнинг феъл-атвориға тушуниш маҳол. Ҳозирча у қушлар, молларни сўйиб ёйиш билан чекланаёпти... бундан ташқари улар ўлаётганларида бир-бирларининг оғзига сув томизиш, жаноза ўқиш, ҳурматини ўринлатишга ҳам яраяпти. Барибир бу ҳам мангу эмас. Бир-бирини ўлдириш, ҳурматини чеклаш каби иллатлардан мутлақо қутила олмади... мутлақо ҳисси, туйғусиз инқилоб посбонлари — қизилларнинг оёқ олишлари шундан дарак бериб турибди.

— Кунмиш,— шивирлади ўйлайверишдан беҳад толиққан чол ва хаёлини жамлаб мудраётган қизига юзланди. Қувватсиз бармоқлари билан қизининг сочларини силади.— Оллоҳ аёл зотини эркакларни йўлга солиш, барча тубанликлардан асраш учун яратган. Аёлларсиз эркаклар аллақачонлар бир-бирларини еб тугатарди. Илоё, умрингдан барака топ. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин! Бўрилардан кўрқма. Бўрилар одамлардай ваҳший эмас. Улар оловга ботинишолмайди. Ҳадемай тонг отади, орқага қайтамыз. Озгина ухлаб ол, пойлаб ўтираман...

Шундай гапни тоқатсиз кутаётган қиз дарҳол бошини отасининг оёқларига қўйди. Чол кўрпачани қизнинг устига тортиб, узоқ термилиб қолди.

«Танамнинг бир бўлагига ачинмасдан иложим йўқ,— хаёлидан кечирди чол,— кўнғиз ўз боласини «оп-поғим» дейди. Ҳатто илонлар ҳам ўз боласини учун жонларини жабборга уради. Эркакдан қиз бола бўлиши қизиқ... қиз туғилиб яна отасига ўхшайди... аёллардан ҳам қиз бола, ҳам ўғил бола туғилади... буниси ҳам ажойиб... бари-бир ўғил болага қараганда қиз бола раҳмдил...»

— Танамнинг яна бошқа бўлаклари — ўғилларим бизни ташлаб қочишди,— шивирлади кейин чол,— ўз таналарининг бошқа бўлаклари ҳақида қайғурмади...

Яна хаёллар зўр келиб чолнинг ихтиёрини олиб қўйди. Қутилмаганда онаси — чўри аёлни хотирлади. Тушунчасида қалқиб турган — доим юпун кийиниб, ўзини ўтга-чўққа ураверадиган, ҳеч қачон чўрилигини унутмай, шу ақида билан оқсуяклар қаршисида бошини кўтармаган марҳум онасига нисбатан кекса қалбида юксак бир меҳр-муҳаббат ҳисси мавжланди. Ҳадича исмли ўша аёлнинг етти пушти қашшоқ ўтганди. Баҳоли-қудрат кун кўришар, ўғилларини бойларга қўшчи, қизларини эса чўри қилиб берар, шу тариқа оддий ҳаёт қонунларини бажарарди. Чолнинг ома томондан бува ва бувиси ўн учта фарзанд кўрган, ҳаммаси ўлиб,

биргина Ҳадича туриб қолганди. Ҳадича Шокир бойнинг хонадонига чўри эди. Қизлари туфайли ота-она бой хонадонига яқинлашиб, турмушлари бир нави тикланганди.

«Бечора бувим билан,— деган фикр чолни сергаклантирди,— уйимизга келишга ийманишарди. Тўймаъракаларда келишса ҳам, бир четда мунғайиб ўтиришарди, тўй тугамасдан уйларига қайтишарди. Қашшоқлик қон-қонларига сингиб кетганди. Бой хонадон билан қуда бўлиб, кўксиларига офтоб тегса-да, барибир бутун умр қашшоқмиз, деган фикрдан чиқолмадилар...»

— Ҳол сўрагани уйларига борганимда, мени кучоқлаб йиғлашар «бой набирамиз» дейишарди,— гулдиради кейин чол,— улар отамнинг ота-онасига қараганда ортиқроқ мени суярдилар. Шунинг учун ҳам ўзим қалбларига мармар ўрнатдим...

У қизини чўчитиби юбормаслик учун авайлаб увишган оёқларини силади, хаёл суришдан чарчади. Барибир хаёл оламидан тўла қутила олмади. Хаёллар қуюн янглиғ миясига ёпирилиб кираверди. Қашшоқ бобоси билан момоси хотирасидан кўтарилиб улгурмаганди. Аста-секин тасавурида қишлоқнинг кунчиқар томониди бир хонали, пастаккина уй жонланди. Молхонани эсга соладиган ўша уй томидан қиш бўйи чакка ўтар, чол-кампир тепага латта тутиб, ўртасига тош ташлаб, тагига товоқ қўйиб қўяр, шу тариқа оёқларини танчага суқиб, ташқарига тикилиб ўтиришарди. Биргина йиртиқ наमत ва уч-тўртта қирқ-ямоқ кўрпачалар — чол-кампирнинг бор бисоти шу эди. Азаматнинг тоғалари, холалари мана шу кулдабада кўзларини очишганди. Қачонлардир бобоси Қосим исмли бойнинг қўшчиси эди, момоси эса бойнинг хонадонига чўриликка тушганди. Қариганларидан кейин эса танчага миҳланиб қолишди. Кенжа қизларини Шокир бойга турмушга чиқаргач, кўксиларига офтоб тегди. Азамат улғайгандан кейин эса бир неча марта бобо ва момосини ўз хонадонига кўчириб келишни, янги уй солиб беришни айтди, бироқ чол-кампир, ота-онаси чиққан кулбани ташлашга рози бўлмади.

Бувиси эрта-кеч эрига овқат пиширар, таҳоратига сув ҳозирлар, сўнг ямоқ ямаш билан шуғулланар, баъзан ўчоқ ёнида мунғайиб, қашшоқлиги ҳақида ғамгин-ғамгин кўшиқ куйларди. Набираси Азаматнинг эшитишига қараганда илк бор Ҳадичага Шокирбойдан совчи келганда чол-кампир йиғлаб юборган экан. Шокирбой дабдабали тўй-томоша билан келини ўзи ўраб-чирмаб олиб кетган. Тўйдан кейин ҳам чол-кампир ийманиб узоқ вақт куёвлариникига боришмаган экан. Бу ҳам ўтмишдаги гаплар эди. Бой хонадон чўриси — Ҳадича бирдан севимли бекага айланди. Барибир чўрилигини унутолмас, бой хонадонига келин бўлиб тушганини ҳазм ҳам қилолмас, ўзини доим четга тортарди. Кейинчалик «чўри қиз» ўрнини «чўри хотин» номи эгаллади. Ҳадича бундан ранжимасди. Баъзи бир қариндошлари Азаматга ҳам «чўри онанг» дейишар, у ҳам бунга кўниккан эди. Ҳадича бой хонадонга келиб қўзичоқдай ўғил туғиб берди. Узоқ вақт ҳукм сурган фарзандсизлик доғини ювиб ташлади, бу борадаги қайғу ҳасратни унуттирди.

«Ўғилларим ўз бувилари — менинг онамга паст назар билан қарашарди,— ўйлади чол,— ваҳоланки у туғишган бувилари эди...»

Қиз бошини отасининг оёқларига қўйиб тинчгина ухлар, чол эса сўниб бораётган гулханга тикилиб ҳамон хаёл сурарди. Қиз ухлар, чол эса олов борлиги учун бўрилар ҳақида бош қотирмаётганди. Фақат тилсиз жонворгина бўрилар борлиги, атрофда изғишаётганини

диққатидан қочирмас эди. Олов сўна бошлаганини кузатиб турган бўрилар шарпасиз қадамлар билан от томон яқинлашар, кишнаши билан ҳафсалалари пир бўлиб, орқаларига қайтишар эди. Қизнинг бесаранжом хислари оқибат тушига ҳам кўчди. Унинг узуқ-юлуқ тушига чўри бувиси кирар, ўша бечора ялангоёқ, ялангош турли томонга югурар, эри, ўғли ва набирасини излар, «овоз беринглар, қаердасизлар?! Нимага орқангизга қарамайсизлар? Қаерга кетаяписизлар? Набираларим, нима учун синглингиз, отангизни ташлаб қўйдингиз? Ўзим орқаларидан борай, десам, отам билан онам қўймапти...» дея уввос солиб йиғларди. Бошқа томонда эса Азаматнинг ўғай онаси — бефарзанд кампир оқ рўмолини юз-кўзларига босиб ҳиқирлар, «набираларимдан, ўғлимдан жудо бўлдим, айниқса набира — қизимни унутолмаяпман! Қизил қалпоқликлар уйларидан қувиб юборди. Худо қизил қалпоқликларга ўлим берсин!» дер, устидаги кўк либосига ишора қиларди. Қиз чинқирар, зир югуриб, қўлларини силкитиб, кўк кийган ўша бувиларини излар, лекин унга атрофини ўраб олган бўрилар ва қизил қалпоқликлар йўл бермасди. Ҳамма томондан бўриларнинг тумшуклари, тишлари, қизил қалпоқликларнинг милтиқлари, отасини қалтаклаган оқсоқол Исмоилнинг башараси бостириб келар, уни таъқиблар эди.

Туш ўзгарди. Қиз отаси билан қандайдир жарлик остида пайдо бўлди. Жарлик ўпирилиб келар, у отасини орқага тортар, қочишга ундар, лекин отаси қимирламасди. Ниҳоят жар қулади. Оламни ёргудай чинқирқ кўтарилиб, атрофни чанг-тўзон қоплади. Ота-болалар чанг-тўзон остида қолди. Бир-бирларини йўқотиб қўйишди...

Кунмиш бехос уйғонди. Шошинич отасига қаради. Отаси жим хаёл сурар, чала ёнган ўтинларни чўғлар устига ташларди. Қиз паришон аҳволда тушини эслашга уринди. Ҳаммасини эслади. Фақат жарлик қулагани, чанг-тўзон кўтарилиб, ота-бола жарлик остида қолган-қолмаганини хотирлай олмади... Тўғрироғи тушининг шу томонини эслашни истамасди. Тушнинг худди шу ери даҳшатли ва фожеали эди... барибир жарлик остида қолганлари ҳамон миясига қадалиб турар, унутишга қанча тиришмасин, унутолмас, охири фикрларини қалқаштириб, ранг юрагини азобдан халос этарди.

«Бошимизга оғир кулфат тушади...— деган фикр кутилмаганда қизнинг онгида чақнади.— Бизни ёмон бахтсизлик кутаяпти... бувиларим кўк кийиб юришибди... ёнларига қақришаяпти... одам тушида марҳумларни кўрса, кимдир ўлади дейишарди...»

— Дадажон...

— Нимага чўчиб уйғондинг?

— Билмайман...

— Ёмон туш кўрдингми?

— Кўрдим... тушимга бувиларим кирибди... Кўк кийиб юришибди... имлабми, овоз чиқарибми, ёнларига қақиряпти...

— Тентираб юрганимизга арвоҳлар безовталанган...— шивирлади чолнинг юраги увишиб. «Чамаси кунимиз битди...— ўйлади кейин у,— оналарим, отам, бувиларим, буваларим бот-бот эсимга тушаяпти... арвоҳлар кўк кийиб юришган бўлса...»

Орага оғир ва даҳшатли жимлик чўмди. Қиз ҳам, ота ҳам яқин орада ўзларини номаълум бахтсизлик кутаётгани, бу бахтсизлик ўлим шарпаси эканини англаб, сезиб туришса-да, очик айтишга журъат этиша олмади. Шу орада тоғ чўққилари, шарқ томондаги кенгликлар ёриша бошлади. Бу ёришиш ҳозиргина кўрилган кўриқинчли тушдан жунушга келган қиз қалбини янги кун иштиёқи билан ёритиб, тун ваҳимаси, бў-



рилар таъқибидан қутқарди. Тун бўйи изтироблар исканжасида тўлғаниб чиққан отнинг ҳам фикимланган пайларини ёзиб юборди. Фақат чолгина бу тонгни бифарқ қаршилади, ёшлик кезларидагидай умидли туюлмади.

Қиз нохуш туш таъсиридан қутилолмай, лекин қалби тонг нуридан ёришиб қўзғалди. Фикрини жамлолмай, бир зум атрофни кузатди. Тоғ томонга ўгирилиб, танасига титроқ ёйилди. Унга яқин бўрилар тоғ томонга тирмашиб борар, ўқтин-ўқтин пастга қараб қўйишарди. От олазарак бўриларга қараб пишқирарди. Қиз енгил, аммо сирли хўрсинди. Бу — тун бўйи чекилган изтироблар ва ўлим таҳликаси, бўрилар таъқибидан қутилиб, жонлари фойдага қолган кездеги шукроналик хўрсиниши эди. Унинг кўзлари қизариб, қовоқлари шишган, томир, пайлари жонсиздай эди. Кунмиш тинмай тунги тушини эслар, эсланган сари қалби эзилар, бироқ оқибати нима билан тугаши ҳақида аниқ бир қарорга келолмасди. У битта-битта босиб гулхандан узоқлашди. Ёввойи дарахтлар ортига ўтиб чўкди... сўнг сой сувига юз-қўлини ювиб, этагига артиб изига қайтди. Қумғонни сувга тўлдириб, сув исига отасининг қўлига қўйди. Кейин чой қайнатишга киришди. Қолган ўтинларни гулханга ташлаб ўт олдириди. Аста-секин олов кучайиб, алангаси таналарни яйратиб юборди. У арава ортида ётиб мудрарди.

— Кунмиш, қизим,— деди чол чой ичилгандан кейин,— отни аравага қўш, мазам қочаяпти, тезроқ Қодирқул амакинникига етиб олайлик...

— Қодир амакинникига қизиллар келишган бўлса-чи?..

— Келишса келишар. Қизиллар ҳам одам боласидир. Қари ота-оналари бордир. Озгина раҳми келар...

— Дадажон... оёғим тортмаяпти...

— Тортмаса ҳам йўлга чиқамиз... балки бошқа ёққа кетармиз...

Қиз, эндигина ётиб роҳатлана бошлаган отни турғизига кўзи қиймай, тепасида сукутга толди. Бир неча бор эгилиб ҳам кўрди, барибир ботинмади. Бир неча дақиқалардан кейин пешонаси ва қулоқларини силади. От кўзларини очди, лекин қимирламай ётаверди. Отасини махтал қилмаслик ниятида, ниҳоят, отнинг нўхтасидан тортиб туришга ундади. Қизил қашқа истар-истамас, қийналиб қўзғалди. Қиз уни аравага қўшди. Отасини суяб аравага чиқарди. Тагига кўрпачаларни тўшади. Утқизди. Охири ўзи ҳам аравага чиқиб, босиб ўтилган йўл билан орқаларига қайтишди.

\* \* \*

Арава сой соҳилини ортда қолдирди. Одамлар ва от бўрилар таъқибидан мутлақо қутила борди. Араванинг ҳар бир қалтис ҳаракати чол учун лаҳза сари даҳшатга айланар, қалтак жароҳати битиб улгурмаган эт ва суяклари сирқираб оғрир, бундай пайтларда у кўзларини қаттиқ юмиб, афтини тириштирар, баъзан кўксини чангаллаб, шу кўйи оғриқ ва санчиқни ўтказар, янги силкинишни жон ҳовучлаб кутар эди. Кекса юрак эндиликда мутлақо беқарорлашиб, сўнгги ҳароратларини сарфлагандан сарфлаб тобора жимлик дунёси томон яқинлашаётганидан дарак берар эди. Унинг қизи, ўтмиши ва ҳаётга лоқайд бўлиб қолгани мана шунинг англатиб турарди. Қизилларнинг таъқибини, оқсоқол Исмоилнинг калтаги умри муҳлатини тезлаштириб, шунчаки сабаб вазифасини ўтаётганди. Бир кун бурун чиябўриларнинг тумшуклари кўриниб, чийиллашлари

янграган тўқайзорга етганларида чол яна оғирлашди. Юраги уриши сония сари сусайиб, шуури эса мутлақо нурсизланди.

— Кунмиш...— шивирлади чол тўқайзорга кирганларида.— Кунмиш...

Бу гал чолнинг овози беҳад заиф чиққани сабабли қиз эшитмади. Кунмиш отам ором олаяпти, деган ўйда отга қамчи босар, йўлини қисқартириш чорасини изларди.

— Кунмиш...— деди қайтадан чол. Қиз бу гал ҳам отасининг овозини илғамади. Чол тиришиб-буришиб алоҳал қизнинг оёғига туртди. У кескин ёнига ўгирилди. Чол қўлини силкиб «тўхта» ишорасини билдирди. Жиллов тортилиб, от тўхтади. Капалаги учган қиз отасининг бошига энгашди.

— Дадажон, тинчликми?

— Ерга тушир... мени бошқа қийнама,— шивирлади чол кўзларини юмиб ва жимиди. Қиз ҳўнграб туриб отасининг юзини силади, кейин ишқалай бошлади.

— Дадажон, кўзингизни очинг...

Чолнинг лаблари қимтинди, лекин овози чиқмади. Кунмиш қулоқларини чолнинг оғзига яқинлаштирди. Шундан кейингина: «Югур, Қодирқул амакингни бошлаб кел», деган сўзларни эшитди. Мақсад англашилиб масала равшанлашган эди. Демак, отаси тугаб бораяпти. Зудлик билан Қодирқулнинг уйига югуриши, уни қақириб келиши шарт. Йўқса, отасидан ажралиб қолиши тайин...

— Дадажон... Қодирқул амакинникига кетаяпман,—

— Танам музлаб қолаяпти, аввал мени аравадан тушир, олов ёқ, кейин борасан,— минғирлади чол кўзларини очолмай. Қиз аравани йўлнинг четига чиқарди. Майсалар устига тўшак ёзиб, отасини аравадан суяб туширди. Утқазди. Отни аравадан бўшатиб, арқонни филдиракка боғлади-да, ўтин йиғиш мақсадида сой соҳилига қараб юрди. Ўтинларни қалаб олов ёқди.

— Дадажон... Қодирқул амакинникига кетаяпман,— деди у кўксини оловга тутаётган отасига. Чол «бора-вер» дегандай бош иради. Қиз отасини гўё қайтиб кўролмайдигандай интизорлик билан унга тикилатикила кўз ёшларини тиёлмай, ҳиқирлаб қолди. Бир пайт анча жойгача тисланиб бориб, сўнг ёнига ўгирилди. У тўқайзор орасидаги йўлда бир югуриб, бир ҳаққалаб борар, ҳўнграб йиғлар, баъзан ўқчиб майишар, яна қаддини ростлаб йўлида давом этарди. Тўқайзор адоғидаги одам бўйи чуқурликдан қиз юрагини ҳовучлаб ўтди. Чуқурлик ичидаги қамишларнинг баъзи ерлари пайҳон қилинган бўлиб, турли-туман ҳайвонларнинг суяклари сочилиб ётар эди. Қуни кеча ҳам мана шу чуқурликка кўзи тушган, ичидаги манзарани кузатиб кўнгли бузилган, бироқ дардини сиртига чиқармаганди. Ҳозир ҳам чуқурлик ваҳимаси юрагида кўрқинч қўзғатиб, хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолди.

Аравадан бўшалган от бошини кўтармай, кузда ҳам сўлмаган яшил майсаларни қиртиллатиб узар, тамшанар, тунги даҳшатларни эсламас, ўз ҳолича эркин ўтлар эди.

— Кунмиш,— шивирлади ёнбошлаб ётган чол ҳушини йиғиб,— бир қултумгина чой бер.

Жавоб бўлмади. Чолнинг тафаккури тобора заифлашиб бораётгани сабабли қизини ҳали замон Қодирқулникига юборгани хаёлидан кўтарилганди. Ниҳоят онгининг қайсидир бурчагида қизини Қодирқулникига жўнатгани ҳақидаги фикр тикланди. У яна нимадир дейишга оғиз жуфтлади, бироқ бу гал ҳам қизини амалга оширолмади. Кўзлари беихтиёр юмилди-ю, оний муддатга ўзини йўқотди. Тўғрироғи онги, ҳисла-

ри, хотираси уни тарк эта бошлади. Шуур ва ҳисларидан ажралиб, тубсиз бир чуқурликка чўкиб бораётгандай туюларди. Миясининг қаеридадир жонсиз бир олов ёниб, бир неча дақиқа липиллаб турди. Чол ўзи сезмаган ҳолда кўлини кўтарар, кимнидир ёнига чорлар, лекин кўли ёзилмас, овози ҳам чиқмас, бу ҳарорат кучайиб бораётгани оқибати эканини ўзи ҳам англамасди. Бир пайт у оёқлари нимагадир тегиб миясидаги олов атрофга ёйилганини ҳис этди-ю, гўё ҳали замон қулагани чуқурликдан қайтиб чиқди.

«Демак, ҳали ўлмаган эканман... — деган табиий бир тушунча куйилди чолнинг миясига, — бу ўлим олдидаги сўнги талвасалар...»

У танасига совуқ тер қалқиганини сезди. Бу унга яна бир бор ўлим чангалидан қутилиб, маълум муддатга ҳаётга қайтганини эслатади. Совиб бораётган кўллари бирдай қимирламас, гўё оёқ-кўлларида жони сурилиб, кўкрак қафасига кўчгандай эди. Миясидаги туман-бўшлик кучайди ва бу манзара ўзи, ўтмиши ҳақидаги тасаввурини мавҳумлаштириб ташлади.

— Ота-онам келаяпти... — гўлдиради ниҳоят чол, — демак тез орада тугайман... Улар мени олиб кетишадими... қизим... қани? Нимага у ёнимдамас? Ахир у бир нафас ҳам ёнимдан жилмасди-ку...

«Бир қултумгина чой бер... — хаёлан ёлвора бошлади онги хийла ёришиб бораётган чол, — томоғим қақраб, ичим ёниб бораёпти...»

— Бир қултум чой... — шивирлади яна у. Барибир жавоб бўлмади. У жон талвасасида кафтларини кўрпачага босди, қахрланиб қаддини тиклашга тиришди. Туролмади. Кафтларига тиралганча бешиктерватардай тебраниб ўтираверди. Узоқ жимликдан сўнг тушунчасининг қаеридадир отаси, оналари чумолилар каби ўрмаланиб юрганини англади. Отаси, оналарнинг юз-кўзлари, кийимлари ҳам қоп-қора рангда эди. Марҳумлар олисларда ёлғизгина фарзанди — чолни имлаб ёнларига қақиришар, гўё: «Болажон! Бас, худа-беҳуда олдинга талпинаверма! Саксон йил яшаганинг ҳам етар! Улимга тан бер-у, жонингни оллоҳнинг ихтиёрига топшир! Тирик қолганинг билан барибир қизиллар отиб ўлдиради...» деяётганга ўхшарди.

Чол оёқларини йиғиб, бошини қуйи солганча, кафтларини кўрпачага тираб ўтирар, ёнбошлагиси келар, бироқ ёнбошласа, гўё жони узиладигандай кўркув билан гавдасини аранг тутар эди. От ўқтин-ўқтин кишнар, лекин у чолнинг қулоқларига гўё узоқдан эшитилаётгандай туюларди. Кутилмаганда қариянинг қулоқлари шанғиллаб, гўё миясида кимдир кўнғироқ чалаётгандай бўлди, бу ҳол анчага чўзилди. Бир неча дақиқалардан кейин эса қулоқларидан нимадир олиб ташлангандай очилди-ю, от кишнашини баланд пардада эшитди ва миясидаги карахлик ҳам кўтарилди. Заифлашган юраги аввалги мўътадиллигига қайтди. Рухи энгил тортди. Бу — инсоннинг тугаши, яъни сўнги нафасларини чиқаришдан олдинги ҳолига қайтиши, тетиклаши аломати эди. Ҳар бир тугаётган одам бундай ҳолини бошидан кечирар, ўлиб кўрмаган чол учун эса бу мутлақо янги босқич эди. Кўзлари тиниқлашиб, онги тикланган чол гўё ўн йиллар орқага қайтгандай ўзини энгил сезди. Тиниқлашган миясига гўё ўн йил илгари каби ўйлар ёпирилиб кирди-ю, ёшлик даври тўла ва мукамал жонланди. Қаршисидаги гулхан ҳам гўё ёш, навқирол йигитдай куч-қудрат билан гуриллай бошлади. Бу сусайган вужуд — қария учун чиндан ҳам ёқимли эди.

Энди у ўйларининг кенг, тор, баланд, паст уй-айвонлари, боғчорвоқларида қачонлардир умр кечирган ота-оналари, ўғиллари, буви-бувалари, шунингдек Қодир-

қул, унинг фарзандлари ва икки йигити билан калтаклаган Исмоил ва отлар, шерлар, филлар, бўрилар, бўрилар чангалида талон бўлган дўсти Ёқубни кўрар, хаёлан улар билан дардлашар эди. Салдан кейин уйларидаги одамлар, жонворлар бир-бирларини четга суриб чиқарди, қиёфалар бир-бирлари билан қоршиди, лекин у нима учун бундай даҳшатли манзара юз бераётганига тушунолмади. Қиёфалар, манзаралар, жонворлар шуурида тикланар, сўнар, қайтадан тикланар, қулоқларига минглаб турли-туман фарёдлар, қушлар чуғури, жонворлар ўкириги кирар, чолни эсанкиратиб ташлаётганди. Буларнинг ҳаммаси табиатдай улуғ мўъжизага бориб туташадиган бўлаклар — инсон, қушлар, жонворларнинг сўнги лаҳзаларидаги видолашувлар, чолнинг умрини яна озгина чўзиш учун чекаётган фиғонлари, ундан ҳам кўра қондошлари — чолга қайғуриши аломатлари эди. Бундай алоқа — туғишганлик меҳр-оқибати ҳиссини чол ёшлигида жонворлар, қушларга қайғурган кезларида танасидан кечирганди. Қушлар, жонворларнинг ўлимини кўриб ёш Азаматнинг ҳам юраги ачишган, кўзлари ёшланганди. Энди бу ҳол чолга нисбатан қушлар, жонворлар ва руҳлар орқали такрорланапти. Бу умри тугаб бораётган инсон боласи учун ҳам ҳайратланарли, ҳам сирли-сеҳрли бир манзил эди. Бу дунёдаги умрдан кейинги оралик ва ораликдан кейинги у дунё ҳаёти ҳозирча чолга сир эди ва сирлигича қоларди. Чунки у дунёдаги умр илоҳга яқинлашарди. Ейиш, ичишсиз, уйқусиз, муҳаббатсиз кечадиган ўша илоҳ ҳузуриди умрда гуноҳлар қилинмас, гуноҳлар қилинмаслиги, еб-ичмаслик эвазига инсон руҳи илоҳга яқинлашар эди. Еб-ичганлиги, ухлагани, севгани, турли гуноҳларга йўл қўйгани учун ҳам бу дунё умри ўткинчилиги чолга аён эди.

«Ҳадемай ёлғончи оламдан боқий олам — Арши Аълога руҳимни топшираман... — деган табиий тушунча чолнинг миясини қамради, — ота-боболарим, момоларим руҳларига кўшилиб, оллоҳнинг ҳузурда бўламан...»

Бир гуруҳ инсон болалари юксакликдаги умр гўшаси — оллоҳнинг ҳузурига астойдил топинар, бошқа гуруҳи эса буни инкор этиб, ўша юксакдаги умр гўшасини тўлалигича кашф қилиб улгурмай, унинг сахарот ва кароматларига тусмол ва иккиланиш билан қарар, икки орадаги мана шу фарқ ҳамон инсон камолотига раҳна солар, яъни тўла шаклланмай қолиб бораётганди. Чол мана шу нозик ва муқаддас илоҳий жараёнини ҳиссан сезар, бироқ ақлан тўла қамраб олмаганди. Ҳозиргина шарпалари билан, миясини акси билан ҳисларини тўлдирган, яъни бир неча йиллар илгари ўлган, эндиликда тупроққа қоришган ота-оналари кўк кийиб ёнига келишиб, унга қайғураётгани ҳам, табиийки илоҳдан, арвоҳлар чирқираб у дунё фуқаролигига чорлаётгани ҳам оллоҳга бориб туташар, у бунга эсини таниганидан бери ишонарди.

Қария сўниб бораётган гулханга тикилди. Чала ярим ёнган ўтинлар, чўғ, аланга кўзларига ўн-ўн бештадан бўлиб кўринди. Гулханнинг қиёфаси ўзгариб, тундлашди. Яна чолнинг мазаси қоча бошлади. Бир неча сония илгариги шаҳди йўқ. Отнинг кишнаши узоқларга кўчди. Кўзларига чалиниб, онгида ифодаланаётган мавжудлик самарасиз кўринаяпти... у гўё вужудида оғир тош чўкиб ётганини сезди. Киприклари ўз-ўзидан юмилиб, қовоқлари оғирлашди-да, уни уйқуга тортди. Лекин у кўзларини юмишга кўрқар, қизини кўриш мақсадида атрофга нотавон ва бечорачилик билан тикиларди.

«Олов — оллоҳнинг бандаи мўминларига кўрсатган

чексиз саховати,— деган фикр ифодаланди кексанинг миясида,— олов ёнади-сўнади. Аслида ёнмайди, сўнмайди, у доим қизариб, кезиб юради. Сувни ҳам шундай ичасан, ер суғорасан, шу билан тугагандай кўринади, аслида эса тугамайди, сув бўлиб айланиб юраверади. Чунки буларнинг ҳаммаси оллоҳнинг ихтиёрида... Унинг ихтиёридаги мулкани еб ҳам, ичиб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди...»

У зўр бериб ота-оналари қиёфаларини кўз олдида бунёд этишга ҳаракат қилди. Ниятига эришди. Бироқ энди улар ювилавериш ранги ўчган, юпқалашган бўзни эслатарди. У урина-урина шууридаги қизини топиб олди. Уша тушунчанинг ёнида қизи келгунга қадар умрини узайтириш зарурлиги ҳақидаги фикр ҳам бор эди. Қизи қайтиши, шу кунгача ёрилолмаган дилидаги сўзларини унга айтиши керак. Қиз ҳам отасининг лабларига сўнгги томчи сувини томизиши зарур. Улим олдидан томизиладиган сув аслида ўғилларидан буюрилиши керак эди. Кекса вужуд ўлим билан ҳаёт орасида санғиб, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтиб юрган, орқага ўтишдан кўра олдинга ўтишга кўпроқ талпинаётган жоннинг даҳшатини шу томчи сувлар сусайтирар, осонроқ узилдишга кўмаклашарди... ҳар ҳолда, сўнгги лаҳзаларда ҳам инсоннинг жони осонгина узилгани маъқул... аслида ўлим тушунча йўқотилгунча даҳшатли туюлади, йўқотилгандан кейин эса «барибир»га айланади.

«Улим — оллоҳ томонидан инъом этилган ноёб мўъжизадир,— деган ўй чолнинг миясида ўз ифодасини топа бошлади,— мана шу муқаддас мўъжизани менсимаган кимсалар тирикликда турли йўллarga киради... ўлимни ўйлаганлар бу дунёда ўзларини олчоқлик, сотқинлик, бесоқоликлардан тияди.. бундай кишилар оллоҳнинг назарига тушган улуғлардир...»

Тилсиз жонвор от ҳамон киртиллатиб ўт тишлар, баъзан бошини кўтариб қисқа-қисқа пишқирар, қиз кетган томонга қараб қўяр, гоҳ ташналикдан сой томонга тикилар эди. Улим билан ҳаёт орасида гангиб ўтирган чол олдинга ўтганида тетиклашиб, орқага ўтганида ҳушидан ажрар, қил устида турган умрини қизининг қайтиш чоғига асраётган эди.

У бир нави тетиклашди. Ногаҳон тасаввур кўзгусида икки кун илгари қувилган қишлоғи ўртасида Сирли масжид қад кўтарди. Амир Темур даврининг қуббали гўзал масжидларини эслатадиган ўша Сирли масжидни раҳматли отаси ўз маблағига қурдирганди. Усталарни ҳам турли шахарлардан чақиртирган, ҳар кун иўнлаб моллар сўйилар, халқ эса ўз истаги билан ҳашарга чиқар эди. У пайтлар Азамат ўспирин эди. Каттадан-кичик Шокир бойнинг ёлғизгина ўғлини дуо қилганди. Валломат Шокир бой роса эътиборга тушганди. Жума кунлари икки дош қозонда палов дамлатар, бевабечоралар, камбағалларга улашарди. Шу билан оллоҳ ва одамлар олдидаги қарзларини беармон узди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Отасининг халққа кўрсатган ўша саховатлари учун ҳам қизиллар раҳм этишмади. Отасидан биргина Сирли масжид ёдгор қолди.

Чол бирдай сукут сақлаб, оловга термилар, от ўтлар, олам эса жимжит эди. Ун-ўн қадам нарида қўға, қамишлар тебраниб, сирли шивирлар, чол эса буларни эшитмас, кўрмас, сўнгги лаҳзаларини қизининг келишига асраш учун ўлим билан кучи борича олишар, ҳозирча енгаётганди. Енгилиши эса қизининг қайтиши билан боғлиқ эди. Олам бирдай сукут сақларди. Гарчи чол билан олам, олам билан чол бир-бирларидан узилиб қолгандай кўринса-да, аслида эса узилмаган, ҳар сония бир-бирлари билан боғланиб турардилар. Қаердадир ҳали миллати шакланмаган, насл-насабини англамаган

инсон болалари туғилиб, чирқирай йиғлар, бошқа томонда эса кимдир фарёдлар чекиб ўлар, чол ҳозирча улар ҳақида ўйламаётганди. Ҳадемай чол учун жимлик фасли бошланарди... У тахминан шундай дақиқани кутар эди. Жимлик... барчага баробар жимлик... барча антикишларга осонликча чек қўядиган азалий жимлик... бу жимлик эса бор-ўйғи икки газ кафанлик билан белгиланади. Шу икки газ оқлик тирикдан кейинги ўлимни чеклайди. Балки бу ҳам чолга насиб этмас... Одам улғайишини орзиқиб кутади, муҳаббат манзилига ошиқади. Икки орадаги елиб-югуришлар... икки орада болалар туғилади, вассалом! Жуда қисқа масофа, арзимаган талпиниш... Инсон мана шу одатий жўнликка кўниқолмай, чиқолмай ундан қандайдир илоҳийлик излаб чинқиради... юқоридан — илоҳ назаридан қаралса бу кечмиш оддий бир ҳақиқат...

Ох, қизи, қизгинаси тезроқ кела қолса-чи. Лаблари орасига томизиладиган бир неча томчи сувгагина муҳтожлик сезаяпти. Тезроқ ўша сувни қизи томизса, кафанга ўраса-ю, ана у бўрилар таъқибидан халос этса...

Чол умрининг ниҳояси, яъни ҳамма учун бирдай юз берадиган «қайтиш» — қисқа мuddатга тикланиш палласида — ҳислари жўшиб, мияси ўйларга тўлиб-тошган кез адоқсиз бир ҳасрат билан қизи кетган томонга юзланди. Бироқ кўзларига бирон-бир аниқ нуқта чалинмади. Чалинса-да, илғамади. Олам хира туман орасида сароб янглиг титрар, ер сатҳидан хира аланга таралар эди. Чолнинг кўзларига титраб кўринаётган аланга ва туман инсон билан табиат орасида чаётган айрилиқ лаҳзаларидаги ғафлат пардаси эди. Бу манзара сўнгги дамларда барча инсон танасидан кечади, фақат талваса туфайлигина диққат қилолмайди.

— Дарвоқе, ёнимда от деган жонивор ҳам бор-а... — шивирлади чол. — Отнинг қисмати одамга боғлиқ. Бир неча кундан бери аравада тортиб юрибди. Сув, йўлдаги ўтлар билан ҳаётини сақлаяпти... мендан кейин яна қизимнинг кунига ярайди...

У тусмол билан ҳамон киртиллатиб ўт тишлаётган отни излади. Қизил қашқа от бу гал қора рангда кўринди. Жиддий тикилиш ва кузатувдан кейин отнинг оёқлари, эгарини илғай олди. Қора ранг озгина сийраклашди. От аввал қиз кетган ёққа қаради, сўнг чол томонга ўгирилди. Асли ҳам шундай қилдими, йўқми бу ёғи чолга сирлигича қолди. У отнинг ҳаракати ҳақида шундай қарорга борди. Фикрлари аста-секин от ҳақидаги хотира билан алмашди, Уша пайтлар чол Қизил қашқага ортиқча меҳр қўйган, эрта-кеч парвариш-лаб, куз кунлари улоқ тортишар, беармон қимиз ичар, зиёфатларга қатнар, ёшликнинг барча истакларини сидқидилдан бажарар эди. У пайтлар Азаматнинг тушларига ҳали ҳам жониворлар султони — шерлар, чопқир отлар, сор бургутлар, тоғ чўққилари, учар илонлар кирар, бу эса унинг кексаймаганлигидан далолат берарди. Энди эса тушларига арвоқлар, мотамли манзаралар, кўк кийган марҳумлар кираяпти. Тинмай ёнларига чорлашади. От! Ун ёшда, айни навқирон палласи. Чол билан қиздан ажралса, арқонини узиб қочиши, қулай ерларига кетиб умрини давом эттириши тайин. Унинг зиммасида яна ўзига ўхшаш чопқир тойчоқлар қолдириш бурчи турибди...

Кунмиш бир юриб, бир югуриб, қўға, қамишлар шитирлашдан гўё қалдирғочдай чўчиб тушар, тайсаллаб атрофга аланлар, баъзан қуриган ўт-ўланларни қарсиллатиб босиб, тезроқ Қодиркулнинг уйига етиш, бошлаб келиш учун терлаб-пишарди. Кўз ёшлари таъсиридан қовоқлари ачишиб, тортишар, миясида эса

«дадамни худо ўз паноҳида асрасин!», деган фикр айланарди. Арзимас шарпа ё овоздан юраги ёрилай деган қизнинг хотирасида отасидан эшитган, яъни бўриллар билан олишиб, хомталаш бўлган Ёқуб полвон воқеаси жонланарди. Бир неча кундан бери тўйиб овқат емагани, қониб чой ичмагани сабабли оёқлари толар, кўзлари тинар эди.

Тўқайзорни яримлаб қўйганда қандайдир қушларнинг узук-юлуқ чирқиллаши ва чиябўрилларнинг чийиллаши янгради-ю, қизнинг ўтакасини ёриб юборди. Эсанкираб тўхтади. Бошини кўтариб тепасида уймалашётган уч-тўртта калхатни кўрди. Калхатлар қанотларини қимирлатмай учишар, қамишлар орасидан ўлжа излашарди. Калхатлар пастлаганда чиябўриллар ва қушларнинг саслари ўчар, юқорилаганда янгитдан кўтариларди. Кунмиш кўзгалди. Лекин тўқайзор охирламай сёқ томирлари тортишиб, ўпкаси сиқилди-ю, яна тўхтади. Беҳоллик оқибатида бир нафас ҳушини ҳам йўқотди. Оёқларини кериб, йиқилишдан аранг ўзини асраб қолди. Отаси, бўриллар ҳақидаги ўйлар ҳам дарҳол унутилди. Бояқиш қиз онаси ўлганда худди шундай аҳволга тушганди. Уша ҳол мана иккинчи марта такрорланди. У бир неча сония қалтираб, гангиб тургандан кейингина кўзи тиниши, бош айланиши тўхтади. Оёқларини зўрға кўтариб босди. Онг ва ҳислари бирдай карахт эди. Бу гал қиз олдинги шиддати билан эмас, шунчаки зарурат юзасидан қадамларини тезлаштирди.

«Учиш учун қушларга қанот берган тангри нима учун одамни қанотдан қисган? — ўйлаб борди йўл-йўлакай. Тишлаш учун бўрилларда тиш, сузиш учун сигирларда мугуз, чопиш учун отларда тўртта оёқ бор. Юнглари уларни совуқдан асрайди. Одамда эса ҳеч нарса йўқ...»

У фавқулодда миясига урилган фикрдан ўзи ҳам ҳайратга тушди. Чунки шу кунгача бирор вақт бўрилларнинг тишлари, отларнинг оёқлари, сигирларнинг мугузлари ҳақида бу қадар чуқур ўйлаб кўрмаганди. Бахтсизлик унга кўп нарсаларни ўргатди, онгини қайради...

— Барибир қанотим бўлганда яхши эди, — ўзига ўзи мурожаат этди кейин ва бу билан хаёлини чалғитиб, кўрқувни унутган бўлди. — Балки тангри одамга ақл бергани учун қанот, ўткир тиш, мугуз, тўрт оёқдан қисгандир... одам ўзига кийим тикиб олади, уй солиб, олов ёқиб ўзини совуқдан асрайди. Ҳайвонлар бундай қилолмайди...

«Барибир қанотларим бўлганда яхши эди, — кўнглидан кечирди қиз, — учиб бошимиз оққан томонга кетардик. Балки тоғ чўққиларига чиқиб яшардик. Бўри, сигир ё от бўлиб туғилганимда... йўқ, одамлигим яхши...»

— Арслон ҳозир қаерда экан? — ўйлади у энтикиб, — нимага у бу ерларга келмайди? Балки қизиллар уларга тегмагандир... ўйлаб ўтирмай унга турмушга чиқардим... дадам ҳам қувонарди.

Чиябўрилларнинг такрор чийиллашлари уни сергалантирди. Елкаси оша ортига қаради. Мушукдан катта-катта чиябўриллар оёқларини майиштириб изидан эргаширди.

«Чиябўриллар одамга тегмайди, фақат кўрқитади...», у отасининг гапларини хаёлан такрорлади. Чиябўриллар уни сескантириб, танасидаги беҳолликни унутди. Зўр бериб чиябўриллардан узоқлаша бошлади. Ҳаллослаб, ниҳоят, қамишзорни босиб ўтди. Улакани титкилаётган қизғиш тулки уни кўриб, қочиб қолди. Қамишлар орасига кириб йўқолди. У катта йўлга чиққан, бир оз ўпкасини босиб, таҳликадан қутилди. Энди биргина отаси ҳақида бош қотирар, мана шу ўй бошқаларини миясидан қувиб чиқарган эди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт кечгач, узоқдан

Қодирқулнинг пастак уйи кўзларига чалинди. Қувониб қадамларини тезлаштирди. Уйга яқинлашганда қулоқлар, думи кесилган баҳайбат, таниш ит қўзғалиб, керишди-да, сўнг юнглари хурпайтириб ҳурди. Ит сурункасига акиллавергач, хонадон бекаси — паст бўйли аёл безовталаниб ташқарига чиқди. Кунмишга кўзи тушиши билан пилдираб истиқболига шошилди.

— Ассалому алайкум! — дея қиз интиқлик билан аёлни кучди.

— Ваалайкум ассалом! Тинчликми? Нимага бой отамлар кўринмайди? — сўради уй бекаси олазарак йўл томонни кузатиб.

— Амаким уйдадилар?

— Нимага безовтасиз? Тинчликми? Дадангизни қаерда қолдирдингиз?

— Мазалари қочди... тўқайзорда... гулхан ёнида қолдилар. Амакиларни тезлик билан олиб боришимни буюрдилар...

— Амакингиз сизларни кузатганларидан кейин уйда турулмадилар. Қишлоққа жўнадилар... Меҳмонлар келишса, мени кутишсин, дедилар. Қани, уйга кирсинлар, жианларингиз сизни сўрайвериб тинкамни қуритишди. Амакингиз қайтиб қоларлар...

Аёл итни ҳайдади. Кунмиш унинг ортидан эргашди. Ҳовлида уни ўша кунги ёқавайрон болалар, сочлари тўзиган қизалоқлар қувнаб-сақраб қаршилашди.

— Опам қайтиб келдилар! Урай!

— Сенинг эмас, менинг опам!

— Меники... — қабилидаги ҳайқириқлар қулоқларини қоматга келтириб, болалар унинг қўллари, этакларидан тортқилар, қиз эса бирини қўйиб, иккинчисини қучар, ўпар эди. Онанинг дўқ-пўписаси билангина у болалар чангалидан аранг қутилди.

— Келинойи, — деди Кунмиш кўрпачага омонатгина чўкар экан, — дадамларнинг мазалари йўқ, ўзингизни уринтирманг, узоқ ўтиролмаман...

— Кунмиш бону, озгина шошманг, амакингиз қайтиб қолишар... мен овқатга уннай. Ҳой тирранчалар, опаларингизни тинч қўйинглар, чарчаганлар...

— Келинойи, — дея у хонадон бекасини тўхтатди, — овқат егим йўқ. Кўнглим ғаш... тентираб юриб, намоз ўқимай қўйдим... илгари қанда қилмасдим...

— Оғзингиздан ўргилай, Кунмиш бону. Ҳозир сув тайёрлаб бераман. Меҳмонхонага ўтиб намоз ўқиб оласиз.

«Намоз» сўзини эшитган болалар дарҳол тинчишди. У таҳорат олиб, меҳмонхонага ўтди, намоз ўқишга тутинди. Намозни тугатиб жойнамозда узоқ ўтирди, худодан отасининг соғайишини, қизилларнинг юзини тескари қилишни алоҳида илинж — эътиқод билан астойдил сўради. Кейин оллоҳдан онаси, бува, бувилари, бошқа марҳум қондошларининг жойларини жаннатдан беришини айтиб, қайта-қайта такрорлади. Жойнамоздан руҳи анча енгил тортиб, кўтаринки кайфият билан қўзғалди. Гўё худо илтижоларига қулоқ тутиб, отасини соғайтириб, бундан буёнги тентирашларига ҳам чек қўядигандек эди. Барча кечмишларни фақат олижаноблик меъёри билан ўлчаб, шу нуқтаи назардан баҳолайдиган беозор қиз қизиллар туфайли яна кўп тентирашлари мумкинлигини англаб етолмас, бу дунёда эзгуликка қарама-қарши тубанлик ва қотилликлар ҳам мавжудлигини, булар имонсиз каслар томонидан бажариллигини эса у тасаввур ҳам етолмас эди. Худосизларда заррача ҳам эътиқод йўқлиги, улар зарур пайтларда барча гўзалликни ҳам осонгина топташи ва ўйламай-нетмай инсонлар қонини тўка олиши, шунингдек, худога инонган, яъни доим покланиб, ўзини гуноҳлардан тиядиган зотларгина одамга шаф-

қатда бўлиши мумкинлигини ҳам у тўла тушуниб, ҳис этиб улгурмаганди. Қиз, ҳозирча эътиқодсиз, ҳайвоний оламдан тўла ажралиб чиқмаган қимсалар учун ватан, миллат сариқ чақага арзимаслиги, ўз ёвуз манфаатлари йўлида улар диёнатини сотиб юборажаги ҳақидаги тушунчалардан ҳам йироқ эди.

Кеч кирганда ҳам Қодирқулдан дарак бўлмади. Бу орада мошкичири сузилиб, ейилди.

— Келинойи, йўлга чиқаман, — деди ниҳоят сабри чидамай Кунмиш, — юрагим шошаяпти... дадамларни бирор вақт ёлғиз қолдирмагандим... энди улардан бошқа суянчигим йўқ...

— Озгина кутсангиз, келардилар... — деди хонадон бекаси ноилож, — мана бу қовоққа хўрда солдим. Эҳтиётлаб ушланг.

— Хўп, — деди қиз қовоқнинг латтали боғидан тутиб, сўнг ўзига ёпишаётган болаларни ўпди, кўзлари ёшлариб хайрлашди. — Амаким келсалар, тезроқ этиб борсин...

— Отдан тушмасларидан жўнатаман... — деди аёл ҳиқирлаб ва болаларни жеркиди, — тирранчалар, қиз боқишга тузуккина овқат ҳам едирмадиларинг. Эй, худойим! Илоё, шу қизнинг бахтини оч! Яхши жойлардан ато қил! Отасининг дардига ҳам шифо бер!

Қиз илонизи тупроқда йўлга тушиб, илгарилади. У бир нималар деб ёлғудир, ҳиқирлар, аламини кўз ёшларидан оларди. Гарчи қовоқ оғир бўлмаса-да, гангиб кўлидан-кўлига ўтказарди. Ниҳоят, у қоронғилик қаърига кириб йўқолди. Хилват йўл бошланган:

— Бу ерларда бўри йўқ, бўри тирик одамга тегмайди, — дея ўзига ўзи таскин берди. Оғир, даҳшатли сукунат ва қоронғилик қизнинг онги ва ҳисларини қиймалар, гўё ҳар қадамда олдидан бўрилар чиқиб, ҳамла қиладигандай, гўё ёриб ташлайдигандай туюлар, арзимас шарпадан қичқаришга шайланар, танасидан тер куйилар эди.

«Бу ерларда бўри йўқ, — беихтиёр кўнглида такрорлади у, — бўри тирик одамга тегмайди...»

Тупроқ йўл ҳам тугади. Узундан-узун тўқайзорга кириш қиз учун илгаригидан ҳам ваҳимали туюлди. Худо уни балолардан асраса, ярим соатлардан сўнг тўқайзор орасидаги йўлни босиб ўтар, отаси билан омон-эсон юз кўришарди. Бунга жуда озгина масофа қолганди... Тўқайзор орасидаги йўл бошланишидан озгина илгари кўга ва қамишлар ўсган ўн қадамча чуқурликка тушиб, кўтарилиши керак эди. Чуқурликка яқинлашганда кўзларига қандайдир қора шарпалар чалиниб, мавҳум овозлар ҳам эшитилди. Кунмиш бир нафас тўхтаб диққатини кўз ва қулоқларига жамлаб атрофга аланглади. Барибир кўзларига аниқ бир қиёфалар илашмади. Чиндан ҳам атрофида бўрилар тентираётганмиди ё кўрққани учун хаёлига шундай фикр келганмиди, бунини у анча вақтгача идрок этолмади.

Яна бир қадам босмай, тагин олдини нимадир кесиб ўтди. Йўл четиға чўкди-да, тумшугини ялаб ўлжаси — одамни кузатди. Қизнинг сочлари тикка бўлиб, танасига иссиқ суюқлик ёпирилиб кирди-ю, боши ва оёқлари учидан чиқиб кетди. Анча вақтгача титраб турди. Ҳислари жунбушга келиб, ўй-хаёлларини пардай тўзитаиб юборди. Қўлидаги қовоқни кўтариб, ўзини ҳимоя қилди. Сергалик билан ён-верига назар ташлади. Бу гал кўзларига ўнга яқин катта-катта олов нуқталари чалинди, лекин у ҳеч нарса англолмади. Майда оловлар бир-бирдан узоқлашар, дарҳол бир жойга жамланар, ялтираб яна тарқалар эди. Оловли нуқталар узлуксиз уни, у эса оловли нуқталарни таъқиб этар, аммо икки томон ҳам бир-бирларига тан бермас, қочмас ҳам эди.

Бир ерга жамланиб, гоҳ турли томонга сочилаётган

оловли нуқталар шошиб олдинга интилишди, инграшлар эшитилди. Инграшлар тез орада хириллашлар билан алмашди. Оловли нуқталар тобора яқинлашаётган кез қизнинг мияси ва юрагида қизиш бошлади ва аста-секин танасига тарқалди. Қаршисидаги оловли нуқталар билан танасини қоплаб бораётган қизиш гўё бир-бирларига интилар, лекин қовуша олмаётган эди.

— Дадажон... — ҳис ва ўйлари гўё куюн янглиғ гирдоб ҳосил қилаётган лаҳза қизнинг лаблари беҳос қимтинди. Қимтингани он гўё танаси юққалашиб, титроқ билан алмашди. Титроқ эса чексиз-чегарасиз изтиробларга бориб туташди. Мана, мана, ҳушимдан ажрайман, деб турган паллада унинг қалбида отасини кўриш ва сўнги сўзларини айтиш иштиёқи кўзғалди-ю, йиқилишдан асради. Томоқ қириб, зўр-зўраки йўталиб, ҳатто кафти билан қовоқни тақиллатиб, ўзини бўрилар таъқибидан қутқаришга уринди.

— Дада, дадажон! — дея бир қур чинқириб, ўз овозидан таҳликага ҳам тушди. Инсон овози бўриларни барибир кўрқувга солиб, орқаларига тисарилишга мажбур этди. Бўрилар гўё бир-биридан кек сақлаётгандай, ё сир бергиси келмаётгандек турли томонга юрар, ириллашар, тумшукларини ялаб, тишлашга ботинмай, чекинишар эди.

«Бечора отам, мени кутаяпти... бўрилар орасига тушиб қолганимни билмайди... умидини ёлғиз менга тикканди...», деган фикр миясида бир зум чакнади-ю дарҳол ўчди. Пароканда ўйларини жамлаб улгурмасдан яна олдида бир қора шарпа пайдо бўлди. У беихтиёр қовоқни кўтариб, силкиди, лекин қовоқ ҳеч нарсага тегмади. Ичидаги овқат озгина тўкилди. Хириллаш, ириллаш кучайди, қандайдир фарёдлар таассуроти билан қоришди. Энди қулоқлари остида номаълум ва мавҳум овозлар жаранглагандан жаранглар, юраги сирқираб оғир, ҳисларининг қаеридадир қатлам-қатлам тўлқинлар кўтарилар, тушар, танаси ҳарорати билан туташар эди. Тасавури кенгликларига кўк кийган тўда-тўда одамлар уввос солиб, гўё чопқир отлар каби ҳар томонга югуриб, яратганга илтижолар қилиб, норасида қизнинг жонини асраб қолишни сарашарди. Узи ва атрофидаги таҳликани бироз эсидан чиқариб, тасавуридаги руҳларни ёрдамга чорлаш учун бақариб кўрди, бироқ овози чиқмади.

— Арслон! Арслон! — деб юборди дафъатан кучли бир ҳайқириб қилди. Бояқиз қиз ўзи сезмаган ҳолда қалбида анчадан бери кўним топган абадий тушунча — туйғуга айланган Арслоннинг номини такрорлаган эди. — Арслон ака! Келинг, келсангиз-чи...

«Отам нима қилади? Энди унга ким қарайди?»

— Яхшиям номоз ўқиби олган эканман, — шивирлади у. — Худонинг олдидаги бурчимни адо этдим... шунинг учун ҳам бўрилар яқинлаша олмаяпти...

Нимадир сакради, қиз қовоқ билан бошига туширди. Қовоқ иккига бўлинди, дастлабки ҳужумдан қутулди. Уст-бошига хўрда тўкилди. Галдаги зарбадан эса Кунмиш гангиб бориб, чалқанча йиқилди. Йиқилди-ю, метиндай инсоний ирода кўл келди... Қизда туришга, ёвуз рақиблари билан олишишга журъат пайдо бўлди. Кафтларини ерга тираб, шиддат билан кўзғалди. Ҳимоя исенга кўчди. Қорачиқлари чақнаб, хаёли тиниқ тортиди. Куч-қуввати кўл-оёқларига жамланди. Исён нафрат ва ғазаб билан бошланди. Энди унинг ғалаёни ўз-ўзини ҳимоя этиш учун эмас, ўлиш осон бўлмагани, ундан ҳам кўра ўлим даҳшатга айланган кездеги табиий кўзғалиш жараёни эди. Энди бу онг исён ва ҳислар ғалаёнини тушунча ва туйғуси эмас, танасидаги қарши кураш хусусияти бошқараётганди.

— Дада, дадажон!

Кунмишнинг мушти тугилиб, бир неча бор силкинди. Нималардир ёниб, сўнди. У эсидан оғиш даражасида лабларидан тупук сачратиб, нималарнидир мушлар, тепар, қичқирарди. Исён ва ғалаён сўнгги нуқтага етган лаҳзаларда нақ кўксига оғир зарба тушди... нимадир киртиллаб санчилди-да, уч марта силкинди. Кўкси аввал жизиллади, ачишди, сўнг кучли оғриқ кўзгалди. Кафтини босганди, кўлига иссиқ ва шиллиқ нарса илашди. Бу қон эди...

«Дада... дадажо-он-нн...»

— Арслон! Арслон!

У ҳушини йиғиб, қаддини ростлаб улгурмади. Жизиллаш, ачишиш ва оғриқлар қўл-оёқлари, болдирларига ҳам кўчди. Мана шу турфа кечмишлар асносида танасининг қаерларидир камайиб борар, бу онги ва ҳисларини саросимага солар, соғ қисми эса тубсиз бўшлиққа чўкар эди. Танаси турли томонга тортилиб, судралар, гўё мушак ва пайларини нимадир қиймалар, бироқ қаери қиймаланаётганини фарқлолмас, баъзан бармоқлари юмшоқ нарсага тегар, у ўша нарсани орқага итарар, лекин мадори етмасди. Ниҳоят қўлларини ҳам нималардир нимталай бошлади...

— Она! Онажон! Дадажон! Арслон! Нимага индамайсилар?! Нимага мени бўрилардан ажратиб олмайсилар?

Бу бўрилар тишлари орасида хомталаш бўлаётган, онг ва ҳислари тарк этаётган қизнинг сўнгги фарёди эди. Соғ қолган тушунчаси ва тили охирги марта ўз кучини кўрсатиб, ғам-ғуссаси, ҳасратларини ифодалаш учун қизга имкон яратиб берганди. Тушунча — туйғусидан мутлақо ажралаётган лаҳзалардагина «бўри» сўзи, «бўри» даҳшати энди унинг тўкилаётган қонларида ифодалана бошлади. Қонларида ифодаланаётган онларда унинг қурбонига айланди. Қурбонлик келтириб, шу билан ўз ҳаётларини асраб қоладиган бўрилар ўтган кеча гулхан атрофида эрталабгача тентирашган, охир-оқибат ниятларига эришолмай, тоғ томон кўтарилиб кетишганди.

Сўнгги дақиқаларда қизнинг онги ва хотирасига ота-онаси: Арслон ҳақидаги тушунчалар қалқиб турди-да, хаёлига ўчмас бўлиб ўрнашди. Кейин эса Қодирқул ва унинг меҳрибон хотини, соддадил фарзандлари, «бўри тирик одамга тегмайди», деган гап ҳам мутлақо маъносини йўқотди... ҳаммаси вужудида ловиллаб ёнаётган оловга қоришиб, аста-секин тутун билан алмашди. Фарёдлар ҳам тинди. У вужудида ҳис қилаётган олов табиий оловга ўхшамас, танасини ҳам куйдирмас, таъсири фақат ачишиш ва оғриқлардагина сезилаётганди. Бошида ўнлаб арвоҳлар чарх уриб айланар, фарёдлар чекар, гўё фарёдларида «онангман, бувингман, бувангман» қабилидаги сўзлар англашилари. Бўрилар арвоҳлар фарёдларига эътибор бермай, ҳамон инсон танасини ғажижар, ўлжани еб тугатиш ҳирсида ўртанардилар. Ниҳоят вужуддаги самарасиз оловлар, тепадаги сўнгсиз фарёдлар сўнди...

Узлари тўйса ҳам, кўзлари тўймаган бўрилар қолган суякларни тортқилашиб чуқурликка олиб тушишди. Ҳаёт нурлари мутлақо сўниб улгурмаган суякдаги чала чайналган гўшлар сезилар-сезилмас титрар, учар ҳам эди. Хира буг таратаётган мана шу суяклар бўриларнинг қоринларига киролмади... Бўрилардан, уларнинг ўткир, қонхўр тишларидан узун ва қалин сочлар, баъзи ерлари тирналиб, гўшлари узиб олинган юз, узун ва қайрилма киприклари, қовоқларига ёйилиб тушган қуюқ қошларгина қолганди. Қошлар остида, киприклар орасида ўн саккиз йиллик дарду ҳасратлар қотиб турган илоҳий мўъжиза — кўзлар, тирикликдаги каби гўзаллик ва мафтункорлигини йўқотмаган, қизлик иффа-

тини ҳам мана шу кўзлар ўзида акс эттирар эди. Мана шу илоҳий мўъжиза — кўзларга тишлар ботмаганди... Оллоҳ ҳам ўзининг мана шу илоҳий мўъжизаси — кўзларни бўриларнинг тишлари, тирноқларидан омон асраганди... мана шу кўзлар, сочлар, қош, киприкларгина инсоний хотира сифатида эртанги кунга ёдгор бўлиб сақланаётганди... мана шу оллоҳнинг илоҳий мўъжизаси — кўзлари туфайли эртага кимдир Кунмишни таниши, ўша кўзларда сақланаётган дарду ҳасратларни ўқиши, қалбига жойлаши мумкин эди... бу азоб балки Арслонга насиб этар...

\* \* \*

Олам қоп-қоронғу эди. Олам оғир ва даҳшатли зулмат орасида гўё титрарди. Икки марта ҳушидан ажралган чол учинчиси олдида хиёл ўзига келди. Тушунча-туйғуси мутлақо нураган, саломат қолган нукталарида қизининг қайтиб, томизажак суви ҳақидаги фикр гўё сўнаётган шуъладай липиллаб турар, ўқтин-ўқтин табиий бир ҳис билан йўл томонга қарар, бироқ ҳеч нарсани илғолмас эди.

«Кунмиш нимага келмайди? Тезроқ дийдорини кўрсам, бир қултумгина сув томизса, тинчирдим...» беихтиёр хаёлидан ўтказди чол...

— Турмушга чиқаролмадим... — пичирлади кейин зўрға. — Қизимнинг раъйига қарамай Арслонга узатаверишим керак эди... энди кўча-кўйда тентираб қолдиган бўлди... бир томчи сув томизиш ўғилларимдан насиб этар деган ниятда эдим, шунга ҳам ярашмади.

Қизининг қайтамаётгани, айна пайтада уни кўриш илинжи чолнинг ўлим муҳлатини орқага сураётганди. Одам кимгадир илҳақ бўлса, оғзидан ғарғара келиб, ўлолмай узоқ муддат тўлғаниб ётишини у кексалардан эшитганди, мана энди ўз бошидан кечирапти. Бу ҳам илоҳ билан боғлиқлигини чол бугун ҳис қилди. Узилиши қизининг қайтишига боғланиб турибди... У жимиди... Вужуди тагин куч-қувват йиға бошлади. Қулоқлари остидаги шанғиллаш ўрнини қандайдир овозлар эгаллади. Бу аянчли фарёд қаёқдан, кимнинг бўғизидан узилаёпти? Қария буни англолмади. Фарёд қалбига яқин — гўё яқингинадан эшитгандай эди... ҳа, эслади...

Ўзига ўхшаш от жинниси Сиддиқ исми амакиваччаси бўларди. Оққўнғил ўша дўсти билан кўрпада тепишиб улғайганди. У ҳам чопқир отларни ёқтирар, донгини эшитса, юз чақиримга ҳам кетаверар, айтилган пулга сотиб оларди. Сиддиқнинг юраги ғайритабиий эҳтиросга тўла эди. Оллоҳ томонидан юрагига ато этилган мана шу ҳиссиёт бошига етди. Тенгсиз чавандоз кутилмаганда бир қизга ишқи тушиб, уйланолмагач, мусалласга муккасидан кетди. Маст ҳолда улоқ тортишиб зиёфатларда қолиб ҳам кетар, уйига бевақт қайтарди. Бир кун ярим тунда овлқ ерларда тентираб юриб, қутурган итга учради. Баҳайбат ит болдиридан тишлаб, роса силкиди. Сиддиқ ит билан чинакамига олишди. Ҳатто тумшугини йиртиб, оёқларини синдириб ҳам ташлади. Одамларнинг «табибга қарат, ит қутурган бўлиши мумкин», деган гапларига парво қилмади. Авалгидай улоқ тортишиб юраверди. Роппа-роса қирқ кундан кейин эса кўзлари қизариб, сўлаги оқа бошлади-ю, овқатга қарамай қўйди. Ота-онаси, ака-укалари, сингиллари, ҳатто яқин дўстларига ҳам ташланиб, тишлаб-тимдалайдиган одат қиларди. Бўйнига арқон солишиб, зўрлаб, ниҳоят, уйга қамашди. Уй деворларини тишлаб, тирнаб тирноқ ва тишларини синдириб ҳам олди. Шундан кейин томининг тепасини тепди-да, устига ғалвирдан сув ўтказиш-

ди. Сиддик баттар кучайиб бўкирди, ўзини турли томонга отиб, бошини деворга уриб пачоқлади. Охир-оқибат тинчиди. Ғалвирдан сув ўтказилгач, одамлар ўйлагандай соғаймади. Ғалвирдан сув ўтказиш Азаматнинг зиммасига юкланганди. Уша куни пастдаги манзарани ўз кўзи билан кузатди. Боши пачоқланган, тили осилиб қолган Сиддик яқин-яқинларгача хотирасидан кўтарилмаганди. Улгандан кейин эса навқирон йигитнинг танасидан қандайдир сарғиш суюқлик сизиб чиққанди. Азамат умрида бундай дахшатли ўлим кўрмаган, ҳатто эшитмаган эди.

Қарий олтмиш йилдан кейин ўша мудҳиш воқеа яна хотирасида тикланиб, бахтсиз дўстининг фарёдлари қулоқлари остида жаранглапти. Ҳадемай, ҳадемай дўстининг қисмати ўз бошига тушади. Ҳадемай балки Сиддикдай бўкирар, ўзини ҳар томонга отар, бошини янчар... қора ит — ўлим аввал тушунчаси, сўнг ҳислари ва охирида танасига чанг солади. Табиийки кўзлари оқиб тушади. Бўкиради, тинчиди... танаси сувга айланиб оқади...

«Қизим ҳозир қайтади... — чолнинг миясида фақат шу фикргина тирилди, — лабларимга сув томизади, кейин эсимдан ажрайман...»

Чол бу пайтга келиб қўллари учи ва оёқ бармоқлари совийтганини сезди. Бироқ бу — совуққа ўхшамас эди. Улим бусағасидаги совуш эди бу... У, ўз ихтиёрисиз аввал қўл, сўнг оёқ бармоқларини уқалади, лекин бармоқлари таъсирини сезмади. Силади, бироқ бу ҳам самара бермади. Биқинига нимадир ботди, қўлини чўзди. Пайпаслаб бош томонидаги олтин ва пуллар солинган сандиқчани олдиға тортиди. Пул ва олтинларни сочиб юборишга шайланди, лекин тез орада шаштидан тушди. Шу орада учинчи бор ҳушидан ажралди ва бу гал узоқ ётди...

\* \* \*

Қизнинг қайтмаётгани, чолнинг гулхан ёнида мункайиб ўтиргани, ўзининг боғлиқлик тургани сирига ҳамон тушунолмаётган от ниҳоят олдинга силжиди. Чолни ҳидлади. Кекса буни сезмади. Отнинг лаблари титраб, иккинчи бор чолни ҳидлади. Бу гал ҳам жавоб бўлмагач, от тишлари билан тўнни ямлади. Чол яна жавоб бўлмагач, от бошини кўтариб тўқайзор томон термилди. Аста-секин хотирасида шошилинч қишлоқдан чиқишгани, йўлдаги қийинчиликлар, ортларига қайтишгани, ёқилган гулхан, тун, бўрилар таҳлиқаси, отасининг парвонасига айланган қиз, оқибат унинг йўқолиб қолгани таассуротлари сақланиб турар, бироқ ҳамон сирини англаб етмаётганди.

От орқа оёқларидан бирини бўш қўйиб, қулоқларини солинтирганча, думи билан инжиқлашган куз чивинларини бир маромда ҳайдар, баъзан арзимас товuşдан чўчиб кўзини очар, пишқирав, атрофни кузатар эди. Бўрилар таъқиби миясини қамрар ва тез орада сўнарди. Қизил қашқа отлар ё молларни кўрганда тушунчасида ўтмиш манзаралари намоеън бўларди. Ўзини қачонлардир беда, ем ва сув билан эъзозлаган, яъни чол билан бирга кечган ҳаёти тасавурида жонланиб, ҳозиргина эгасини ҳидлади, тўнни ямлаб шу билан меҳрини изҳор этди. Азамат... отнинг содиқ эгаси...

Азамат бой яқин-яқинларгача ҳам улоқ чопишни қанда қилмаганди. У, улоқ тортишига тушган кезлари, кучлари таналарига сиғмай ўкирадиган шер йигитлар: «Азамат акага тегманглар, кексайганда улоқни маррага элтиб, қандини урсин!» дея қичқиришарди. Чол йигитларнинг илтифотини юксак баҳолар, совринни улар-

нинг ўртасига ташларди. У сеvimли отининг нўхта, эгар, айили, қўйишқони, узангисини олтин, қумуш суви юритилган тақинчоқлар билан безар, шу билан ўз кўнглини хушлар эди.

Емғирлар фасли бошланиб, майсалар яшнаган, танани журиктирадиган бўклам шамоли эсган кунларнинг бирида, қирлар бағрида Қизил қашқа туғилганди. Кўзларини очиб, илк бор ғам-ғусса билан тишлаганди. Бу унинг биринчи йиғиси эди. Илк бор инсон боласи каби йиғлаган-кишнаганди. Онаси — Қашқа бия тойчоғини ҳароратли лаблари билан ялаб-юлқаб юнгини қуритган ва оёққа туришига кўмаклашганди. Тойчоқ чайқалиб, кўзлари нури титраб, оёқлари майишиб аранг тикланган, онаси эса орқа оёқларини керганча қулунининг эмишига қулайлик яратганди. Тойчоқ юмшоқ нарса — онасининг елинига тумшуғини ниқтаб-ниқтаб, охири тирсиллаб турган эмчакларини топиб сўрган, сўраверганди. Иссиқ, лаззатли сўт оғзидан томоғига, ундан бутун вужудига ўтар, танасини яшнатарди. Тез орада ўзи туғилган оламни кўриб ҳайратланган эди. Онаси бошини кўтармай ўтлар, у эса ўзига ўхшаш мўрт тойчоқларга қўшилиб ўйноқлар, чопар эди.

Йилқиларни Катта қизил айғир бошқарарди. Айғир унинг отаси эди. У икки ёшни тўлдиргач, онасидан хийла узоқлашиб, ўзига ўхшаш шиддатли қулунлар билан тизлаша бошлади. Шу билан қулунларни ҳам, отбоқарни ҳам зада қилди. Уша кунларнинг бирида икки навқирон йигит унинг бўйнига арқон солиб йиқитди. Арқон ва одамлар қийнови натижасида роса ўпкаси сиқиб, ҳолдан тойди. Тавбасига таянган қулунни йигитлар эгиб олди. Бошига нўхта урди. Икки қулоғи қайрилгандан кейин эса у мутлақо жимиб қолди. Қуллик-қарамликнинг илк кунларига навбат етди. Устига минишиб, эртадан-кечгача очнаҳор чоптиришди-да, шу кўйи нўхтага ўргатишди. Боз устига икки кун овқатсиз, сувсиз қантариб ҳам қўйишди. Сўнг Азаматбойнинг отхонасига олиб келинди. Отхонада ёлғиз зерикар, онаси, йилқи галасини қўмсаб нолон-нолон кишнар, бироқ унга ҳеч ким эътибор бермас, эркини ҳам қайтармас эди. Учинчи кун унга Азаматбой шифқат кўрсатди. Сувлиқни олиб, беда, сув билан тўйгунича эъзозлади, яна бир кундан кейин эса ем ҳам тутди. Бойнинг отхонаси ўзгача эди. Егани олдида, емагани ортида. Бироқ эрксиз эди, беда, сув, ем озодликнинг ўрнини босмасди...

Ниҳоят улоқлар фасли етиб келди. Уч ёшни тўлдирган Қизил қашқа чопқирлиги билан тез муддатда донг таратди. Аввал уни Азаматнинг ўғиллари, сўнг ўзи улоққа минди... Бугун... ҳаммасидан жудо бўлиб, адо бўлиб тентираб қолди...

От кўзларини очди. Очгани кез хаёли чалғиб, онгида тикланган манзараларни эсидан чиқарди. Катта йўлга, сўнг чолга қаради. Қиздан ҳамон дарак йўқ эди. Беихтиёр кўзларини юмганди, хотирасидаги кечмишлар қайтадан жонлана бошлади. У тўрт ёшни қоралади. Бу ёш унинг учун ниҳоятда оғир кечди. Кун бўйи йилқиларни эслаб кишнар, на сувга, на бедага қаради. Буни англаган Азамат бой отни миниб, қирларга қимизхўрликка жўнади. Қизил қашқани арқонлаб, ўзи ўтовга кирди. Ғамгин-ғамгин кишнаётган от ҳар томонга чопиб, охири қозигини суғириб қочди. Уюрга яқинлашганда ўзидан катта Кўк айғир дахшатли кишнаб, унга ташланди. Икки орада дахшатли жанг бошланди. Икки от қарсиллатиб бир-бирини тепар, тишлаб гўштарини юлиб ҳам оларди. Қизил қашқанин нўхтаси, эгалари бутун имконияти билан тишлашида халақит берар, шунда ҳам у бўш келмай ютиб чиқди ва айғирни уюрдан қувиб чиқарди. Қариб ҳолдан тойган Кўк айғир шумшайиб чет-

ларда юрар, қадрдон уюрига яқинлаша олмасди.

У уюрга оралаб, отлар билан узоқ ҳидлашди. Худди шу пайт тумшуғи ва оёқлари ҳам узун, қорни ичига тортган, кўзлари тарғил Оқ бияга дуч келди-ю, эсанкираб қолди. Оқ бия уни тепиб эмас, ҳидлаб қаршилади. Бир-бирларига меҳри товланди. Иккаласи ҳам ўтламай қош қорайгунча муҳаббат оғушида яйрайдилар... Кейин... эгаси шериклари билан атрофини ўраб ушлади-да, беҳад толиққан отни миниб қишлоққа қайтди. Оқ бия узоқ вақт ортидан қараб турди. Қизил қашқа буни сезар, кишнаб ортига тисариларди. Келгуси йили кўк-ламда эса Оқ бия Қизил қашқага ўхшаш тойчоқ туғди. Икки кундан бери Қизил қашқанинг тушунчасида ўша Оқ бия намоён бўлар, ҳазин-ҳазин кишнаб ёнига орлар эди.

Мана, ҳозир ҳам Оқ бияни хотирлаб кўзлари ёшланди, бурни атрофи титради. Бу ҳаяжон ва изтироблар яна ҳазин кишнаш билан ниҳояланди. Қалби ҳасратларга тўлган от бошини эгиб, қайтадан чолни ҳидлади. Чолдан садо чиқавермагач, усти кепакка ўхшаш қизғиш тилини чиқариб билагини ялади. Бу гал ҳам ҳаракати фойда бермади. Аста-секин кўз милклари ораси қайноқ ёшларга тўлиб, юзига, ундан лабларига оқиб тушди. У ҳисобсиз кўз ёшларини тўкиб, чолни ялаб, гўё шу билан инсон олдидаги қарзини адо этарди...

Кутилмаганда Қизил қашқа бошини кўтарди-да, даҳшатга тушиб кишнади. Бу товуш оламини титратиб юборди. Гўё бу билан от қизни ёнига чорлагандай, отасидан хабар олишини истаётгандай эди.

Орадани ярим соатлар чамаси вақт ўтди. Узоқлардан бўриларнинг увиллашлари янграр, тобора яқинлашиб келарди. Қош қорайиши билан бўрилар инларидан чиқиб, ўтган тун ҳидини олган отни излар эдилар. Отнинг кишнаши бошига етди.

Дақиқалар ортидан дақиқалар кечди. Нимадир эмак-лаб, шарпасини сездирмай отнинг сағрисиغا чанг солди. Қизил қашқа қарсиллатиб тепди ва шарпани ерга ағдарди. Нимадир инграб узоқ тўлғанди. Бошқа бир шарпа отнинг думига ёпишди. От бутун кучини оёқларига жамлаб олдинга талпинди. Талпингани кез думи ҳам тишлардан бўшади. У мункиб бориб нақ боши билан ерга санчилди. Бу отни тузоққа туширишда бўрилар учун кўл келадиган ягона услуб эди. Қизил қашқа ағанагач бир бўри ғиппа томоғидан олди, бошқалари эса бўйни, оёқлари, қорнига чанг солди. Кўз очиб юмгунча катта бир бўри отнинг кекирдагини қиртиллатиб узиб ташлади. Тизиллаб қонлар отилди. Жонворнинг жони ўзилмасдан туриб, бўрилар гўштарини юлар, ютиб юборишарди. У типирчилай-типирчилай охири бир неча бўрини кўтариб оёқларига қалқиди. Ҳеч нарса англамас, кўзларига эса ҳеч нарса кўринмасди. Бўрилар отнинг устида ҳам бемалол гўштарини хомталаш қиларди. От бечора оёқларида узоқ туролмади. Гангиб йиқилди, бўрилар эса турли томонга тирқираб кетди. Тезда ўнглашиб ўлжага ёпишди. Жонивор қайта қаршилиқ кўрсата олмади. Энди танасининг ўзигина силкиниб қаршилиқ кўрсатар, аммо ҳаракатларида мақсад йўқ эди. Аста-секин тананинг қаршилиги ҳам сусайди, тўла ўлиб улгурмаган миясининг қайсидир қатламида қиз, чол ва Оқ бия, онаси — Қизил қашқа бия сақланиб қолди.

\* \* \*

Чол даҳшатли хириллаш ва кишнашлардан сесканиб кўзларини очди. Лекин даҳшатли овозларнинг қай томонда янграётгани, ниманинг овозлари эканлигини

фарқига боролмади. Атрофга аланглади, барибир зулматдан бошқа нарсани кўролмади. Тушунчасида гоҳ қалқиб, гоҳ чўкиб турган қизини излади, тополмади. Даладамиди, уйдаимиди, буни ҳам англолмади. Кўзлари милтираб, оёқ-кўллари қимирлар, шугина унинг ҳаётлигидан дарак бериб турарди. У бир нуқтага бўзрайиб тикилганча узоқ турди. Беихтиёр қўлини чўзганди, оловга тегиб жизиллади, бироқ у оғриқни ҳис этмади. Атрофини пайпаслади, қўлига нимадир илашди, олдида тортди. Табиий ундов билан оловга ташлади. Олов ловиллади-ю, дарҳол сўнди. Шу тариқа сандиқдаги пулларни олиб гулханга ташлайверди.

Бир пайт мақсадсиз ҳислар ундови билан туришга уринди. Не азоблар билан зўрға қаддини кўтарди. Оёқлари билан тагидаги кўрпачани ҳам оловга сурди. Олов «пўп» этиб ўчди-да, бир неча сониялардан сўнг яна авж олди. Ниҳоят олов чолнинг вужудига ёпирилди, ёпирилаверди... сесканиб ўзи сезмаган ҳолда ёзилди... охир-оқибат кўйлак-иштонига ҳам олов ўтди. Юзи, кўкси, қўллари куйди, аста-секин ачишиш ва оғриқни сезди. Гангиб, эсанкираб турган паллада чол олов томонга қийшайди-ю, «гуп» этиб, юзубан йиқилди. Қўл-оёқлари бир неча бор силкинди, боши эса ҳар томонга чайқалиб турди. Кўзлари бир мартагина очилиб, олайди. Танаси бир неча марта кўтарилиб-тушди. Қош-киприклари жизғанаб бўлиб, терилари кўчар, саски-қўланса ҳид таралар эди. Шуурининг қайсидир нуқтасида ялангбош, яланг оёқ қизи зир югурар, юзини тирнар, сочларини юлар: «Дадажон! Дадажон!» дея чинқирар ва бунга яна ноаниқ фарёдлар қоришиб кетарди. Уқ тезлигида турли томонга югураётган қизнинг ҳаракати сусайиб, аста тўхтади, қотиб қолди. Шу тариқа қора ранг билан қоришиб йўқолди. Йўқолгани кез чол мутлақо тинчиди...

Гулханнинг авжи кучайди...

\* \* \*

Қуёш ҳур чўққилар устига бемалол кўтарилганда, тупроқли йўлда отини қамчилаб, чоптириб келаётган Қодирқул кўринди. Тўқайзорни адоқлаганда аравани кўриб, жазавага тушиб отини яна қамчилади. Гулхан ёнига етиб, дарҳол бурнини яширди. Эсанкираб отдан тушди. Апил-тапил орқа томони ва оёқлари куйиб улгурмаган чолни тортиб олди. Қайтадан бурнини чангаллаб, кўзларини юмганча, бошини орқага эгиб ҳиқирлай бошлади:


— Азамат ака! Азамат ака! Қилмаган қайси гуноҳларингиз учун худо бошингизга шундай кунни солди?

У ҳўнграр, инграр, атрофга аланглар, Кунмишни изларди. Бир неча бор қизнинг исмини айтиб чақирди, бироқ ҳеч қаердан садо чиқмади. Гангиб қолган Қодирқул авайлаб абжағи чиққан мурдани кўрпачага ўраб аравага ортди. Отини аравага қўшиб, етаклади. Катта йўлга чиқиш олдида аёл кишининг йиртилган лозим ва кўйлаги, нимчасини кўрди. Ҳовлиқиб чуқурликка тушди. Йиғлай-йиғлай қизнинг қолдиқ суяқларини аравага ортиб, отни етаклади.

Шу тариқа уч умр тентирай-тентирай, йўлларда сўлди... Абадулабад сўлди... Бу даҳшатли бахтсизлик инқилобнинг дастлабки кунлари, яъни инқилоб посбонлари бўлмиш қизиллар бойларни мутлақо тугатиб, ҳам-мани бирдай камбағал қилишга киришган кунларда юз берди... ва у норасида қиз, олижаноб чол ва тилсиз жонивор — отнинг ўлими билан ниҳоясини топди...

Бу, ҳозирча инқилобнинг бошланиши эди... ҳақиқий инқилоб эса давом этаётган эди...





**Азизлар! Бу гал, йилнинг сўнгида журналимизда эълон қилинган мақолаларга муштарийларимиз фикр билдирган хатлардан фойдаландик.**

«Ешлик» журнаlining 7-сонида Ҳабибулло Мухсимовнинг «Кўргулигим боиси — аёл» мақоласини ўқиб, оиламиз ҳаётини ёзишга қарор қилдик.

1976 йил 25 май куни энамиз фожиали ҳалок бўлди. Бизлар 10 та фарзанд отамизнинг қўлида қолдик. Энамизнинг қирқи ўтгандан кейин саккизта кичкинамизни амакимиз олиб кетди. Уша вақтда энг кичкинамиз олти ойлик эди. Лекин катта оилалар учун бериладиган нафақа бизга берилмади. Энамизнинг «Қаҳрамон она» нишонини рўзномада эълон қилинди, лекин уни ҳам беришмади. Бизларни ҳамон отамиз тарбиялаб келади.

1979 йил отамиз Бойсун районидан Ашурова Роҳила исмли битта қизли аёлга уйланди. Биринчи марта уйланаётгандек тўй қилиб олди. Уша вақтда отамиз 35 ёш, ўғай онамиз эса 27 ёшда эди. Уч ойдан сўнг ўғай онамиз ота-онамни кўриб келаман деб кетди. Орадан 15 кунлар чамаси ўтгач отамизни Бойсун ноҳия судига чақирди. Ноҳия судида ўғай онамиз «Мен сен билан яшамайман фарзандларинг кўп экан», дебди. Ваҳоланки, биз ўша вақтда амакимизникида яшар эдик. Амакимиз ҳам кичкина оила эмас эдилар. Отамиз уч ой ноҳия судига бориб-келиб юрдилар, вилоят ва жумҳурият олий судига шикоят қилдилар. Лекин вилоятдагилар «Аёл киши ҳақ, фарзандига нафақа тўлайсан» дейишибди. Марказдан эса жавоб келмади. Уша-ўша отамиз бир бегона фарзандга иш ҳақидан 20 фоиз нафақа тўлайди. Ўғай онамиз кетгач отамиз бағрига қайтдик. Отамиз 120 сўм маош олади. Бизлар эса ўнта фарзанд.

СССР Конституциясининг 35-моддасида аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуққа эга эканлиги кўрсатилган. Агар бизнинг оиламиз мисолида оладиган бўлсак, бу тенглик кўринмайди. Ет бир аёл қизи билан кўп фарзандли оиламиз ризқини қийиб икки-уч ойга уйимизга келиб кетса-ю, яна боз устига ўз фарзанди учун нафақа ундирса. Қани адолат, қани тенглик?

**Хурсановлар оиласи,  
Қумқўрган ноҳияси**

Аёлларимиз учун қанча яхши шароит яратиб берилса шунча оз. Лекин ҳар доим ҳам аёлларни яхши ва ёмонга ажрата олмаيمиз. Емон аёллар шундай ниқоб кийишганки, уларни дастлаб кўргангизда ёмон фикрга бормайсиз. Афсуски, бузуқ аёллар китоб, рўзнома, жаридалар ўқишмайди. Бунга вақтлари ҳам йўқ. Оила тарбиясига муносабатини изоҳламасак ҳам бўлади. «Йигитга бало йўқ, лекин йигит ўзини ўзи балога гирифтор қилади» дейишади. Бу жуда ҳам тўғри гап. Мен ҳам ўзимни ўзим балога гирифтор қилдим. Ешим 34 да. Оилам ва уч фарзандим бор. Утган йили ана шундай яхши ниқобланган, виждон, имонини йўқотган бир аёлга дуч келдим. У аёлнинг оиласи ва фарзандлари бор. Бу аёл менга эри ёмонлиги, болаларига қарамаслигини, болалари «оч» ва «юпун»лигини айтиб кўз ёшлари билан ишонтира олди. Мен бу аёлга кўп яхшилик ва моддий томондан ёрдам қилдим. Вақт ўтиши давомида аёлнинг фоҳишалигини, танини сотиб ўз роҳатини ўйлашини, болалари тарбиясига умуман аҳамият бермаслигини тушуниб етдим. Уни бу йўлдан қайтаришга кўп уриндим. Агар оилам ақлли иш тутмаганида бизни нималар кутмас эди. Ҳа, қуруқ тухматдан мени рафиқам кутқариб қолди. Шу мактуб орқали барча эркекларга «хушёр бўлинг» дегим, покиза виждонли аёлларимиз қошида тиз чўкким келади. Албатта аёлларга яхши

шароит яратиш тарафдори бўла туриб, бузуқ аёллар шундай имкониятдан фойдаланишига қаршиман. Ва айна пайтда бузуқ аёллар туфайли, инсофли, имонли, диёнатли аёлларни яхши имкониятдан маҳрум қила олмайман. Балки болага нафақа тўлашнинг бошқа бир яхши йўлини топишимиз керакдир.

**А. Қосимов,  
Марғилон шаҳри.**

Ҳабибулло Мухсимовнинг мақоласи мени анча ўйлантириб қўйди. Ахир у киши бола нафақасини хотини учун эмас, фарзандига тўлайди-ку. Менга ҳам отам 18 йил 15 сўмдан нафақа тўлади, лекин менга нафақадан кўра кўпроқ отам меҳри керак бўлган. Ҳеч кимни ота меҳридан дариф қилмасин экан.

**Сайёра Саидова,  
Большевик ноҳияси.**

Баъзи аёллар дунёда тузук яшашни ўйлашмай фақат пулга ҳирс қўйиб ўз номусларини сотиб яшашади. Нима учун эркек киши бегуноҳ, айбсиз бўла туриб бола учун нафақа тўлаши керак. Эркекларнинг жинсий ишга қўл уришига, ичкиликка берилишига ҳам бевафо аёллар айбдордир. Биз номуссиз аёллардан нафратланамиз. Уларга нафақа тўлашни бекор қилишларини сўраймиз. Ҳабибулло акага ўхшаган ҳақиқатни айтувчи инсонларни қўллаб-қувватлаймиз.

**Тикувчилик фабрикаси қизлари,  
Каттақўрган ноҳияси, Мингбулоқ қишлоғи.**

Мен 1985 йили Косон район Бойтерак қишлоғида яшовчи Шодмонова Сайёрага уйландим. Яхшигина яшай бошладик. 1986 йил ўғлимиз Дилшод туғилди-ю, хотиним Сайёра арзимас рўзгор камчиликлари учун жанжал қиладиган, болани олиб кетиб қоладиган одат чиқарди.

Ўғлим учун уни бир неча марта ота-онасининг уйдан олиб келдим, ота-онам ҳам олиб келишди, лекин фойдаси бўлмади. У эрталаб чиқиб кетиб кеч қайтар эди. Қаерда юрганлигини сўрасам уриш-жанжал қилар эди. Шу яшашда 2 ярим йил яшадик. У бир куни ота-онасини олиб келиб уйдаги бор нарсаларни олиб кетди. Шундан кейин ҳам икки-уч марта болам учун Сайёрага насиҳат қилдим, у: «Сен билан яшамайман», деб туриб олди. 1988 йил мен бошқага уйландим. Ҳозир 3 ўғлимиз бор. Энди олдинги хотиним нафақа тўлашимни талаб қилапти. 50 фоиз нафақа тўлашим керак бўлса, 140 сўм ойлиқнинг 70 сўми нафақага, 30 сўми квартирага кетади. 5 киши 40 сўм билан қандай яшаймиз. Айб менда эмас-ку, ўзи мени ҳақоратлаб, менсимай кетган кишига нафақа тўлашим шартми?! Менимча суд ажримига кўра айбдор киши аёл бўлса, нафақа тўлашдан эркек киши халос бўлиши керак.

**Косон ноҳияси,  
Қ. Саидов.**

Ҳаётнинг ўзига яраша қонун-қоидалари, инсонлар ўрганмаган томонлари жуда кўп. Ҳаётда кимдир фарзандсиз, кимдир

на отасини танийди, на онасини, кимнидир болалари билан эри ташлаб кетган. Бунисига ҳам майли, кейинги пайтда баъзи аёлларимизнинг (она дейишга ҳам тил бормайди) ўз боласини ахлат ичига ташлаб кетиш ҳодисаси кўп учраяпти. Бу жуда катта даҳшат!

Шунинг ўзидан кўриниб турибдики, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучигини тотмаган, турмуш қилишга чоғланаётган қизларимиз, ёш куёв-йигитларимиз оила қуриш тарбиясига муҳтождирлар. Жумҳуриятимизда хотин-қизлар ичиде ўзига ўт қўйишлар, ўзини осиб қўйишлар, ўз жонига қасд қилишлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Мен шу каби воқеаларни ўйлаб туну кун ўзимча таҳлил қиламан. Майли бу ҳодисаларнинг туб илдизи иқтисодий танглик бўлсин, лекин тарбияланган, онгли киши ўзига ўзи ўт қўймайди. Бунинг ҳаммаси тарбиямиздаги номукамалликдан. Агар акиси ҳеч нарса демаганда, у ўзини осиб қўймасмиди? Опаси сингисини хафа қилмаганда у қиз ўзига ўт қўймасмиди ва ҳоказо. Хуллас, фикрларимнинг кети узилмайди. Нима қилсак шу каби воқеаларни камайтириш мумкин. Ҳеч бўлмаганда биттага қисқартириш мумкин бўлармикан? Педагог сифатида қуйидагини таклиф қиламан. Турмуш қуриш истагини билдираётган йигит ва қизларни қишлоқ совети қошида махсус курслар ташкил қилиб ўқитиш лозим. Бу курсларда ёшлар ўқитилиб, уларга «Никоҳга йўлланма» гувоҳномаси (ЗАГС гувоҳномаси бундан мустасно) тантанали топширилгандан сўнггина тўй ўтказишга рухсат берилса, соғлом психологик тарбияланган оила қурилган бўлади деб ўйлайман. Бу курсларни очишда ҳар йили қишлоқ советида ҳеч қаерга сарflanмай қолиб кетаётган ва давлат ҳисобига ўтказилаётган маблағлардан фойдаланиш мумкин. Бундай курсларда йигитлар алоҳида ва қизлар алоҳида группаларга бўлиниб ўқитилиши керак. Уларга қуйидаги фанларни киритиш лозим:

1. Биолог — психолог ўқитувчи;
2. Йигитларга уролог врач;
3. Қизларга акушер-гинеколог врач;
4. Малакали юрист;
5. Обрўли ота-оналар суҳбатларидан фойдаланиш;

Вилоят, ноҳия марказий диний раҳбарларидан оила қуриш тўғрисидаги панд-насиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мутахассисларимиз оила қуриш тўғрисидаги махсус темаларни ўзлари ҳамда ёшлар қизиқишларини ҳисобга олиб танлагани маъқул. Шунингдек бу курсларда ёшларга энг хавфли жинсий касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида маълумот берилсин. Юристаримиз бола тарбиялаш ҳар икки жинсга тегишли эканлиги, бола тарбиялашдаги қонун бузувчиларга қўлланиладиган қонун ва моддалар ҳақида маълумот етказсинлар. Вилоят, ноҳия диний марказ раҳбарларимизнинг соғлом оила қуриш ҳақида, фоҳишабозлик, фоҳишаликнинг ёмон оқибатлари тўғрисидаги тарихий-диний ривоятлардан фойдаланиб берган суҳбатлари ёшларни тарбиялашда роли катта бўлади деб ўйлайман. Ана шунда ёш оилалар мустаҳкам бўлади. Фақат шундагина «Ёшлар тарбияси умумхалқ иши»га айланishi мўқаррар.

М. Жиянбеков,  
Марҳамат ноҳияси.

## КИМ КИМДАН КЕЧИРИМ СЎРАЙДИ?

Жамиятимизда ошкоралик эпкин эсан сари биз ўзлимизни, атрофимиздаги қора доғларни таний бошладик. Мамлакатимизда, қолаверса жумҳуриятимизда юз бераётган янгила-нишлар ҳар биримизни у ишчиси, деҳқонми, зиёлими бефарқ қолдирмаяпти. Кечагина бош котибимиз у ёқда турсин жамоа раисига сўз қайтаришга ҳаддимиз сифмасди. Башарти ҳаддимиз сикқанда ҳам тазйиқларга учраганимиз сир эмас. Баҳоли қудрат қайта қуриш туфайли энди бемалол на фақат жамоа раисини балки фирқа котибини ҳам ножўя ишлари учун танқид қилишга ҳаддимиз сифади.

Мен бўлажак бир журналист сифатида вақтли матбуотда ёритилаётган мақолаларни баҳоли-қудрат ўқиб бораман. Узимча хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламан. Чунки бугун ҳар бир ўтаётган кунимизни матбуотсиз тасаввур қилиш қийин. Кузатишларда шу нарса намоён бўлдики, кишилар рўзнома ва жаридларда эълон қилинаётган турли хил мақола, лавҳаларга

таассуб қилиб, ишониб яшашади. Бир-бирлари билан ниманидир устидан тортишиб қолишса дарров фалон рўзномада худди шундай деб ёзган» ахир матбуот ёлгон ёзмайди-ку» деган гапни ўртага ташлашади. Ҳа, кишилар ҳали матбуотга ишонишади. Бирок...

«Совет Ўзбекистони»нинг шу йилнинг 9 январь сониде жур-налист У. Юсуповнинг қаламига мансуб «Ёшлик»нинг қийшик ойнаси» деган луқмаси ёритилди. Унда «Ёшлик» жаридасида эълон қилинган (1989 йил 11 сони) «Бизни ҳимоя қилинг» мақо-ласи ур-калтак қилиниб, нафақат мақола муаллифи Собир Унар, балки жариде раҳбарияти ҳам танқид қилинган эди. Жур-налист У. Юсупов ўзининг луқмасида бир нарсага эътибор бер-маяптики бу кечирилмас ҳолдир. Келинг, яхшиси у кишининг табаррук қўллари билан битилган қуйидаги сўзларни бирма-бир мағзини чақайлик-а:

«... ҳеч бир исботсиз, далилсиз, хатларни истаганча таҳрир қилиб бутун бир партия ташкилотига, унинг кўп сонли ишчи ор-ганига тўхмат уюштириш, жиноий айбларни тўнкашга «Ёш-лик»ни нима мажбур этди.» Уртюк Юсупов ҳиссиётга берил-ганлар. Жариде ходимлари мақолани ўзларича бичиб тўқиш-магандир. Унда маълум бир ҳақиқат бўлса керакки ўқувчилар-га тақдим этилган. Ҳозир ҳар бир матбуот нашри ошкоралик-дан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашлар мактуби билан ишлаш-га, жойлардаги аҳволни ўрганишга батамом ҳақлидирлар.

Луқмада тўхмат, уйдирма деган мақола қарангки, рост бў-либ чиқди. Тан бериш керак, бу луқма қайта қуриш душман-ларига жуда иш берди. Тагин муаллиф уялмай-нетмай Абдулла Қодирийнинг матбуот ҳақидаги пурҳикмат сўзларини келтир-гани-чи.

Луқма сўнггида «Бизни ҳимоя қилинг» мақоласи муаллифига жазо берилиши сўралган эди. Луқма нотўғри бўлиб чиқди. Қи-зик, энди жазони кимга беришади? Усмон Юсуповгами ёки Собир Унаргами? «Ёшлик жаридасининг 315142 ўқувчисидан луқма муаллифи узр сўрайди, деган умиддамиз!

Баҳодир Орипов,  
Тошкент шаҳри.

# „Широнмазин“

Икки ўртоқ ҳаётдан  
қувноқ қисса

# „Сўстимизга...“

## VI. Хатм

Инсон боласининг иши юришиб турса-ку майли-я, лекин акси бўлса ёмон-да, ғам, ташвиш деганингиз дўлдек ёғилаверади.\* Шаҳри шарифга келиб иш бошлаган соддадил қаҳрамонимиз Мирсодиқнинг ишлари олдинга юришиб кетди. Яшагани ижара уй ҳам дарҳол топила қолди. Бунинг устига, уй бекаси ниҳоятда сахий чиқиб қолди: «Уйимга яхши қараб, давлатни рози қилиб турсанглар бўлгани», деди. Шу кўйи йигитимизнинг омади юришгандан юришаварди. Техникумда ишлайдиган бир ошниси соатбай дарс беришни таклиф қилгач, ёш мутахассиснинг маоши икки юздан ошиб кетди. Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши!

Лекин орадан кўп ўтмай, парвози негадир пастлаб, ишларининг пачаваси чиқа бошлади. Бечора Мирсодиқ дармони қуриб, ориқлади. Бутун вужудида оғриқ кезиб юрарди. Дард гоҳ бошини зирқиратар, гоҳ у, гоҳ бу биқинида оғриқ турар, қовурғаси, қўл-оёғи зирқирарди. Бу камлик қилгандай, хотини, бири-биридан ширин ўғилчалари ҳам турли-туман касалликларга чалина бошлашди. Хотини инқиллаб, худди етти жойидан ярдордай зўрға судралар, болакайлари эса дам иситмалашар, дам йўтал тутарди. Бу тилсимотларнинг сабабини англаёлмай қийналарди у. Қиёматли ошнам Қўчқорбек ҳам қанча югуриб-елимасин, дориларнинг «импортний»ларидан топмасин, таниш-билишларини ишга солмасин — бу андуҳларга бас келолмасди.

Охири Қўчқорбекнинг тоқати тоқ бўлди, дўсти ва унинг оиласини ўзи даволамоққа қарор қилди. Қўчқорбек Мирсодиққа руҳан таъсир ўтказиш керак деган хулосага келгач, тиббиётнинг олтин қондасини ишга солди. Маълумки, тиббиёт одамни даволай олмаса, усталик билан уни алдашга ўтади.

Ишдан қайтишаркан, Қўчқорбек дўстига ўдағайлаб қолди:

— Менга қара, Валасапит, охири пайтлар эридан калтак еган хотинга ўхшаб қовоғинг очилмай қолди? Мирсодиқ бироз ўйлаб, муносиб жавоб қайтарди:

— Узингиз-чи, ҳа, намунча эрдан чиққан жонончадек илжайсиз?

Қўчқорбек ҳақиқатдан ҳам илжайиб турарди. Бу гапдан кейин лунжини йиғиштириб олди.

— Ишларингни бунчалик хавфли тус олишига, менимча, ўша ишинг сабаб бўлган-ов...

Мирсодиқнинг юраги така-пука бўлди. Охири пайтлар ўзининг ҳам беихтиёр шунга хаёли кетаётганди — Йўғ-э,— деб юборди.

— «Йўғ-э»миш! Оғайнижон, ўша ишинг худого ёқмаганга ўхшайди,— деди у шивирлаб.

Мирсодиқ атеизм домласига деворини тиклаб бериб, имтиҳондан «беш» олган бўлса-да, ҳозир худодан чинакамга қўрқа бошлади. Бирор фалокатни бошламаса гўрға эди! Аслида ҳаммасига мана шу Қўчқорбек сабабчи.

Мирсодиқ техникумдан дарс олиб, икки ойча ишлагач, уни мажлисда кўргазма қуроллардан фойдаланмасликда айблашди. Мирсодиқ бир-иккита плакат топди, лекин одам анатомиясидан кўргазма ашёларни топа олмади. Бунақа анжомни магазину базалардан топиб бўлмаса.

Мирсодиқ шу хусусида Қўчқорбекка маслаҳат солганида, у тап тортмай: «Табибнинг дўкони— қабристон!», деди, Мирсодиққа ўзлари турадиган маҳалладан унча узоқ бўлмаган қабристондан калла суяги қазиб олишни маслаҳат берди. Тўғри, ўшанда у бу маслаҳатни эшитиб, ўтакаси ёрилаёзди. Лекин Қўчқорбек унга далда берди: «Тиббиёт, ука, жасорат талаб қилади. Тиббиётни деб қанчадан-қанча одамлар ҳар хил касалликларни ўзларига юқтириб, уларга даво излашган, баъзан топишган, баъзан ўлим билан инсониятни доғда қолдиришган».

Албатта, бу даъват Мирсодиққа қаттиқ таъсир қилди. Қўчқорбек кучли шахслар тоифасидан эди. Узингизга маълум, кучсиз шахс кучли шахснинг сеҳрли таъсирига берилади!..

Мирсодиқ арвоҳ, жин ва ажиналардан қанчалар қўрқмасин, бу ишга жазм қилди. Йигит бу ишни балки ажинаю арвоҳлардан кўра техникум директори бўлмиш опадан кўпроқ қўрққани учун қилгандир?

Номозшом чоғи кимсасиз қабристонга бориб, гўрлардан бири катта, иккинчиси хийла кичик каллани қазиб олди. Тиббиёт равнақи йўлида жасорат кўрсатди. Уларни ишхонасига олиб келиб, спирт билан яхшилаб ювди-да, кичикроғини зелёнка билан, каттароғини йод билан бўяди. Бош чаноқлар бу туришда энди уни қўрқитмасди. Кўп ўтмай, бошқа арвоҳларни ку билмаймиз, лекин техникум директори— асроилтабиат опа, уни ҳадеб мақтайдиган бўлди.

Мирсодиқ бош чаноқларни шилдироқ халтачаларга солиб, дарсга олиб кирарди. У икки каллага ҳам ном берганди. Зелёнкага бўялган калла иржайиб қараб турганга ўхшарди. Шу боис Мирсодиқ унга «Енгилтак гўзал» номини берди. Йод билан бўялган калла чано-

\*Охири. Бошланиши 9—10 сонларда.

ғи эса, ёноқ, суяқлари бұртиб, тишлари гүё ғижирлаб: «Нега тинчимни буздинг, бор, эртага кел!» дейётгандай туюлғани учун, унга «Сансалор» номи берилди. Мирсодиқ баъзан жўшиб кетиб: «Сансалорлар,— дерди,— жамият учун енгилтак жононлардан кўра хавфлироқ-дир!»

Бу, албатта, буюк хулоса эди. Бироқ ҳаёт дегани ҳазилакам жумбоқ эмаски, унинг сир-асрорини очиб ташлашга ҳамма вақт ҳам ақлу фаросат етаверса...

Ана шундай ажойиб хулосалар чиқариб, бош чиноқлари ёрдамида сермазмун дарслар ўтаётган муаллим кейинги пайтлар хийла гангиб қолди.

Мана, энди ўша машъум маслаҳатни берган Қўчқорбек Мирсодиққа навбатдаги ақлини ўргатмоқда:

— Худонинг қаҳри келган, оғайнижон.

Мирсодиқ зўрма-зўраки илжайди. У ҳамон атеизмдан олган «беш»ни эслаётган эди. Йигит бор кучини жамлаб:

— Худо йўқ!— деди.

— Худо борми-йўқми, буни худо билади,— деди Қўчқорбек.— Хўп майли, балки йўқдир. Аммо сен бор деб фарз қил. Бу шаккокликларингни кўриб нафратдан бечоранинг томоғи қақраб кетгандир. Ука, худо йўлига бир хатм қилиб бермасанг бўлмайди.

— Хатм? Қанақа хатм?

— Қанақа дейди-я! Икки бегуноҳ банданинг тинчини бузган ким? Балки уларнинг арвоқлари жаннат боғларида учиб юришгандир. Сен бўлсанг бечораларнинг бошларини тортиб олдинг.

— Ах... ахир ўзингиз...

— Нима, ўзингизда калла йўқми? Биров томдан ташла деса, ташлайверасизми? Тавба!

Мирсодиқ жим қолди, у нима дейишни билмасди.

— Хўш, энди нима қил дейсиз, жаноби хоқон?— деди хўрсиниб.

— Айтяпман-ку, бирдан-бир йўли— хатм. Боши гўрдан олинган бандалар арвоҳига хатм бериш керак.

Шундан сўнг Қўчқорбек хатмни рисоладигидек ўтказиш учун нималар кераклигини тушунтира бошлади. Хатм серсавоб кун— жумада ўтказиладиган бўлди.

Хатм ўтказиш тартибини Қўчқорбекнинг ўзи белгиледи. Керакли масаллиқлар рўйхати тузиб чиқилгач, хатмга кимларни айтиш масаласи кўндаланг бўлди. Бу махфий, фавақулдда хатм бўлгани учун ҳам унга фақат ишончли кишиларни айтиш мақсадга мувофиқ эди.

Бу масалада Қўчқорбек қуйидагича фикр билдирди:

— Жигаргўшам, оллоҳ билан ўйнашма, жаҳли чиқса онангни нақ Учқўрғондан кўрсатади. Бу бир. Иккинчидан, бу сирни фақат тор доира— мен, сен ва яна икки ишончли киши билса бас. Булар Бахти билан Тўлик бўлади. Тўлиқнинг отаси мулла, сурани у тушуради. Хатмга палов қиласан, одам кам бўлишини ҳисобга олиб дастурхонни тўкин қилишга тўғри келади. Хатм бўлса, хатмдай бўлсин-да, жўра. Яна тепадан яратганнинг ўзи кўриб: «Ўл-э, хасис!», демасин-да, хўпми?

Қўчқорбекнинг бу доно маслаҳати Мирсодиққа анчайин эриш туюлса ҳам, у негадир дўстим жиддий, омади маслаҳат беряпти деб ўйлади.

Жума куну тушга яқин Мирсодиқ ҳамма нарсани шай қилиб, Қўчқорбек турган ижара уйга олиб борди. Қўлидаги сумкада икки кило гўшт, гуруч, сабзи, пиёз, майиз, қоғозли-қоғозсиз конфетлар ва боягина тандирдан чиққан юмшоқ нонлар бор эди.

Қўчқорбек ҳовлида охириги икки ой ёлғиз яшаётган эди. У хотинига ўз таъбири билан айтганда «ижодий таътил» берганди— Қурсияхон Қўчқорбекка тўртинчи фарзандни совға қилиш учун учала қизини олиб, ҳар

мўйлови пичоқдай келадиган қайнотасиникига кетганди. Аини туш пайти Мирсодиқ сабзи-пиёз тўғраб ўтирганида, ҳовлига шошганча Қўчқорбек кириб келди.

— Э, нима қиялсан, шаккоқ,— деб ўдағайлади у,— олдин бечора бандаларнинг бошларини қоидаси билан кўмиб келиш керак. Қаерда улар?

— Тех... техникумда,— деди Мирсодиқ капалаги учиб.

Дарҳол такси олгин-да, бориб уларни бу ёққа олиб кел, зудлик билан тупроққа топшириш керак!

Мирсодиқ Қўчқорбекнинг ҳу ўша сариқ портфелини олиб, чиқиб кетди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, ҳаллосланганча қайтиб келди.

— Мана...

Қўчқорбек ичкарига кириб кетди-да, бир оздан сўнг уникиб кетган, лекин ҳали оппоқ ёстиқ жилди билан қайтиб чиқди; уни супа устига ёзди. Сўнг портфелдан бош чаноқларини эҳтиётлик билан олди-да, жилдга қўйиб матонинг тўрт учини бир қилиб тугди, яъни уларни кафанлади. Сўнг икки қўлини тавозе билан фотиҳага кўтариб, пичирлай кетди. Мирсодиқ ҳам ундан сал нарироққа чўкиб, қўлини фотиҳага очди.

— Укам, бандаларни кўтаринг!

Мирсодиқ бош чаноқларни қазиб олган қабристон яқин орада эди. Ҳаш-паш дегунча бандаларни маконларига топшириб қайтишди. Кўп ўтмай хатмга айтилганлар— Бахтиёр билан Толибжонлар кириб келишди. Уларнинг қош-қовоқлари осилган, одатдаги қувноқликларидан асар йўқ эди. Йигит Мирсодиқ билан кўришаркан: «Эҳ, дўстим-а, гуноҳи азимга ботибсан-ку», дегандек қараб қўйди.

Гап-гап билан хатм оши ҳам дамланди. Қўчқорбек турадиган уйда олти кишилик стол бўлса-да, Қўчқорбек сўрига жой қилишни лозим топди. Чунки столда ўтирсалар худонинг жаҳли чиқиши мумкин экан.

Ош дамлангач, Қўчқорбек Бахтиёрга юзланди:

— Бахти, соат икки бўлдими?

— Бўлди,— деди Бахтиёр.

— Бўлмаса, келинглар, бир сура оят туширайлик.

Қўллар юзга тортилгач, орага тушган жимликни Қўчқорбекнинг овози бузди:

— Энди гап бундай, Мирвой, бу ишни қилиб гуноҳи азимга ботдингиз. Мана, уни ювиш учун хатм қилиб бераяпсиз. Маслаҳатимизга кириб ман атеистман, олий маълумотлиман деб ота-боболаримиз удумига оёқ қўймадингиз, бунга катта раҳмат. Лекин бир обстоятелства бор. Мана, икки каллани тупроққа топширдик, балки хатм уларга қабул бўлар, аммо мен яна бир томонини ўйлаб қолдим. Соат ҳам иккидан ошиб қопти. Бориб Саттор магазинчига айтинг, иккита «буғдой суви»дан берсин...

Мирсодиқ ҳангу манг бўлиб, йигитларга қаради. Улар ҳам Қўчқорбекнинг гапини маъқуллаб, бош силкишди.

— Ие, бу ёғи қандоқ бўлди— мусулмон хатмида водка?

— Тўғри-тўғри,— дея илиб кетди Қўчқорбек,— банди бегуноҳларнинг балки икковлари ҳам мусулмондирлар. Лекин бу замонда бунга кафолат бера олмаймиз, балки ўша бандаи мўминлардан бири мусулмон эмас, номусулмон бўлса-чи?

— Ҳа,— деб унинг гапини тасдиқлади Толибжон,— кофир бўлса-чи!

— Йўқ, жўралар,— дея эътироз билдирди Мирсодиқ, худди мени алдаб бўлмаслар деган оҳангда,— ахир мазор мусулмонларники-ку!

Бахтиёр гапга аралашди:

— Сан, Мирсодиқ, местний эмассан, бу қабристоннинг бош гўрбонини яхши билмайсан. У одам жуда ин-

# «ЁШЛИК» ЖУРНАЛИНИНГ 1990 ЙИЛГИ СОҢЛАРИ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

сонпарвар гўрбон, шароит тақозо қилса, тўғри келган кишини кўмаверади. Кўнгли бўш, бағри кенг.

— Инсонларвар ҳам гапми,— дея луқма ташлади Толибжон— тенги йўқ ҳайвонпарвар ҳам. Катта йўлда машина кучук ё бирор мушукни босиб кетса ҳам қабристонга дафн қилади...

Шу ерга келганда Мирсодиқ бир нарсани пайқандай бўлдию... «Йўғ-э?» Наҳотки, яна уни туширишаётган бўлишса?

Мирсодиқ энди гапга оғиз жуфтлаган эди, қиёматли дўстлари «Ва-ҳо-ҳо»лаб юборишди.

— Э, мазгилар,— деди Мирсодиқ қизариб-бўзарганча,— ўзим ҳам айтувдим-а, аҳмоқ қилишмаганига ярим йилдан ошди-ёв деб... Майли, қойил, бопладинлар, шунинг учун ҳам икки шиша олиб келганим бўлсин!..

Мирсодиқ ўн беш дақиқа ўтмай, қўлида икки шиша ароқ билан кириб келди. Маросим бир зумда байрамга айланди. Буғи чиқиб турган ошдан олиб, пиёлаларни уриштириб ичишаркан, Қўчқорбек навбатдаги буйруқни эълон қилди:

— Эс-эс сайёраси, буйруқ номер 9999! Валасапет жаноби олийларига жумҳуриятда хизмат кўрсатган хатмшунос унвони берилсин!

— Эҳ, ярамаслар! Ишонмагин дўстинга— сомон тикар пўстинга деб шуни айтишар экан-да, ҳе, даюслар!..

Хатмдан кейин ҳақиқатан ҳам Мирсодиқнинг ишлари яна юришиб кетди. Хотини, кетма-кет туғилган тўрт тала ўғилчиси соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юришибди. Мирсодиқнинг ўзи ҳам анча тўлишиб қолган, муҳими— ҳаётдан жуда мамнун. Қўчқорбекнинг ҳам ишлари зўр-ку, аммо бир нарса ҳеч тинчлик бермаяпти-да. Қўрсияхон унга кетма-кет учта қиз туғиб берди. Ҳозир у тўртинчи фарзандига, «ижодий отпусқа» олган. Қўчқорбек хотинига бармоғи билан таҳдид қилиб, яна қиз туғсангиз болалашда давом этасиз, деб Эс-эс сайёрасининг 99999 сонли буйруғини бериб қўйган. Ҳар гал Мирсодиқни кўрганда жаҳли чиқади, «Тавба, Қўчқорбекнинг болалари нуқул қиз-у, бу қўйнинг болалари ўғил-э», дейди. Шунинг учун бўлса керак, Қўчқорбек айни пайт Мирсодиқни яна бир боглаб тушириш режасини ўйлаб юрибди.

## НАСР

Матлуба АҲМЕДОВА. Райҳон бўлинг, жон энам.	
Ҳикоя	8—28
Шойим БҮТАЕВ. Ҳикоялар	4—5
Абдуқайом ЙҮЛДОШЕВ. Рақиб. Ҳикоя	9—8
Ҳамид МАЛЛАЕВ. Шаффоф одам. Ҳикоя	3—14
Алишер МАҚСУМОВ. Саратон. Ҳикоялар	9—49
Баҳодир МУРОД АЛИ. Кўктўнликлар. Қисса	10—10, 11—10
Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Тўқнашув. Қисса	1—5
Ражаббой ОТА ТУРК. Остона. Қисса.	6—23, 7—25
Тўхтамурод РУСТАМОВ. Пифагор теоремаси. Ҳикоя	5—49
Абдуқайом СИДДИҚ. Шом. Ҳикоя	7—49
ШУКРУЛЛО. Кафансиз кўмилганлар. Хотира-қисса	8—8, 9—14, 10—49
Турсунмурод ЭРМАТОВ. Подачи. Ҳикоя	8—30
Ёқуббек ЯКВАЛХУЖАЕВ. Қайтар дунё.	
Роман	2—7, 3—22, 4—16, 49
Дилмурод ҚУРОНОВ. Хотирадан ўчмас кунлар. Ҳикоя	8—49
Иброҳим ҒАФУРОВ. Ой кусуф бўлган кеча.	
Мансурлар	2—49
Шодиқул ҲАМРОЕВ. Ҳикоялар	7—8
Илҳом ҲАСАНОВ. Полиз қўриқчиси. Ҳикоя	11—2

## НАЗМ

Умида АБДУАЗИМОВА	1—49
Матназар АБДУЛҲАКИМ	9—6
Чори АВАЗ	10—31
Абдумажид АЗИМ	4—64
Усмон АЗИМОВ	1—2
Нодира АҒОҚОВА	3—21
Салим АШУР	7—54
Ҳалима АҲМЕДОВА	7—6
Мақсуд БЕКЖОН	8—26
Болтабой БЕКМАТОВ	4—14
Ҳосият БОБОМУРОДОВА	4—49
Самандар ВОҲИДОВ	7—62
Хуршид ДАВРОН	4—3
Наби ЖАЛОЛИДДИН	3—19
Абдусаттор ЖУМАНАЗАРОВ	7—20
Содиқжон ИНОЯТОВ	7—54
Муслим ЙҮЛДОШЕВ	9—63
Раҳим КАРИМ	8—74
Боқий МИРЗО	5—25
Тўра МИРЗО	9—58
Муҳайё МИРСАЙДОВА	11—52
Инобат НОРМУРОДОВА	6—32
Қўчқор НОРҚОБИЛОВ	2—32
Нодира РАШИДОВА	11—73
Шўхрат РАҲИМ	7—21
Замира РҮЗИЕВА	9—12
Баҳром РҮЗИМУҲАММАД	3—20
Садриддин САЛИМОВ	10—8
Жамол СИРОЖИДДИН	6—56
Шукур СОДИҚ	3—74
Фарид УСМОН	7—21
ФАХРИЕР	8—73
Уктамхон ХОЛДОРОВА	8—32
Машъал ХУШВАҚТ	1—57
Абдулла ШЕР	2—5
Эшқобил ШУКУР	8—6
Момоҳол ЭЛМУРОДОВА	7—20

Туроб ЮСУПОВ	9—13
Аъзам УКТАМ	6—17
Амина ҚОДИРОВА	2—32
Усмон ҚУЧҚОР	11—8
Муҳаммад ҒАФФОР	4—65

### МАҚОЛАНАВИСЛИК

Урозбой АБДУРАҲМОНОВ. Етим қолган қирғоқлар	3—63
Ибн АРАБШОҲ. Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ақоиботлари	9—68, 10—73, 11—67
Баҳодир БОБОЖОНОВ. Ойбек Раҳим. Булинганни	8—3
Абдулазиз ВАЛИЕВ. Адолат сари илк қадам	2—2
Одил ЁҚУБОВ. Диёнати дилга жо айлаб	3—2
Дилшод ИСРОИЛОВ. Соҳиб тадбирли бўлса ёки «Пахтакор» командамиз тақдири ҳақида ўйлар	11—63
Лоқайдлик зинаояларидан. Шифокор Ж. Бекназаров билан суҳбат	10—2
Қилич НУРМУҲАММЕДОВ. Тиббиёт бекатларида	5—56
Ойнамиз ҳақида	6—64
Олим ОТАХОНОВ. Одамлар излаётган Мустафо	2—70, 3—69
Вера ПАНОВА. Юрий ВАХТИН. Муҳаммад пайғамбар ҳаёти	3—76, 4—73
Юрий ПАПОРОВ. Сахро қуёши чароғонми?	5—72
БАРНОБЕК ЭШПҮЛАТОВ. Олий кенгаш: ташвиш ва умидлар	7—2
Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ. «Тазкират-ул авлиё»и туркий	8—75, 11—30
Умаркул ЭГАМОВ. Киссавлар кимнинг эркаси? Мол ўғрилари-чи?	1—67
Раҳмат Эров. Юпитер оддий сайёра эмас	8—68
Мақсуда ЭРҒАШЕВА. Аёллар жисмидир ёнаётган дарахт	1—58
Барнобек ЭШПҮЛАТОВ. Зарафшонни излаб	1—51, 4—68
Ўзбекистон мустақил бўла оладими!	9—2
Собир УНАР. Спорт — ирода демак. Танингиздаги сирли имконият	2—74, 6—78
Абдуллоҳ ЮСУПОВ. Хориждаги ўзбеклар	2—54
Абдувоҳид ҲАЙИТОВ. Маънавиятимиздаги дарзлар	7—63

### ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ. Товушлар ва аъзолар	6—66
Ботирхон АКРАМ. «Дардимга ҳаёлини табиб эт...»	2—59
Фузулий ГУЗАЛОВ. Сувнинг ҳаётбахш сеҳри	1—75
Анвар ЖАББОР. Эркин мулоҳазалар. Ўз даврининг машхур асари	7—65, 11—74
Маматкул ЖУРАЕВ. «Яда тошига қон етгач» ёки ёмғир тоши ҳақида афсона	1—60
Қозоқбой ЙҮЛДОШ. Қашф этиш эҳтиёжи	9—60
Умарали НОРМАТОВ. Фигон	6—50
Аҳмад ОТАБОВ. Жиддий киноя	1—72
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ. Дин ва дунё низоми	7—79
Шукур СОДИҚ. Ибо гулларига ўралган исён	10—40
Умрбек СОТИМОВ. «Лол бўлиб қолди» деб келтирманг имон	2—62
Эмин УСМОН. Умидворлик	10—67
Абдурауф ФИТРАТ. Тилимиз. Епишмаган гажаклар	5—65, 67
Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ. Эрк ва жилов кураши	6—67
Чўлпон. Эътироз	10—66
Маликжон ШАМСИТДИНОВ. Уктамжон НУРМАТОВ. Имломизнинг баъзи масалалари	7—70
Озод ШАРАФИДДИНОВ. Абдурауф Фитрат ҳақида	5—63
Бегали ҚОСИМОВ. Қарвонбоши. Жадидчилик	1—62, 7—71
Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ. Ягона олам: Гўрўғли-Гиркўк-Чамбил	8—62
Иброҳим ҲАҚҚУЛ. «Ҳақиқат йўл тутай десанг»	9—64

### САНЪАТ

Салвадор ДАЛИ. «Илҳомлана билувчи эмас, илҳомлантирувчи санъаткордир»	11—78
Сафия СОБИРОВА. Хоразмнинг «Лазги»си	4—66
Икром Шоабдуллаев. Бадий нур кайфияти	7—68
Ҳамиджон ҲОМИДОВ. Устод Борбад	6—62

### АСЛИЯТДАН ТАРЖИМА

Премчанд. Кришан ЧАНДАР. Ҳикоялар	11—58
Александр СОЛЖЕНИЦИН. Қамоқхоналар Бош Бошқармаси оролчалари	1—20, 3—50, 6—33
Абдукарим ҲОШИМ. Тилсим. Ҳикоя	7—56

### ЖАҲОН АДАБИЕТИ

Жан КОКТО. Инсон овози. Бир кўринишли пьеса	2—67
---	------

### НИГОҲ

Зоҳир АВАЗ. Шеърлар	5—41
Абдуғани АЛИЕВ. Битмас хазина	9—43
Виктор АЛИМАСОВ. Маданият, дин ва «Бир фоиз Микеланжелло»	8—36
Акбар АСРОРОВ. Ҳикматлар аънанаси	8—40
Ҳамроқул АСҚАР	6—8
Муҳаммад АҲМАД. Мақол, воқелик ва тарбия	8—41
Мақсуд БЕКЖОН. Тенгдошларим ҳақида	7—43
Александр БЛОК	2—44
Файзулла БОБОЖОНОВ. Узлигимизни англайлик	1—46
Фарҳод БОБОЖОНОВ	11—41
Аҳмад БОЛИБЕК	4—43
Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ. Номалум Фитрат	4—34
«Бўлинганни» ўқиб	11—48
«Бўхтон ва ҳақиқат» журналхонлар муҳокамасида	4—44
Муҳаммад ВАЛИ. Яна иншо ҳақида	5—42
Хуршид ДАВРОН. Ватан чегараси	1—47
Дарсликлар талабалар нигоҳида	5—33
Дилшода. Шеърлар	6—14
Наргис ДОВУРБОВЕВА	9—38
Дорилфунун қизлари	5—39
Рашид ЗОҲИД. Узидин фоний, ҳақга боқи	11—45
Ёқутхон. Оқ булутга ўралган гуноҳ. Ҳикоя	6—15
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ	9—34
Юсуф ЖУМАЕВ	5—48
«Жонни жонга пайванд этиб»	2—47
Бердиали ИМОМОВ. Қудрат ЖУРАЕВ. Сарбадорлар қисмати	7—47
Ман ИНОУЭ. Тошкентда бир оқшом	1—37
Маҳмуд ЙҮЛДОШЕВ. Ижтимоий ҳолатга руҳий исён	2—43
Ғафур ЙҮЛДОШЕВ. Омон ўзбек. Ҳикоя	9—36
Муножот ЙҮЛЧИЕВА	8—42
Бадриддин КАЛОНОВ. Қувғинда ўн олти йил	7—46
Жамол КАМОЛ. Дунёнинг саволлари	6—10
Абул Ҳасан ал-КИСОИЙ. Оламнинг аввали ва охири ҳам-да пайғамбарлар хусусида. Ислом олами ривоятлари	10—33
Нажмиддин КОМИЛОВ. Енмоқ саодатдир	3—40
Лазги — 90	4—40
Маймун йили	3—46
Жўра МАМАТОВ. Тилимиз истиқболини ўйлаб	2—46
Пахлавон МАҲМУД. Рубойлар	4—46
Ғуллом МИРЗО	8—35
Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА	7—42
Ҳабибулло МУХСИМОВ. Кўргилигим боиси — аёл	7—41
Мучаллар сир	2—38
Шомаҳмуд МУҲАММАДЖОНОВ	2—40
Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Рағбатга эҳтиёж сезилмоқда	4—48
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ. Саодатманд инсон ким?	8—44
Асрор МУМИНОВ	5—47
Наврўзи олам тавсифи	3—35
Абдурашид НУРМУРОДОВ. «Нега яхши бўлдинг, Назар-жон!»	3—44
Шухрат НЕЪМАТ. «Гар тилар бўлсанг мурод...»	
Шеърлар	5—45, 9—38
Оймома ОБИДОВА	5—44
Ҳамид ОЛИМЖОН. Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси	2—37
Сўфи ОЛЛОЕР	11—42
Уллибиди ОТАЕВА. Ривоятлар жо байтлар	7—45
Ибодат РАЖАБОВА	11—38
Рақсга тушар Шаҳнозалар	3—38

Ойбек РАҲИМ. Юрак армонлари	1—45	Амир Хусрав Деҳлавий. Ғазаллар	11—37
Каримбой РАҲМОҶОНОВ	7—38	Адиб Собир Термизий. Ғазаллар	7—69
Гулнора РАҲМОҶОНОВА. Шухратни эслаб	3—42		
Лиза РЕН. Тимсол	1—33		
Тўхтамурод РУСТАМОВ. Саросар авлод	11—36		
Азиз САИД	5—40		
Абдумутал САМАТОВ. «Қодирийнинг сўнги кунлари»ни ўқиб	1—43		
Сандувоч садолари	1—34, 4—42, 7—34		
Баҳодир САРИМСОҚОВ, Шомирза ТУРДИМОВ. Элимизнинг қадимий байрами	3—34		
Абдумўмин САЪДУЛЛАЕВ	11—38		
Шукур СОДИҚ. Хавотир	9—45		
Исроил СУБЖОН	2—35		
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ	9—41		
Ермат ТОЖИЕВ. Шеваларимизни унутмайлик	9—44		
Ирисали ТОШАЛИЕВ. Сўз қўллаш мароми	8—47		
Очил ТОҒАЕВ. Мустақиллик — миллий эркинлик демак	10—42		
Тоғликлар дарди	8—38		
Едгор ТҒИМАТОВ. Муборак ниятлар	11—33		
Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи. Сир тутилган ҳақиқат. Ҳикоя	7—36		
Уйғур шоирлари ижодидан	4—33		
Эргаш УМАРОВ. Эски ўзбек алифбоси	9—43		
Билл ФИЕРМАН. Яшарайтган тафаккур	2—33		
Фарҳод ФУЗАЙЛОВ. Келажакни асрайлик	9—33		
Мирзаумар ҲАЛИЛОВ. Маънавиятимиз — борлигимиз. Гўзалликлар боиси — аёл	1—44, 7—40		
Мирза ХОЛМАТОВ	1—40		
Тўлқин ШОДМОН	5—44		
Шукрулло. Безавол айём	3—33		
Янги йилингиз номини биласизми!	1—36		
Мухаммадҷон ҚОДИРОВ. Уйғунлик зарур	9—32		
Суюн ҚОРАЕВ. Юз дона арпа вази қанча?	1—42		
Танаберди ҚУРБОНОВ. «Дардим битта...»	1—39		
Собир ҲАКИМОВ	9—38		
Шавкат ҲАСАН	11—38		

#### ТАНИШУВ

Эркин АБДУРАҲМОН. Ойнадаги акс. Ҳикоя	5—16
Норқобил ЖАЛИЛ	3—49
Расул ЖУМАЕВ. Йўл. Ҳикоя	6—58
Насиба ЖУМАТОВА	7—7
Мирза Раҳим МАМАЖОН	3—68
Жамолддин МУСЛИМ	5—19
Туроб НИЕЗ	1—50
Мухаммад РАЖАБ. Улус ҳангомалари	6—19
Сирожддин РАУФ	8—61
Хосият РУСТАМОВА	5—18
Исаҷон СУЛТОНОВ. Авазбойлик тантилари. Ҳикоя	5—20
Сарвара ТОЖИБОЕВА	11—32
Ҳасан ва Хусан ТУРСУНОВЛАР. Нигоҳ. Ҳикоя	5—30
Едгор ТҒИМАТОВ. Дудуқ. Ҳикоя	7—22
Исмаи ХУДОЕР	1—19
Лайло ШАРИПОВА	5—12
Рустам ЭРҒАШЕВ. Девордаги сурат. Ҳикоя	5—14
Барнобек ЭШПУЛАТОВ	6—61
Насрулло ҚОБИЛ. Қабристон ҳокими сукунат	7—17
Абдурашид ҚОСИМ	8—67
Абдувоҳид ҲАЙИТОВ	10—39
Фаррух ҲАМИД	5—18
Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ	5—13

#### НЕВАРАКУЛЧА

Абдураҳмон АКБАР	2—66
Қадам Саид МУРОД	6—63
Қамбар УТАЕВ	2—31

#### МУҲАББАТНОМА

Ҳусайн БОЙҚАРО. Ғазаллар	9—35
--------------------------	------

#### НАФИС МАЖЛИСЛАР

Гул Баҳор	3—12
Фарида БУТАЕВА	3—13
Гулсевар РИЗАЕВА	3—12
Гулсара ХУДОЙБЕРГАНОВА	3—13

#### МАЪРИФАТ ЕҒДУЛАРИ

Бобораҳим МАШРАБ. Алифбо	7—33
Алишер НАВОИЙ. Муножот	6—4
Мухаммад Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин	6—70

ТИЛ САНДИҒИ . 1—48, 2—34, 3—48, 4—79, 5—32, 6—7, 57, 7—37, 48, 8—48, 50, 9—57, 10—45, 11—35.	
«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ . 5—46, 6—49, 69, 8—48, 9—48	

#### ЕЛПИҒИЧ

Тўхташ АШУРОВ. Ҳажвиялар	2—79
Маҳмуд БУРОНОВ. Ишонмагин дўстингга... Ҳажвий қисса	9—75, 10—46
Баҳодир Мурад Али. Собиқ мусиқа министри	1—77
Дилшод НУРУЛЛАЕВ. «Эврика» демаган файласуф	5—79

#### ГУЛМИХ

Абдураззоқ ОБРУЕВ. Хўплам-тўплам	9—74
Шукур СОДИҚ. Бўйдоқларга	2—79
Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ. Масаллар	3—79

\* Изоҳ: 12-сон мундарижаси бу ерда кўрсатилмади.

## МУНДАРИЖА



### НАСР

Нортўхта ҚИЛИЧЕВ. Упқон. Драма-тик қисса . . . . .	6
Уқтам ҲАКИМАЛИ. Уч умр. Қисса	49
Маҳмуд БУРОНОВ. «Ишонмагин дўстинга...» Қиссанинг охири	75



### НАЗМ

Йўлдош ЭШБЕК . . . . .	2
Гулнора РАҲМОНОВА . . . . .	5



### МАҚОЛАНАВИСЛИК

Зулфия МУМИНОВА. Сиз шеърга сизгамайсиз. Бадиҳа . . . . .	26
---	----



### НИГОҲ

«Ёшлик» анкетаси . . . . .	33
Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ. Бирлик-ка ундовчи сўз . . . . .	36
Мўътабар ҒУЛОМОВА. Умидларга интиламиз . . . . .	38
Исфандиёр ҲАЙДАРОВ . . . . .	40—41
Ваҳоб РАҲМОН. Навоийшунослар масъулияти . . . . .	42
Ибн АРАБШОҲ. Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари . . . . .	45



### САНДУВОЧ САДОЛАРИ

Йиғи-йўқловлар . . . . .	31
--------------------------	----



### «Ёшлик» ПОЧТАСИ

Хатлар . . . . .	73
Йиллик мундарижа . . . . .	77

Муқованинг 1—4 саҳифаларини рассом Р. Зуфаров ишлаган.



# ЁШЛИК

[«Молодость»]  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал  
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табоқдан ортиқ  
роман ва 8 босма табоқдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди.  
Бир босма табоққача бўлган асарлар  
муаллифларга қайтарилмайди. Редакция ўз  
тавсиясига кўра амалга оширилган таржима  
асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 23.10.90 й. да туширилди.  
Босишга 23.11.90 й. да рухсат берилди.  
Офсет босма. 1-офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108 1/16.  
Қоғоз ҳажми 5,25. босма табоқ  
Шартли босма табоқ — 8,82.  
Наشريёт ҳисоб  
босма табоғи — 12,6. Шартли бўёқли  
босмада нашр ҳажми 11,76.  
274142 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 4180.  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени  
босмаҳонаси.

«Ёшлик» № 12. 1990.